

ҒАФУР ҒУЛОМ
номидаги
Адабиёт ва санъат
нашриёти
Тошкент
1972

Мақсуд
МШайхзода

АСАРЛАР

ОЛТИ ТОМЛИК

ТЎРТИНЧИ ТОМ

**ҒАЗАЛ
МУЛКИНИНГ
СУЛТОНИ**

(Алишер Навоий
ҳақидаги
тадқиқот ва
мақолалар
мажмуаси)

РЕДКОЛЛЕГИЯ

*К. Яшин, Миртемир, Туроб Тўла,
Озод Шарафиддинов, Н. Маллаев*

Нашрга тайёрловчи
Н. Маллаев

КЛАССИК АДАБИЕТИМИЗНИНГ УЛУҒ СИЙМОСИ

Буюк ўзбек шоири Амир Низомиддин Алишер Навоий ўз даврининг ажойиб бир фигураси эди. Адиб, олим, тарихчи, танқидчи, тилчи, адабиёт назариётчиси, сиёсий арбоб, хаттот (ҳуснихат), музикашунос бўлган Мир Алишер порлоқ бир сиймо ва чуқур одамгарчилик хислатларига эга бўлган шахс эди. Ўша замонда илм ва фаннинг юксакликларини эгаллаган доҳиёна қалам эгаси бўлган, чарчамас, меҳнатсевар бўлган бу кишининг ёзиб қолдирган асарлари жаҳон маданияти хазинасида энг шарафли ўринлардан бирини олишга сазовор бўлди. Навоий асарларининг ўзи яхшигина бир кутубхона ташкил қилади.

Улуғ классик Навоий ўзининг «Хамса»си («Ҳайратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий») билан ўзбек тилида катта эпик асарларнинг яратилиши мумкин эканлигини исботлади. Ўзининг бу муддаосини Навоий ижодий йўл билан «Хамса» ва ҳамда бадий асарлари орқали исбот қилиб берган бўлса, ўзбек тилининг бойлигини ва форсчадан қолишмаслиги, баъзи бир жиҳатлардан ҳатто устунлигини илмий-назарий йўл билан ҳам исботламоқчи бўлиб, «Муҳокаматул-луғатайн» номли машҳур лингвистик асарини майдонга келтирди.

Навоий ҳақиқатан ҳам ўзбек адабий тилининг ва ўзбек адабиётининг мустаҳкам пойдеворини қўйган, доҳий-адиб хусусиятларини ўзида жамлаб олган бир сиймо эди. Форс-

тожик классик адабиётида бир гуруҳ улуғ шоирлар бажариб кетган вазифани тарих деярли якка Навоий зиммасига юклади. У бу юкни шараф билан кўтариб, манзилгача етказган мутафаккир ва титан (паҳлавон) эди...

* * *

Навоийнинг олижаноб юраги қизгин муҳаббатга тўлган эди. Халққа, меҳнаткашларга, олимларга, деҳқонларга («Маҳбубул қулуб»да) бўлган ҳурмат ва муҳаббат уни буюк гуманист даражасига кўтарди. Феодаллар ўртасидаги қиргин урушларга принципиал равишда қарши турган Навоий бу даҳшатларнинг халққа қанчалик қиммат тушганини кўра ва урушларни шундай қоралар эди:

Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур,
Ки, андин жаҳон аҳли вайрон эрур.

Навоийнинг фикрича, мамлакатни хароб, халқни хонавайрон қилувчи урушларни келтириб чиқарадиган подшолардан кўра бир-бирига аҳил, иноқ дарвешлар яхшидир:

Рафиқ икки дарвеш беиштибоҳ,
Эрур яхшироқним адув икки шоҳ.

Бу мисраларда гармоник, оҳангдор кишилиқ жамияти ҳақида чуқур ҳаёллар бор. Шуниси характерлики, Навоийнинг Искандарномасида Искандар Румий Македония подшоҳи Фаляқус (Филип)нинг ўғли бўлмасдан, балки харобазордан топилган бир етим бўлиб, кейинча шоҳ саройида асранди сифатида тарбияланган киши сифатида берилади. Бу ривоят билан Навоий улуғ, талантли, доно саркарда бўлиш учун шаҳзода ёки аслзода бўлиш асло шарт эмаслигини кўрсатмоқчи бўлган. XV асрда, яъни Навоий яшган даврда жамиятдаги юқори тонфа ҳам табақаларнинг илоҳийлиги тўғрисида хурофотлар ҳукм сурган бир чоғда

шундай демократик бир фикрни илгари суриш катта фази-лат эди, албатта.

Умуман шоҳларни ва хусусан ўз замондоши бўлган Ҳусайн Бойқарони адолат ҳам инсофга ундови, унинг саройидаги фикс-фужур ҳам айш-ишратларни танқид қулуви Навоийнинг гуманизми, халқни самимият билан севишининг ифодаси эди.

Ислом шароитининг ва эски ваҳший одатларнинг кишанларида эзилиб, киши қаторига саналмаган, «заифа» лақаби билан хўрланган хотин-қизларни эъозлади, шарафлади. Унинг ижобий хотин-қиз образлари сира сўнмас симпатия ва ҳуснга, юксак ахлоқий хислатларга тўлганлар. Навоий хотин-қизларнинг ишқ ва садоқатда, кураш ҳам изчилликда, ақл ва фаросатда ва ҳатто давлат — сиёсий ишларида (Шириннинг аммаси) эркаклардан сира қолишмаслигини таъриф-тавсиф этди. Бу Навоий даврида катта журъат ва юксак олий ният эди.

Мир Алишер ўз юртини, халқини, унинг тарихини қатиқ севар, ўзининг сиёсий-ижтимоий, ижодий-адабий ишларини халқ ва юрт тараққиётига хизмат қилишга бағишлади.

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранж гурбат ҳавас айлама,—

деб, олижаноб ватанпарварликни ташвиқ қилган Навоий тор миллий қобиққа ўралиб қолмади. У ғоя ва мақсад йўлида гурбат керак бўлса, шунга ҳам боришликни маъқул деб ҳисоблаб:

Агар шарқу ғарб бўлса манзил сенга,
Не ғам, агар ком бўлса ҳосил сенга,—

деб ёзар экан, бу икки мисолда ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ. Чунки Навоийча ватанни севиш бошқа халқлардан ва юртлардан нафрат қилиш эмас.

Навойнинг халқлар дўстлигини куйлаганини шундан англаш мумкинки, македониялик Искандар эрон қизини яхши кўради, хитойлик бир дилбар Искандарнинг маъшукаси бўлади, Чин шаҳзодаси Фарҳод билан арман маликаси Ширин севишадилар. (Умуман Навойнинг географик тушунча доираси жуда кенг бўлган. Фақат «Садди Искандарий» достонининг бир ўзидагина элликдан ортиқ мамлакатлар номи айтилиб ўтилади. Булар ўртасида черкаслар мамлакати (Шимолий Кавказда), Гуржистон, Рай (Эронда), Қорабоғ (Озарбайжонда) сингари кичик мамлакат ва вилоятлар ҳам учрайди).

Навойнинг лирикасига келганимизда, улар «Хазойинул маоний» («Чаҳор девон»)га (умрининг болалик, ёшлик, ўрта ёшлик ва қариллик давридаги шеърларини ўз ичига олган тўрт девон) тўплангандир. Бу девонларни ташкил қилган ғазаллар ва рубойлар жаҳон поэзиясининг энг порлоқ дурдоналаридан ҳисобланишга лойиқ. Араб ва форс тилларини мукамал билган ва форс тилида «Фоний» тахаллуси билан ғазаллар ёзган Навоий ўша адабиётларнинг зўр тажрибасидан баҳраманд бўлди. Фолькорни ва ўзидан илгариги ёзув адабиётларини билиши унинг қаламига яна ҳам ўткир маҳорат қўшиб берди. Бу ғазаллар ва рубойлар мислсиз чуқур истиораларга ва мураккаб ташбиҳларга (ўхшатишларга) тўладир:

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдим санго...

Мен қачон дедим: «Вафо қилғил, манга», зулм айладиғ,
Сен қачон дединг: «Фидо бўлғил манго», бўлдим санго.

Классик равонликка эга бўлган бу рубобий лирик парчаларда кўрилган гўзал соддалик билан бир қаторда Навойнинг лирикасида образлилик, ҳикматли таъбирлар ва ранг-баранг бадий приёмлар (юқоридagi мисралардаги

вафо ва жафо ўртасидаги антитеза приёми сингари) яққол кўринади. Лекин Навоийнинг лиризми фақат ғазаллари ва рубойлари билан чекланмасдан унинг эпик дostonларига ҳам хосдир. У лирик қайтмалар (чекинишлар) орқали ўз қаҳрамонларига бўлган муносабатини, ўзининг фикр ва ҳиссиётини ифодалашга жуда уста бўлган. Бу лирик ўринларда ҳаёт ва меҳнатни севиш, ишқ ва оптимизм ҳарорати кучлидир. У «Хамса»да:

Олам ичра дам урмагил, эй кўнгил,
Не ғам етса қайгурмагил, эй кўнгил,—

дейди.

Навоийнинг адабий фаолияти бадий асарлар яратиш билан кифояланмасдан адабиёт назарияси ва танқид соҳасини ҳам қамраб олади. Ўзининг «Мезонул авзон»ида ўзбек шеърятининг поэтикасини, фольклор материални, шеър технологиясини қанча мукамал билганини исботлаган Навоий, ўз давридаги шоирлар ҳақида танқидий, хотиравий обзор сифатида энг гўзал асарлардан бири бўлган «Мажолисун нафоис» китобини ёзди. Бу китобда у кўп шоирларнинг турмушига оид материаллар беради, ўзининг улар билан алоқасини тасвирлайди. Уларнинг асарларидан мисоллар келтиради ва уларга адабий баҳо беради. Хўжа Масъуд Қумий ҳақида ёзган парчасида унинг шеърлари ҳақида шундай дейди: «...Маснавийси пухта ва ғазаллари равон эрди. Кўп раигли абъёт¹ ҳам шеърларида бордур. Султон Соҳибқирон тарихин анга буюрулди. Ун икки минг байтга яқин айтибдир. «Юсуф ва Зулайхо», «Шамс ва Қамар», «Тиг ва Қалам» мунозарасига назм ҳам қилибдур».

Бу мисолдан Навоийнинг қанчалик ҳассос танқидчи ва эстетика олими бўлгани кўринади.

¹ Абъёт — байтлар.

Навойй қаҳрамонларининг энг яхши хислатлари тор синфий чегарадан ошиб ўтиб, умум одамият савиясигача кўтарилади. Қаҳрамонлик, вафо, ишқ, дўстлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илм, ижод, ихтирога бўлган ҳавас, меҳнатсеварлик ва бошқалар Навоййни бизнинг улуғ замонамизга оҳангдош қилиб берувчи хусусиятлардир.

...Совет халқида қаҳрамонлик, ватанпарварлик, дўстлик, илм ва фанга интилиш сингари хусусиятларни тарбиялар эканмиз, Навоййнинг асарлари бизга катта хизмат кўрсата олур. Навоййнинг ишлаш услуби, меҳнатни уюштира билиши, тарих олдида, халқ олдида ва ўз виждони олдида масъулият сезиши, асарларининг чуқур гоёвийлиги, ҳар бир мисра устида заргар сингари пухта ишлаши ва бошқалар ёш совет ёзувчилари учун ўрнак бўла олур.

Буржуа миллатчиларининг ва қалбаки олимларнинг Навоййни ўзбек халқидан ажратишга, унинг сиймосини бузишга интилишлари бефойда, улуғ ўзбек шоирини унинг халқидан айриб бўлмайди. Навойй ғазалларининг беш асрдан бери унутилмай халқ оғзида куйланиб келиши энг буюк танқидчи бўлган халқнинг ўз адабига берган юксак баҳоси эмасми?

Навойй ижоди шу қадар кенг ва мураккабдирки, уни ўрганиш, ёритиш таҳлил қилиш кўп кишиларнинг ҳамкорлигини ва бирмунча вақтини талаб қилади. Шубҳасиз, яқин замонда Навойй тўғрисида берилажак бирмунча илмий текшириш асарлари янги бир илмнинг — Навоййшуносликнинг пойдеворини қўяжак.

Озод ўзбек халқи ўзининг улуғ классик шоирини тегишинча ҳурматлашни билади. Навоййнинг хизматлари жуда улуғ. Бу тараққийпарвар одам улуғ классик адабиётимизнинг шон-шарафидир. Ўзи ҳам қилган ишларининг қанчалик масъулиятли ва тарихий эканини билар эди. «Хамса»ни битиришнинг аҳамиятини уқдириб шундай ёзар эди:

Ярим йўлда қолмоқ эрур мушкул иш,
Менга тушган иш ўзгага тушмамиш.

Ана шу улуғ ишни тугатиб тарихларга — замонларга мерос қилиб қолдирган Навоий шунинг учун улуғ, шунинг учун буюк ҳурматга лойиқдир.

«Ўқитувчилар газетаси»,
1938 й., 17 сентябрь.

ИЛМУ МАЪРИФАТНИНГ ЖУШҚИН КУЙЧИСИ

Алишер Навоий ўз замонасининг энг маърифатли кишиси бўлиб, ўша даврда маълум бўлган ҳамма илм ва фанлардан хабардор эди. Хурофотга қарши ақлни, билимни, муҳокаманинг қудратини қўйган Навоий шу билан бирга илму маърифатнинг чарчамас ташвиқотчиси эди. Гарчи Навоийнинг асарларида «Чор девон»да бўлсин, «Хамса»да бўлсин, биз ўша замоннинг фалсафий-диний оқими бўлган сўфизм (мистика)нинг маълум даражада таъсирини кўрсак ҳам, бу таъсирни ўша даврнинг тарихий шароитига боғлаб изоҳлаш керак.

Фридрих Энгельс, ўрта асрларда феодализмга қарши кўтарилган революцион норозилик замоннинг шароитига яраша гоҳо мистика шаклида, гоҳо очиқ бидъат шаклида, гоҳо қуроли қўзғолон шаклида майдонга чиққанини таъкидлайди. Энгельснинг бу фикрдан кўриладики, норозилик кайфиятлари ўрта асрларда турли шаклларда, шу жумладан мистика шаклида майдонга чиқиши мумкин эди.

Шарқдаги мусулмон мамлакатларида исломиятнинг биринчи асрларидан эътиборан пайдо бўлган тасаввуф (сўфийлик—сўфийзм) тариқат ва мактаблар яратган эди. Булардан бир хили очиқдан-очиқ реакцион моҳиятда бўлиб, тарки дунёчиликни ваъз қилиб турсалар, бошқа бир хиллари сўфийлик йўлларида фойдаланиб, расмий динни ва руҳонийларни танқид этар эдилар. Навоийда кўрилган

сўфийзм таъсири мана шу иккинчи хилдаги оқимга киради. Навоий ҳаётни зўр муҳаббат билан севади. Албатта:

Хуштурур боғи коннот гули,
Ҳаммадан яхшироқ, ҳаёт гули,

деб яшамоққа ўлмас мадҳиялар тўқиган шоир сўфийлик тарғибининг шоири эмас эди...

Навоий ақл ва илмнинг галабасига ишонади ва фан ҳам маърифатни куйлайди. Арастуниг (Аристотелнинг) фалсафасидан хабардор бўлган Навоий ҳам унга ўхшаб инкор қилиниши мумкин бўлмаган нарсани ҳақиқат деб билди. Бу жиҳатдан у рационалистларни эслатади. Ақл ва фикрнинг кучига ишонч гарчи Навоийда идеалистик базада турса ҳам ўрта асрларнинг диний хурофоти ҳукм суриб турган бир даврда улуғ тараққийпарвар моҳиятга эга эди. Илм ва олимлар тўғрисидаги тушунчаларини Навоий икки шаклда ифодалаган: 1-насиҳат, 2-бадий образлар.

«Хамса»нинг биринчи достони бўлган «Ҳайратул-аб-рор»нинг хотимасида шоир Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Ғариб Мирзага мурожаат қилиб, олимларни ҳурмат қилиш кераклигини уқдириб ўтади:

Биравқи қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.

Олимни пайғамбарга ўхшатиш Навоий даврида катта журъат эди. Бундан сўнгра шоир Ғариб Мирзага биргина илм эмас, ҳар хил ва барча илмларни ўрганишни тавсия этади:

Вале илм ичра бўлмай бирга қоний,
Боридин баҳравар ўлсанг не моний!

Қандай илмларни ўрганиш керак? У ёш шахзодага фалсафий-диний илмлардан ҳам маълумот олишни, лекин шу-

лар билан сира кифояланмасликни маслаҳат беради. У тиббиёт (медицина) илмининг киши саломатлиги учун аҳамиятини уқдиради:

...Ва лекин тиббу ҳикмат эрур хуб —
Ки, сиҳатдир киши жисмида матлуб.

Бундан кейин тарих илмини ўрганишни тавсия этади, чунки шу билан мамлакатнинг обод бўлиши йўлида ўтмиш хатоларининг такрорланишига йўл қўйилмасин дейди:

Агар тарих сари айлаунг майл,
Муни билгилки, не иш қилди ҳар хайл,
Не ишдан мамлакат обод бўлди,
Қаю ишдин улус барбод бўлди.

Бу фикрларда илмининг кишига (сиҳат), жамиятга (мамлакат ободлиги) хизмат қилишлиги кераклигини талаб қилаётган Навоий, албатта, схоластик сафсатавий «илм»ларни рад қилиши табиий эди. Бу жиҳатдан олганимизда ўша замоннинг интеллигенция вакилларига «Маҳбубул қулуб»да қўйган талаблари ва берган баҳолари кўп қизиқарлидир:

а) Мударрислар ҳақида — «мударриснинг керакки ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илми айтурға муртакаб бўлмаса»;

б) Табиблар ҳақида «Табибға ўз фанида ҳазоқат керак ва беморлар ҳолига шафқат... ва лекин омий табибким, эрур, шогирди жаллод, ул тиғ била, бу заҳр била қилғувчи бедод»;

в) Котиблар ҳақида «Ямон котиб манзили қаламдонидек чоҳ аро бўлсун, қаламидек боши яра ва юзи қаро бўлсун».

Юқоридаги 3 категория интеллигенцияга Навоий қан-

дай баҳо беради ва улардан нимани талаб қилади? Унингча мударрислар, яъни ўша замоннинг олий мактаблари бўлган мадрасаларда дарс берувчилар амал ва лавозимга қизиқмасликлари, ўқитадиган фанини мукамал билмоқлари ва билмаган илмдан ўқитиб шарманда бўлмасликлари керак. Табиблар ўз фанида моҳир мутахассис бўлишлари, касалларга шафқат билан қарашлари керак. Лекин нодон табиблардан ҳазар қилиш лозим, чунки улар кишини ўлдиришда жаллодларга шогирддирлар. Жаллод қилич билан ўлдирса, улар дори ўрнига заҳар билан зулм қиладилар. Котибларга келганимизда, шоир буларнинг нодон ва ёмонликларидан нолийди. Шоир бу ерда жуда чиройлик бир ўхшатиш ишлатиб, ёмон котибларнинг манзиллари ўз қаламдонлари сингари қудуқ бўлсин, бошлари қаламларининг учидек яра ва юзлари ёзаётган сиеҳлари сингари қора бўлсин дейди. Қизиғи шуки, шу фаслда Навоий араб алифбесининг нуқталаридан нолиб, бир нуқтанинг жойи ўзгариши билан муҳаббат сўзининг меҳнатга айланганидан хафа бўлади.

Лекин, ўз замонасининг интеллигенциясидан сўзлаганида Навоий муаллимларга жуда юксак баҳо беради:

«Ҳар тақдир била атфолга кўпдир, агар подшоҳлиққа етса ва анга қуллиқ қилса хўпдур. Шогирд агар шайхулислом, агар қозидур, агар устод андин розидур, тангри розидур».

Бу ерда Навоий шогирднинг қайси мансабга етмасин, доимо ўз муаллимига ҳурмат қилиб туриши кераклигини ўқдириб ўтади. Шу фаслнинг охирида Навоий шундай ҳикматли байт келтиради:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо анинг ҳақия юз ганж ила.

Бу ерда шоир, кимки сенга меҳнат билан бир ҳарф ўргатган бўлса, унинг ҳақини юз хазина бериб ҳам адо қилолмайсан дейди.

Навойнинг кўп ҳикматли мисра ва байтлари, кўп ифода ва таъбирлари илм ўрганишнинг фойдасини ташвиқлайди.

У илм ўрганиш йўлида ҳар қандай уят ва хижолатни йиғиштириб қўйиш керак дейди:

Билмаганини сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Ехуд:

Оз-оз ўрганиб, доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур.

Ўзининг илм ва маорифга бўлган шу талабини Навоий «Хамса»нинг бадий образларида яққол гавдалантирган. Ҳақиқатан ҳам Мажнун, Фарҳод, Шопур, Искандар, Қоран, Моний, Зайд, Лайли, Меҳинбону, Ширин ва бошқалар шоир, олим, инженер, рассом, саркарда, меъмор (архитектор), заргар, олима, орифа кишилар сифатида кўзингиз олдида жонланадилар.

Навойнинг илм ва маърифатга бўлган муҳаббати унинг ижобий образларидаги илму ҳунарда акс этади. Бу жиҳатдан Фарҳоднинг олимлик савияси шоёни диққатдир. Унинг устози бўлган киши ўз замонасининг мукамал олими бўлгани учун бу таажжуб эмас. Фарҳоднинг устози шундай энциклопедистки:

Қаю илмеки йўқ андин ниҳонроқ,
Анинг қошида йўқ андин аёнроқ.

Бу киши шундай мукамал файласуф эдики, Юноннинг машҳур файласуфи Арасту (Аристотель) унга нисбатан шогирд ўрнида қолиши мумкин эди.

Лекин, Фарҳод фақат бир илмнинггина тор мутахассиси бўлмай, ўз замонасидаги ҳамма илмларни эгаллашга муваффақ бўлган эди:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм.
Билиб, таҳқиқини касб этмаган илм.

Шунча илму ҳунар Навоий қаҳрамонларига нима учун керак? Албатта, шахсий лаззатланиш учун эмас, балки жамиятга хизмат қилиш учун керак. Буни Фарҳоднинг Арман тоғида машаққат чекиб ишлаётган ишчиларни кўриб,

Ҳунарни асрабон неткумдир охир?
Олиб тупроққаи кеткумдир охир?—

деб уларга бош бўлгани, мўъжизалар кўрсатгани ҳам тасдиқлайди.

Мана шу илм натижасида Фарҳод юзлаб хорабур (тош кесувчи) усталарнинг икки йил мобайнида қилолмаган ишини икки кунда бажариб беради, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган йўллардан сув чиқаради. Бу ерда Навоийнинг гениал фантазияси асрларни ўтиб, замонамизнинг озоқ меҳнати ва юксак илму техникаси билан қовушади.

«Хамса»даги иккинчи улуғ образ — Мажнунга ўтсак, бу ҳам илму фазилатнинг, ижод ва талантнинг порлоқ тимсолидир. У буюк шоирдир, у фозил ва олим кишидир. Достоннинг муҳим персонажларидан биттаси бўлган Новфал унинг тўғрисида шундай дейди:

Хайлинг аро касби илм қилимиш,
Оламда на илм борча билмиш.

(Новфалнинг Лайли отасига ёзган хатидан).

Илмнинг қудрат ва имкониятларига тўла ишонч айниқса «Садди Искандарий» достонида яққол кўринади. Искандар Кашмир юртига сафар қилганида Кашмир шоҳи Маллу уни жодугарлик билан тўхтатмоқчи бўлади. Бироқ Искандар олимларнинг, файласуфларнинг ёрдами билан шу жодуни очади. Чунки Навоийча ҳаким ва олим олдида жоду ва сеҳргарлик ҳеч қандай роль ўйнай олмайди.

Искандар илм ва маърифатнинг чинакам ошиқидай тасвирланади. Хитойни олгандан кейин у:

Гаҳи дониш аҳли била ўлтуруб,
Кутуб онда ҳар илмдин келтуруб,
Қаю баҳским, диққатига етиб,
Неким бўлса мажҳул, маълум этиб.

Шундай қилиб, Навоий буюк маҳорат билан илм ва маърифатнинг зўр қудратини куйлаб беради. Урта асрларнинг қоронғи кечасида нур ва ёруғликни соғинади, ўз ўқувчиларида бу нурга муҳаббат уйғотади.

Навоий шоҳлардан олим ва файласуфларни ҳурмат қилишни талаб қилиб, давлат ишларида уларнинг қатнашуви кераклигини айниқса «Садди Искандарий» достонида яққол исботлайди.

Шу жиҳатдан Навоийнинг Улуғбекка берган улуғ баҳоси ҳам характерлидир. У темурийлар қаторидан фақат Улуғбекни мақтаб, унинг олимлигини таърифлайди...

Навоий ўзининг устозларидан бири бўлган Арасту сингари фан ва маърифатни тоза, соф ва оташин муҳаббат билан севар эди.

Илм ва маорифни мислсиз босқичларга кўтарган социализм мамлакатида Навоийнинг шу таъбири ҳар бир граждандан учун қўлланма эмасми?

Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ,

Жаҳондин нотаом ўтмак байниқ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Бошқа фазилатлари билан бир қаторда, шу илмпарвар-
лиги, илм ва камолни куйлагани учун Алишер Навоий
бизнинг учун қадрдон, азиз ва унутилмасдир.

«Уқитувчилар газетаси»,
ноябрь, 1940 й.

БОБИР ВА НАВОИЙ

Асрларнинг қўйнида бу икки буюк сиймо бир-бирига қўл беришиб, адабий чўққиларни ошиб қадамлатаётган икки гениал йўлчидир. Албатта Навоий Бобирсиз Навоий бўлиб қолди, лекин Бобирни Навоийсиз тасаввур қилиш қийин. Шунга қарамасдан бу икки улуғ шоир назаримизда (биттаси кекса, биттаси ёш бўлса ҳам) кенг йўлда кетиб бораётган ҳамроҳлардай гавдаланадилар. Бобир болаликда тарбияланган муҳит, адабий мароқ ва завқлардан холи эмас эди. Ўзининг хотираларида Бобир отасига (Умаршайх Мирзога) баҳо берганида унинг Фирдавсий «Шоҳнома»сини, Мавлавий Румий (Жалолиддин Румий) «Маснавий»сини ва Навоий «Хамса»сини доим ўқиб турганини эслайди. Албатта, оила муҳитида Навоийга бўлган бу қизиқиш кичик боланинг миясида катта ва баракали таъсир қолдирган эди. Кейинчалик Бобир ҳукмдор бўлиб, Шайбонихон билан қилган урушларида кўп дар-бадар кунлар кечирган бўлса ҳам, қилич билан бирга қаламни ҳам ўзи билан бирга олиб юрди. Адабий ижоддан сира тўхтамади. Бобир 19 яшарида Самарқандни иккинчи марта олганида у билан Навоий ўргасида хат ёзишув бўлганди: «Ул тарихда мен ўн тўққиз ёшда эрдим... Бу иккинчи навбат Самарқанд олганимда Алишербек тирик эрди. Бир навбат менга китобати¹ ҳам келиб эрди. Мен ҳам бир ки-

¹ Китобат — мактуб.

тобат юбориб эрдим, орқасида туркий байт битиб» («Бобирнома», Қозон босмаси, 16-бет). Шундан кўриладики, Навоий ўз умрининг сўнгги йилида ғойибона равишда Бобирни эшитиб, унга қизиқади ва мактуб билан алоқа боғлаш ташаббусини ўзи бошлайди. Ун тўққиз яшар фаргоналик ёш шоирнинг кўтарилаётган юлдузини узоқ Хиротдан кўра олган Навоий ҳамма гениал шоирларга ўхшаб бир ажойиб хусусиятга эга эди, у ҳам бўлса ҳақиқий талантни топа ва кўра билишдир. Бобир билан Навоий ўртасидаги мактуботларнинг мазмуни, бахтга қарши бизга маълум эмас. Бобирнинг Навоийга юборган туркча байтининг қайси байт эканини ҳам айтиш қийин. Шуниси ҳам борки, ўз даврининг катта-кичик ҳамма шоирлари тўғрисида ўзининг машҳур «Мажолис-ун-нафоис»ида маълумот берган Навоий Э. Бобир ҳақида бир сатр ҳам ёзмаган. Биринчи қарашда ғалати кўринган бу нарсада ажабланарлик бир нарса йўқ. «Мажолис-ун-нафоис» 1490 йилда, яъни Бобир етти яшар бола эканида ёзилган. Бобирни эса Навоий шоир сифатида, фақат 1501 йилда, яъни Бобир ўн тўққиз ёшга кирган чоқларда эшитиши мумкин эди. Ҳар ҳолда Навоийнинг Бобирга ёзган хати ва Бобирнинг жавоб ёзиши бу буюк икки киши ўртасида кеч бўлса ҳам дўстликнинг бошланганини кўрсатади. Ғолибо, Бобир билан Навоий ўртасидаги алоқа шу билан тамом бўлади. Чунки Бобирнинг ўз айтишича, Навоийдан «жавоб келгунча тафарруқа ва ғавго бўлди». Маълумки, Шайбонихоннинг ҳужумидан кўп ўтмай Алишер вафот бўлди.

Бобир, Алишер Навоий мактабининг улуғ давомчисидир. Бинобарин, у Навоийни доимо ўзига устоз деб билган. Ҳақиқатан Навоийнинг бизнинг адабиётимизга қилган хизматини ҳеч ким Бобирча ҳикматли ва чуқур баҳолаган эмас: «Алишербек назирини йўқ киши эрди, туркий тил била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва хуб айтқон эмас». Шу баҳода Навоий ижодиётининг сон ва сифат томонларига юксак баҳо берилади. Бундан

ташқари Бобир кўп жойларда Навоийнинг олижаноб шахсиятига оид қимматли хотиралар беради.

Бобир, поэзиямизда Навоийнинг эпик эмас, лирик йўлини давом эттирди. Навоийнинг олижаноб идеяларини, дўстлик, ватанпарварлик, эркин фикрлик, ҳаётчанлик ва бошқаларни янги ва содда лирикаси билан давом эттирди. У узоқ Ҳиндистонда ҳатто императорлик тожини бошига қўйган чоқларда ҳам ватанни соғиниб Навоийдан илҳомланди. Айрим рубойларида Навоийнинг таъсири Бобирга шунча зўр бўлганки, буларни ажратиш қийин бўлиб қолади. Масалан:

Навоий:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

Бобир:

Ед этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнглини меҳнатда киши,
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатда севинмес эмиш, албатта, киши.

Бу икки парчанинг ҳар бири оригинал бўлишига қарамасдан, биринчининг иккинчига таъсири ҳам шубҳасиздир. Шундай қилиб Бобир ўзининг рубойи ва ғазалдаги ижодий маҳоратини кўтаришда Навоийдан ўрганиб, лирика-мизни яна ҳам олға сурди.

«Қизил Ўзбекистон»,
1940 й., 26 декабрь.

НАВОИЙ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР МОТИВЛАРИ

«Хар бир халқнинг поэзияси ундаги онгнинг бевосита ифодасидир, шу сабабли поэзия халқ ҳаёти билан зич боғланган» (Белинский.)

Гениал шоиримизнинг сўнмас ижодиёти шарқ адабиётининг ёзув манбалари билан бирга халқ ижодининг ҳам битмас-туганмас хазиналаридан кўп инжулар олди. Асосан бу икки база Навоий ижодининг баланд иморати учун маҳкам пойдевор ролини ўйнади.

Навоий «Хамса»сига кирган дostonларнинг сюжетлари Яқин Шарқнинг ёзув поэзиясига кирмасдан олдин турли халқларнинг фольклорида юритилган чиройлик эртак, афсона, ривоятлардан иборат эдилар.

Ўзи марвлиқ бўлиб, Бағдодда яшаган Ибн-Қутайб (IX аср)нинг «Китобуш-шеър ваш шуаро» (шеър ва шоирлар ҳақида китоб) ҳам Абужаъфар Али Ал Исфаҳоний (X аср)нинг «Китоб-ул-оғоний» (қўшиқлар китоби)да берилган маълумотга қараб, Мажнун образининг ёзув адабиётида тўғридан-тўғри яратилмаганини ўйлаш мумкин. Агар биз худди IX—X асрларда Ўрта Осиё билан арабислом дунёси ўртасидаги сиёсий, маданий, иқтисодий муносабатларнинг қанчалик зич бўлганлигини эсласак, шундай чиройли бир эртак сюжетининг юқоридагидай алоқалар орқали Ўрта Осиёга ҳам кўчиб келганлиги аҳтимолдан узоқ эмас.

Хисрав-Фарҳод-Ширин сюжети бўлса ўзининг яратилган муҳити жиҳатидан Эрон ва Ўрта Осиёга кўпроқ яқин эди. Сосонийлардан 22-ҳукмдор бўлган Хисрав Парвез (VI—VII асрлар) ҳақидаги афсоналар эса ҳеч шубҳасиз ёзув адабиётига кирмасдан анча илгари Эрон ва узоқ вақт у билан бир системага кирган Ўрта Осиё халқлари ўртасига тарқалган эди. Хисравнинг ишқий можаросини энг биринчи ўлароқ ёзув адабиётида ишлаган Фирдавсий «Шоҳнома»нинг IV жилдида «Достони Хисрав Парвез ва Ширин» фаслини шундай бошлайди:

Кнун достони кўҳан нав кунам,
Суханҳойи Ширину Хисрав кунам.

(энди эски достонни янгилайман, Ширин ва Хисрав сўзларини сўзлайман).

Фирдавсийнинг иқроридан кўринадики, бу сюжет ундан кўп илгари халқ ўртасида яшаган. Худди шунга ўхшаб, Баҳром Гўр ҳақидаги эртақлар ҳам Ўрта Осиё билан зич боғланган бўлиб, бу халқларга номаълум бўлиши мумкин эмас эди. Искандарга келганимизда, бу жаҳонгирнинг Ўрта Осиёга келганлиги тарихан исботланган бир факт бўлгани учун бундай улуғ воқеанинг халқлар зеҳнига қаттиқ таъсир қилиши табиий эди.

Ҳозир ҳам Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбеклар ўртасида Искандар ҳақида яшамоқда бўлган эртақ ва латифалар юқоридаги фикримизнинг исботи бўла олади.

Чуқур ва узоқ вақт текширилиши керак бўлган шу проблемаларнинг қўйилишининг ўзи ҳам Навоий ижодининг фольклор манбаларини аниқлаш учун қанчалик қизик ва кенг имкониятлар борлигини кўрсатади.

Навоий дostonларининг ўзида ҳам, унинг дostonларидаги сюжет ҳам фақат китоблардан олинмай, бошқа манбалар билан боғланганлиги тўғрисида бир неча характерли ишоратлар бор, шонр «Фарҳод ва Ширин» сюжетини халқда яратилганига тўхтаб, шундай дейди:

...Ки эл Парвездин мағбун эдилар,
Дағи онинг учун мафтун эдилар.
Деб ул маънида таъбъ аҳли газал кўп,
Муганнийлар ясаб савту амал кўп.
Чекиб дард аҳли оҳи ошиқона,
Тузуб ул савтлар бирла тарона.

(Эл Хисрав Парвез томонидан алдангани учун, унга (Фарҳодга) мафтун — ошиқ бўлган эди. Таъбъ аҳллари у тўғрида кўп газаллар айтиб, машшоқлар буларга оҳанг ва мақомлар яратдилар. Дардмандлар буларни эшитиб, оҳ тортар, бу оҳангларга яраша қўшиқлар айтар эдилар).

Бу парчада Хисрав-Ширин-Фарҳод сюжетининг халқ-да яратилиб таралганини Навоий аниқ уқдириб ўтади.

Қизиғи шуки, Шириннинг ўзи ҳам Фарҳод фожиаси ҳақидаги хабарни халқ ўртасига таралиб кетган қўшиқлар орқали эшитади:

Қулоқ солдики, абётин эшитгай,
Суруд ичра мақолотин эшитгай,
Анга ҳар байт бир ғамхона эрди,
Бори Фарҳоддин афсона эрди.

Фарҳоднинг бошига тушганларни унинг дўсти Шопур ҳам халқ оғзидан эшитиб келиб, Меҳинбонуга шундай сўзлайди:

Чу мен онинг бу аҳволин эшиттим.
Анга бормаи равоне сизга еттим.

Бундан сўнгра Навоий, Шопур оғзидан фольклор ижодининг кенг ҳаёлот ва фантазияга, актив яратучиликка эга бўлганини шу таъбирларда беради.

...Ким элнинг чину ёлгон сўзларидин,
Ки кўпракни ясарлар ўзларидин,

Билур эрдимки Бону қайгулуғдур,
Ғамн Фарҳод тоғидин улуғдур.

Демак, Навоий бу сюжетларнинг халқ ичида аллақачон яратилганига қойил эди ва шундай бўлгач, албатта, ўз замонида шу фольклор манбаларидан фойдаланмаслиги мумкин ҳам эмас эди. Чунки «қаҳрамонларнинг энг чуқур ва яққол бадий жиҳатдан мукамал типлари фольклорда яратилган» (*Горький*).

Навоий сюжет тўқималаридан бошқа, фольклорнинг деярли ҳамма приёми, восита, жанр, шакл, шеърларидан ҳам кенг фойдаланган.

Маълумдурким, ўзбек эртақларининг бошланишида асосий шарт «Бир бор экан, бир йўқ экан» типдаги киришлардан иборатдир. Навоий худди шу приёмининг ўзини «Сабъаи сайёр»нинг¹ биринчи ҳикоясида қўллайди. Бу ерда биринчи сайёҳ:

«Бору йўқ чун дуоки билди деди,
Деди бир бор эдию, бир йўқ эди»

деб эртақни бошлайди.

Навоий эртақ приёми билан бир қаторда, ўзбек фольклорининг мақол-матал жанридан ҳам жуда кенг фойдаланган. Бу соҳада Навоий шу қадар усталик кўрсатганки, бирмунча мақолаларнинг халқдан Навоийга, ё Навоийдан халққа ўтганини аниқлаш ҳам ҳозирча қийин. Қандай бўлмасин, ҳар ҳолда Навоий ўзи тўқиган мақолларни фольклордаги мақоллар жанрини чуқур эгаллаш асосида яратгандир. Навоийнинг эпик дostonларида дурдоналардай сочилган мақоллардан бир неча мисол келтириш мумкин, булар ҳозир ҳам халқ ўртасида яшамоқда:

¹ Мақолада аслида «Ҳафт манзари Баҳром» дейилган (*Н. М.*)

1. Ушалди тош бирла ул қаттиқ бош,
Масалдурки ушатур бошни тош.
(«Фарҳод ва Ширин»)
2. Кўз очмассан дебон, келган қулумдур.
Масал чин бўлдиким, уйқу ўлумдур.
(«Фарҳод ва Ширин»)
3. Ҳар кишиким бировга қозғай чоҳ,
Тушкай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ.
(«Сабъаи сайёр»)
4. Ҳамул гўй отилгач қочиб як-баяк
Масалдурки, минг қарғага бир кесак.
(«Садди Искандарий»)
5. Ёрнинг қилиғи — сутнинг илғи;
6. Ишқсиз кесак. дардсиз эшак;
7. Сувнинг мазаси муз билан, ошнинг мазаси туз билан;
8. Ҳар югурган ёвушмас, ҳар айрилган қовушмас...
(«Маҳбубул-қилуб»)

Бундай мақоллардан жуда кўп келтириш мумкин. Навоий ўз образларининг феъл ва сўзларини характерлашда шулардан усталик билан фойдаланади. Шунингдек, қўшиқ, лапар жанрлари ҳам Навоий диққатидан четда қолмаган. У, буларни ўрганиб олиб, ўз асарларига диққат билан киргиза борган:

1. ...Менгизлари гул-гул, мижалари хор,
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор.
2. ...Муғанний, тузуб чинг вазнида чанг,
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг!
3. Десаиғ сенки, жон қардошим, ёр-ёр!
Мен айтайки, мунглуғ бошим, ёр-ёр!

Бу «ёр-ёр» радифлари, «ҳай-ҳай» нидолари бу кунгача тўйларимизда лапар ва ўланларда жаранглаб туради. Бу жанрни Навоийнинг ўзи жуда яхши тавсифлайди ва бошқа бир мисол келтиради:

«Яна чингадурким, турк улуси зуфоф ва қиз кўчурур
тўйларида ани айтурлар: ...ва «Ёр-ёр» лафзини радиф ўрни-
га мазкур қилурлар, андоқким (байт):

Қайси чамандин эсиб келди сабо ёр-ёр!

Ким, дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр!

(«Мезонул-авзон»)

Буюк шоиримизнинг халққа ва халқ ижодига бўлган бу муҳаббати тасодифий эмас эди: чунки у тўла ва улуг маъноси билан халқчил шоир эди. Унинг асарлари халқнинг қайғу ва орзулари билан сугорилиб озуқланди.

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбекларнинг тарихида ҳаёт-мамот масаласи бўлган сув проблемасига Навоийнинг қизиқиши ундаги халқчиллик ғоясининг чўққисидир. Унинг қаҳрамони Фарҳод бу масаланинг халқ учун қанчалик муҳим бир иш эканини онглаб, буюк ғайрат билан «Наҳрул ҳаёт» (ҳаёт дарёси) каналини ва «Баҳрун нажот» (нажот денгизи) ҳовузини яратади.

Мана бу кун, буюк ўзбек халқи социализм шаронтида яратган Фарғона каналлари ва Каттақўрғон ҳовузи ҳақида бундан беш аср муқаддам ҳаёл сурган буюк халқ шоирини севмаслиги, иззат қилмаслиги мумкинми?

«Қизил Ўзбекистон» газетаси,
1941 й., 9-май.

НАВОИЙДА АДЛУ ИНСОФ МАСАЛАСИ

«Шаҳраким анга адл буюд ўлур,
Натижа буким, мулки обод ўлур».

(Навоий, «Салли Искандарий»)

Навоийнинг ижоди жуда мураккаб, ранг-баранг ҳам сероҳанг масала ва проблемаларга тўладир. Модомики бугунги кунда социалистик маданиятимиз хазинасига киргизилаётган дурдоналар қаторига Алишер Навоийнинг ҳам ўлмас мисралари, образлари, чуқур фикрлари, нозик туйғу ва сезгиларини ҳам қўшиш керак экан, бизнинг вазифамиз бу буюк меросни чуқурроқ текшириш, ундаги чинакам қимматбаҳо дурдоналарни танлаб олиб ундан ижтимоий-тарбиявий ҳамда бадий ҳам маданий соҳаларда ижодий фойдаланишдир.

Социалистик маданиятимиз ўтмишнинг энг яхши маданий бойликларидан танқидий ва актив равишда фойдаланиш йўли билан ўзининг муҳташам ва улуғвор биносини қурмоқда.

Марксизм-ленинизм классикларининг эски меросга бўлган муносабати бизнинг Навоийга муносабатимизни ҳам белгилайди. Марксизм-ленинизм классиклари эски адабиётнинг, маълумот берувчилик ва бадий аҳамиятини кўзда тутиб, ўтмиш шоирларнинг асарларида умумбашарий савияга кўтарилган фикр ва туйғуларни айниқса юқори қўяр эдилар. Карл Маркс қадимги юнон санъатига баҳо берганда, ундаги умуминсоний аҳамиятга эга бўлган энг яхши хислатларни доҳиёна кўра олган эди...

Маркс бурунги даврларнинг санъатида инсониятга хос бўлган ижобий хислатларни меросдан фойдаланиш учун асос қилиб қўйган эди.

Маркснинг шу фикрини давом эттириб, Ленин пролетариат маданиятини қуриш учун асосий шарт қилиб, эски меросдан фойдаланиш масаласини илгари суради.

«Пролетар маданияти инсониятнинг капиталистик жамият, помещиклар жамияти, чиновниклар жамияти зулми остида яратган билим запасларининг қонуний тараққийсидан иборат бўлмоғи лозим»¹.

... Албатта, шу қурилаётган социалистик маданиятда ўзбек халқининг, ўзбек маданиятининг, ўзбек маданияти тарихининг иштироки жуда каттадир. Минг йиллик маданиятга эга бўлган, Алхоразмийлар, Бирунийлар каби математик олимларни, Фиробий, Абу Али Сино каби медаларни, философларни, Улуғбек, Аҳмад Алфарғоний каби астрономларни, Хоразмий, Саккокий, Лутфий, Саидахмад каби шоирларни яратган бир халқ инсоният маданиятига кўп хизмат қилди ва ҳозир ҳам социализмнинг бирлашган, кишилиқнинг илғор маданиятини тузишда актив иштирок этмоқда.

Маданий меросимизнинг марказий фигураси, ўзбек халқининг фахри шубҳасиз улуғ мутафаккир, доҳий адиб, буюк шоир, зўр олим, нозик сиёсатчи, моҳир тарихчи, қобилиятли рассом, талантли композитор, гўзал хаттот бўлган Алишер Навоийдир.

Биз, албатта, Алишер Навоийнинг ижодини олганимизда унинг бутун тарихий шароитини, ўзидан илгариги даврга нисбатан қўйган янги қадамини ва ўзидан кейинги даврга кўрсатган таъсирини кўзда тутишимиз лозим. Бундай қарашнинг классик дастурини Владимир Ильич ўзининг қуйидаги машҳур таъбири билан тугал ифодалаб берган:

«Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган хизматлари ҳақида ҳукм чиқарганда уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқарилмайдими, балки уларнинг ўзларидан аввал ўт-

¹ В. И. Ленин, 31-том, 294-бет.

ганларга нисбатан қандай янгиликлар берганликларига қараб ҳукм чиқарилади»¹.

Мана шу принципнинг ўзини худди санъат ва адабиёт арбобларига конкрет татбиқ қилиб, буюк рус адиби Алексей Максимович Горький шундай дейди:

«Ўтмишнинг ҳар бир улуғ санъаткорини икки нуқтаи назардан қараб: ўз даврининг ўғли бўлиш жиҳатидан ва башариятни қутқариш йўлидаги оламшумул тарихий курашнинг қатнашувчиси бўлиш жиҳатидан баҳолаш керакдир».

Бизнинг меросга бўлган муносабатимиз шу билан белгиланади. Бу — ҳар бир адибни, унинг фаолиятидаги прогрессив элементлар нуқтаи назаридан қабартириб олиш, шу билан бирга унинг ўз даври фарзанди, ўз шароити меваси эканлигини унутмаслик демакдир.

Навой ижоди жуда улуғ ижтимоий манфаатлар, социал ғоялар, тарихий қутқуларга тўлган. У миллионларнинг орзу ҳам истагини, халқлар оммасининг ният ҳам хаёлларини ўз кўкрагида ташир эди. Биринчи даражали адиб бўлиш эътибори билан Навой ўз замонасининг ва ўз халқининг энг хассос барометри эди. Унга нисбатан Белинскийнинг қуйидаги ажойиб таъбирини татбиқ этиш мумкиндир:

«Доҳийнинг номи — миллиондир, чунки у ўз кўкрагида миллионларнинг азобу уқубатларини, севинчларини, умид ҳам интилишларини ташийди».

Шубҳасиз, Навойнинг халққа бўлган шу муносабати тасодифий эмас эди. Халққа, унинг орзу ва ғояларига, унинг ҳаёти ва хаёлларига шунчалик яқин турган бир адиб, шубҳасиз, шу омманинг кайфиятидаги энг майда ғалаённи, шу халқ руҳининг торидаги энг нозик пардани сезар, севар ва чуқур тушунар эди. Шунинг учун у тинмай халқни ҳурмат қилишга чақирар, унинг молу жонига кўз олайтирмасликка ундар эди.

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 2-том, Ўздавнашр, 1948, 190-бет.

Қилма улус аҳли лёлига қасд,
Айлама эл жонию молига қасд.

(«Ҳайратул аброр»)

Навоий ўз замонасининг кучли фалсафий оқими бўлган тасаввуф (сўфизм) таъсиридан холи турмаган, бу оқим унинг ҳам ижодига таъсир қилган, бироқ, бу фалсафий оқимдан фойдаланиб шоир руҳонийларни, расмий исломни, расмий мачитни қаттиқ танқид этган. Ўрта асрлар шароитида бирмунча демократик, оппозицион ва ҳатто революцион ҳаракатларнинг диний парда остида майдонга чиққанини кўп тарихий фактлар исботлайди. Бу тўғрида Фридрих Энгельс шундай дейди:

«Феодализмга қарши революцион оппозиция бутун ўрта асрни қамраб олади. У ҳар қайси вақтнинг ўз шароитига қараб гоҳ мистика кўринишида, гоҳ очиқдан-очиқ шаккоклик кўринишида, гоҳ қуролли қўзғолон кўринишида намоён бўлади»¹.

Албатта, сўфизм оқимларининг ҳаммаси ҳам бир шаклда ва бир мазмунда бўлмаган. У турли мактабларга, тарийқатларга, қанотларга эга бўлган. Ҳар ҳолда Навоийга таъсир қилган сўфизм кўпроқ дунёвий майлларга эга, кўпроқ фалсафий масалаларга қизиқадиган ва бинобарин оппозицион фикрларни ифодалашга имкон берадиган нақшбандийлик эди.

Навоий руҳонийларни қаттиқ танқид қилади ва фош этади. Бу масалада у инсоф ва адолатнинг аёвсиз бузилганини кўрсатиб, ислом руҳонийларининг текинхўрлик моҳиятини очади, масалан муфтилар ҳақида айтган шу сўзларини эслайлик:

«Бир драм учун юз ҳақни ноҳақ эткувчи ва оз карам учун кўп «ло» (йўқ)ни «наам» (ҳа) деб битгучи. Бир сабат

¹ К Маркс и Ф. Энгельс Сочинения, второе издание, том 7, стр. 361.

узум учун бир боғни куйдурмакдин гами йўқ ва бир ботмон
буғдой учун бир хирманни совурмоқдин алами йўқ» («Маҳ-
бубул қулуб»).

Мана шундай қилиб буюк шоиримиз адлу инсофнинг
йўқлигидан нолиб, зулм ва ситамкорларга ўзининг қаттиқ
нафратини билдиради, улардан кулади, уларни масхара-
лайди.

Шоир ўз асрида илму фазилатнинг қадрсиэлигидан, жо-
ҳил ва раизиларнинг эса ҳурмат-иззатга сазовор бўлишля-
ридан шикоятланади:

Даҳр иши то халқ ила бўлмиш ситез,

Хордурур олимү жоҳил азиз.

Токи жаҳон зулми қилмиш писанд

Ерга тушар мева, йиғоч сарбаланд.

Разлаға рифъат, биллик аҳлиға ранж,

Тоғ уза хороғу ер остида ганж.

Кулла қотиғлиққа чу боғлаб камар,

Тиғи бўлуб чеҳра хароши қамар.

Лаълдек улким, гуҳари пок ўлуб,

Кўҳи бало остида гамнок ўлуб,

Бўлди кумур ҳиндуви оташпараст,

Маснади ёқут уза топти нишаст.

Ўтки аён қилди гули оташин

Кул узадур хоки-мазаллат нишин.

Ким анга ҳам асл ямон, ҳам қадам,

Тоғ ила товус киби муҳтарам.

Улки сўзига бўлуб озода қул,

Тўтийи гўё киби бўйнида гул.

Қушки боғир ёрмоқ ўлуб ком анга

Шоҳ илиғи устида ором анга.

Улки чекиб нағман дилқаш ҳазор

Гул ичида гулханию хору зор.

(«Хайратул аброр»).

(Яъни: дунёда одамлар пайдо бўлгандан бери олимлар хор, жоҳиллар эса азиз бўлиб келдилар. Бу жаҳон зулми писанд қилади, ана шунинг учун мевалар тупроққа тушиб кетади, дарахтларнинг қуруқ бутоқлари эса бошларини кеккайтириб юқори кўтардилар. Разил кишиларга ҳурмат ва мансаб берилади, билим аҳллари эса машаққат ичра қийналмоқдалар, тошлар тоғнинг устида, қимматбаҳо хазиналар эса тупроқнинг тагида бўладилар... Қулларнинг ўткир тишлари қаттиқликка киришганлари учун уларнинг найзалари ойнинг юзини тирнамоқда. Ҳар ким лаъли ёқутдек покиза бўлса фалокатлар тоғининг остида жафоланмоқда. Кўмир ҳиндулар сингари оташпараст бўлгани учун ёқутдай қизариб кетган чўғлар устида мақом топгандир. Ўт эса оташин гулдай ёнгани учун зиллатли тупроқ устида, яъни кул устида ўлтиришга мажбурдир. Ҳар кимнинг асл зоти ва оёқ қадамлари ёмон бўлса, шоҳларнинг тожи товуслар янглиғ ҳурматланар экан. Қайси бир қул тўғри ва тоза сўзласа сўзловчи тўтилар сингари бўйинларига кишан солинади. Махлуқларнинг кўкракбағирларини ёрмоқни ўзига ҳунар қилиб олган йиртқич қушларни шоҳлар овга чиққанларида қўллари устида олиб чиқадилар; аммо дилкаш куйларни сайровчи булбул эса гуллар қўйнида хору зор бўлиб куймоқда, ўртанмоқдадир).

Навоий дунёда адолатнинг йўқлигидан хафаланади, бироқ, бу хафалик уни умидсизликка олиб бормади, яъни у умуман бу дунёда адолат ўрнатилиши мумкин эмас деб ўйламади. Шу фикрни исботлаш учун бир нарсани эслатиш kifоядир. Маълумдирки, «Фарҳод ва Ширин» достони асосий қаҳрамонлар — Фарҳод, Ширин, Меҳинбонларнинг фожиавий ўлимлари билан тугалланади. Лекин асарда жуда муҳим бир эпизод борки, бу Навоийнинг дунёқараши учун жуда характерлидир. Фарҳод ўлгандан кейин Хитойдан унинг кўкалтоши ва дўсти қаҳрамон саркарда Баҳром катта қўшин билан Арманистонга келиб,

у ердан истилочиларни, Хисравнинг ўгли Шируяни ҳайдайди, халққа етказилган ҳамма зиёнларни икки баробар қилиб тўлашга Эрон подшосини мажбур этади. Шундан кейин бу юртда доимий равишда адолат ўрнатиш учун адолатли, ақлли бир ҳукмдорни тахтга ўтқизмоқчи бўлади:

Тузарга мулк аро ҳашмат асосин
Тилаб эл ичра Бону ақрабосин.
Бировниким топиб борига фойиқ,
Ки бўлғай салтанат амрига лойиқ.
Қилиб Арман элининг подшоҳи,
Ки бўлғай кишвар аҳлининг паноҳи.
Қилиб ул адл ойинини бунёд,
Ки адлидин бўлуб вайронлар обод.
Не ерким бузди беандоза Хисрав,
Ани айлаб иморат, тоза хисрав.
Бериб Баҳром анга ҳашмат асосин,
Ливоу тожу ганжи беқиёсин.

(Яъни: Баҳром Арманистон мулкида ҳашаматли давлатнинг пойдеворини қуриш ниятида халқ ўртасида Меҳинбонунинг хеш-ақраболаридан ким бор, деб сўраб чақиртириб олди. Бу қариндошлар ўртасидан Меҳинбонудан ҳам устун бўладиган, подшолик ишларига сазовор биттасини топиб, уни арман элининг шоҳи қилиб тайинлайдики, у мамлакат аҳлининг пушти-паноҳи бўлсин деб. Бу янги ҳукмдор адолат қонунларини бунёд қилди ва бунинг адолати соясида кўп вайроналар обод бўлдилар. Эрон шоҳи Хисрав бузиб вайрон қилган жойларни янги хисрав (яъни шоҳ) таъмир қилиб тиклантирди. Баҳром эса бу кишига яхши турмушнинг асосларини таъминлаб, унга давлат байроғини, тож ва саноксиз хазиналарни топшириб қўйди).

Мана шу мисолдан кўринадики, Навоий дунёда, эртами-кечми ҳар ҳолда қачон бўлмасин, адолатнинг ўрнатилишига имони қомилдир.

Шу адолатни, кишилар ўртасида инсоф-адолат қондаларига асосланган муносабатларни ҳаёл қилган Навоий шу инсоф ва адолатни қайси шаклда ўйлайди?

Мана шу саволнинг жавоби буюк шоирдаги қизиқ бир хусусиятни бизга очиб беради. Маълумки дунёда адолат ва инсоф йўқлигидан нолиб, шундай оламшумул бир адолатни орзу қилган олимлар, шоирлар Навоий даврида ҳам кўп бўлган. Бироқ, булардан кўпи, айниқса сўфилик маслакига мансуб бўлганлари шу адолатнинг амалга оширилишини фақат «лутфи илоҳий», «амри ҳақ», «худонинг қарамини» орқали тасаввур қилар эдилар. Ҳолбуки Навоий адолатни ўрнатиш кишиларнинг, кишилик жамиятининг ўз иши, ўз вазифаси эканига қатъий ишонади ва шуни инсонлардан талаб қилади. Мана шу хусусият Навоийнинг адолат-инсоф ҳақидаги ҳаёлларини жуда юқори поғонага кўтариб, уларнинг ўз замонаси учун катта практик бир аҳамиятга эга бўлганларини кўрсатади. Навоий адолатни давлат организми орқали ўрнатишга тарафдордир. Бу эса уни ҳамма тасаввур мутафаккирларидан ажратадиган хусусиятдир. Лекин бу давлат қурилиши қандай бўлиши лозим? Бу саволга жавоб беришдан олдин Навоийнинг яшаган даврига қисқа бир назар ташлаш керакдир.

Маълумки, буюк Алишер XV асрнинг иккинчи ярмида яшади. Бу давр Темурнинг қирқ йил мобайнида қурган улуғ империясининг инқирозга юз тутган бир давр эди. Темурнинг кўп сонли набиралари, эваралари, чеваралари мамлакатнинг айрим вилоятларини эгаллаб, бири-бири билан уришар, жанжал ва низолар чиқариб туришар эди. Навоий ҳам шундай ажралган давлатлардан биттасида яшади. Бу — Хуросон давлати бўлиб, пойтахти ҳозирги Афғонистондаги Ҳирот шаҳри эди. Хуросон

давлати Темур болалари эгаллаб олган бошқа давлатларга нисбатан каттароқ ва кучлироқ эди. Самарқанд, Бухоро, Фарғонадаги кичик давлатларга қараганда Хуросон давлати анча кенг бўлиб, ҳозирги Эроннинг шарқи-шимолий вилоятини¹, Афғонистоннинг ғарб томонларини, ҳозирги Туркменистон республикасининг территориясини ва Хоразмни ўз ичига олар эди. Хуросон давлатининг тепасида Навоий замонасида машҳур Ҳусайн Бойқаро (Темурнинг эвараси) турар эди. Бу киши зўр шоир ва шеър дўсти эди. Лекин шунга қарамасдан султон Ҳусайннинг ўзи ҳам доимо низолашиб, урушиб турар эди. Унинг ўн битта ўғли бўлиб, ҳар бири бир вилоятга ҳоким тайинланган эди. Булар дам бир-бири билан, дам оталари билан қонли низолар чиқарар эдилар. Бу ҳамма урушларнинг огирлиги ва ҳалокат халқнинг бошига тушар, мамлакатнинг иқтисоди, маданий ҳаётига жуда даҳшатли зарба берар эди. Шундай принципсиз ўзаро урушлар мамлакатнинг бутунлигини парчалаш билан бирга чет эл жаҳонгирларининг босиб кириши учун ҳам қулай фурсат тайёрлаб берар эди. Ҳолбуки ўша йилларда Эрон монархияси кучаймоқда ва зўр иштаҳа билан Урта Осиёга қараб, уни ўзига қарам қилиб олмоқчи бўлар эди. Мамлакат катта хавф остида эди. Калтафаҳм феодаллар эса ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, ўлкани жарга қараб судрамоқда эдилар. Шоир шундай урушларни қаттиқ танқид этади, у урушга шундай баҳо беради:

Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур,
Ки, андин жаҳон аҳли вайрон эрур.
Не тўфон, бало баҳри чайқалмоғи,
Жаҳон аҳли сув остига қолмоғи.

¹ Ҳозир ҳам Эронда шу ном остида кичик бир вилоят бўлиб, маркази Машҳад шаҳридир.

(Яъни: уруш, гўё дунё бўйлаб тошиб кетган тўфонга ўхшайди, бу тўфондан жаҳон аҳли вайрон бўлаётир. Урушни тўфонга ўхшатдим, бу камлик қилади; уруш бало, мусибат денгизидирки, у чайқалиб туриб, жаҳон аҳлини сув остида қолдиради).

Бу урушни кимлар уюштиради?

Адоватқа боғлаб камар икки шоҳ,
Жаҳон аҳлини айлаб икки сипоҳ.
Барн қатл учун тортибон тийғи тез,
Қилиб тийғи тез, ўлтурурга ситез.
Ато бир тараф гар эрур филмасал.
Яна жониб ўлса ўғулга маҳал.
Иккисига кин ўти солғай назаб,
Ул ўт қон ичарга эрур ташна лаб.
Ато жон бериб, ўғлин ўлтургали
Ўғул ҳам анга тийғи кин сургали.
Қариндош топса қариндошини,
Дамо-дам тилар кескали бошини.
Тушуб ошноларга бегоналиқ,
Кетиб ҳамнишинларга ҳамхоналиқ.
Бу нав ўлса мундоғ икки зот аро,
Не бўлғай гумон қил икки ёт аро?!

(Яъни: бири-бирига кек сақловчи икки шоҳ урушмоққа энг шимариб, дунё одамларини икки қўшинга ажратадилар. Булар қирғин ва ўлдириш учун ўткир қиличларини тортиб майдонга чиқадилар. Ҳатто шундай бўладики, ота бир томонда, ўғил эса иккинчи томонда урушади. Булар ўртасида гина-адоват ўти шундай ловиллайдики, бу ўт фақат қон ичишни хоҳлайди. Отаси ўғлини, ўғли ҳам отасини ўлдиришга шайланган. Қариндошлар учрашиб қолса дарҳол бир-бирининг калласини олиб қўйишни тилайдилар. Шундай урушлар натижасида ошнолар ўртасида бегоналиқ, ҳамсоя ва оила аъзолари

ўртасида душманлик содир бўлади. Икки яқин киши ўртасида шундай бўлгандан кейин аслида бир-бирига ёт ва бегона бўлган кишилар ўртасида нима бўлар эди?!)

Бундан кейин шоир бир-бири билан дўстона ва самий муомала қилувчи кишиларни соғиниб, урушувчи шоҳлардан кўра тинч ва инсофли дарвешлар мамлакат учун яхшироқ, фойдалироқдир дейди:

Рафиқ икки дарвеш бенштибоҳ

Эрур яхшироқким адув икки шоҳ.

(«Садди Искандарий» достони.)

(Яъни: икки дўст дарвеш икки душман подшоҳдан кўра яхшироқдир).

Навоий ўзаро урушларга қаршидир. У мамлакатнинг бутун қолишини, бақувват бўлишини, тараққиёт ва тирикчилик учун имконият туғилишини хоҳлайди. Бунинг учун нима қилиш лозим? Навоийча, бунинг учун мамлакатнинг теппасида ақлли, адолатли, олим, мард, сахий, олижаноб, камтарин бир шоҳ туриши керак. Навоий, албатта, ўзидан илгариги Ўрта Осиё олимларининг (масалан, Абунаср Форобийнинг ва юнон философлари — Сўқрот, Афлотун, Арастуларнинг) давлат ҳақидаги назарияларидан хабардор эди. Шу жумладан Афлотуннинг шу машҳур: «Халқларнинг бахти учун уларнинг йўлбошчилари доно бўлишлари ёхуд донолар уларга йўлбошчи бўлиши лозимдир» деган тезисидан хабардор эди. Навоий ҳам шундай доно, одил, жувонмард подшонинг бўлишини мамлакат учун фойдали деб биларди. Шундай подшо марказлашган кучли монархиянинг тепасида турса, ўзаро низоларга йўл қўйилмас, чет эл босқинчиларига раддия берилар, мамлакат ўз мустақиллигини йўқотмас. Навоийнинг шу фикри ўз замонаси учун тараққийпарвар аҳамиятга эга эди. Чунки дарҳақиқат майдаланган, ўзаро ёқалашиб турган беклар, ҳакимлар, шаҳзодаларнинг қў-

лида парчаланган мамлакатдан кўра кучли ва марказлашган монархия тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан фойдалироқ эди. Тарихнинг маълум босқичларида марказлашган монархия миллатни уюштирувчи фактор ролини ўйнаши мумкиндир. Карл Маркс XVI асрдаги Испанияни Европанинг бўлак монархиялари билан солиштирар экан, Европанинг бошқа йирик давлатларида абсолют монархия маданийлаштирувчи марказ сифатида, миллий бирликнинг асосини қурувчи сифатида майдонга чиқади, деган эди¹.

Темурнинг болалари, «маданийлаштирувчи марказ сифатида, миллий бирликнинг асосини қурувчи сифатида» давлат қуролмаган эканлар, бунда, албатга, Навоий жавобгар эмас; шуниси муҳимки, Навоий ўзининг доно тушунчаси билан феодализм шароитида мумкин бўлган идора усулларида фойдалироқ шаклини танилаб олиб, шунга тарафдор бўлган.

Ўз замондошларига таъсир қилиш, у даврдаги шоҳларни, шаҳзодаларни ташвиқлаб, адолатга, маърифатга даъват қилиш мақсадида Навоий бир қанча ижобий шоҳ образларини яратган. «Хамса»даги Султон Жавна, Суҳайл, Меҳинбону, Фарҳоднинг отаси, Фаррух ва бошқалар шу жумладандир. Лекин Навоийнинг программавий образи, унинг сиёсий идеалларини ўзида гавдалантирувчи сиймо, ҳеч шубҳасиз Искандардир. Навоий Искандарни ижобий шоҳ образи қилиб тасвирлаш билан ўз замондошларига ўрнак қилиб бермоқчи бўлган, у Искандар образини ўз даврининг актуал масалаларига боғлайди:

Искандарки андоғ қарам айлади,
Қолур отинг андеша ҳам айлади.
Бу нав ўлса кимда қарам жавҳари,
Буқун улдур офоқ Искандари.

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс, Сочинения, том X, стр. 721.

(Яъни: шунча карам ва саховат кўрсатган Искандар ўзидан кейин қоладиган номни ҳам ўйлаб кўрди. Букунгини кунда ҳам кимда Искандарга ўхшаб карам зуваласи бўлса у жаҳоннинг Искандари бўлажақдир).

Навоний Искандарни қандай тасвирлайди? Искандар отаси Файлақуснинг вафотидан сўнг тахтга чиқиши билан халқни чақириб, уларга ўзининг қиладиган ишлари ҳақида декларация ўқийди:

Йиғилғоч улус, шаҳ қилиб ибтидо,
Халойиққа сўз мундоқ этти адо:
«Ки берди манга додгарлик илоҳ,
Бор эрса халойиқ аро додхоҳ.
Келиб олимга арзи қол айласун,
Ўз аҳволин қийлу қол айласун.
Қошимда сўзин арз айлар замон,
Мени бир ўзи янглиғ, қилсин гумон.
Не тахтимдин ўлсун анга даҳшате,
Не тожимдин ўлсун анга ваҳшате.
Не шаҳ деб мени айласун изтироб,
Не мақсуд адосида қилсун шитоб.

(Яъни: жамоат йиғилиб бўлгандан сўнг подшо халққа қараб шундай нутқ сўзлади: худо менга додгарлик берди, агар ўрталарингда шикоятчи бўлса, ҳузуримга келиб, ўз ҳолини арз этсун ва аҳволини айтиб берсин, ҳузуримда сўзлаётган вақтда мени ҳам ўзи сингари бир киши деб санасин, шикоятчилар на тахтимдан қўрқсинлар ва на тожимдан ваҳим қилсинлар, на мени шоҳ деб тортинсинлар ва на мақсадларини сўзлаётганларида ҳовлиқиб, шошилиб кетсинлар).

Искандар ўзининг бу ваъдасини қандай бажаради?

Саҳардин анга тегруким истиво,
Сўруб, халқ дардиға қилди даво.

Киши қони тўкканни бўйини уздуруб
Қўли кескүрнинг қўли кестуруб.
Бериб дод мазлуми ғамхораға,
Қилиб раҳм марҳуми бечораға,
Қилиб зулм аҳли қаро ерга паст,
Аларғаки, мазлум эрур зердаст.

(Яъни: саҳардан то пешингача Искандар халқнинг тилакларини сўраб, эшитиб олиб, уларнинг дардларига даво қилди. Кимки бирон кишини ўлдирган бўлса унинг бўйинини уздирди, қўли кесилишга сазовор жиноятчиларнинг қўлини кестирди, мазлум ва ғамгин кишиларга ёрдам, марҳаматга лойиқ бечораларга раҳм қилди. Мазлумларни ўз қўллари остига олган зулм аҳлини қаро ерга паст қилди).

Искандар ўз салтанатида адолат ва қонуниятни ҳукмфармон қилиб, мамлакатдаги ҳамма майда-чуйда ишларга аралашади, халқнинг тирикчилик ва саодати учун қайгуради:

Адолат тарийқини фош айлади,
Сиёсат анга дурбош айлади.
Раиятқа маълум этиб эҳтиёж,
Икки йил алардин кўтарди хирож.
Амал аҳлига қилди машғуллуқ,
Ямонларга тегурди маъзуллуқ,
Вале яхшига тақвият айлади,
Яна яхшилар тарбият айлади.
Яна нархларга қилиб иштиғол,
Оғир сотқучига бериб гўшмол.
Туз айлаб тирозу ики бошини
Темирдан ясаб, муҳр этиб тошини,
Қарн ҳам темирдан анга бўлди хос-
Ки, эл бўлди кам газ олурдин халос.
Капонни ҳам ул ихтиро айлади,

Қиёс ичра рафъи низо айлади.

.

Яна тузди слтув тарозусини,

Қавий айлабон адл бозусини.

Мароҳил аро қўйди раҳдорлар,

Йўл аҳлини хатардин ниғаҳдорлар.

(Яъни: Искандар адолат йўлини очиб, ҳар бир ишда сиёсат қоидаларини риоя этди. Фуқароларнинг вазият ва эҳтиёжларини аниқлаб, уларни икки йилга солиқ харжларидан озод этди. Бундан сўнг у идора ва амал ходимларини текшириб, ёмон тўраларни ишдан ҳайдади. Лекин яхши ходимларни мукофотлаб, қўллаб, ўзи ҳам янги ва яхши амалдорларни тарбиялай бошлади. Бу билан бирга Искандар нархлар масаласига ҳам қизиқиб, нарсаларни қиммат сотувчиларни жазолади. Тарозиларнинг икки бошини тўғрилаб, сотиладиган нарсаларнинг тўғри тортилишини талаб этди ва ҳамма тошларни темирдан ясаб, давлат муҳри босилишини таъминлади. Газмолни ўлчаш учун у темир қарилар ясадирди, шу билан одамлар газмолни олишда алданмади. Бунинг устига Искандар капон тарозиларини ҳам ихтиро қилди ва савдо оламидаги ўлчовлар масаласида низоларни бартараф қилди... Бундан бошқа-бошқа тарозларга ўрнатиб бўлсин деб, олтидан тарози ясадди ва адолат қўлини баланд қилди. Йўлларда соқчилар қўйдириб, йўловчиларни хавф-хатардан муҳофаза қилдирди).

Искандарнинг бу адолатли идораси мамлакат ва халқ учун қандай мевалар келтирди?

Адолат қўлин тутди андоқ буюк

Ки, тобти омон арслондин кийик.

(Яъни: Искандар адолат қўлини шундай зўр кўтардики, мамлакатда кийиклар арслонлардан хавф емай эсон-омон юра бошладилар).

Ва шу билан бирга мамлакатнинг умумий саодати таъминланган бўлди:

Бу янгиликни оз вақт тузди русум,
Ҳани бўлдилар адлидин аҳли Рум.

(Яъни: Искандар шу тариқада қонун-қондаларни ўр-наштириб бўлгач, кўп ўтмай Рум аҳли унинг адолати соя-сида бойиб, бадавлат бўлиб кетдилар).

Бу тасвирлардан кўриладики, давлат ишларининг асо-сий шарти қилиб буюк шоиримиз Алишер Навоий адолат ва инсофни кўзда тутди. Навоийнинг адолат ҳақидаги идеалини ўзида гавдалантирган буюк Искандар эса ўлка-ларни, халқларни, қитъаларни айланиб, ҳамма ёқда адо-лат принципларини ўрнатади. Искандар образи Навоий-нинг достонида жаҳоншумул адолатнинг порлоқ тимсоли бўлиб қолади. У ёмон ва полойиқ шоҳларни, золим ҳукм-дорларни тахтдан ҳайдайди (Кашмир шоҳи), олган мамла-катларининг халқларига олижаноблик кўрсатади (Эрон ва Хитой), халқларни даҳшат ва фалокатлардан қутқазади. Масалан, у афсонавий Қирвон мамлакатига бориб қола-ди. Бу ернинг аҳолиси Искандарга мурожаат қилиб, даҳ-шатли яъжужлар тоифасидан шикоят қиладилар. Бу яъжужлар одамхўрлар бўлиб, ҳар йил маълум фаслда Қирвон юртини босиб, кишиларнинг молу ҳайвонларини, экин-тикинларини еб, қуритиб қайтиб кетар эканлар. Агар Қирвон аҳлидан бирон киши уларнинг қўлига тушса уни ҳам еб қўяр эканлар. Искандар бу қабилага раҳми келади. Маълум вақтда яъжужларнинг ҳужум қилиши билан Ис-кандар уларга қарши қўшин юборади, ўзи эса Қирвон аҳли билан бирга ўра ва сувлар билан ўралган отада¹ бошпана топади. Лекин Искандар аскарлари яъжужларни енгол-майди. Чунки яъжужлар миллионлаб бўлиб, осмоннинг юлдузларидан ва денгизларнинг қумидан ҳам кўп эканлар.

¹ Ота — орол. (Н. М.)

Ниҳоят яъжужлар отага киролмасдан қайтиб кетадилар. Келаси йил улар келгунча Искандар философ, олимларнинг маслаҳати билан қаттиқ маъданларни эритиб, бутун чегара бўйлаб улуғ девор ясатади, шу билан Қирвон аҳлини яъжужларнинг озоридан қутқазади. Искандарнинг бу ҳаракатини Навоий улуғ адолат ва гуманизмнинг ифодасидай тасвирлайди. Зотан дostonнинг номи «Садди Искандарий» бўлишининг сабаби ҳам шу («Сад» — арабча девор маъносида келади).

Навоий Искандарнинг истило ва футуҳотини ҳам шу нуқтаи назардан қараб, оқлайди. Биз юқорида Навоийнинг ўзаро урушларга принципиал қарши турганини айтиб ўтган эдик. Лекин Навоий ҳар қандай урушга қарши эмас. Унингча, агар бир уруш кишилик оламига фойда келтирар экан, бу уруш тарихий жиҳатдан муқаррардир. Бунинг устига Искандарнинг биринчи урушига сабаб, Эрон шоҳи Доронинг ифвогароно талаблари бўлган. Искандар ўз ватанини Эрон тасарруфидан қутқариш учун сафарга чиқади ва олган юртларида адолат ўрнатади.

Навоийнинг адолат ҳақидаги тасвирлари реал ҳаётдан эмас, балки унинг гениал хаёлотидан олинган эди. Навоийнинг адолат истаклари буюк идеалдир. XV аср шароитига кўра у бу адолатни одил ва фозил подшо орқали амалга ошириш мумкин деб ўйлар эди. Реал воқеликда аса шонр шоҳ ва бекларнинг жирканч хулқларини кўриб турар эди. Шунинг учун ҳам золим ва фосиқ шоҳларни қаттиқ қамчилашдан ҳазар қилмас эди. Шундай салбий шоҳ образлари Хисрав, Шируя сиймоларида зўр нафрат билан берилган. «Ҳайратул-аброр»да золим подшоларга берган машҳур баҳоси ҳам Навоийнинг қанчалик буюк виждонга эга бўлганини, халқ ҳам ватани учун қанчалик қайғурганини кўрсатади.

Золим подшоларга онд танқиди билан Навоий ўзининг адолат ҳақидаги идеалини конкрет ҳаётга татбиқ этади.

Бизнинг социалистик ватанимиз буюк адолат ва инсоф принциплари, социалистик гуманизм пойдевори устига қурилган. Навоий хаёл қилган адолат ватанимизда революцион методлар билан амалга оширилди. Биз Навоийнинг методини эмас, (одил шоҳ ҳақидаги идеал — тарихий жиҳатдан ўтилиб кетган бир поғонадир), балки башариятни бир оилага тўплайдиган адолат тўғрисидаги қизғин хаёлларини маданиятимизга қўшамиз ва шу буюк виждон эгасини ҳурмат билан ёд этамиз.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1941, № 4.

ГЕНИАЛ ШОИР¹

Сўз боши ўрнида

Ўлмас классик шоиримиз, жаҳон адабиётининг порлоқ чўққиларидан бири ва ўзбек классик поэзиясининг марказий сиймоси бўлган Алишер Навоийнинг ижодини ўрганиш, ундаги юксак ва ўлмас ғояларни эгаллаш ҳозир социалистик маданиятимизнинг муҳим ва актуал вазифаларидандир.

Навоийнинг ижоди шу қадар кенг ва мураккабдирки, у тўғрида муфассал ва мукамал монография яратиш шу қўлингиздаги китобча типидagi китобчаларнинг доира ва имкониятидан ташқари чиқади.

Шундай бўлса ҳам, кенг ўқувчилар оммаси ва биринчи навбатда ўқувчи ва ўқитувчи ёшларнинг талабларини қондириш ва шу соҳада ёзилган махсус адабиётнинг камлигини қоплаш мақсадида шу китобчани тайёрлашга журъат қилдим.

Китобчанинг сарлавҳасидан ҳам кўриладики, автор Навоийнинг асарларини ўқиш процессида ўзида туғилган мушоҳадалар, мулоҳазаларни китобхонлар билан ўртоқлашмоқчи бўлади. Албатта, бу асарларнинг марказида Навоийнинг беш дostonдан иборат бўлган «Хамса»си туради.

¹ Мақсуд Шайхзоданинг «Гениал шоир» асари 1941 йилда (Ўзадабийнашр, Тошкент) алоҳида китоб сифатида нашр этилган эди. (Ред.)

Агар бу асар Навоий ижодини ўрганишда ёш ўртоқларга бир қадар ёрдам бера олса, автор ўз ваъжасини бажарган деб ҳисоблайди.

I

Навоийнинг сиёсий қарашлари

Навоий XV асрнинг иккинчи ярмида, теурийлар империяси тарқалган, майдаланган бир замонда яшади. Бу давр феодал системасининг сиёсий жиҳатдан бўша-шуви, мирзалар ва султонлар ўртасида узлуксиз қонли урушларнинг авж олиши билан характерланади. Бу ҳол мамлакатнинг иқтисодий, маданий ҳаётига салбий таъсир қилар ва феодадлар ўртасидаги принципсиз, эгоистик ғараз билан бошланган урушлар ўзининг ҳамма оғирлиги билан халқ елкасига, меҳнаткашлар зиммасига тушар эди. Шу хилдаги адолатсиз урушларнинг мамлакат ва халқ учун қанчалик салбий таъсир қилиб турганини кўрган Навоий шу қирғинларнинг ташкилотчиларини феодал ҳукмдорларида кўрар эди:

Адоватга боғлаб камар икки шоҳ.

Жаҳон аҳлини айлаб икки сипоҳ...

(«Садди Искандарий» достони.)

(Икки шоҳ ўзаро душманликка бел боғлаб, бутун жаҳон аҳлини ҳам икки қўшинга бўлиб олдилар.)

Яна:

Рафиқ икки дарвеш, беиштибоҳ —

Эрур яхшироқким, адув икки шоҳ.

(«Садди Искандарий» достони.)

(Бир-бирга душман бўлган икки шоҳдан икки дўст дарвеш шубҳасиз яхшироқдир.)

Навоий мамлакатнинг ҳароғ ҳолига тушганига мамлакатда давлат бирлигининг йўқлигини ҳам бир сабаб деб оғлар эди. Иқтисодий шароит бўлмагандан кейин сиёсий марказлашув ҳам борган сайин қийин бўлмоқда эди. Шу бирликнинг йўқлиги эса Навоийни ташвиш ва изтиробга солар эди. Зотан, мамлакатдаги сиёсий бирлик қанчалик улуғ кучни ташкил қилганини Маркс ва Энгельс бир вақтлар Голландия билан Германияни солиштириб, кичик Голландиянинг синфий манфаатлар жиҳатидан ўсган буржуазияси, ҳар қандай манфаатлардан маҳрум бўлиб, майда-чуйда тарқоқ фойдаларни кузатган кўпсонли немис бургерларидан — шаҳар буржуаларидан кучлироқ эди. Манфаатларнинг тарқоқ бўлишига — сиёсий ташкилотнинг ҳам тарқоқлиги, майда князликлар ва эркин империя шаҳарлари мувофиқ эди,— деб таъкидлаган эдилар¹.

XV асрда Ўрта Осиё ва унга қарашли ўлкаларнинг сиёсий вазияти XVI асрдаги Германияга ўхшаб, майда давлатчаларга бўлинган эди. Бу эса иқтисодий-маданий ҳаётга салбий таъсир қилиши билан бирга, мамлакатнинг бутунлиги ва мустақиллиги учун ҳам хавф туғдириб, чет эл фотиҳларининг босқинчилиги учун имконият очиб берар эди. Бунга қарши гарантия мамлакат ичида ҳар қандай ўзаро низоларни битириб, кучли марказий давлат яратиш эди. 1859 йилда ёзган мақоласида Энгельс Германиянинг ўсиши учун чет элларни босиб олиш эмас, балки ўз уйимизда бирлашган ва кучли бўлиш учун қайгурсак, яхшироқ бўлур эди,— деб айтган эди².

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения (первое издание), том IV, стр. 752.

² К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения, том XI, часть II, стр. 34.

Тарихнинг маълум этапларида шу бирликни, иқтисодий замин бўлгани тақдирда, марказлашган кучли монархия (подшоҳлик) ижро этиши мумкин. Маркс XVI асрдаги Испания билан Европанинг бошқа монархияларини солиштириб, Европанинг бошқа йирик давлатларида абсолют монархия маданийлаштирувчи марказ сифатида, миллий бирликнинг асосини қурувчи сифатида майдонга чиқади,— деб қайд қилган.¹

Мамлакатнинг бутунлигини ва миллий бирликни сақлаш учун Навоий кучли ва маърифатли монархиянинг бўлишига тарафдор эди. Бу ҳол, албатта, ўша замонга нисбатан, майда бекликларга ва хонликларга нисбатан тараққийпарвар моҳиятга эга эди. Ўзининг шу сиёсий идеалини Навоий икки йўл билан ифодалайди: 1) салбий шоҳ образини танқид этиш; 2) ижобий шоҳ образини ташвиқ қилиш.

«Хамса»даги дostonларда биз давлатни идора қилишга нолийқ, золим, мустабид, нодон, тадбирсиз маишатпараст шоҳларни кўрамиз (Хисрав, Шируя, Доро, Кашмир подшоҳи ва бошқалар). Навоийча подшо халқ кучига суяниши керак, шундай қилмаса, у мутлақо мағлубиятга учрайди. «Сабъаи сайёр» дostonида Жобир тўғрисидаги афсонада шоҳ Навдарнинг ўз қўшинидан ажралиб, овга берилиб кетиб, бир кийик орқасидан чопганини ва шу билан адашиб, душман қўлига асир тушганини тасвирлайди ва шундай доно хулосани чиқаради:

Шаҳ тилар бўлса шоҳлик қилмоқ,
Сипаҳидин керакмас айрилмоқ.
Шаҳни дерлар сипоҳ бирла шоҳ,
Шоҳ эмастур йўқ эрса анда сипоҳ.
Шаҳга хайл ўлса фатҳ анинг ишидур,
Бир киши Рустам ўлса, бир кишидур.

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения, том X, стр. 721.

(Шоҳ, шоҳлик қиламан деса, ўз эл-қўшинидан айрилмоғи ярамайди. Подшоҳни қўшинига қараб подшоҳ дейдилар, агар унда қўшин бўлмаса, у шоҳ эмасдир. Шох урушда етса, бу унинг қўшинининг қилган иши бўлади; бир киши Рустам шаҳлавон бўлса ҳам, барибир, бир кишининг ишини қила олади.)

Золим шоҳлар ва маишатпараст ҳукмдорларни фош қилишда энг характерли боб «Ҳайратул аброр»нинг золим подшоҳлар тўғрисидаги бобидир. Бу ерда феодал ҳукмдорларнинг энг қабиҳ типлари қаттиқ фош этилади. Бунда шоир қонхўр ҳукмдорларни халқ ўчи билан қўрқитиб, уларнинг зулмини мумкин қадар камайтирмоқчи бўлади:

Зулм ўзунга фисқдур, эй ҳушёр,
Гум қил ани, бўлса сени а ҳушёр.

(Эй ҳушёр киши, қилган зулминг ўзингга зарар келтиради, агар сенинг ҳақиқатан ҳушинг бўлса, бу зулминийўқ қил!)

Ижобий шоҳ образига ўтганимизда Навоий буларни катта усталик билан жозибали рангларда беради. Булар бўлиб ўтган ҳукмдордан кўра бўлишини Навоий кўпроқ хоҳлаган сиёсий раҳбарларнинг образларидир. Фарҳод, Искандар, Фарруҳ, Султон Жўна, Суҳайл, Меҳинбону ва бошқалар шулар жумласидандир. Буларнинг ҳар бирида яхши хислатлар, гўзал фазилатлар бор. Масалан, Фарҳод ақл, зако, илм, мардлик, ихтирочиликнинг, Жўна саҳоватнинг, Суҳайл шафқатнинг, Меҳинбону тадбир ва чидамнинг, Фарруҳ дўстликнинг порлоқ тимсолидирлар. Лекин шубҳасиз, подшоҳ қандай бўлиши керак, деган саволга Навоий Искандар образи билан тўла жавоб беради. Сиёсий раҳбарликнинг, ҳарбий ва давлат ишларининг услуби Искандар образида мужассамланган. Албатта, бу образ тарихда ўтмиш Искандар Румий (милоддан 4 аср

илгари)нинг худди ўз нухаси эмас. Бу тарихий портрет эмас, балки тарихий сиймонинг бадий қайтадан ишланган варианты, бадий образидир. Аристотель айтганидек, тарихчи билан ёзувчининг фарқи шундаки, биринчиси бўлиб ўтган нарсаларни ёзади, иккинчиси эса бўлиши мумкин бўлган нарсани ёзади. Лекин ҳар ҳолда Навоий Чингизхон каби жаҳонгирларни эмас, Искандарни ўз бадий образи учун прообраз қилиб олиши тасодифий эмас. Чунки ўзининг илми, саркардалик қобилияти, олижаноблиги жиҳатидан, Шарқ билан Ғарб маданиятларини бир-бирига яқинлаштириш жиҳатидан Искандарнинг муҳим тарихий ролини ҳеч ким инкор қилолмайди.

Искандарнинг маданий ва тараққийпарвар ролини ифодалаб, Маркс унинг даврини Аристотель даври деб таърифлаган эди.¹

Навоийча Искандарнинг давлат услуби халққа гам-хўрлик қилиш билан характерланади.²

Албатта, Навоий подшоҳлардан талаб қилган хислатлар феодаал шароитидаги ҳукмдорларда бўлиши мумкин эмас эди. Гарчи айрим олим ва тараққийпарвар подшоҳлар ўтган бўлса-да, лекин улар Навоийнинг идеал каби тасвирлагани Искандардай бўлиши мумкин эмас эди. Шунга қарамай феодализмнинг қонли замонларида шоҳдан олижаноб хислатлар талаб қилнш халқчил орзу ва хаёллар билан боғланган эди. (Фольклордаги одил шоҳ образлари билан солиштиринг!)

Бундан бошқа Навоий «Маҳбул қулуб», «Муншаот» каби асарларида ҳам давлат аппаратининг халққа яқинлашувини подшоҳнинг олим, саҳий, мард, ахлоқли бўлишини талаб қилар эди. Бу талаблар буюк адибнинг гуманизми билан боғлиқдир.

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс, Сочинения (первое издание), том I, стр. 180.

² Аввалги мақолада ифодаланган ўринлар қисқартирилди. (Ред.)

II

Навоийда гуманизм

«Умум манфаатига хизмат қилиб шу билан
ўзлари янада олижаноброқ бўлган ки-
шиларни тарих улур кишилар ҳисоблайди»¹.
(Маркс)

Навоийнинг улуг гуманист (инсониятпарвар) бўлган-лигига буқун деярли ҳамма иқрор бўлмоқда. Бу гуманизм, мафжуравий базадай, унинг дунё қарашини белгилар эди. Ундаги гуманизмнинг соф одамгарчилиги турли кўри-нишларда ифодаланган бўлса ҳам, унинг асосий мундари-жаси кишининг озодлиги учун қайғуриш, ҳур индивиду-умни (шахсни) куйлаш, одамни севишдан иборат эди.

Бу гуманизмнинг илдизлари қаердан келиб чиқар эди? Шунини унутиш ярамайдики, Навоий ўзидан илгар-ги жаҳон маданиятининг энг қийматли ютуқларини ўрга-ниб, ундаги энг яхши традицияларни эгаллаган юксак маданиятга бир сиймо эди. Бинобарин, баъзи элдин (юнон) файласуфларининг таълимотлари (гарчи арабча-га бўлган таржималари орқали бўлса ҳам) унга маълум эди. Афлотун, Плотин (янги афлотунчиликка асос сол-ган). Арасту каби буюк мутафаккирларнинг таълимотла-ридаги айрим унсурлар мусулмон шарқидаги файласуф-ларнинг таълимотларига таъсир қилмоқда эди. Плотин-нинг эманация (тажалли) назарияси сўфиларга таъсир қилган бўлса, Арастудаги рационализм ва гуманизм ту-шунчалари дин ва руҳонийларга қарши курашчиларни қуроллантирар эди. Иккинчидан, Навоий Шарқда ва айниқса Урта Осиёда ўтган гуманист ва тараққийпарвар сиймоларнинг қолдириб кетган традицияларидан озиқла-нар эди. Форобийнинг «обод шаҳар» тўғрисидаги идеали, Абу Али ибн Синонинг одамзод тўғрисидаги гамхўрлиги,

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения, I изд, том I, М—Л, 1929, стр. 421.

Улуғбекнинг илму фан йўлидаги фидойилиги Навоий гуманизмини олий ниятлар билан бойитар эди. Ниҳоят, яна бир манба бош манба — меҳнаткашлар оmmasига хос бўлган самимий инсониятпарварлик эди. Халқ — буюк гуманистдир. Халқни қизгин ишқ билан севган Навоий ҳам халқдаги бу гўзал хислатларни ўзига сингдириб олган эди.

Инсонлик шарафи Навоий назарида ҳамма нарсадан юқори турар эди. Ҳатто ошиқ ва ёр каби энг сеvimли вужудлар ҳам одамлик принципига бўйсунити керак. Шириннинг тилидан айтилган:

Менга на ёру на ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур,—

байти Навоий учун программавий аҳамиятга эга эди. Зотан Навоийнинг ўлмас қаҳрамонларига диққат билан қаралса, буларда ошиқлик ҳолати одамгарчилик хислатини инкор қилмайди.

Навоий инсонни мавжудотнинг энг шарафлиси деб ҳисоблайди. Чин инсонни етиштириш қанчалик қийин эканини кўради ва шунча машаққатлар билан парвариш топган бир кишини бир буйруқ билан сўйиб ташлатган ҳукмдорларни катта жиноятчи деб айблайди:

...Ани кўрким, ул зори мазлум ано,
Неча кўрди ҳифзида ранжу ано.
Ул уйғонмасун деб, ебон қайғусин,
Ҳаром айлади кечалар уйқусин.
Ўтуз-қирқ йил давра айлаб сипеҳр,
Анга кўргузуб тарбият ичра меҳр.
Тушуб ул дағи чарх давронига,
Кириб қардин сўнг киши сонига.
Қилиб ҳукмким сен ситам пешан,
Чопиб бошини, қилмай андешан...

(«Сидди Искандарий»)

(Қараб кўрким, бир кишини асрашда бечора онаси қанча машаққат тортди. Болам уйғонмасин деган қайғулар билан кечалари ўзига ухлашни ҳаром — мамну қилиб қўйди. Уттиз-қирқ йил осмон айланиб, уни тарбиялашда меҳр кўрсатди. Ниҳоят кўп йиллардан сўнг бу киши ҳам одамлар қаторига кириб қолди. Зулмни ўзига ҳунар — пеша қилиб олган сен эса, ҳеч қандай ўйламасдан-нетмасдан, унинг бошини чопишни буюрасан).

Юқоридаги мисраларда киши қадрига етмаган зolim ҳукмдорларни очиқдан-очиқ танқид қилиш билан бирга, Навойнинг муҳаббати феодал ҳокимларнинг томонидан қурбон қилинган мазлумлар томонида бўлганини, бечора оналарнинг кўз ёшларига у ҳам ўз қайғуларини қўшганини кўрамыз.

Тасодифий эмаски, одамзод тўғрисида қайғурган Навой ўз амалий-сиёсий, маъмурий ишларида бўлсин, ижодий фаолиятида бўлсин, феодаллар ўртасидаги ўзаро жанжалларга қарши эди. Киши шарафининг, киши ҳаётининг бу бемаъни урушларда нобуд бўлиб кетганини кўрган буюк гуманист ожиз пацифист¹ эмас, балки актив антимилитарист (урушга қарши курашувчи) эди. У ҳар қандай урушни ҳам рад қилавермайди. Ҳақиқат ва ҳуқуқ учун олиб борилган адолатли урушни (масалан, Искандарнинг бир қанча жанглари, Фарҳоднинг кўкалдоши Баҳромнинг Шеруядан олган ўчини) оқлагани ҳолда принципсиз, ғаразли урушларга қаттиқ қарши турар эди...

Искандар достонидаги воқеалар орқали Навой ўз замонасининг актуал проблемаларини акс эттиради. Маълумдирки, Хуросон подшоҳи Султон Ҳусайн Бойқаро ўзи кучли шоир ва шеър дўсти бўлишига қарамасдан, сиёсий ва маъмурий фаолиятида кўнгина тадбирсиз ва бемаъни

¹ Пацифист — ҳар қандай урушга, шу жумладан миллий озодлик урушларига, адолатли урушларга ҳам қарши бўлган оқим тарафдори (*Изоҳ ред.*)

ҳаракатлар қилди. Айниқса, ўз тўнғич ўғли Бадруззамон билан унинг орасида кўп жанжаллар чиқди. Бадруззамоннинг ўғли Мўмин Мирзони Султон Хусайн мастлик ҳолатида қўл қўйган фармонида ўлдиришга буюрди ва ҳоказо... Бу ўзаро жанжаллар кўп бегуноҳ кишиларнинг ҳалокатига сабабчи бўлди. (Шу қурбонлар ўртасида Навоийнинг қариндошлари ҳам бор эди). Навоийга буюк муҳаббат ва ишончи бўлган илғор интеллигенция, албатта, шу аҳволга ачинар ва мамлакатнинг келажагидан хавфсиз раганини билдирар эди. Шу жанжалларни бартараф қилиш учун Навоийнинг тўхтовсиз уринишларига қарамасдан, Хуросон давлати яшин суръати билан инқирозга юз тутмоқда эди. Бу фожиалар ва даҳшатлар Навоийнинг дўсти «Олижаноб Мирхонд» (Энгельс таъбири)нинг «Равзатус-Сафо»сида (VII том) ва Хондамирнинг «Ҳабибус сияр»ида (III том) муфассал тасвирлангандир. Навоий ижодий образлар орқали ҳам бу ўзаро қонли низоларнинг оилалар ўртасига, қариндошлар орасига келтирган фисқу фужурларини қаттиқ қоралайди.

Навоий халқнинг соф ўғиллари ўртасида дўстлик, фидокорлик образларини излайди. У шундай бир шароитни хаёл қиладики, у ерда кишилар бир-бирини хафа қилмасинлар, кишилар бир-бирининг қайғу ва орзуларига шерик бўлсинлар. Шундай дўстлик ва тинчлик билан яшовчи икки дарвеш шубҳасиз бир бири билан урушиб турган икки шоҳдан яхшироқдир:

Хушо, икки озодан номурод-
Ки, бир-бирга зоҳир қилиб иттиҳод.
Не ул айласа бемадоро қилиб,
Анга ҳам бу рифқ ошкоро қилиб,
Анинг коми бу бирга мақсуд ўлуб,
Мунунг радди бу бирга мардуд ўлуб.
Рафиқ икки дарвиш бенштибоҳ,
Эрур яхшироқким адув икки шоҳ!

(Армони қолмаган икки пок киши биргалашиб бир-бири билан дўстона яшаса, биттасининг орзу-ниятини иккинчиси учун ҳам мақсад бўлиб қолса-ю, иккинчисига ёқмаган нарса биринчиси томонидан ҳам рад қилинса, қандай яхши бўлур эди! Ҳеч қандай шубҳасизки, иноқлашган икки дўст дарвеш бири-бири билан урушиб турувчи икки шоҳдан яхшироқ, афзалроқдир.)

Навойи бу ерда дўстлик ва ўртоқлик асосига қурилган бир жамиятни, манфаатларнинг умумийлиги асосига қурилган бир мамлакатни хаёл қилади. Албатта, Навойи бу жамиятнинг типини конкрет равишда тасаввур қила олмайди. Лекин, ҳар ҳолда, феодал шарқининг ўрта асрлардаги ҳоким синф вакиллари кўпчилигида юраклар тошдай қотиб қолган бир вақтда улуғ гуманизмнинг овозини кўтариш буюк жасоратга боғлиқ эди. Бу идеални Навойи халқнинг келажак ҳақидаги хаёлларидан териб олган эди. Қизиғи шуки, юқоридаги парчада Навойи урушувчи икки шоҳга қарши қилиб бир-бири билан ўртоқлашувчи икки дарвешни, яъни аҳолининг энг йўқсил ва дарбадар юривчи вакиллари олади.

Халқдаги одамгарчиликни, халқ оммасининг кўп талантиларга эга бўлганлигини Навойи яна қизиқ бир фактда кўрсатмоқчи бўлади. У, жаҳон фотиҳи буюк Искандарни Македония подшоҳи Файлақус (Филипп) нинг ўғли деб эмас, балки кўчада ўлган бир йўқсил хотиннинг етим боласидай тасвирлайди. Гарчи айрим хамсачиларда (Жомий ва айрим тарихчиларда «Тарихи Табарий», II том) Искандарнинг келиб чиқиши тўғрисида шу вариант берилган бўлса ҳам, расмий давлат тарихларида ва эски қомусларда «Искандар бин Файлақус» (Филипп ўғли Искандар) деб маълумот берилган. Демак Навойининг биринчи вариантни олиши маълум принципга асосланган эди. У ҳам бўлса зўр гуманистик даъвои исбот қилиш эди: яъни улуғ саркарда ва доно сиёсий раҳбар бўлиш учун шоҳ ўғли бўлиш шаот эмасдир, халқ ўғилларидан

ҳам буюк талантлар ва доно кишилар чиқиши мумкин, демоқчи бўлади.

Навоийнинг буюклиги ватан учун, жамият учун, одамият учун, одамият дунёси учун қайғуришда кўринади. Ёш Маркс «Ўзига ҳунар танлаб олишда ёш йигитнинг муҳокамалари» деган асарида олижаноб кишилар тўғрисида сўзлаб, агар у фақат ўзи учун ишласа, албатта, машҳур олим, буюк мутафаккир, гўзал шоир бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон мукамал, чинакам улуғ киши бўла олмайдди,—деб таъкидлаган эди¹.

Навоий фақат ўзи учун ишламагани, балки биринчи навбатда халқ учун қайғурган ажойиб гуманист бўлганлиги учун «мукамал, чинакам улуғ киши»дир.

III

Навоий ижодида аёл образи

Навоийдаги гуманизм абстракт бир тушунчадан иборат эмас эди. Бу зеҳният (дунёқараш), буюк адибимизнинг амалий ва ижодий ишларига асосий характери берар эди. Алишер ўз замонасининг соф-биллур виждони эди. У, бутун халқ, мамлакат тўғрисида қайғурад ва ўзининг шу қайғусини бевосита амалий ишлардан бошқа лирик ва эпик образларида мислсиз самимият билан ифодалар эди.

Албатта, Навоийга ўхшаган улуғ гуманист ва ҳассос санъаткор хотин-қизлар масаласига бепарво қараб туролмас эди. Жамиятнинг ярмини ташкил қилган аёллар Навоий ижодида жуда катта ўрин тутади.

¹ Қаранг: К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения (первое издание), том 1, стр. 406.

Хотин-қизларга бағишлаб ёзилган ҳар бир мисра Навоийнинг уларга зўр ҳурмат билан қараганини кўрсатади.

Алишер Навоий ўзининг ғазалларида ғўзал хотин образининг сўнмас намунасини яратган. Бу ғазалларда юксак ҳурмат поясига кўтарилган севгили (ёр образи) ва камтарин ошиқ (шоир образи) доимий равишда лирик асарларнинг композицион бирлигини ташкил қиладиган иккиликдир. Навоийнинг ғазалларида самимий ва чинакам ишқ таронаси жаҳон музикасининг юқори пардаларида куйланади, десак муболага қилган бўлмаймиз.

Лекин аёллар тақдирига Навоийнинг муносабат ва қарашлари, айниқса, унинг эпик асарларида кенгроқ ва яққолроқ ифодалангандир. Биз шу ерда Навоийда аёлларнинг эпик образлари устида муҳокама юргизиб, шу орқали Навоийда бу проблеманинг характерини очмоқчимиз.

Навоий дostonларининг романтик приёmlари ва ранглари кўп ишқий можаролар ва севги муносабатлари билан зич боғлангандир. Бинобарин, «Хамса»даги («Ҳайратул аброр»дан бошқа) тўрт дostonда хотин-қиз персонажларининг актив роль ўйнаганлиги таажжуб эмас. «Лайли ва Мажнун» ҳам «Фарҳод ва Ширин»да Лайли билан Ширин актив бош қаҳрамон сифатида асарнинг динамикасига ҳал қилувчи фактордай таъсир қиладилар. Қиз қаҳрамонларнинг шу актив функцияси мазкур дostonларнинг сарлавҳасида ҳам акс этган. Булардан бошқа «Сабъан сайёр»да Дилором дostonдаги интриганинг калидини ташкил этади. Яна шу дostonдаги етти афсонанинг ҳар бирида биттадан қиз қаҳрамон иштирок этади. «Садди Искандарий» дostonида ҳам, гарчи эпизодик характерда бўлса-да, хотин-қиз персонажларининг (Равшанак ва бошқалар) кўра-миз. Аёл образларига ўзининг эпик асарларида шунчалик кенг ўрин берган Навоий, албатта, буларга умумий ва соғлом позициялардан туриб баҳо беради.

«Хамса»даги ижобий аёл образларига хос бўлган муҳим хислатларни кўриб чиқайлик:

Даставвал шуни қайд қилиш керакки, Навонийнинг ижобий қиз образлари ажойиб гўзаллардай тасвирланади. Булар нуқсонсиз жисмоний ҳуснга эгадирлар. Масалан, Лайлини олганимизда, шоир бу қизнинг муфассал портретини чизиб бериб, унинг юзу кўзлари, қадду қомати ҳақида забардаст рассомдай ранг-баранг деталларни тасвирлаб беради:

а) (Қош):

...Бошким қўшуб икки эгма қоши,
Ҳусн ичра экан ашинг талоши.
...Чун вўсма бериб аларга тазйин
Мийнойн ўлуб ҳилоли мушкин.

(Бир-бири билан тутшиб кетган қошлар, гўё бу ҳусн учун талашар эдилар.. Ўсма уларни зийнатлантириб, ярим ой шаклидаги атрли қошларни мийнойн (кўк)га бўяган эди).

б) (Кўзлар):

Кўзлар икки шўх кофири маст,
Ҳар қайсига боқса уйқу ҳамдаст.

(Кўзлар икки шўх ва маст золимлар эдики, ҳар қайси уйқу билан қўлдош эди.)

в) (Киприк):

Мужгон сафининг қара балоси,
Кўзлар уза соянинг қароси.

(Киприклар сафининг қора балоси кўзлар устига қора соя солган эди).

г) (Юз):

Юз равзаи хулддин нишон,
Хол анда фиреб этарга дона.

(Юз, жаннат боғидан нишона эди, ундаги хол эса, алдаш ушун бугдой донаси эди.)

д) (Хол):

Ул донаға сайд ўлуб бир Одам,
Бо донаға борча аҳли олам.

(Афсоналардаги дона фақат Одам атонинг ўзинигина овлаган бўлса, бу донага (холга) бутун олам аҳли асир бўлган эди).

е) (Лаб):

Шаҳди лабидинки коми ширин,
Ондин келибон каломи ширин.

(Унинг лаблари боли шундай ширин эдики, сўзлаган сўзларига ҳам бу ширинлик юқар эди).

ж) (Қомат):

Бир тоза ниҳоли сарвқомат-
Ким, жилвасидин солиб қиёмат.

(Унинг сарвқомати ёш бир навда бўлиб, жилвасидан атрофга қиёмат солар эди).

з) (Бел):

Бел риштан жони зор янглиғ,
Жон пардаси ичра тор янглиғ.

(Бели нозик жоннинг томиридай, жон пардасидаги тордек эди.)

и) (Соч):

Йўқ икки сочи тунига гоят,
Яъни ики лайли бениҳоят.

(Унинг икки кокилиннинг тунни сўнгсиз бўлиб, шу қадар узун ва қора эдики, ниҳоятти йўқ икки кечани эслатар эди.)

Лайли портретининг айрим деталларидан олиб терилган юқоридаги сатрлар Навоийнинг қиз портрети устида сабр ва чидам билан, муҳаббат ва рағбат билан ишлаганини кўрсатади. Бу бадий чизиқлар шаблон ва ёки хомаки деталлар эмас, балки катта завқ билан ишланган оригинал чизиқлардир. Ширин, Дилором каби аёлларнинг портрети ҳам шунчалик диққат ва маҳорат билан ишланмишдир. Навоийнинг сеvimли қиз образи Шириннинг мукамал портретида биз шу ҳаяжонли таърифни кўра-миз:

Қали руҳ офати чобуклик ичра,
Бели жон риштаси нозуклук ичра...
Лабидин жон томиб бисёр-бисёр,
Сўзидин шаҳд оқиб харвор-харвор.
Лабидин томибу оқиб латофат,
Юзидин оқибу томиб малоҳат.

(Унинг қадди чаққонликда руҳдай, бели нозикликда жон томиридай бўлиб, лабидан жуда кўп жонлар оқар, сўзидан талай боллар томар эди. Лабидан чирой, юзидан гўзаллик оқиб, томиб ётар эди.)

Достонлардаги қиз қаҳрамонларнинг шу хилдаги портретлари одатда ғазалчи шоирлардаги маълум сифатларнинг қайтарилиши эмас, балки ҳар бир образнинг ўзига хос индивидуал суратлардир. Навоий ўзининг ижобий қиз образларини мутлақ гўзаллар шаклида тасвирлаши билан икки мақсадни кузатади: биринчидан, шоир, гўзал вужуд ва чиройлик сурат эгалари руҳ ва характер жиҳатидан ҳам гўзал бўлсин ва аксинча, яхши хислатларнинг эгалари жисмоний жиҳатдан ҳам гўзал бўлишга лойиқдирлар, демоқчи бўлади (бу Навоийнинг фақат эстетик орзусидир); иккинчидан ижобий қиз образларини чиройли қилиб тасвирлаши билан Навоий ўз ўқувчиларининг ҳамма муҳаббат ва хайрихоҳлигини булар томонига жалб қилмоқчи бўлади.

Навойнинг аёллари фақат ташқи ҳусн билангина тавсифланмайдилар. Булар ўз ақл ва фаросатлари билан ҳам атрофларидаги кишиларни ҳайрон қолдирадилар. Муҳит билан муносабатлари, кишилар билан муомалалари, саволу жавоблари, муҳокама ва мулоҳазалари шу аёлларда жиддий ақлнинг борлигидан дарак беради: Меҳинбону тўғрисида Навоий шу қисқа характеристикани беради:

Меҳинбону камол изҳор айлаб,
Дақойиқдин савол изҳор айлаб...

(Меҳинбону ўзининг ақл-камolini кўрсатиб, нозик гаплардан савол қила бошлади.)

Яна:

Меҳинбонуки донишпарвар эрди,
Билик аҳлига шоҳи сарвар эрди.

(Фанпарвар бўлган Меҳинбону билим аҳлига йўлбошчи шоҳ эди.)

Ҳақиқатан ҳам Навоий ўз характеристикасини қаҳрамоннинг бевосита ҳаракатларидан очиб бермоқчи бўлади.

Хотинлардаги шу табиий қобилият билан алоқадор ҳолда Навоийнинг аёл образларини характерлайдиган яна бир хислат — булардаги маданиятдир. Шоирнинг кўп ижобий қизлари илмли, маърифатли, маданиятли сиймолардир. Булар ўз ошиқларига маъноли, мазмундор хатлар ёзадилар, энг мураккаб туйғу ва тушунчаларни ўз қаламлари билан ифодалашга моҳирдирлар.

Ширин ҳақида:

Битилди дард ила бир турфа мактуб,
Демай ҳар сатреки, ҳар лафзи марғуб.

(У дард ила шундай бир ажойиб хат ёздики, ҳар қайси сатри эмас, ҳатто ҳар сўзи ёқимли эди.)

Лайли ҳақида:

Лайли тилабон даवоту хома,
Филҳол муҳаррар этди нома.

(Лайли давот ва қалам сўраб, дарҳол бир мактуб ёзди.)

«Фарҳод ва Ширин» достонида, Меҳинбону Фарҳодга зиёфат бераётган пайтида 10 та олима ва санъаткор қиз тасвирланади. Булар: Дилором, Дилоро, Дилосо, Гуландом, Суманбўй, Сумансо, Паричеҳр, Паризод, Париваш ва Парипайкардир. Бу ўн қиздан ҳар биттаси бир илм ва ҳунарнинг эгасидир:

- 1) Бири ашъор баҳри ичра ғаввос (шоира),
- 2) Бири адвор даври ичра раққос (раққоса),
- 3) Бири мантиқ русумида рақамкаш (мантиқчи),
- 4) Бири ҳайъат руқумиға қаламкаш (астроном),
- 5) Бирининг шеvasи илми ҳақойиқ (файласуф),
- 6) Балогатда бири айтиб дақойиқ (гўзал сўзлаш санъатига уста),
- 7) Бири тарихда сўз айлаб фасона (тарихчи),
- 8) Бири ҳикмат фани ичра ягона (ҳикматчи),
- 9) Ҳисоб ичра бирининг зеҳни ёриб (ҳисобчи),
- 10) Муаммода бириси от чиқориб (муаммо ва топишмоққа уста).

Шундай қилиб, Навоий, ўша давр интеллигенцияси шуғулланиб турган мураккаб ва жиддий фикрий (интеллектуал) ҳунарларга хотин-қизларнинг тўла салоҳиятли эканликларини шу эпизодда журъат билан майдонга ташлайди.

Бироқ Навоийнинг ижобий хотин-қиз образлари ўзларидаги ақл ва илмни шахсий манфаатлар хизматиға қўйишға уринмайдилар. Улардаги бу фазилатларнинг ижтимоий функцияси жуда буюқдир. Арманистон мамлакатини идора қилиб турувчи Ширин ва унинг холаси Меҳинбону шу давлатни ақл ва тадбир билан бошқариб, мамлакатнинг ободончилиги учун қайғурадилар, каналлар,

ариқлар, қасрлар ясаш учун кенг кўламда иш олиб борадилар. Меҳинбонунинг идора услубини Навоий ўзи бево-сита таърифламасдан, билвосита, тош йўнувчи (хорабур) усталарни сўзлатади. Меҳинбону тўғрисида улар Фарҳод-га шундай маълумот берадилар:

...Ки бу кишвардаким рашки жинондир,
Букун исматпаноҳи ҳукмрондур.
...Агарчи соя солмас бошига тож,
Ва лекин тожварлардин олур бож,
Белин гарчи камар топмай камоҳи,
Вале заррин камарлардур сипоҳи.
Бу янглиғдурки фаҳм эттинг сифотин,
Меҳинбону дебон давр аҳли отин.
Бу кишвар ичра ўттуз-қирқ қўргон,
Бари кўк ҳиснидин буржин ошурғон...
Анинг ҳукмидадур бемеҳнату — ранж
Тўла ҳар ерда Қорун ганжидек ганж.

(Жаннатларнинг рашкини келтирадиган даражада гўзал бўлган шу мамлакатда бир исматли — номусли аёл ҳукмдордир. Гарчи у катта хоқонлардай бошига тож қўй-маса ҳам, кўп тож эгалари унга бож бериб турадилар. Гарчи у эркаклардай белига камар боғламаса ҳамки, унинг сипоҳлари ўртасида жуда кўп олтин камарли хиз-маткорлари бор. Мана сен эшитиб фаҳмлаганинг шу си-фатларга эга бўлган кишиини одамлар Меҳинбону деб юра-дилар. Шу мамлакатда ўттиз-қирқта катта қўргон бўлиб, уларнинг гунбазлари осмоннинг қалъасидан ҳам баланд-га кўтарилганлар. Қоруннинг хазинасидай хазиналарга тўлган ҳамма ерлар осонгина унинг қўлига тушганлар.)

Усталарнинг бу характеристикасида ҳукмдор хотин-нинг идора услубига ижобий баҳо берилади. Қизиғи шу-ки, улар ўзларининг уч йилдан бери беомон ишлатилиб келганини Фарҳодга шикоятланиб айтганлари ҳолда, Ме-

ҳинбону қилаётган ишларнинг мамлакат учун объектив аҳамиятини инкор этмайдилар. Бу ерда Навоий баъзи феодал шоҳларининг мамлакат учун қилган фойдали тadbирлари ҳам омонсиз эксплуатацияга суянганини буюк санъаткор кўзи билан пайқаб қайд қилади. Фарҳод ўзининг илми туфайли бечора усталарни машаққатли ва бениҳоя мажбуриятдан қутқазди.

Арманистонни босиб олиш учун ҳужум қилган Эрон шоҳи Хисрав Парвез арман қалъаларининг илгаридан мустаҳкам қуrolланганини кўради.

Бу кутилмаган қаршиликни Навоий Меҳинбонунинг ақлу тadbирига боғлайди:

Анга худ бу иш эрмас эрди мубҳам,
Бурундин ишни қилмиш эрди маҳкам.

(Унга бу иш — яъни Хисравнинг ҳужум қилиб келиши яширин эмас эди, шунинг учун ҳам у ўз ишини барвақт маҳкамлаб қўйган эди.)

Хисравнинг дўқ ва ҳақоратларига Меҳинбону қатъий ва қаттиқ жавоб қайтариб Фарҳоднинг шараф ва шаънини кўтаради. Умуман Меҳинбону Навоий ижодидаги аёл образлари ичида алоҳида ўрин тутган, оқила ва адолатли бир маликанинг намунасидир.

«Хамса»даги аёл образларининг характеристикаси юқорида кўрсатилган хислатлар билан чекланмайди. Булар эркаклар билан ёнма-ён курашни, чаққонлик ва мардлик билан ҳаракат қилишни ҳам биладилар. Бу даъвони исботлаш учун Искандар достонидаги қизиқ бир эпизодни эслатсак бўлади. Искандар Мур деган даҳшатли бир қавм билан урушади. Душман полвонлари Искандарнинг жуда атоқли полвонларини нобуд қилади. Шу мағлубият Искандарни кўп хафа қилади. Бу ҳолда Искандар қароргоҳидан отлиқ ва ниқобли бир йигит жанг майдонига чиқиб, душманнинг енгилмас полвонини каманд билан қўлга тушириб, асир олади. Искандар шу йигитнинг ким эканига қизиқади:

Чу чобук жамолидин олди ниқоб,
Дегил чиқди миғ остидин офтоб.
Ҳамул шўҳи чининажод эрди ул,
Ҳамул чобуки ҳурзод эрди ул.

(Ҳалиги эпчил йигит юзидаги ниқобни олиб ташлагач, булут орқасидан офтоб чиққандай бўлди. Бу — хитойли шўх қиз экан, бу эпчил йигит — ҳур боласи экан).

Бу «йигит» Искандарни яхши кўриб юрган чинли (хитойли) бир қиз бўлиб чиқади. У Искандарнинг орқасидан юриб, уни энг оғир бир вазиятдан қутқазишни хаёл қилар экан.

Ехуд — Шириннинг Фарҳодни кўриш учун каналга чиқишини олайлик. У Фарҳоднинг ажойиб таърифини эшитгандан кейин, отга миниб, суръат билан қазилаётган ариққа қараб чопади. Навоий бу ерда унинг ҳуснини таъриф қилиб бўлгандан сўнг, мардона от сурушини, чаққонлик ва эпчиллигини тасвирлайди:

Лабининг ҳар сўзи юз жонга офат,
Сочи ҳар тори минг имонга офат.
Юрарда рахши айлаб тоғни паст,
Узи от узра жоми ҳуснидин маст.
Фалак рахшида меҳри ҳоваридек,
Не рахшу меҳр, дев узра паридек.

(Унинг лабидан чиққан ҳар бир сўз юз жонга хавф тугдиради. Сочининг ҳар бир толаси минг имонли кишини динидан айнатади. Унинг оти учганга ўхшаб юради ва тоғлар унга нисбатан пастроқ кўринар эди. Узи эса отнинг устида ўз ҳуснининг жомидан ичиб маст бўлганга ўхшар эди. У гўё фалакнинг отини минган Шарқ қуёшига ўхшар эди, йўқ, от ва қуёш нарида турсин, девни минган парига ўхшар эди.)

Демак, биз Навоийнинг ижобий хотин-қиз образларида юқоридаги гўзал хислатларни кўрамыз. Энди шундай са-

вол чиқиб қолиши мумкин: ажабо, бу образлар Навоий ва унинг даври учун қай даражада реалъ эди ва қанчалик романтик фантазиянинг маҳсули эди? Ҳеч шубҳасиз, Навоий ўзининг идеал аёл образларини яратар экан, муболаға ва фантазия элементларидан кўп фойдаланади. У келажакнинг, мукамал, ҳар ёқлама келишган, руҳий — ақлий — жисмоний жиҳатдан камолга етган аёлларини куйлайди. Лекин шу билан бирга буларни тамомила хаёлнинг маҳсулидир, дейиш ҳам тўғри эмас. XV асрда Навоий яшаган муҳитда ҳам Лайли, Ширинларнинг маълум хислатларини, маълум воқеаларини ўзларида гавдалантирган гўзал аёллар яшаган. Ишқ фожиасининг қурбони бўлиб кетган фидокор ва вафоли ўзбек қизлари бўлган. Навоийга илҳом берган реал прототиплар (типларнинг жонли намуналари) шубҳасиз бу ғамгин дostonларни жонли таассурот билан суғорган ва Навоийнинг ҳиссиётини бевосита ўзларига боғлаган эдилар...

Журъат билан айтиш мумкинки, Навоий ўзининг аёллар образи билан жамият олдига муҳим ижтимоий проблема қўяди.

Биз юқоридаги аёллар образида қуйидаги хислатларни кўрдик:

1) мислсиз ҳусн ва гўзаллик (жисмоний томон); 2) чуқур ақл-фаросат (ақлий томон); 3) илм ва маърифат (маданий томон); 4) давлат ва мамлакат ишларида актив қатнашув (ижтимоий томон); 5) жанг ва курашда баҳодирлик (жанговарлик томони).

Мана ўз образларини шундай характерлаш билан Навоий очиқдан-очиқ бир хулосага келмоқчи бўлади: у, аёлларнинг эркаклар қадар қобил бўлганларини исботлайди, буларнинг ҳам оила, давлат ва маданиятда кенг ҳуқуқ билан қатнашуви учун курашади. XV асрда ислом идеологияси бутун фикрий ҳаётни монополияга олган бир замонда, албатта, бу талаб улуғ журъат ва олижанобликдан келиб чиқар эди.

IV

«Хамса»да муҳаббат проблемаси

«Хамса»даги аёл образларини характерлайдиган бир қанча ижобий хислатларни юқоридаги бобда кўриб ўтдик. Лекин биз бу ижобий хотин-қизларнинг яна бир хислатини айтмасак, уларнинг характеристикаси тўла бўлмайди. Бу — ижобий аёллар образидаги маъшуқалик сифатларидир. Бироқ оташин севиш қобилияти «Хамса»даги ижобий эрлар образини ҳам характерлайди.

Навоийча ишқ кишини олижаноб характерларга, юксак ижобий пафосга, мардона курашга ундовчи зўр фактордир. Чунки буюк мутафаккир бўлган Алишер Навоий кишилар ўртасидаги ишқий муносабатларнинг буюк ижтимоий функциясини англайди. Мажнун ўзининг чиройлик газалларини ишқнинг кучи билан яратади ва буларни Лайлига бағишлайди; Фарҳод, Шириннинг ишқидан илҳомланиб, Арман тоғида ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатади, улуғ ихтиролар ясайди, Дилором («Сабъан сайёр» достонида) ишқ ҳасратида ўзининг ажойиб қўшиқларини зўр маҳорат билан айтиб беради. Навоийнинг қаҳрамонлари ўз ишқларини севишган кишининг бахт-саодатида кўрадилар. Навоийнинг ишқ фалсафасини Ипполит Теннинг шу таъбири билан тасвирлаш мумкин: «Севмоқ — бошқанинг бахтини гоё қилиб олмақ, унга бўйсунмоқ, унинг саодати тўғрисида ғамхўрлик қилмоқ демакдир» («Санъатлар фалсафаси»). Албатта, Навоийда ошик ва маъшуқ персонажлар ижтимоий фойдали кишилардир. Бинобарин, булар ўртасидаги муҳаббатнинг самимий ва фидокорона мазмунда бўлиши катта ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Лекин ҳамма ҳам юксак ва принципиал муҳаббат билан сева олади деб бўлмайди. Бунинг учун олий гоё, олижаноб ниятлар эгаси бўлмоқ лозим. Эрон шоҳи Хисрав

билан унинг қўлига асир тушган Фарҳод ўртасида ўтган машҳур суҳбат ишққа қарашдаги икки позицияни, икки ахлоқни, икки принципни ифодалайди. Хисрав ҳам Ширинга хуштордир, лекин бу майл унинг на биринчи ва на сўнгги «севгиси»дир. Унинг мақсади ўз ҳарамхонасидаги бўлак асирлар қаторига гўзал арман қизини ҳам қўшиб қўйишдир, холос.

У дунёдаги муҳаббатни ё қўпол куч билан ва ёки олтин билан олиш мумкин деб ўйлайди. Фарҳод эса фақат Ширинни севади ва фақат унинг томонидан севилса — бу унга бас. У ўз тожу тахтидан, роҳат ва оромидан ишқ йўлида воз кечади ва бу йўлда жонини ҳам қурбон беришга тайёрдир. Мана шу икки рақиб ўртасида ўтган қирқ саккизта «деди»лар билан бошланган машҳур диалог Навоийнинг ишқ фалсафаси учун программа саналишга лойиқдир. (Бу ерда биринчи «деди»лар Хисравнинг саволи, иккинчи «деди»лар Фарҳоднинг жавобидир):

Деди: — Недур сенга оламда неша?

Деди: — Ишқ ичра мажнунлуқ ҳамеша.

Деди: — Бу ишдин ўлмас касб рўзи

Деди: — Касб ўлса басдур ишқ сўзи.

Дедиким: — Ишқ ўтидин дс фасона

Деди: — Куймай киши топмас нишона.

Дедиким: — Куймагингни айла маълум!

Деди: — Андин эрур жоҳ аҳли маҳрум...

Деди: — Ишқ аҳлининг недур ҳаётин?

Деди: — Васл ичра жонон илтифоти...

Деди: — Ол ганжу қўй меҳрин ниҳони!

Деди: — Туфроққа бермон кимёни...

Дедиким: — Шаҳга бўлма ширкат әндеш!

Деди: — Ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш.

...Деди: — Ишқ ичра қатлинг ҳукм әтгум.

Деди: — Ишқида мақсудимға етгум.

Навоий бу диалогни улуғ санъаткорлик билан ишлаган. Энг мураккаб савол ва жавоблар бир мисрадан ошмайди, икки киши ўртасида ўтган бу суҳбатдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Навоийча: 1) ишқ буюк фидокорлик талаб қилади; 2) саройнинг бузуқ муҳитига берилган кишилар («Жоҳ аҳли») самимий ва оташин ишққа берилмайдилар; 3) шоҳларнинг севилишга кўпроқ ҳақлари бор дейиш нотўғридир («ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш»); 4) севгувчи киши нафрат қила билиши ҳам керак, яъни бу ишқнинг тўсқинчиларига қарши курашмоқ лозимдир; 5) ишқда бутунлик шартдир, яъни севилмоқ учун том маъносила бир кишини севиш керак. Шу сўнгги хулоса айниқса катта аҳамиятга эгадир. Чунки шу билан Навоий бир эрақнинг бир аёлни севишини талаб қилади. Бу эса кўп хотин олишлик қонунларига қарши чиқадиган принципдир. Хисрав кўп хотинли эр. Фарҳод эса ўз ҳаётини фақат Ширин билан боғлайди. XV асрда мусулмон дунёсида кўп хотин олишлик катта ижтимоий бир разолат бўлиб турган вақтда Алишернинг якка никоҳ учун овоз кўтариши зўр тараққийпарварлик аҳамиятига эга эди, албатта. Энгельс эксплуататор жамиятида якка никоҳдаги қарама-қаршилиқни кўрсатиш билан бирга, қайд қилади: «Якка никоҳ, йирик тарихий тараққиёт бўлди»¹.

Шундай улуғ мазмунга эга бўлган ишқ, албатта, буюк кучга эгадир, у қанча тўсилса, шунча зўр оташ билан ловиллайди:

Ишқ ўти кўнгулни куйдирар чоғ,
Манъига су қуйсалар бўлур ёғ.

(«Лайли ва Мажнун»)

(Ишқ ўти кўнгилни куйдираётган маҳалда, уни ўчираман деб сув қуйсалар, у ёғдай яна ҳам оловлантиради).

¹ Ф. Энгельс.—«Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» — 65-бет.

Ишқ аҳли ўз ишқи йўлида чуқур руҳий кечинмалар ва ҳаяжонларга ошнадир:

Беишқ улусга ком уйқу,
Ишқ аҳлигадир ҳаром уйқу.

(«Лайли ва Мажнун»)

Навоийдаги ошиқ-маъшуқ образларининг биринчи хактерли хислати улардаги айнимайдиган вафодир. Навоий вафосиз кишини ҳайвондан баттар кўради:

...Куйиб ул зор бекас мотамидин,
Ки ҳайвон беҳ вафосиз одамидин.

(«Фарҳод ва Ширин»)

Фарҳод ва Мажнун вафодор ошиқ образлари бўлганидай, Ширин ва Лайли ҳам ўз олижаноб ёрларига муносиб. садоқатли маъшуқалардир. Лайли, Мажнундан бошқа кишини севишни қатъиян тасаввурига ҳам келтирмайди:

Олам эли бир ён ўлса, яксар,
Мумкин эмас ўлмоғи муяссар.

Ширин Хисравнинг таклифига қарши қатъий рад жавобини қайтаради ва холасига шундай хабар юборади:

Агар Бону иложи билса қилсун,
Ўзумни ўлтурурман, йўқса билсун.

Ширин Хисравга тегишдан кўра ўзининг ўлимини афзал кўради ва асарнинг ғамгин хотимасида ўзининг шу принципини фожиона бажаради. У Фарҳодсиз яшашни хаёлига ҳам келтирмайди, ўзининг Фарҳоддан сўнгра бош-

қасига тегмаслигини уқдириб ўтади ва шу ажойиб таш-
биҳни беради:

Фироқида бу кунлук, тонглалиқмен,
Гамидин ўйлаким, сувсиз балиқмен.

Демак, Фарҳоднинг ҳаёти Ширин учун балиққа сув
керак бўлганидай зарур бир шартдир.

Бу ажойиб қизлар ўз ёрини нечун севадилар? Булар
ошиқларидаги юксак фазилатларни, илм-фанларни сева-
дилар.

Ширин Фарҳодга қараб шундай деди:

Ҳунарда зери дастинг борча олам,
Ҳунар йўқким камолу фазл аро ҳам.
Кишиким қилса таърифинг хаёли,
Қуёш равшан демактур, чарх — олий.
Балодин асрасун даврон танингни,
Не ёлғиз танки, жони пур фанингни.

(Барча олам ҳунарда сенга бой беради, ҳунаргина эмас,
ақл ва фазилатда ҳам шундайдир. Киши сени таъриф
қилмоқчи бўлса, осмондаги порлоқ қуёшга ўхшатиши ке-
рак. Даврон сенинг танингни, танингнигина эмас, фанлар-
га тўлган жонингни ҳам асрасин!)

Аммо бу муҳаббат бир ёқлама бўлиши ярамайди. Шу-
нинг учун ҳам Навоийда муҳаббат доим икки томоннинг
муҳаббати сифатида муқобил тарзда берилди. Бу «Хамса»
даги севгувчиларнинг иккинчи хусусиятидир.

Ширин май соғарини (қадаҳини) Фарҳоднинг ишқи
учун кўтариб:

Деди, лаълига, олиб лаъли аҳмар
«Сенинг ишқингда нўш эткум бу соғар!»

Аммо у Фарҳоддан ҳам, жавобан, шундай ишқни талаб қилади:

Ичиб жоми лабо-лаб, тутти ул дам:
«Ки нўш эткил менинг ишқимда сен ҳам».

Ишқнинг бундай икки томондан бўлиши ошиқ-маъшуқ ўртасидаги ҳамкорликни белгилайди. Агар эркаклар ўз ишқлари йўлида буюк шижоатлар кўрсатиб турсалар, хотин-қизлар ҳам уларнинг ҳамма машаққат ва фожиаларини ўртоқлашадилар. Улар севганлари билан бирликда курашни, ҳамма вақт улар билан бирга бўлишни хаёл қиладилар. Ширин Фарҳодга ёзган хатида шундай дейди:

Хироминг чоғи йўлдош ўлсам эрди,
Сукунинг вақти қўлдош ўлсам эрди.

(Кошки юрганингда йўлдошинг, сокин турганингда қўлдошинг бўлсам эди.)

Лайли, Мажнуннинг ота-онаси ўлганини эшитиб, қаттиқ хафа бўлади ва бу мотамни ўзининг шахсий мотамидай тушунади:

...Бу дарду шиканж ҳам мангадир,
Ёрим дағи ранж ҳам мангадир.
Онингки ото-оноси ўлмиш,
Гўёки манга бу сўг бўлмиш.
Ул гар бўлуб эрса дардпарвард,
Лекин манга икки ончадир дард.
Анга ота-онанинг гамидир.
Ҳам бу манга ҳам анинг гамидир.

(Бу дард ва заҳмат менга ҳамдир. Ёримдаги хафалик меникидир ҳам. Унинг ота-онаси ўлган бўлса, бу гўё менга мусибат бўлгандайдир. У гарчи дардманд бўлса ҳам,

менинг дардим икки уникча келади, чунки унинг ғами ота-онаси тўғрисидаги хафачилигидан иборат бўлса, мен ҳам шу мусибатни ва ҳамда Мажнуннинг ғамини ейман).

Шундай қилиб, «Хамса»даги ошиқ-маъшуқлар муҳаббатининг учинчи хислати — севгувчилар ўртасидаги йўлдошлик (ҳамкорлик)дир. Бироқ, Навоийдаги маъшуқлар фақат мотам ва мусибатни ўртоқлашув билангина кифояланмайдилар. Улар ўзларидаги муҳаббатнинг кучи билан ошиқларини кураш ва чидамга, мардликка чақирадилар. Ширин Фарҳодга шундай ёзади:

Агарчи фурқатимдин нотавонсан,
Вале ҳам эрсану ҳам паҳлавонсан.

Навоий ишқнинг киши учун табиий ва қонуний бир ҳолат эканини ва бу туйғунинг қанчалик юксак бир ҳиссиёт эканини билади. У ошиқларни эмас, ишққа тушунмаган кишиларни бадбахт ва тентак деб англайди. Шоир Мажнун ишқининг жуда олий бир ниятдан туғилганини кўрсатади. Мажнун жинни эмас, балки ишқнинг фидокор баҳодиридир. Қайсни Мажнун ҳолига солган — ишққа душман бўлган тор тушунчали, калтафаҳм ва кўр феодал муҳитидир. Ҳақиқатда эса Мажнун ўзининг ғалати ва ғайри табиий характерларида ҳам олий ғоянинг ва чуқур ақлнинг раҳбарлиги остида ҳаракат қилади. Мажнун саҳроларда гўё «жинни» бўлиб юрган пайтларда, Лайлининг ишқида ажойиб ғазаллар ёзади. Бу ғазалларнинг ҳамма радиф ва қофиялари Лайли исмини ва унинг сифатларини такрорлайди. Бу ғазалларга Навоий шундай баҳо беради:

Лайли ғамидин қилиб тафаккур,
Юз байту ғазал деб ўйлақим дур.
Ҳам қофияси анинг сифоти,
Ҳам барча радифи онинг оти.

Албатта, жинни киши шундай «дур» каби шеърларни яратолмайди. Унинг «жинни»лиги муҳитнинг савиясидан юқори туришида, оддий ва тор кишилар учун бу ишқнинг моҳияти англашилмаганидан келиб чиқади. Чунки майда-чуйда манфаатларни ўзига ғоя қилиб олган кишилар назарида ишқ учун молу давлатдан, беғам тирикчиликдан воз кечиш «тентаклик», «жиннилик»дир. Лекин Навоий шундай ошиқларни кишиларнинг юқори типни деб тушунади. Шоир Мажнунга бевосита характеристика бериш билан кифояланмасдан, «Лайли ва Мажнун» достонидаги персонажлар орқали ҳам шу характеристикани чуқурлаштиради. Мажнун саҳроларда дарбадар юрган пайтларда Навфал номли бир баҳодирга учрайди ва у билан қалин дўст бўлиб олади. Навфал Лайлини Мажнунга олиб бериш учун кураш бошлайди ва даставвал Лайлининг отасига хат юбориб, шунда Мажнун тўғрисида қуйидаги баҳони беради:

Қайс улки арабда бебадалдур
Ҳар фазлда эл аро масалдур.
Лайли сари ишқи пок пайванд,
Қилғон эмиш они орзуманд.
Ифрот ҳаёву инфиоли,
Қўймай қилуриға шарҳ ҳоли,
Қавму ҳайлин унутқон эрмиш.
Ул ишқ ила дашт тутқон эрмиш.
Савдо аро бўлмиш ўйла мэфтун,
Ким эл дер эмишлар они «Мажнун».

(Қайс араблар ўртасида мислсиз бир кишидир... Ҳар қандай илму фазилатда эл — халқ орасида унинг исми масал — мақолга айланиб кетган. Лайлига бўлган пок севгиси унда Лайлига нисбатан катта ҳавас-орзулар туғдирган. Лекин у, ўтакетган даражада ҳаёли, уятчан ва мутаассир бўлгани учун, ўз аҳволини бориб айтиб беришдан

тортинади. У ўз қавми қариндошларини унутиб, саҳроларга юз тутган эмиш. Ўз муҳаббатига шунчалик берилганки, халқ уни Мажнун дер эмишлар.)

Навфалнинг бу хати Навоийнинг Мажнунга қараши учун жуда характерлидир. Навфал Мажнуннинг илму фазилатига юксак баҳо беради, Лайлига бўлган ишқини атрофдаги кишиларга тушунтириб беришдан умидсизлангач, даштларга чиқиб кетганини, унинг жуда қаттиқ ошиқ бўлиб қолганини кўрган кишилар эса унга Мажнун лақабини берганларини ёзади. Бу ерда Мажнуннинг жинни бўлмади, балки нодонлар томонидан шундай хўрланганини кўрамайз. Навфалнинг шундай баҳоси Лайли отасини «ташвиқ» қилиш учун тақилган баҳо эмас. Лайлини Мажнунга олиб беришдан умидсизлангач, у ўз қизини Мажнунга беришга тайёрлигини билдиради ва ўз ниятининг ростлигини амалда исбот қилади. Албатта, Навфалдай ақлли ва олижаноб бир киши ўз қизининг тақдирини бир жинни билан боғлашга виждони рози бўлмас эди. Демак, Навфал Мажнуннинг жинни эмаслигига қатъиян иқдордир.

Мажнун образининг шундай талқинидан кўриладики, Навоий ишқни ёқлайди, у ошиқ ва маъшукларнинг туйғуларини ҳурматлайди, бу хислатларнинг табиий бир нарса эканини исботлайди.

Лекин Навоий яшаган муҳитда кишидаги олий хислатлар ва шу жумладан севиш қобилияти омонсиз эзилмоқда эди. Феодаallar ошиқ ва маъшукни бир-биридан қўпол куч билан ажратадилар ва севги-бахт чашмаси бўлиш ўрнига, мотам ва бахтсизлик манбаига айланади. Эксплуататор жамиятда энг яхши талантлар, олижаноб ошиқлар ҳалок бўладилар. Ишқ «жиннилик» деб эълон қилинади, шунинг учун Навоий ошиқнинг тақдиридан хафаланади, қайсларни мажнун қилган инсофсиз жамиятти қораловчи айбномалар ёзадики, буларнинг энг фош қилувчиси «Лайли ва Мажнун»дир.

V

Навоий — ўз даврининг энг маданий кишиси

Алишер Навоий ўзининг буюк адиблик шону шуҳратини улуғ маданий базада қозона олган эди. Буюк шоир Алишер Навоий айни замонда оригинал рассом, тарихчи, ажойиб олим, жиддий сиёсатчи, чуқур файласуф, нозик наққош, гўзал хаттот, олижаноб давлат арбоби, нафис мусиқашунос, юксак ахлоқиюн (моралист) эди.

Буюк Навоийнинг олий даражали интеллигент эканига ўз замондошлари ҳам иқрор эдилар. Кўп кишилар — ҳасад юзасидан — Алишердаги юқори олимлик хислатларини буюк адибнинг нуқсони деб ҳисоблар эдилар. Бу даъволарнинг қанчалик асоссиз эканини Навоийнинг замондоши — буюк адиб Заҳриддин Муҳаммад Бобир кўрсатади. У, Навоий табиатидаги нозиклик хусусиятининг давлат ва мансаб билан боғланмасдан, бу кишидаги инсоният шарафи билан алоқадор эканини ёзади. Унинг (Бобирнинг) кўрсатишича, Навоий фақир ва йўқсил бўлиб, Самарқандда талаба сифатида юрган вақтида ҳам нозиклик, яъни орифлик ва инсоний ғурури билан ажралар эди. «Алишербекнинг мижози нозиклик билан машҳурдир, эл назокатини давлатининг ғуруридан тасаввур қилур эрдилар, андоқ эмас экандур, бу сифат онга жибиллий экандур. Самарқандда эканда ҳам шундоқ нозик мижоз экандур» («Бобирнома»дан).

Бобирнинг шу гувоҳлигидан кўринадики, замондошлари Алишер Навоийни улуғ мартабали ва талантли бир интеллигент деб ҳисоблар эдилар. Ҳақиқатда ҳам Навоий ўз даврининг буюк олими, зиёлиси, адиби ва сўнмас виждони ҳисобланар эди. Унинг тарбияси остида етишган Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ каби буюк тарихчилар Навоийни ўзларининг валинеъматини ҳисоблар ва ўз сўнмас ишлари учун унга миннатдорлик билдираар эдилар.

Алишер Навоий ўз замонасидаги зиёлиларга фақат

ўзининг расмий имконияти билангина эмас, илм ва маърифати билан ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатар эди. Бу ундан фавқулодда зийрак олим, ҳаддан ташқари ўқимишли ориф бўлишни талаб қилар эди. Ахир, Навоийнинг замондоши ва форс-тожик адабиётининг улуғ классиги Мавлоно Абдураҳмон Жомий, Алишернинг мислсиз ақлу фаросатига ва илму қобилиятига юксак баҳо берган эди («Искандарнинг донишмандлик китоби», хотима).

Ҳақиқатан ҳам Навоий ўз даврининг буюк олими ва порлоқ фикрли интеллигенти эди. Буюк шонримизга нисбатан машҳур рус танқидчиси Писаревнинг ушбу сўзларини татбиқ қилиш мумкин: «Чинакам, фойдали шонр ўз асарининг ва ўз халқининг энг яхши, энг ақлли ва энг маърифатли намояндаларини ҳозирги пайтда қизқтирадиган ҳамма нарсаларни билиши ва англаши керакдир»...

Алишер Навоийнинг қай даражада юксак фикрли, кенг қарашли, чуқур муҳокамали шахс бўлганини бир неча фактда ҳам равшан кўриш мумкин. Алишер Навоийнинг дунё тўғрисидаги тасавури, турли мамлакатлар, халқлар, давлатлар, қабилалар, хонликлар, вилоятлар ҳақидаги тушунчалари диққатга сазовордир. Биз, фақат Навоийнинг «Садди Искандарий» достонини олсак, бу ерда ўйлаб катта ва кичик, машҳур ва мажҳул, яқин ва узоқ, маданий ва ибтидоий ўлкаларнинг, давлатларнинг, салтанатларнинг, хонликларнинг, шаҳарларнинг, вилоятларнинг, қабилаларнинг номларини учратамиз. Биз бу дostonда қуйидаги географик номларни кўрамиз:

1-Рум, 2-Зағибор (Африкада Судон мамлакати), 3-«Билоди Фаранг» (Франция, умуман Европа), 4-Қрим, 5-Андалус (Испаниянинг жанубидаги вилоят), 6-Миср, 7-Искандария (Мисрда машҳур шаҳар), 8-Эрон, 9-Ироқ, 10-Ажам (Эроннинг бир қисми), 11-Билоди араб (Арабистон), 12-Шом (Сурия), 13-Ҳалаб (Сурияда бир шаҳар), 14-Яман (Арабистон ярим оролининг жанубидаги

бир ўлка), 15-Форс (Эроннинг бир вилояти), 16-Хоразм, 17-Дашти Қипчоқ (Қозоғистон, Волга бўйи, Жанубий Россиядаги чўллар), 18-Россия, 19-Черкас (Шимолий Кавказда), 20-Гуржи (Гуржистон), 21-Мовароуннаҳр (Аму ва Сирдарёлар ўртасидаги ўлка), 22-Самарқанд, 23-Чин (Хитой), 24-Ҳиндистон, 25-Синд (Ҳиндистоннинг бир ўлкаси), 26-Кирмон (Эронда бир вилоят), 27-Хуросон, 28-Ҳирот, 29-Исфиҳон (Эроннинг қадимги пойтахти), 30-Рай (Эронда бир вилоят), 31-Қорабоғ (Озарбайжонда бир вилоят), 32-Деҳли (Ҳиндистоннинг пойтахт шаҳарларидан), 33-Ширвон (Озарбайжоннинг қадимги маданиятга эга бўлган бир вилояти) ва ҳоказо.

Шундай кенг маълумотга эга бўлиш Навоий даврида ҳазил эмас эди. Бунинг учун: а) кўп китобларни, саёхатномаларни кавлаш, б) кўп сайёҳлар ва жонли гувоҳлар билан суҳбат ўтказиш ва в) кўп тажрибага эга бўлиш керак эди. Албатта, шундай маданий сиймо бўлган Алишер Навоий ўз замонасидаги кўп олимларнинг, санъаткорларнинг, шоирларнинг ҳомийси ҳисобланар эди. XV асрнинг охирилари ва XVI асрнинг бошларида Ўрта Осиё ва умуман Марказий Шарқда ўтган воқеаларнинг энг муътабар гувоҳи бўлган гениал шоир Бобир, Навоийнинг шу маданий хизмати тўғрисида қуйидагиларни айтади: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қул Муҳаммад ва Шайх Нойи ва Ҳусайн Удийким созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била муича тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва ихтимоми билан мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар». («Бобирнома» дан).

Юқорида номлари кўрсатилган санъаткорлар Шарқ маданияти тарихида шуҳрат ва шон топган талантлардир. Ҳолбуки, буларни тарбиялаган киши Алишер Навоийнинг ўзи эди.

Алишер кичик ёшидан эътиборан ўзининг фавқулодда кескин фикри, қобилияти (ҳофизаси) ва ажойиб шеърӣй таланти билан атрофидаги кишиларни таажжубда қолдирар эди. У ўзининг мазҳур «Мажолисун нафоис» китобида кичик гўдак чоғида улуғ тарихчи Шарафиддин Яздий билан кўришганини ва ўзининг зийраклиги билан «Зафарнома» эгасини ҳайрон қолдирганини сўзлайди.

Бу қизгин мутолаа ва сўнмас ҳавас Навоийнинг бутун ҳаётини характерлайди. Ажаб эмаски, ҳаммаси бўлиб 60 йил яшаган Навоий ўзининг давлатдаги сиёсий фаолияти, маъмурий ва амалий ишлари билан бир қаторда, оламшумул аҳамиятга эга бўлган асарларини яратди. Навоийнинг асарлари сон жиҳатидан олганда ҳам каттагина бир кутубхонани ташкил қилади. Шу билан бирга бу асарлар сифат жиҳатидан ҳам классик мукамалликка эгадирлар. Навоий ижодининг сон ва сифат жиҳатидан қай даражада бемисл воқеа эканини Бобир Мирзо жуда ўткир жумларда қайд қилиб ўтади: «Алишер назирӣ йўқ киши эди (лар), туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтган эмас» («Бобирнома»дан). Демак, XVI асрнинг бошларидаёқ замондошлари Навоий ижодини классик намунадай қабул қилган эдилар.

Албатта, бундай юксак ижодий ютуқларга эришув — биринчи навбатда меҳнат ва ижодкорликнинг юқори поғонада туришидан келиб чиқади. Кўп доҳий адиблар каби Навоий ҳам ўз вақтидан максимал даражада фойдаланиш қобилиятига эга эди. Яъни бу буюк меҳнаткаш бир кеча-кундузнинг бериши мумкин бўлган ҳамма соатларни ганимат деб билар эди.

«Йигирма тўрт соат кеча-кундуз»нинг мазмунини ўз ижодий ва илмий ишларига қарата олган улуғ Алишер ўз замонасидаги илмий ва адабий ютуқларнинг чўққисини эгаллаб ололган эди. Астрономия соҳасида Улуғбекнинг журъатли фикрларидан хабардор бўлгани учун, ойнинг қуёшдан ёруғ олганини бир ташбиҳда кўрсатади. Қизиги

шуки, шу ташбиҳ (ўхшатиш) ўзи ҳам илм ва маърифатнинг аҳамиятини кўрсатадиган бадий воситалардандир:

Янги ой бадрликдин келди маҳжур,
Қуёшдин ҳар кеча касб этмаса нур!

4

(Янги ой ҳар кеча қуёшдан нур олмаса, у тўлуи ой бўлишдан маҳрум бўлур.)

Навоий «Садди Искандарий» достонида урушувчи аскарларнинг дунёни янчиб, гардини фалакка совурганини тасвирлаганида, ерни куррага ўхшатади. Бу эса XV асрда мусулмон Шарқда зўр тараққийпарвар илмий фикр эди.

VI

Навоий илмпарвар

Алишер Навоий илму маърифатнинг кучига, унинг одамзод бахти учун ўйнаган улуғ ролига зўр ишонч билан қарайди. Гарчи Навоийнинг асарларида — «Чор девон»да бўлсин, «Хамса»да бўлсин, биз ўша замоннинг фалсафий-диний оқими бўлган сўфизм (мистика)нинг маълум таъсирларини кўрсак ҳам, бу таъсирларни ўша даврнинг тарихий шароитига боғлаб изоҳ этиш керакдир... Шарқдаги мусулмон мамлакатларида исломиятнинг биринчи асрларидан эътиборан пайдо бўлган сўфизм номи остидаги мистика турли йўллар ва мактаблар яратган эди. Булардан бир хили очиқдан-очиқ реакцион моҳиятда бўлиб, тарки дунёчиликни тарғиб қилса, бошқа бир хиллари сўфийлик йўлларида фойдаланиб, расмий динни ва руҳонийларни танқид этар эдилар. Навоийда кўринган сўфизм таъсири мана шу иккинчи хилдаги оқимга киради.

Лекин Навоий ҳаёт ва курашни севар эди, шунинг учун сўфизм низомномасини сира қабул қилган эмас. У ўзининг

танқидий ишида сўфийизм терминларини ўзининг қурола-
ридан биттаси қилиб олади, холос.

Навоий ақл ва илмнинг галабасига ишонади ва фан ҳам маърифатни куйлайди. Арастунинг фалсафасидан хабардор бўлган Навоий ҳам унга ўхшаб — инкор қилиниши мумкин бўлмаган нарсани ҳақиқат деб билади. Бу жиҳатдан у рационалистрларни эслатади. Ақл ва фикрнинг кучига ишонч гарчи Навоийда идеалистик базада турса ҳам, ўрта асрларнинг диний хурофоти ҳукм суриб турган бир даврда улуғ тараққийпарвар моҳиятга эга эди.

Илм ва олимлар тўғрисидаги тушунчаларини Навоий икки шаклда ифодалаган: 1—насиҳат, 2—бадий об-разлар.

«Хамса»нинг биринчи достони бўлган «Ҳайратул аб-рор»нинг хотимасида шоир Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Га-риб Мирзага мурожаат қилиб, уни турли илмларни ўрга-ниш ва олимларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга чақиради...

Навоийча ватаннинг ҳар бир фарзанди ўз ихтисос ва билими доирасида ижтимоий фойдали ишлар билан шу-гулланиши керак...

Ўзининг илм ва маърифатга бўлган шу талабини На-воий «Хамса» нинг бадий образларида яққол гавдалан-тирган. Ҳақиқатан ҳам Мажнун, Фарҳод ва Шопур, Ис-кандар, Қоран, Моний, Зайд, Лайли, Меҳинбону, Ширин ва бошқалар шоир, олим, инженер, рассом, саркарда, меъ-мор, заргар, олима, орифа кишилар сифатида кўзингиз олдида жонланадилар.

Навоийнинг маорифпарварлиги ва илмпарварлиги унинг ижобий образларидаги илму ҳунарда акс этади, бу жиҳатдан Фарҳоднинг олимлик савияси шоёни диққат-дир... Фарҳод юзлаб хорабур (тош ёрувчи) усталарнинг икки йил мобайнида қилолмаган ишини икки кун муҳлат-да бажариб беради, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган йўл-лардан сув чиқаради. Бу ерда Навоийнинг гениал фан-

таъзияси асрларни ўтиб, замонимизнинг ҳур меҳнати ва юксак илм-техникаси билан қовушади.

«Хамса»даги иккинчи улуғ образ — Мажнунга ўтсак, бу ҳам илму фазилатнинг, ижод ва талантнинг порлоқ тимсолидир. Унинг буюк шоир бўлганини биз ўтган бобларимиздан биттасида кўриб ўтган эдик. Навфал у тўғрида шундай баҳо беради:

Хайлинг аро касби илм қилмиш,
Оламда не илм, барча билмиш.

(Навфалнинг Лайли отасига ёзган хатидан).

Ўз муҳокама, муомала ва ёзуварларида Мажнун (Қайс) ўзининг маданий ва интеллигент бир шахс бўлганини кўрсатади.

Навоий шоҳларнинг олимларни ҳурмат қилишини талаб қилади. Бу талаб — мамлакат ва халқ манфаатларини кузатиб қилинган талабдир. Навоийча, олимлар, файласуфлар, доноларнинг маслаҳати билан қилинган ишда хато содир бўлиши маҳолдир. Шу принципни тушунган Хоқони Чин (Фарҳоднинг отаси) ўғлининг тарбиясига оид муҳим масалалар тўғрисида олимлар билан кенгашади. Лекин у фақат ўз мамлакатигагина эмас, ҳатто бошқа юртларда ҳам учраган олимларга эҳтиром билан қарайди. Масалан, у Фарҳод билан бирга Юнонистонга сафар қилиб, «Ойнаи жаҳоннамо»даги тилсимни ечмоқчи бўлганида, у ердаги аҳолига катта илтифот кўрсатади, лекин айниқса олимларни алоҳида ҳурмат қилади.

Давлат ишида олим ва файласуфларнинг қатнашув зарурати «Садди Искандарий»да айниқса яққол бадий образларда берилгандир. Искандарнинг сиёсий тадбирларида, фалсафий мулоҳаза ва саволларида, ҳарбий юриш ва урушларида файласуфларнинг ҳал қилувчи ролини кўра-миз. Искандарнинг енгилмаё толеи қисман шу хусусият билан, яъни ҳар бир ишида олимлар билан маслаҳатла-

шувн билан белгиланади. Бу тўғрида дostonда кўп эпизодлар бериб ўтгандан сўнг, Навоий давлат арбобларига муружаат қилиб, шундай айтади:

Дигар илгинга тушса донишвар эл,
Фунун ичра оройиши кишвар эл,
Керактур алар бирла навън маош-
Ки, хотирлари топмағай кўп харош.

(Яъни — яна бири шуки, донишманд кишилар билан, илму фан соҳасида мамлакатнинг зийнати бўладиган кишилар билан ишинг бўлса, улар билан шундай муомала қилишинг керакки, уларнинг диллари ранжида бўлмасин!)

Искандар образи Навоийни кўп машғул қилган. Чунки бу сиймода, бошқа хислатлар билан бир қаторда олимлик ва илмпарварлик сифатларини пайқаган. «Фарҳод ва Ширин» достонининг охирида ҳали илм ва ҳунарнинг абадий ролини уқдириб туриб, Искандарнинг икки минг йилдан бери ҳурмат билан ёдланиб келганлигини айтади. Қизиғи шуки, Навоий ўзидан илгари ўтган Темурийлар қаторида жанг майдонида донг чиқарган қиличбозларни эмас, ҳатто Темурнинг ўзини ҳам эмас, балки фақат буюк олим Улуғбекни ҳурмат билан ёд этади. У Темурийлардан бошқа шоҳларнинг унутилиб кетганини, Улуғбекнинг эса ўз илми соясида хотираларда яшаб келаётганини ва башарият қалбида абадий яшаяжagini уқдириб ўтади.

Шу кичик бобнинг доирасида берилиши мумкин бўлган фактлардан кўрилиб турибдики, Навоий ўз замонасида илм ошиқи ва маърифат фидокори бўлган. Диний хурофот ва тор феодал ахлоқи ҳоким бўлиб турган бир замонда илм ва фан шиорини шундай улуғ бир журъат билан кўтариш Навоийнинг улуғ тарихий хизматидир. Албатта, Навоий илм ва маърифатни идеалистик нуқтаи назардан англаса ҳам, унинг илм ва фанга чақиришининг ўзи ижтимоий тараққиётни олға силжитиш учун қудратли бир туртки эди.

VII

Навобийда ватанпарварлик ва интернационализм

Навобий ўз ватанини ажойиб муҳаббат билан севади. Унинг ватанга бўлган муҳаббати ҳоким босқинчиларнинг шовинистик сафсаталаридан тамоман ажралади. У бу ватаннинг халқини, гўзал табиатини, буюк шоирларини, олимларини, қаҳрамон ботирларини севади. Шунисиини унуттиш ярамайдики, ўша замоннинг жуғрофий-сиёсий чегаралари бўйича Навобий яшаган Ҳирот шаҳри Ўрта Осиё давлатларининг марказларидан биттаси эди... Навобий ўз ватанини севиши билан, бўлак юртлардан нафрат қилмайдиган кенг фикрли шахс эди. Уни ватанга боғлаган туйғу ақлли фарзанднинг ўз онасига бўлган муҳаббат миннатдорлигига ўхшар эди. Шунинг учун бу ватанни севиш ва унинг учун курашиш лозимдир:

Аёнким, ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб ётар токи имкони бор.

«Хамса»даги ижобий қаҳрамонлар ўзларининг ватанпарварлиги билан тасвирландилар. Ширинини соф муҳаббат билан севган Фарҳод, Шириннинг ватанини ҳам ўз юрти каби севади. Унинг назарида севгили ёр ва юрт — диёр бир бутунликни ташкил этиши керак. У Арман тоғидан туриб, Хисравга шу аччиқ саволни ташлайди:

Қилиб эл мулки ичра қатлу торож,
Олай деб мулк элидин тахт ила тож.
Бировниким бериб мулкени барбод,
Қилурсан позанин кўнглини ношод.
Шикастига ситам ёйин қурарсен,
Эшиттим ишқ лофини ҳам урарсен.

(Халқнинг рўзгорини талаб, тору мор келтириб, бу юрт ва халқдан тахт билан тожни олмоқчи бўласан. Сен бу мулк эгасининг юртини барбод қилиш билан шу нозаниннинг (Шириннинг) кўнглини ношод қиласан. Сен унга шикаст етказиш учун зулм ёйин отасану яна уялмасдан ишқ лофини урасан.)

Маълумдирки, Ширин Хисрав таклифини рад этгандан сўнг Хисрав катта лашкар билан Арманистонни босиб олиб, шаҳар ва қишлоқларни барбод этади. Фарҳод «ошиқ» шоҳнинг шу қилиғига тушунмай, юқоридаги саволни беради. Фарҳодча, ватан ва ишқ бир-бирини инкор этмайди.

Ширин эса ўз ватанининг душман қўлида тору мор келтирилишидан ноалар тортиб, бу урушга унинг рад жавоби сабаб бўлганидан, виждон азоби тортади. У асир тушган Фарҳодга ёзган мактубида шундай дейди:

Олиб душман сипоҳу афсаримни,
Қилиб торож мулку кишваримни.
Мену хайлим нечукким буми манҳус,
Бўлуб бир тоғ аро ғор ичра маҳбус.
Мунунгдек мулкнинг шоҳу фақирини,
Бўлиб бошдин-аёқ душман асирини.
Тутулгонлар қилиб жонини таслим,
Қутулгонларни ҳар дам ўлтуруб бийм.
Булар элга менинг ишқим ишидин,
Қулоғим ёлқибон эл қарғишидин.
Қилиб жонимга қасд элдин ўётим,
Учуб Бону уётидин ҳаётим.

(Душман менинг қўшин ва тожимни ўз қўлига киргизди. Мен ва халқим бадбахт бойқушдай тоғ аро бир ғорга қамалиб қолибмиз. Бундай бир юртнинг шоҳу йўқсули — ҳаммаси бошдан-оёқ душманга асир бўлибмиз. Қўлга тушганлар жонларидан ажралдилар, қутулганларни эса ҳар

дам қўрқинч ўлдирмоқда. Эл бошига тушган шу мусибатларга сабаб менинг ишқим бўлди, ҳозир қулогим элнинг қилган лаънат-қарғишларидан қизимоқда. Халқ олдидаги хижолатим мени ўлдиргудек бўлади, Бону олдидаги шармандалигим эса ҳаётимни сўндирмоқдадир.)

Бу сатрларда қаҳрамон қизнинг буюк ватанпарварлиги сезилади. Шу билан бирга у улуғ хижолатда. Чунки Хисрав ҳужумининг объектив сабаби унинг рад жавоб бериши бўлган. Иккинчи томондан, у нафрат қилган бир кишисига эрга чиқишни хоҳламайди. Нимани афзал кўриш керак: ўз қалбини жаллодга беришми, йўқса ватаннинг ҳароб бўлишига рози бўлишми? Бахтсиз қиз бу проблемани ўша шароитда ҳал қилолмасди. Ширин фожиасининг ва мусибатли ўлимининг асосий сабабларидан биттаси шу проблеманинг ўша замонда ҳал қилинолмаслиги бўлган. Шунинг учун ажаб эмасдирки, Навоийда ватан образига қарши ғурбат қўйилган. Агар ватан бахт-саодат симболи бўлса, ғурбат, Навоийча, бахтсизлик билан маънодошдир. Фарҳод ўлиши олдидан шамолга қараб гапириб, ўз ҳаётини яқунлайди:

Менинг ишқ эрмиш аввалдин сириштим
Яна ғурбатда ўлмак сарнавиштим.

(Менинг хилқатим аввалдан ишқ учун яратилган экан. Бунинг устига ғурбатда ўлмагим ҳам пешанамга ёзилган тақдирим экан.)

Бундан кейин у ўз эл-юртидан узоқлашиб, ўзга — узоқ ерларда ҳалок бўлишдан зўр алам ва хафалик билан нолийди:

Улуғ бўлган сайи бечора бўлдим.
Диёру мулкдин овора бўлдим.

Лекин ватан тушунчаси Фарҳодда тор бир территория билан боғлиқ эмас. У қазо ва қадарнинг буйруғи билан

узоқ Арманистонга, Шириннинг юртига бориб, ўз тақдирини бу янги ватан билан боғлаганида, Шириннинг ватанини ўзиникидай севади, бу ватан учун золимларга, истилочиларга, босқинчиларга қарши мардона курашади. У Ширинга ёзган мактубида арман халқининг бошига тушган алам-уқубатларга қайғудош эканини айтиб, уни мудофаа қилиш учун фидокорона тайёрлигини билдиради:

Фидо бориға жони нотавоним,
Не қилсанг ҳам турубдур хаста жоним.

Шубҳасиз, Навоий ўз ижобий қаҳрамонлари орқали ифодалаган ватанпарварлик туйғулари авторнинг ўз ички ҳиссиётини кўрсатади. Навоий буюк ватанпарвар эди:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи гурбат ҳавас айлама!

(«Садди Искандарий» дostonидан)

Лекин буюк ватанпарвар шоиримиз ўзи яшаган юртидаги феодализм қонун-қоидаларининг, инсофсиз урф-одатларининг эл-юртга келтирган фожиаларидан кўз юммас эди:

Навоий, ватан бўлди манзил менга,
Бу манзилдин аммо не ҳосил менга-
Ки, ҳар кимки бор эрди ёру қарин,
Бўлубтур адам сари хилватгузин.

Замонанинг даҳшатли зарбалари остида йўқлик оламига чекиниб кетган дўст ва оғайнилари шоир эслаб, ватанда бахтиёрлик, бахтиёр дўстлар билан бирликда бўлиш мумкинлигини шу ажойиб мунгли мисраларда ифодалайди.

Лекин Навоий шовинист эмас. Маълум мақсадга эришув учун, керак бўлгани тақдирда, Шарқда бўлсин, Ғарбда бўлсин, ҳар қандай юртда яшаш мумкиндир:

Агар шарқу ғарб ўлса манзил сенга,
Не ғам, ком агар бўлса ҳосил сенга?

Ўзининг ҳамма халқларга ва юртларга ҳурмати билан Навоий интернационалистик қараш даражасига кўтарилди. Зотан бундай муносабат тасодифий эмас, чунки Навоийдаги ватанпарварлик интернационализм туйғусини инкор этмайди, балки, аксинча, уни тасдиқ ва таъкид қилади.

Навоийда иккинчи туйғу биринчисидан чиқади, биринчисининг давоми ўлароқ ривожланади, биринчисини маънавий такомилловчи олий ҳисдай пайдо бўлади. Белинскийнинг бошқа бир муносабат билан айтган қуйидаги порлоқ мушоҳидасини Навоийга тўла-тўқис татбиқ этиши мумкин:

«Ватанга муҳаббат умум одамиятга бўлган муҳаббатдан чиқиши керак... Ватанни севиш башариятнинг идеалини унда гавдаланган ҳолда кўриш оташин равишда интилиш демакдир».

Агар, биз Навоийнинг образлар системасига назар ташласак, бу ерда турли халқларнинг вакилларини кўрамиз. Булар ўртасида хитойлик Фарҳодни, эронлик Шопурни, арманистонлик Ширинни, араб йигити Мажнунни, мисрлик Масъудни, ҳинди Фарруҳни, ҳалаблик Жўнани, юнонлик Искандарни, хоразмлик машшоқни, барбариларни, занжиларни, ўзбекларни, туркларни, русларни, гуржиларни ва бошқаларни кўрамиз. Навоийча, яхши одам қайси халқдан бўлмасин, у яхшидир. Бу турли халқларнинг вакиллари бўлган кишилар бир-бирлари билан дўст, қадрдон, иттифоқдош бўлиб оладилар. Адолат ва ҳаққоният байроғи остида, муҳаббат ва дўстликнинг тантанаси йўлида турли халқларнинг асл фарзандлари бирлашадилар. Навоий истилочилиқ мақсадида бошқа ўлкаларни босиб олишга принциал равишда қаршидир. Бу жиҳатдан олганимизда фақат Искандар образини мустасно қилиш керак. Чунки юқорида кўриб ўтганимиздай, шоир Искандар истилоларини

адолат ва инсоф ўрнатиш учун олиб борилган уруш деб билади ва шу маънодагина уларни оқлайди. Лекин, шу билан бирга, буюк шоир Искандар урушларининг ҳам халққа ва ўлкаларга еткизган зараридан кўз юймайди. Умуман олганда Навоий бирон ўлканинг босиб олиниб, хароб ва вайрон бўлишига қарши чиқади. Бу тўғрида «Маҳбубул қулуб»да у очиқдан очиқ ўз фикрини баён қилади. Тўққизинчи фаслда шоҳларнинг жазо отрядларига шундай баҳо берилади: «Ишлари талай олғонни таламоқ, ёт юртда чугурткадек сабза ва яфроғни яламоқ... ҳайвонликлари кўпу мардумликлари оз...»

Бу парчадан кўрилиб турадики, Навоий шоҳларнинг «ёт мулкларда», яъни бошқа ўлкаларда қилган босқинчиликларига қаршидир.

XV асрда, кучсиз ўлкалар зўравон мустабидларнинг қўлида ожиз ўлжа бўлиб турган бир даврда, ҳамма халқларга ва уларнинг юртларига ҳурмат туйғусини ташвиқлаш юксак ахлоқий кайфиятга эга бўлган Навоийнинг буюк хизмати эди.

VIII

Навоий ва ёшлик

Навоий ўз умрининг кўп йилларини бўронли воқеалар тез-тез содир бўлиб турган даврда ўтказди. У кўп вақт хафалик ва мунгли кайфиятга дуч келди. Замонасидаги ҳақсизлик ва инсофсизликларни кўриб, кўп вақт умидсиз шеърлар ҳам ёзди. Лекин ундаги бу каби умидсизлик кайфиятларини ўша замона шаронитига боғлаб изоҳлаш керак. Яъни бу кайфиятларнинг келиб чиқишини ва шундай шеърларнинг ўйнаган ижтимоий функциясини кўз ўнгида тутиш керак. Ижтимоий тараққиётнинг материалстик қонунларини Навоий ўша замонда билиши мумкин

эмас эди. Шунинг учун у жамиятда кузатиб юрган ҳақсизликларни кишиларнинг хоҳиш ва иродасига боғлар эди. Кишиларнинг ҳаракат ва хоҳишлари ижтимоий-синфий нормалар билан белгиланиб турилгани унга номаълум эди. Ҳолбуки, Навоийга ва адабиётга самимий ҳурмат қилган, ўзи дурустгина шоир бўлган Султон Ҳусайн каби яққол сиймо ўзи ҳам ўз синфининг чегараларидан нарига чиқолмаган ва шунинг учун ҳам маълум даврларда, ўз шахсий хоҳишига қарамасдан, ўзининг дўстига қарши ҳаракат қилишга, феодал ҳоким синфларнинг тор манфаатларини ҳимоя қилувчи реакцион сарой доирасига ёнбосишга мажбур бўлган эди. Чунки ўз синфий қарашлар доирасидан нарига чиқиш, умум одамият ғояларига кўтарилиш феодал ҳоким гуруҳларининг вакиллари учун типик ҳолат эмас, балки мустасно бир воқеа эди. Бунинг учун гениал шахсият, бунинг учун Навоий бўлиш керак эди.

Навоийдаги пессимизм, мавжуд муҳитдан, киши бахтининг кишанбанд бўлишлигидан хафалик маҳсули эди. Бу пессимизмга, Горькийнинг таъбири бўйича: «Ҳаракат қилдирувчи пессимизм» дейиш мумкиндир. Чунки у яхшироқ бир ҳаётни қўмсаш кайфиятларини ифодалаб, мавжуд шароит билан кифояланиб қолмасликка, инсофсиз воқеликка ёнбосмасликка чақирар, киши миясида аллақандай порлоқ бир ҳаёт ҳақида тилак ва орзу тугдирар эди. Лекин Навоийда пессимизм бор, деб нуқта қўйиш ҳам ярамайди. Навоийда зўр оптимизм ҳам бор. Албатта, бир ёзувчидаги турли ва ҳатто қарама-қарши кайфиятларнинг бир-бирига нисбатини аниқлаш учун, айрим кайфиятларни ифодаловчи мисраларни ўлчаб, процент чиқариш адабиётшунослик методи эмас. Навоийда шундай оптимистик сатрлар кўлинча асарнинг ҳал қилувчи пайтларида келтириладилар. Масалан, ҳаммага маълумдирки, «Лайли ва Мажнун» достони ғоят оғир бир фожиани тасвирлайди. Бу дostonда асосий қаҳрамонларнинг тақдири ўлим билан тугайди. Лекин Лайли ўлим олдида ўз онасига қилган васиятида

нима дейди? У ўз ўлими билан дунёнинг ўзгармаяжagini билади, ҳаётнинг доимо ғолиб бўлажaгига ишонади ва ўзидан кейин Мажнуннинг яшашини орзу қилиб, дейди:

Гул борса, чаманга бўлмасун дард,
Кун ботса, фалакка етмасун гард.

Яна бошқа мисол: «Фарҳод ва Ширин» достони ҳам буюк фожиани куйлайди. Бу ерда ҳам асосий қаҳрамонлар ўлади. Лекин Фарҳод ўлим олдидан ўз хаёлида отасига муружаат қилиб, шундай дейди:

Йиқилса ҳужра, бўлсун қаср обод,
Қурусa сабза, бўлсун сарви озод.

Бу мисолларга эътибор қилиш керак. Навоий қаҳрамонлари ўзлари яшаган шароитларида ҳалок бўлишга маҳкумдирлар, аммо ҳаётнинг абадий тантанасига, келгувсидаги ғалабасига ишонганлари ҳолда, дунёдан кўз юмадилар. Бу моментнинг катта аҳамияти бор. Чунки кўп пессимистлар бу фоний дунё яшашга, курашга арзимайди дейдилар (кўпгина сўфий ёзувчилар), Навоий қаҳрамонлари эса бу дунёда яшашнинг завқини биладилар (чунки уларнинг ишқи ҳаёт ва инсон ишқидир), лекин бу уларга мумкин бўлмайди, чунки тарихий тараққиётнинг ўша босқичида, кўр қонунлар билан олижаноб принципларнинг тўқнашувида биринчиси кучли, иккинчиси ожиз эди. Навоий «Сабъаи сайёр»да ўзининг лирик чекинишида ҳаётга бўлган муносабатини бевосита равишда шундай ифодалайди:

Хушдурур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

Бу байтдаги сўнги мисрага қаралса, Навоийнинг жонли ҳаётни ҳамма нарсадан юқори қўйганлиги кўрилади.

Навий бу ҳаёт учун курашни ҳам қуйлайди. Искандар достонида Искандарнинг саволига жавобан файласуф Арастунинг шу ҳикмати уқиймиз:

Шак эрмаски ҳар кимсанинг жони бор,
Ҳаётин тилар улча имкони бор.

Ҳаётга шундай бевосита муҳаббат билан боғланган шоир, албатта, ҳаётнинг энг порлоқ ва соғлом гуллари деб ёшларни билади. Навойнинг ўзи ҳам жуда мазмундор ёшлик даврини ўтказган эди... Ўтган боблардан биттасида биз беш яшар Алишернинг тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан учрашиб, ўзининг зийраклиги билан уни ҳайрон қолдирганини кўрган эдик. Ўзининг хотираларидан биттасида *Навий болалнк чоғларида Мирза Қосим Анворнинг мазкур байтини ёдлаб олганини* эслайди.

Риндему ошиқему жаҳон сўзу жома чок,
Бо давлати ғами ту э-айши жаҳон чи бок?

(Биз дарвишлар ва ошиқлармиз, дунёмиз куйган ва ёқаларимиз йиртилгандир. Сенинг қайғинг бизга давлат экан, жаҳоннинг айшу ишратидан нима парвойимиз бўлар эди?)

Навий ёдлаб олган байт шу мураккаб ва фалсафий, сўфиёна руҳда ёзилган мисралар бўлган. Бу пайтда шоирнинг ўзи «ҳамоно уч ёш била тўрт ёшнинг ўртасида эрдим» дейди.

Навойнинг ижодий мароқи жуда тез уйғонган. У етти яшарида шеър ёза бошлаган. Навойнинг улуғ лирик қомуси бўлган «Хазойинул маоний» («Чор девон»)да, ёшликнинг бир буюк мадҳияси борки, у ғазал шундай бошланади:

Ун саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур.
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.

Деса бўлгайким яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,
Ун сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.
Ун сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса улдурур
Ҳусн шоҳи, бу балоларким кўзу қошиндадур.

Гаажжуб эмасдирки, «Хамса»нинг ҳамма ижобий бош қаҳрамонлари деярли ёшлардан иборатдир.

Фарҳоднинг қанчалик талантили бола бўлиб, илм ва ўқишга қанчалик ҳавас қилганини Навоий порлоқ муболағалар билан беради:

Фарҳоднинг болалик фаҳми:

1. Бу янглиғ чун бир ўлди ёши онинг,
Шараф дуррига етти боши онинг.
2. Чу уч ёшига чекти давр афлок,
Такаллум қилди андоқким дури пок.

(Фалак уч марта айланиб, у уч ёшига кирганида пок инжу каби оғзи очилиб, тилга кирди).

3. Ажабдир уч ёшда кўзга атфол,
Нечукким ўн ёшда ўзга атфол.

(Бўлак болалардан 10 ёшар болага ўхшаб кўринган уч яшар бола кўзга ажаб кўринар эди.)

Фарҳоднинг қобилияти ва илмга ҳаваси:

1. Агар бир қатла кўрди ҳар сабақни.
Яна очмоқ йўқ эрди ул варақни.

(Ҳар қайси дарсни бир марта кўриши билан у варақни иккинчи очишга ҳожат йўқ эди.)

2. Уқиб ўтмак, ўқиб ўтмак шпорн,
Қолиб ёдида сафҳа-сафҳа борн.

3. Иши бу янглиғ әрди әл аро фаш-
Ки, то умридин они ўтти ўн ёш.
Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб етмаган илм.

Булардан кейин Фарҳоднинг қисқа муддат ичида бинокорлик, тош йўнмоқлик, рассомлик, наққошлик каби ҳунарларни ўрганиб олганлиги тасвирланади. Лекин у илм ва ҳунарлар билан бир қаторда уруш санъатини ҳам эгаллайди:

Бўлиб ўн ёшга умрининг мурури,
Йигирма ёшча жисму қадду зўри.
Улум авроқи чу бир-бир топилди,
Диловарлик силоҳин майл қилди.

(Умри ўн ёшга етганида қадду қоматининг зўри йигирма яшарлик йигит баробарида эди. Илмларнинг варақлари бирма-бир эгаллангандан кейин, ботирлик қуроллариға қизиқа бошлади.)

Навобий идеал ёшнинг ҳар томонлама, фикран ва жисман ўсишини тасвирлайди.

«Хамса» дostonларидаги Мажнун, Лайли, Ширин, Искандар, Саъд, Масъуд, Суҳайл, Меҳр, Жўна, Баҳром, Шопур, Фаррух, Зайд, Равшанақ, Меҳриноз, Дилоромлар... ҳаммаси ёшлар наслини ташкил қилади. Дostonлардаги ҳал қилувчи персонажларни ёш образларда бериши билан Навобий ёшлиқнинг ва ёшларнинг жамиятда қанчалик роль ўйнаганларини кўрсатишчи бўлади. Маълумдирки, эски патриархал-феодал ахлоқига кўра кишиға ҳурмат, унинг ақлу фаросатига ишонч унинг ёши билан ўлчанар эди. Навобий эса энг масъулиятли тарихий, ижтимоий, илмий вазифаларни ёшлар ҳам бажариши мумкинлигини даъво қилади. Албатта, кўп дostonларнинг ишқий интрига атрофида ривожланиши ҳам қаҳрамонларнинг ёшлар қаторидан

танланишини белгилаган. Лекин ёшларни шундай биринчи планга чиқариш кекса авлодга ҳурматсизликдан келиб чиқмайди, Искандар ҳамма ҳаракат ва тадбирларини амалга оширмасдан олдин кекса файласуфлар билан, Арасту, Афлотунлар билан маслаҳатлашиб, уларнинг насиҳатларига қулоқ солади. Искандарнинг ўз кекса онасига ҳурмат ва иззати, ўлаётган пайтда онасига ёзган васиятномасидан кўринади; у доимо урушларда юриб, онасига етарликча хизмат қилолмаганидан хафаланади:

Демай қилсам эрди ўғуллик сенга,
Қабул айласам эрди қуллуқ сенга.
Санга айлабон хоки даргоҳлик,
Анинг отин айтсам эди шоҳлик.

Катта бир энергия ва сўнмас ҳавас билан яшаган ва яратган Навоий доимо ёшликни соғинади, яна ёш бўлишни, ёшлардай севишни, ишлашни, ижод қилишни орзу қилади, «Садди Искандарий»нинг бир жойида шоир бир лирик хотимада шундай гўзал мисраларни беради:

Оёқчи, манга жоми пирона тут,
Демай хусравона, фақирона тут.
Ҳамул жом бўлсун манга чорарас-
Ки, бошгин йигитлик қилибмен ҳавас.
Муғанний, ҳазин нағма бунёд қил,
Йигитликнинг айёмини ёд қил-
Ки, ул нағмадин тоза ҳуши топай,
Соғиниб йигитлик суруши топай.

(Эй соқий, менга кексалик жомини тут, мен бу жом шоҳона бўлсин демайман, майли, фақирона бўлсин. Бу жом менинг орзуйимга чора қилсин, чунки мен яна қайта бошдан йигитликка қайтмоқчи бўлдим. Эй машшоқ, бир аламли ашула айтиб, йигитлик кунларини ёд эт, токи мен шу

ашуладан илҳомланиб, ҳуш топай ва йигитлик фаришта-сига эришай).

Шунисини унутмаслик керакки, шу сатрларни ёзаётган вақтида Навоийнинг ёши қирқдан ошган эди.

Шундай қилиб йигитликни соғиниш буюк ҳаётчанликдан келиб чиқар эди. Ёшликка шундай баҳо бериш тасо-дифий эмас эди, чунки Навоий ҳаётга, демакки, келажакка ишонар эди. Бу — келажакни ёшлар ясаyajак демак эди. «Маҳбубул қулуб»да биз ёшлик тўғрисида шоирнинг шу баҳосини ўқиймиз:

«Йигитлик умр гулшанининг баҳоридур ва ҳаёт ша-бистонининг наҳоридур, инсоннинг зебу раънолиғи ондин ва башариятнинг тобу тавонолиғи ондин».

Шундан кейин шоир ўз ёшлик йилларининг ўтиб кет-ганидан афсусланади:

Афсуски умри навжавонлиғ кетти,
Танға қарилиқда нотавонлиғ етди.
Гар юз йил улки комронлиғ этти,
Чун топмади маргдин амонлиғ кетти.

(Афсуски навжувонлик чоғи ўтиб кетиб, танимга қари-лик ва кучсизлик етди. Юз йил яшаб армонларига эриш-ган кишилар ҳам ўлимдан омонлик топмай, ўлиб кет-дилар).

Шоир ёш дўстларига мурожаат қилиб, дўстона яшашни, ёшлик йилларини нобуд қилмасликни тавсия этади:

Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутунгуз,
Ўзни қарилиқ меҳнатидин қўрқутунгуз.
Ойини адовоту ҳасаддин ўтунгуз,
Ҳар нав ила ўзни неча кун овутунгуз!

Навоий умрининг охиригача ёш қалбли, оташин ва ошиқ бир шоир эди.

IX

Навойи ва замонамиз

Навойи ижоди билан озми-кўпми танишган ҳар кимга маълумдирки, бу буюк шоир ва мутафаккир ўзбек классик адабиётининг марказий фигурасидир.

Лекин Навоийнинг буюк ижодини механик равишда замон маданиятига қўшиш мумкинми? Йўқ, албатта. Ўтмишнинг ҳамма санъаткорларига бўлгандай, Навоийга ҳам танқидий яқинлашмоқ лозимдир. Бу буюк кишининг родини яхшироқ англаш учун, ўз замонасига нисбатан берган янгиликларини кўзда тутиш керак. Бу тўғрида Лениннинг қуйидаги қисқа баёноти бизнинг қўлимизда доимо дастуруламал бўлиши лозим:

«Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган хизматлари ҳақида ҳукм чиқарганда, уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар берганларига қараб ҳукм чиқарилади»¹.

Бу фикрни санъаткорларга татбиқ қилиб, Горький айтадики: «Ўтмишнинг ҳар бир улур санъаткорини икки нуқтадан: ўз даврининг ўғли бўлиш жиҳатдан ва башариятни қутқозиш йўлидаги оламшумул тарихий курашнинг қатнашувчиси бўлиш жиҳатдан қараб баҳолаш керак».

Демак, тарихий сиймоларнинг фаолиятидаги прогрессив томонларини қабартириб, бўрттириб бериш деган нарсалар уларнинг ижодидаги реакцион, тасодифий, иккинчи даражали унсурларни бўяб ўтиш деган гап эмас.

Ўз даврининг фарзанди бўлган Навоийнинг дунёқарашларида ҳам бирмунча қарама-қарши жиҳатлар бўлган. Уша замонда кучли бир оқим бўлган тасаввуф (сўфизм)

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 2-том, 190-бет.

Навоийга ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Сўфизм фалсафий-диний бир оқим бўлиб, турли мактабларга, шоҳобчаларга эга эди. Булардан бир қисми оппозицион кайфиятда бўлиб, расмий ислом динини танқид қилар, руҳоний табақани писанд қилмас, ўзларича, қандайдир, бир худо излар эдилар. Буларнинг қўлида сўфизм антиклерикал (руҳонийларга қарши) оппозицион роль ўйнар эди. Тарихда оппозицион, демократик ва ҳатто революцион ҳаракатларнинг кўп вақт дин ва мистика пардаси остида майдонга чиқиши кўп кўрилгандир. Бу тўғрида Энгельснинг жуда қийматли бир танбихини биз ўтган бобларда кўриб ўтдик.

Шунинг учун ҳам сўфизмнинг шакли билан мундарижаси ўртасида ва турли тармоқлари ўртасидаги фарқларни кўзда тутиш керак. Навоий на амалий ва на назарий маъносида сўфий бўлган эмас. Унинг кураш ва фаолият билан тўлган ҳаёти таркидунё қилган сўфий зоҳидларнинг турмушига сира ўхшамайди. Унинг асарларида кўрилган сўфиёна унсурлар эса, Навоий дунёқарашида етакчи мафкура эмас эди. Иккинчидан юқорида айтганимиздай, бу нарса руҳонийларни фош қилиш учун унинг қўлида бир қурол эди. Навоийнинг эпик қаҳрамонларини сўфиёна му роқаба (пассив кузатувчилик), таваккалпарастлик эмас, ўз бахтлари учун кураш хусусиятлари характерлайди. Бу тасодифий эмас, чунки ўз замонасининг буюк граждани бўлган Навоий ўзи ҳам ҳар қандай фатализм (таваккалчилик)га бегона эди. Бу тўғрида унинг замондоши машҳур тарихчи Хондамир ўзининг «Мақоримул ахлоқ» китобида қизиқ факт келтиради. Султон Ҳусайн қўзғолончи шаҳзода Ёдгор Муҳаммадга қарши қўшин тортганида, Алишер Навоий ҳам у билан бирга эди:

«Ғолиб султон, бетинчларга қарши дарҳол жўнаш ниятини билдирди, лекин унинг бахтли лаблари, ҳужум учун қулай соат танлаш учун мунажжим чақириш хоҳишини билдирдилар. Муқарриби — Ҳазрати — Султоний Улуғ Амир (яъни Навоий) ҳурмат билан сўйладиларки,

мунажжим чақириб, яхши соат танлашдан ҳеч қандай фойда кутиш мумкин эмас. Соат қулайми, ноқулайми, барибир, кечикиб туриш ярамайди ва шошилиб йўлга чиқиш керак».

Султон Ҳусайн Алишернинг маслаҳатига қулоқ солиб, дарҳол исёнчиларга қарши чиқди ва шаҳзоданинг қўшинларини тору мор келтирди. Таваккал ва қазо қадарга ишонмаслик Навоий даври учун мустасно бир воқеа эди. Навоий «Маҳбубул қулуб»ининг бир жойида мунажжимлардан қаттиқ кулади. Бу ерда кишининг келгуси ҳаётини айтиб берувчи фолбин мунажжимларни (астролог) кўзда тутамиз, йўқса, илмий астрономия арбобларини Навоийнинг қанчалик ҳурмат қилганини, биз юқорида Навоийнинг Улуғбек ҳақидаги баҳоларидан кўрсак бўлади. Сўфизмнинг асосий қонунларига қарши ўлароқ курашчанлик харақтери Навоий қаҳрамонлари бўлган Фарҳод («Фарҳод ва Ширин»), Искандар («Садди Искандарий»), Саъд, Суҳайл («Сабъаи сайёр») ва бошқаларни тавсифлайди. Баъзи бир адабиёт тарихчилари Мажнуннинг Лайлига муҳаббатини сўфиёна тарзда таъбир қилмоқчи бўлиб, кишининг (Мажнуннинг) тангрига (Лайли) ишқи деб тақдим қилар эдилар. Бу тўғри эмас. Сўфийлар эътиқодича, тангри ўлмас бир кучдир, Навоий достони эса ҳар иккала севишгәнларнинг ўлими билан тугайди.

Албатта, Навоий атеист (худосиз) эмас. У динни ҳар кимнинг ўз виждоний иши деб билиб, ўзи ҳам адолат ва интизомнинг олий принципи сифатида илоҳий бир кучга ишонар эди.

Навоий сўфийлик терминларидан фойдаланиб, руҳонийларни танқид қилади, фош этади. Масалан, «Ҳайратул аброр»нинг мунофиқ шайхларга қарши ёзилган фасли бунини исботлай олади. «Маҳбубул қулуб»да у руҳоний бошлиқларни (садрларни) танқид этиб ёзади:

«Бу нокасларки омийдир; фисқу фужур онинг комидир; уламо келтирган гулоб шишалари холи қолиб ва бода солурға они мулозимлари олиб...».

Навоий «Мажолисун нафоис»да тўплаган шоирлар зикрида антиклерикал мисолларга алоҳида эътибор қилади, бу жиҳатдан Саид Абдул Ҳақ Астрободий ҳақидаги мақоласи ва мисоллари характерлидир. Бу ерда биз шуни ўқиймиз:

«Хуш табъ йигит эрди, муҳовараси доғи хўб ва ахлоқи доғи марғуб эрди. Хўжан вилоятининг қозиси эшак бериб, садр они қози қилганда бу қитъаси машҳурдирким:

Қ и т ъ а

Ҳамегашт дар шаҳр шахсе зи Хўжан-
Ки, қози шавад, садр рози намешуд.
Бидодаш харе ришват, гашт қозий,
Агар ҳар немебуд, қози намешуд.

(Таржимаси: хўжандлик бир киши доимо шаҳарда юриб қози бўлмоққа уринар эди. Лекин садр (руҳонийлар бошлиғи) бунга рози эмас эди. У бир эшакни порага бергач, қози бўлиб олди. Агар эшак бўлмаса, қози бўлмас эди.)

Навоий «Маҳбубул қулуб»ида ҳам муфтилар тўғрисида шундай гапиради:

«Бир дирам учун юз ҳақни ноҳақ этгувчи ва оз карам учун кўп «ло»(йўқ)ни» наам (ҳа) битгувчи, бир сабат узум учун бир боғни куйдурмакдин ғами йўқ ва бир ботмон буғдой учун бир хирмонни совурмоқдин алами йўқ».

Қозилар ҳақидаги характеристика бундан ҳам қаттиқдир:

«Омий қозиким май ичкай ўлтургулук ва дўзах ўтига етмасдин бурун куйдургулук».

Қизиғи шуки, Навоий ёмон руҳонийларни сўфийларга ўхшаб нариги дунёнинг даҳшатлари билан қўрқитмасдан, бу дунёда уларни жазолашни талаб қилади.

Навоий бу жоҳил, бузуқ руҳонийларга қарши ва ниҳоят сўфизмнинг ўзига қарши нимани қўяди? У ақл, маърифат

ва илмнинг кучини буларга қарши қўяди. Мана шундай қилиб мистик концепциялардан рационалистик дунёқарашга томон ўсиш — Навоийнинг дунёқараш системасида энг характерли ҳолатдир. Навоий эски юнон фалсафасини, хусусан Суқрот, Афлотун, Арасту, Плотинларни яхши ўрганиб олгани учун булардан олган унсурлар билан ўз мафкурасини бойитган. Ақл ва адолатнинг тантанасига ишонч, илмнинг куч ва баракали ролига муҳаббат, қисқаси Навоийдаги рационалистик йўл шубҳасиз Арасту фалсафасидан илҳомланган эди. Дунё ва коинотнинг сирларини англаш учун энг тўғри калид Навоийча ақл ва илмдир. Бу эса сўфийларнинг дунёни ақл билан эмас, ҳис орқали англаб бўлади, деган тезисларига қаршидир. Навоий илм ва маърифатнинг қизгин тарғиботчиси, маданиятнинг порлоқ ташвиқотчисидир...

Бизнинг замонамизда социализм жамияти ақл ва илмнинг мантиқий қонунларига асосан қурилган бир даврда, илм ва маданият мислсиз қулочлар билан ривожланаётган бир даврда, ўтмиш санъаткор ва мутафаккирларнинг киши ижодига эътиқодлари бизнинг учун ҳам қимматлидир. Навоийнинг илм ва маърифатга бўлган қизгин муҳаббати давримиз поэзиясига оҳангдош бўлиб, Совет гражданининг шуурига яқиндир. Бу факт яна бир марта исбот қиладики, биз ўтмишдаги энг яхши кишиларнинг энг ёрқин хаёлларига ворис ва ижрочимиз. Шу билан бирга унутмаслик керакки, эски дунёнинг диний хурофотларига ўхшаган қолдиқлари, ҳали жамиятимиз аъзоларининг айрим гуруҳларига таъсир қилиб турмоқда. Бу соҳада ҳам Навоийнинг сатирик кулгиси диний одатларга қарши курашда бизга хизмат қилажақдир.

Албатта, Навоий фан ва маданиятнинг тараққиётидаги қонунларни биз англаган тарзда англамас эди. У илму фан олдида тиз чўккани ҳолда, буларни, идеалистларча, моддий ҳаётдан мустақил равишда яшаб турган бир кучдай англаб эди. Лекин шундай бўлса ҳам, шоир билимини ташвиқлаб,

яратган бадий образлари ва ҳикматли таъбирларининг бизлар учун ижобий аҳамиятини ким инкор қила олур?

«Билмаганини сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим».

(«Махбубул қулуб»)

«Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йигилиб дарё бўлур».

(Яна шу ердан)

Навоий ўз замонасининг даҳшат ва қирғинларига қарамасдан, кишини севишга чақиради. Навоийча, кишининг қадри қанчалик юксак баҳоланганини биз юқоридаги бўлимларда кўриб ўтдик. Унинг меҳнат аҳлига ва зиёлиларга юқори ҳурмат билан қараганини «Махбубул қулуб»нинг турли табақаларга оид ёзилган бобидан кўрилса бўлади...

Навоий асарларидаги қаҳрамонларнинг ижодчилик, ихтирочилик, бинокорлик, қурувчилик пафоси ҳам бизнинг замонамизга оҳангдошдир. Буни шу факт билан ҳам исботлаш мумкиндики, Фарғона каналининг юз олтмиш минглик қурувчилар армияси, сув учун курашган Фарҳод образини эслаб, меҳнат қаҳрамонлигида ундан илҳомлангандирлар.

Бизнинг туйғуларимизни тарбиялашда Навоийнинг ватанпарварлиги ва интернационалиزمи ҳам катта роль ўйнайдилар. Бизнинг ватан янги типдаги ватан бўлиб, бунда ҳимоя қилишга арзийдиган улуғ меҳнат ва хазиналар, буюк ютуқлар бор. Биз шу билан бирга дунё меҳнаткашларига нисбатан тарих олдида бўйнимизга олган мажбуриятларни ҳам унутмаймиз.

Муҳаббатда садоқат, ишқ учун кураш, хотин-қизларга катта эҳтиром соҳасида ҳам Навоий бизга кўп нарса ўргатиши мумкинди. Бизнинг мамлакатимизда аёллар асрларча давом этиб келган асоратдан қутулганлар. Аёллар жамиятнинг тенгҳуқуқли аъзоларидир. Севги ва муҳаббат

бизнинг ўлкада ҳеч қандай миллий, диний, синфий ғовлар билан чекланган эмас. Шахсий ва ижтимоий манфаатлар бир-бирига зид эмас, балки мувофиқдир. Социализм мамлакатада севги — катта ижтимоий мундарижага эгадир. Ишқда чидам ва тутуриқлик бизнинг ёшларда ҳам тарбияланиши керак бўлган хислатлардир.

Маркс ўзининг «Фалсафий-иқтисодий қўлёзмалари»да ҳақиқий бахтиёр муҳаббатнинг асосий шarti — ишқнинг икки томонлама бўлиши керак, деган эди.

Навойий ижодида фикрлар ва туйғулар комплекси жуда бойдир. Буларни кенг, муфассал ва мукамал текшириб ўрганиш керак. Бу туйғу ва хусусиятлар социалистик кишининг ички мундарижасини бойитади. Алишер Навойийнинг ижоди ўтмиш, эксплуататор жамиятига нафрат, бутун одамиятнинг порлоқ келажакига эса муҳаббат ва бу йўлда курашга қувват беради. Навойийнинг гениал ижоди бутун социалистик маданиятимизнинг олтин фондида занг босмас даъли дурахшондир.

ЮКСАК ҒОЯЛАР ВА ЧУҚУР ТУЙҒУЛАР КУЙЧИСИ

Ўзбек халқининг совет давридаги маданий тарихида шарофатли ва азиз бир кун яқинлашиб келмоқда.¹ Эркин ва бахтиёр ўзбек халқи ва у билан бирликда барча қардош совет халқлари буюк шоир, ажойиб мутафаккир ва халқпарвар давлат арбоби бўлмиш Алишер Навоийнинг туғилганига 500 йил тўлиши муносабати билан улуғ аждодларга ҳурматни ва совет маданиятининг гуллаштини намойиш қиладиган тўй ўтказлади. Бу тўй ленинча миллий сиёсатнинг Шарқдаги ғалабасига янги ва зўр бир далилдир.

Ўзининг гуманистик, халқпарвар ва прогрессив ғояларини, тушунчаларини ва ҳисларини Навоий ўлмас эпик ва лирик асарларида, илмий ва тарихий китобларида чуқур таъбирларда, сўнмас образларда баён қила олган гениал санъаткор эди.

Ўз замонасининг бўронли ва сержанжал даврида яшган, теурий феодал салтанатларининг ҳам гуллаш даврини ва ҳамда бу давлатларнинг тез суръатлар билан инқирозга қараб кетаётганини кўрган, саройларнинг ҳашаматли дабдабаларига ва шу билан бирга кулбаларнинг аянч сафолатига гувоҳ бўлган Навоий, жамиятдаги пешқадам гурӯҳларнинг қайғу, андиша, умид ва хаёлларини ўлмас байтларда нақш қилиб бера олди. Феодал ва деҳқонлар ҳамда

¹ Мақола Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи олдидан ёзилган. (Ред.)

шаҳар косиблари ўртасидаги қонли курашлар, салтанат хонадонининг аъзолари ўртасидаги ўзаро низолар, сиёсий хусумат-ихтилофларнинг қизиб кетиб, халққа бераётган азоб ва уқубатлари XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр давлатини ҳам, Хуросон давлатини ҳам характерлайдиган вазиятнинг асосий чизиқларини ташкил этар эди.

Бу мураккаб шароитда ижод қилган Навоий, албатта замонасининг ўткир масала ва муаммолари билан яшаган. Чунки, В. И. Ленин айтганидек, бир жамиятда яшаган ҳолда, шу жамиятдан ажраб туриш асло мумкин эмас.

Шоирдаги чуқур гуманистик қарашлар, унинг бир инсон сифатидаги ички руҳий ва маънавий кечирмалари унинг лирик асарларида — ғазал, рубоий, мухаммас, мусаддас, таржиъбанд, таркиббанд, соқийнома, фард, ҳасбиҳолларида бевосита яққол ифода қилинган. Бу улуғ инсон «Ҳазойинул маоний» саҳифаларида ўзининг бутун оригинал, сермазмун ва олижаноб маънавий ҳаётини акс эттирган. Шоирнинг бу асари ҳеч шубҳасиз, XV асрнинг лирик энциклопедияси деб аталишга сазовордир. Биз унда севгидан завқланиш, замонадан шикоят, ҳаёт лаззати, халқ ғамхўрлиги, ҳижрон дарди, олижаноб инсоний ғурур, жўшқинлик, пушаймонлик, руҳий ғалаён, таваккал ва эътиқод, васл умиди, инкор ва шубҳа, ёмонликдан хафаланиш, камтарлик, сўфиёна майллар, юртга муҳаббат, киши учун қайғуриш, тасалли, нямга ва камолотга ихлос тушунчаларини, зуҳд, тақво ва мунофиқлик устидан заҳарханда каби турли-туман кайфиятларни ўқиймиз. Ҳа, бу ҳолатлар ўртасида қарама-қаршилик зўр. Зотан бир умрни акс этдирган бу китоб сермазмун бир ҳаёт кечирган ва даврнинг қарама-қаршиликларига дучор бўлган буюк шахснинг ҳаёт кўзгусидир. Лекин бу бир-бирига зид бўлган ҳолатлар ҳар хил вазиятларда, ҳар хил муддатларда ва турли кайфиятларда баён қилинишига қарамасдан, ягона бир гоя атрофида марказлашадими, у ҳам бўлса олижаноб бир виждоннинг инсоний бахт ва эркин орзу қилишдан иборатдир.

Умуман, «Ҳазойинӯл маоний»да ва Навоийнинг бошқа асарларидаги лирик парчаларда лирик қаҳрамон — шоирнинг ўзидир. Унинг асосий фожиаси олижаноб шоир билан қўпол ва ноинсоф одатлар, қоидалар, тушунчалар ўртасидаги қарама-қаршиликлардан келиб чиқади:

Нега даҳр оё вафо аҳлининг истар ўлмагин?
Оҳким, ўлгумдурур ҳал бўлмайин бу мушкулим!—

деб шикоят қилган шоир, феодализм шароитида, инсоннинг қадри ва башарий хислатлари беаёв топталган ва янчилган пайтда ҳақиқий ишқ аҳлининг, вафодор кишиларни даҳр (замона) зулмида хароб ва барбод бўлишидан қаттиқ хавфланади. Баъзан у дунёдорларнинг ўзаро низоларидан бе-зиб, бу ҳолат билан ярашмаслигини билдиради:

Замон эли гар урушсунлар ва ярашсунлар
Ки, на урушум бор алар бирла ва на ярашим!

Чунки шоир буюк ихлос билан инонган бир қанча кишиларда ҳам садоқат ўрнига хиёнат, вафо ўрнига жафо топади. Зотан, феодал жамиятидаги реакцион ҳоким мафкура ва ахлоқ одамларни шундай тушкунликка итариб юбормоқда эди:

Онча йиғлатти жафодин, дўстдур деб севганим
Ким, кулар аҳволима ҳар қайда кўрса душманим.

Замон ва замондошларининг жабр-жафосига қарши ўлароқ шоир ўзининг инсоний ғурур ва иззатини сақлайди. У тўғридан-тўғри ўзини замонанинг ҳоким ахлоқига қарши қилиб қўяди:

Хотирим ҳам давр, ҳам давр аҳлидин озурдадур.

Аммо бу изтироб, андишалар халққа, юртга бўлган севги ва меҳрнинг бир ифодасидир. Чунки Навоий юртни обод, халқни бахтиёр кўрмагач (у даврда кўриши амримаҳол бўлган) ҳақиқий нажот йўлини топа олмайди. Аммо шоир она тупроқнинг, бу тупроқда меҳнат ва жафо тортган аҳолининг дўсти, мухлиси ва ғамхўри бўлган. Албатта шоирдаги ватан тушунчаси биз англаган маънода бирлашган бир юртнинг миллати эмас, балки кўпроқ шоир туғилган ва яшаган ўлка, бир тож остида идора қилинган мулк ҳамда бир турда гаплашувчи улус тасаввуридан иборат. У ҳатто Хуросон салтанатининг йироқ вилоятларига борганида ҳам ўзини «ғурбат» да ҳис этади. Бунга сабаб у даврда бу мамлакатнинг бир бутунликни ташкил этмагани, алоқа ва нақлиёт воситаларининг ибтидоийлиги ва ягона бир иқтисодий, миллий-маданий ишлар билан боғланмаган турли қавм, қабила, уруғ ва тоифаларнинг бу салтанатда сочилиб кетганлиги эди. Ҳар ҳолда Ватан тушунчаси Навоий учун азиз ва табаррук бир тушунчадирки, бу традицион муҳаббат билан ва сиёсий-тарихий ғоялар билан зич боғланган эди. Ҳиротдан узоқда юрган маҳалида (Машҳад ёки Астрободда турган маҳалида бўлса керак) ёзган бир рубойиси бу хусусда жуда ҳарактерлидир:

Улсам ясаманг бунда мазоримни менинг,
Юклаб элтинг жисм фигуримни менинг,
Утру чиқариб аҳли дисримни менинг,
Кўйида кўйинг тани низоримни менинг.

Шоирнинг бошқа бир рубойиси ҳам Навоий назарида «ватан» ва «ғурбат» мафҳумларининг қанчалик қарама-қарши образлар ташкил этганини кўрсатади:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Бу рубоийдаги фикрнинг яна бир характерли томони шундаки, шоир бу ерда ватанни «жаннат» ёки «боғи эрам» сифатлари билан безамасдан, уни: майли тиканзор бўлса ҳам бизга азиздир, дейдики, бунда ҳақиқат парчаси бор. Зотан, мустабид ҳукмронларнинг ўз кайф ва иродаси билан идора қилинган бир мамлакат обод бўлолмас эди. Демак, у ватандаги аҳволни идеаллаштирмайди, уни бори-рича (тиканзор ҳолича) қабул қилади ва бу тиканни ғурбатдаги (қафас ичидаги) гулдан афзал кўради.

У ватанни севади, унга мафтун ва мухлисдир. Аммо бу диёрдаги машаққатлар ва заҳматларни, олижаноблар ўрнига нокаслар ва бевафоларнинг иззат ва обрў қозонганларини ҳам кўради:

Замона ўқ каби тузларни синдируб «ё»дек,
Аларки эгри турур шаҳга муҳтарам қиладур.

Бу байтдан Навоийни, умуман шоҳларга ва салтанат-монархия системасига қарши эди деб тушуниш ярамайди. Уни Бойқарога душман эди деб айта олмаймиз. Аксинча, «Хазойинул маоний» да шоирнинг Султон билан яқин дўстлиги ҳақида очиқ ва бевосита эътирофлар бор:

Сен Навоийга вафо айламасанг, бор бўлсин
Шаҳ Абулғозий бин Бойқаро, эй қора кўз!

Модомики, шоирнинг Султон Ҳусайнга муносабати шунча аён экан, у ҳолда «Аларки эгри турар шаҳга муҳтарам қиладур» деб кўрганимиз юқоридаги шикоятини қандай тушуниш мумкин? Биз бу таънанинг конкрет равишда қайси ҳукмдорга оид эканини билмаймиз. Чунки Навоий ўз умрида Ҳиротда уч ҳукмдорга замондош бўл-

гап: булар — Абулқосим Бобир, Абусаид ва Султон Хусайндир.

Катта санъаткор ўзининг тор синфий қарашлари доирасини парчалаб чиқиб, ўз бадий туйғуси билан ҳақиқатни, борлиқнинг маълум томонларини акс эттиради. Маълумки, Фридрих Энгельс, Бальзакнинг «сиёсий жиҳатдан шоҳпарвар» бўлгани ҳолда ўз синфи ва сиёсий ҳошишларига хилоф ўлароқ, ўз севган аристократлари устидан аччиғ истеҳзо билан кулганини қайд этади¹.

Владимир Ильич Ленин улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстой ҳақида ёзган мақоласида шундай дейди: «Бизнинг олдимизда турган киши ҳақиқатан ҳам улуғ санъаткор экан, демак, у революциянинг ақалли муҳим томонларидан баъзи бирларини ўз асарларида акс эттириши лозим эди². Бу ажойиб фикрнинг биз учун чуқур методологик аҳамияти шундаки, Ленин таълимоти бўйича буюк ёзувчи ўз замонасининг илғор тенденция ва прогрессив воқеаларини, қандай бўлмасин, маълум даражада акс эттирмай қололмайди. Демак Навоий Бойқарога ва монархияга бўлган садоқатига қарамай, сарой ҳаёти ва феодал давлатида олижаноб виждон аҳлларининг обрў ва мансаб топиши мумкин эмаслигини буюк санъаткор кўзи билан кўра олгани — унинг катта хизматидир. Юқоридаги байтнинг маъноси: тўғри кишилар синиб ва хароб бўлиб кетгани ҳолда, эгри кишилар шоҳ олдида ҳурмат топади, деган танқиддан иборатдир.

Биз бу ерда бу масалаларнинг лирик қаҳрамон образида очилиши ҳақида гапираётимиз. У бир рубойисининг бошида:

Мулк очкали ҳар хисрави олий миқдор
Инсофу адолату салоҳ этса шиор,—

¹ Қаранг: К. Маркс и Ф. Энгельс об искусстве, том I, М., 1957, стр. 12.

² В. И. Ленин. Асарлар, 15-том, Уздавнашр, 1952, 208-бет.

дер экан, салтанат идорасига, тахтнишинликка, инсоф ва адолат шиорларини шарт қилиб қўяди. У ўзининг бевосита лирик кайфиятларини изҳор қилганида ҳам катта ижтимоӣ мазмунга эга бўлган ва чинакам ҳикматли таъбир (афоризм) даражасига кўтариладиган ҳақиқатларни баён қилади; шоир севган ёрига мурожаат қилиб:— Сен кўп зулм қилганинг учун сенинг қулиниг (хизматкоринг) бўлмиш кўнглим ва жоним сендан намуна олиб, зулму жафони яна ҳам ошириб юбориб, тамоман мени ташлаб кетдилар, демоқчи бўлади. Лекин шу мураккаб муболағани Навоий нақадар гўзал ва ҳикматли сўз тарзида ҳамда нақадар кутилмас бир муқояса орқали ифодалайди! У ўзининг бу лирик кайфиятини, бу шахсий дардини мамлакат ва адолат принциплари билан боғлайди:

Сен жафо қилгач кўнгул жон бирла тарким тутдилар,
Бўлса шаҳ золим, эл ичра зулмга эрмиш ривож.

* *
*

Навоийда Ватан — Мулк — Диёр образида марказлашган идеал, унинг чуқур гуманистик ғояларидан келиб чиқади. Бунга қарши гурбат-фироқ-ҳижрон учлиги қувватли бир контраст ташкил этади. Таажжуб эмаски, юрт-ватан унинг назарида севимли дўст ва ёр образи билан эгизак бир вужуддай тажассум қилади:

Тонг эмасдир гар диёру ёрсиз озурдаман-
Ким, эмас булбул гулу гулзорсиз, озорсиз.

Бир қаторда: шоир-диёр-ёр, иккинчи қаторда: булбул-гулзор-гул. Бу ажойиб икки қофияни кўринг: Ёр-Диёр. Шоир хаёлида диёр (ватан) ва ёр (севгили) бирликни ташкил этса ҳам, бу икки тушунча яквужуд ва айни бир нарса эмас... Навоийнинг лирик қаҳрамони биринчи нав-

батда оташин ва ҳар томонлама етук ошиқдир. Шоир ишқнинг азалий ва абадий қудратини билади. Ишқ мавзунинг «бунёди олам» дан эътиборан лирикага бош мавзу бўлиб келганини эътироф этади:

Ғариб қисса эди ишқким, туганмади ҳеч,
Агарчи бўлгали олам биноси, айтилади.

Аmmo бу ишқ олами улуғ бир оламдир. Бу мураккаб бир туйғу, ранго-ранг бир гулистондир. Шунинг учун ҳам шоирнинг ички кечинмаларини муҳаббатнинг луғат китоби деса бўлади. Сиз бу китобда: ишқдан мамнунлик, васл умиди, учрашувнинг лаззати, таҳқир этилган ошиқнинг ғурури, айрилиқдан хафа бўлишлик, севгида улуғ камтарлик, бевафолар дастидан шикоят, маъшуқага садоқат ва ҳоказоларни ўқий оласиз.

У севади, лекин шунга жавобан севилишни ҳам истайди. У ўз оташин муҳаббатининг сеҳри билан ёр қалбини ҳам овлашга ишонади.

Аmmo, афсуски, бу олижаноб ният кўп вақт ўйланган натижани бермас экан, шоир зуваласида севги дарди бўлган, хулқида муҳаббатга қобилияти бор бўлган ёрни излашга мажбур:

Токи мумкиндир кезиб бир меҳрибон ёр истабон,
Бағри тошларни севарга қилма журъат, эй рафиқ!

У жозибалик бир ихлос билан севади ва севганидан бир қадар илтифот кўргач, муҳаббатнинг фусункор лаззати барча ғаму дардларни унутдиради:

Шикоятим кўпу қолмас сени қачон кўрсам,
Танимга тоб, тилимга мажоли тақрири.

Севги, бу қаҳрамонга катта ижодий ва ижобий қудрат бағишлайди, унинг руҳини бойитади ва ғайратини оширади. Севгидаги бу ажойиб қудрат учун у миннатдор:

Лаълидин бир сўз синуқ кўнглимни айлар тоғча!

Аммо севилган шахс севгучининг пок ва тоза ишқига лойиқ бўлмоғи шарт. Чунки шоир севги каби юксак бир туйғунинг пастликка ва сафолатга чулғонишини жойиз кўрмайди; шундай мулаввас қилинган (булғонган) гулдан шоир кўп азоб билан бўлса ҳам воз кечишга қодирдир:

Бир гул гамидин қўйй дедим бағрима доғ,
Бергайму дебон атри димоғимга фироғ,
Баргин чу мулаввас айлади бум ила зоғ,
Эмди ани изламакка юз ҳайф димоғ!

Лекин шоир инсонларда яхшиликни кўришни орзу ва хаёл қилади.

Навой муҳаббатни кишининг табиий хислати ва табиий ҳақи деб билади. Шунинг учун жоҳу жалол ва тахту тож шарт эмас. Аксинча, феодал саройларидаги кўп хотин олишлик одатлари, ҳарамхона анъанаси соф ва ҳақиқий севгини парчалайди, севги қобилиятини қуритади ва сўлдиради:

Шоҳликнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат бобида!

Бу бир мисранинг ўзи Навойнинг ишқ масаласига қараши учун программ аҳамиятга эга. Шоир буйруқ ва мажбурият билан муҳаббат туғилмайди дейди:

Шоҳки, матлубига қуллик буюргай, ишқ эмас.

У ишқни ҳақ деб билади ва ҳақиқий ишқдан кулганларга, ошиқни гуноҳкор деб айтганларга қарши очиқ уруш эълон қилади:

Ишқ агар бўлса гуноҳ, манман гуноҳкор, эй кўнгул,
Тонмагим ноҳақдурур, бу ишда чун ҳақдур гувоҳ.

Аммо бу муҳаббатнинг ҳаётий жилвалари нақадар мураккаб ва ранго-ранг бўлганини шоир ўзи яхши билади:

Ишқким, ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа халқ,
Турфароқ будурки, юз мингдин бири ёзилмади.

Шунинг учун ҳам шоир лирикасининг сероҳанг созида, биз муҳаббатнинг хилма-хил овозини эшитамиз. У гоҳо ёрга ялинади, гоҳо ўз ишқининг қудратини талқин қилади, гоҳо айрилиқнинг аламларига аччиқ-аччиқ иқрор бўлади, гоҳо ёрдан шикоят қилади, гоҳо юмшоқ ҳазиллар билан ёрни койийди, гоҳо ширин латифа билан ошнолик ҳақларини эслатади, гоҳо муҳаббат тўлқинларида ҳаяжон билан жўшиб: «девонавори» бир ғалаён кўрсатади, қайнаган ҳисларининг, ўйнаган хаёлларининг жиловини бўшатиб юбориб, севгини жозиба билан куйлайди:

Дўстлар, гар халқ аро йўқ мен киби девонае,
Айламанг кўп айбиким, ёнимдадур майхонае.
Анда шўхиким, тутар ҳар дам тўла паймонае...

Бу тезисларни хулоса қилиб яқунласак, Навоийнинг «Ҳазойинул маоний» сида ишқ куйларининг тематик жиҳатдан марказий ўрин тутганини ва бу ишқнинг чин инсоний, олижаноб, қудратбахш, соф, нафис, ширин бир севги сифатида талқин қилинганини қайд қилиб ўтишимиз лозим. Феодал ва буржуа назариячиларининг ва тарихчиларининг кўп шарқ шоирларидаги ва шу жумладан буюк Навоийдаги севгини «ишқи илоҳий» маъносида ва Навоийнинг ўзини тамоман сўфий шоир деб тавсиф қилиши нотўғри ва зарарлидир. Албатта, ўрта асрларда мусулмон шарқида катта нуфузга эга бўлган ва кўп мамлакатларга таралган тасаввуф оқими, яна тўғрироғи оқимлари у даврдаги энг илғор кишиларга ҳам таъсир қилмай қолмас эди. Шунинг учун сўфилик мактабларининг баъзи бирларида антифеодал бидъатлар, оппозицион кайфиятлар, расмий

дйнгá қарши эътирозлар ҳам учраганини эсда тутиш кёрак...

Темурийларнинг феодал давлатларига қарши Ўрта Осиё ва Эронда кўтарилган бир қанча қўзғолонлар ҳам у даврнинг шароитига кўра диний парда остида ўтган эди. Академик Бартольд 1441/42 йилда Хузистонда темурийларга қарши исён кўтарган Мушъаш ҳаракати ҳақида муфассал гапириб, охири шундай хулосага келади: «Дин байроғи остида йўқсулларнинг дунёдорларга қарши исёни юз берди» (В. Бартольд — «Темурийлар тарихига онд янги маъхаз»). Демак, тасаввуфнинг маълум қанотлари ўз даврида ҳоким синфларга қарши оппозицион ва илғор роль ўйнаши мумкин эди. Навоий ҳам у давр учун расм бўлиб қолган нақшбандликка қизиқар ва сўфийликнинг айрим тушунча ва терминларидан фойдаланиб мунофиқ зоҳидларни, худбин ва манфаатпараст руҳонийларни, расмий дин ва масжидни қурол қилиб, молу давлат пайида юрган дин арбобларини ўзининг лирик асарларида ҳам қаттиқ фош қилади. У ўзи диндор мусулмон бўлган ҳолда, динни суистеъмол қилиб, халқни алдаган руҳонийлардан кулади:

Эй Навоий, шайхга шайтон гар афсор урмади,

Бас нега доим қилур ҳазл ул узун фашлик била,—

дейиши билан шоир ўзларига мурид тўплаш даъвосида юрган шайхлар — пирларнинг ҳақиқатда ўзлари шайтонга мурид бўлганини айтиб аччиқ заҳарханда қилади. Навоий масжид ва хонақоҳларда зикр баҳонаси билан ўз муридларини талаган руҳонийларни текинхўр, алдоқчи, мунофиқ эгоистлар сифатида масхара қилади («шайх» радифли ғазалга қаралсин). Шубҳасиз дин арбобларига шундай танқидий ва сатирик баҳо бериш автордаги пешқадам ва прогрессив тенденцияларнинг, халқпарварлик кайфиятларнинг зўрлигидан келиб чиқар эди У, бундай хурофот ва кўр-кўрона ибодатларга берилмаганини ифтихор билан

эълон қилиб: «булардан ўзимни халос айладим» («Соқийнома») дейди.

Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳаётни, дунё лаззатларини севади. У тасаввуфнинг таркидунёчилигини рад этади. У ёр васлидан, бахт ва ишқнинг муяссар бўлишидан шод, қувноқ ва муташаккурдир:

Ҳақ тануқдирким тирикликдан менга сенсен мурод,
Йўқса оламнинг йўқу бори, баробардир менга.

Бу бахт ва висолнинг муяссар бўлажигига умидвордир:

Ҳижрону висолин кўпу оз дема, Навоий,
Юз шукр деким, кўпи бориб оз қолибтур.

Ҳаётни у борлиқнинг энг азиз бир тухфаси деб билади ва унинг қадрига етишга чақиради:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак андин ортуқ бўлмас,
Андин сени кўп севармен, эй умри азиз!

Ҳаётни англаган, унинг завқларидаги буюк илҳомбахш ва ижодий қудратни билган Навоий бундай умрни зийнатли бир китобга ўхшатади ва бу китобнинг сарлавҳаси «бақо» (абადийлик) муҳри билан босилишини орзу қилиб, шу ажойиб байтни сўзлайди:

Куш, зийнати кўп номадурур, умр ва лекин
Тавқеъ бақодни анга унвон керак эрди!

Бутун бу оптимистик куйлар билан бир қаторда ҳассос ва инсонпарвар шоир турмушдаги разолатлардан, инсофсизликдан кўз юмолмайди, албатта. Бу ҳолат уни чуқур маънос қилади:

Эрур мақсад йироқ, водий узун, тун тийра, йўл бўртоқ.

Бу гўзал ҳаёт боғида қарғалар ўзига уя қилганлари учун шоир хафаланади:

Эй Навоий, даҳр боғидан қутулмоқ истаким,
Булбул учкон яхшироқ зоғу заған маъвосидин.

Навоий дунё боғида қўнган қарғаларни яхши сўз таъсири билан қувламоқчи бўлди. Чунки у сўзнинг фусункор қудратига ишонган идеалист эди. Навоий ёмонликнинг илдизларини эмас, меваларини қуритмоқчи бўлди. Лекин уюшган революцион бир синф, социалистик назариялар маълум бўлмаган бир даврда сўзнинг қудрати билан одамларни яхшиликка, адолатга, ватанпарварликка чақириш, шубҳасиз, катта тараққийпарвар аҳамиятга эга эди. Биз Навоий лирикасининг улуғ тарбиявий хазиналарини олиб, совет кишиларидаги олижаноб хислатларни парвариш қилишда улардан фойдаланамиз. Биз Навоийдаги ўткинчи, пессимистик томонларини, тасаввуфий, шоҳпарварлик кайфиятларини рад қиламиз.

Лекин биз ўлмас Алишернинг юксак инсоний куйларини, ундаги ватанпарварлик, гуманизм, садоқат, вафо, дўстлик, камтарлик, меҳнатсеварлик куйларини олиб, социалистик замонамизнинг буюк таронасига қўшамиз.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси,
1948 йил, 6—7 апрель.

НАВОИЙНИНГ САМАРҚАНДДА КЕЧИРГАН КУНЛАРИ

1466 йилнинг охирларида Алишер Навоий узоқ Ҳиротдан Самарқандга келди. Йигирма беш яшар шоир ўзини бу ерда ғариб, кимсасиз бир мусофир ҳаётини ўтказишга маҳкум деб ўйлар эди. У, ўзининг машҳур асари «Мажолисун нафоис»да, андижонлик шоир Юсуф билан Самарқандда танишганини гапираётганда, «фақир, Самарқандга таҳсил учун борганда» дейишидан у ўқиш учун Самарқандга жўнаган эди, деб ўйлаш мумкин. Гарчи у чоқларда Самарқанднинг олим ва адиблари машҳур бўлиб, бу шаҳардаги мадрасалар узоқ ўлкалардан бир қанча талабаларни ўзига жалб қилган бўлса ҳам, Навоийнинг Самарқандга жўнаши ўз ихтиёри билан бўлган эмас эди. Масала шундаки, у Ҳиротдалиги вақтида бадахшонликлар билан дўстлашган эди. Айниқса, Абдусмад Бадахший деган шоир Навоийга кўп ихлосманд бўлиб қолган эди. Бу киши орқали Навоий, Бадахшоннинг илгариги ҳокими сулоласидан чиққан Лаълий ва Ибн-Лаълийлар билан ҳам танишган эди. Бу икки киши (ота-ўғил) ҳам Ҳиротда назорат остида яшаб, адабиётга қизиқувчи ва гоҳо шеър ёзиб турувчи ўқимишли одамлар эдилар. Хуросон, Мовароуннаҳрни ўз ҳукми остида идора қилган Абу Саид Мирзо буларнинг юртини босиб олиб, ўзларини тахтдан маҳрум этган эди. 1466 йилда булар Бадахшонда исён кўтариб, ҳокимиятни қайтариб олмоқчи бўлдилар. Абу Саид яна лашкар тортиб, бу вилоятни ишғол қилди ва

собиқ сулоланинг барча намояндаларини қириб ташлади. У, бу билангина кифояланмасдан, исёнчиларнинг дўстларидан ҳам қасос олмоқчи бўлди. Бунинг устига Навоийнинг Хусайн Бойқаро билан мактабдош ва дўст бўлгани ҳам Абу Саидга аён эди. Хусайн бўлса шу йилларда тахтсиз ва мулксиз шаҳзода бўлиб, Абу Саидга қарши қуроли кураш олиб бормоқда эди. Бойқарони ёқлаганлари учун Алишернинг икки тоғаси — шоир Мирсаид Кобулий ва шоир ҳам бастакор Муҳаммад Али Ғарибий Абу Саид амри билан қатл қилинган эдилар. Демак, Абу Саид назарида Алишер шубҳали бир шахс эди. Навоий, Самарқандга бориш ҳақида подшоҳ берган буйруқнинг моҳиятини сезса ҳам, аниқ сабабини билмаган бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ўз хотирасида умумий қилиб «таҳсил учун бордим» дейди. Бу — сургуннинг аниқ сабабини ҳатто Навоийнинг кичик замондошлари ҳам билмаганлар. Шунинг учун ҳам Бобир мирзо ўзининг «Бобирнома»сида Навоий ҳақида гапирар экан, билмайман, Навоий нима гуноҳ қилган эдики, Султон Абу Саид мирзо уни Ҳиротдан «ихрож қилди» (яъни сургун қилди) дейди.

Ҳар ҳолда якқам-ёлғиз ёш Навоий «гардиши даврон» билан Тимур ва Улуғбекларнинг ҳашаматли пойтахтига келиб қолган эди. Самарқанд у чоғда илгариги қудратини йўқотган бўлса ҳам, Улуғбек даврининг баъзи маданий илмий ва адабий традициялари қисман сақланиб қолган эди.

Бу катта шаҳарда Алишер аввалда моддий жиҳатдан кўп қийналди. Чунки ота меросидан бирор нарса олиб келиш ҳам унга муяссар бўлмаган эди. Айтишларича, бир кун у Самарқандда ҳаммомга тушиб, тўлашга ёнида пули бўлмагани учун ўз жуздонини (ҳамёнини) гаровга ташлаб кетмоқчи бўлган. Лекин кўп ўтмай шоиримизнинг буюк истеъдод ва жозибадор муомаласини кўрган Аҳмад Хожибек уни ўз ҳимоясига олди. Бу киши Хуросонда ўқиган ва илму адабиётга қизиққан киши эди. Ўзи ҳам «Вафойй»

тахаллуси билан шеърлар ёзар эди. У бир қанча вақт Ҳирот ҳокими бўлиб тургани учун Алишер оиласини билар эди. Энди бўлса у Абу Саид томонидан Самарқанд ҳокими қилиб тайинланган. (Абу Саид ўзи Ҳиротда турар эди). Аҳмад Ҳожибек ва Самарқанд катталаридан бўлмиш Дарвиш Муҳаммад Тархон Алишерга ва унинг илму фан билан шуғулланишига қўлларидан келган ёрдамни аямадилар. Бу вақт Самарқандда яшаган Хўжа Фазлуллоҳ Абулайс ўз замонасининг энг машҳур фақиҳи (ҳуқуқшуноси) ва арабиюни (араб тили ва адабиёти мутахассиси) сифатида шарқ мамлакатларига донғи кетган эди. Алишер унинг хонақосида истиқомат қилиб, олимнинг дарсларини мунтазам равишда тинглади. Шоирнинг қобилият ва хушмуомаласига мафтун бўлган машҳур олим уни доимо «фарзанд» деб чақирар эди.

Навой Самарқандда ўқиш билангина чекланмасдан, ҳар хил одамлар билан танишар, айниқса шоирлар ва адабиёт ҳаваскорларининг суҳбатларига қатнаб турар эди. Самарқандда замона «зурафо»сининг (яъни нозик табъ ўқимишли кишиларнинг) тўпланиб турадиган жойларидан биттаси ҳақида Навой, самарқандлик Мир Қурайший ҳақида гапирганда шундай маълумот беради: «Мир Қурайший Самарқандда бўлур эрди ва бозорда саҳҳофлик дўкони бор эрди ва зурафо анда жамъа бўлурлар эрди ва Мавлоно ўзини ул хайилга устод тутар эрди». Бу кишининг «Хитобий» тахаллуси билан ғазаллар ёзганини Навой ўз хотираларида ёзиб ўтади.

Навой Самарқандда бир қанча, шоирлар билан танишди, ўзини ҳам уларга танитди. Тез фурсатда Алишер Навой шоирлар ўртасида устоз бир санъаткор ва жуда инсофли ҳам нозик танқидчидай шуҳрат топди. Унинг тәнбеҳларига эҳтиром билан қулоқ солар ва унинг ўзи ёзган шеърларини завқ билан тинглар эдилар. Хоҳ туркий-ўзбек, хоҳ форсий, форс-тожик тилида ёзиб турган шоирлар унинг фойдали маслаҳатларидан ва қилган таҳ-

рирларидан баҳраманд бўлар эдилар. Энг мағрур шоирлар ҳам Навоийнинг даҳоси олдида тан беришга мажбур эдилар. Чунончи, Мавлоно Юсуф Бадиий ҳақида Навоий ўз хотирасида шу мазмунда баҳо беради:— Мавлоно Юсуф андижонлик эди. Мен Самарқандга борганимда у ҳам Андижондан бу шаҳарга келди. Биз бирга ҳамхона эдик. Унинг шеърларидаги хом жойларни ислоҳ қилар эдим. Узи таманноли ва кибрли йигит эди. Мендан бошқа ҳеч ким унинг шеърини танқид қилишга журъат қилмас эди. Аммо суҳбати ва шеърда санъати яхши эди.

Самарқандлик шоир Риёзий билан рўй берган бир воқеани ҳам Навоий ўз хотирасида шундай баён қилади:— у бадхулқ ва ғалати киши эди. Мен унинг бир байтини тузатишни таклиф қилдим. Инсоф юзасидан қабул қилиши керак эди. Аммо у менга қаттиқроқ гап-гира бошлади. Мен эсам индамай жим турдим. Унинг дўстлари мени ҳақли деб, уни койишди. Бу фактда Навоийнинг улуғ камтарлиги ва чуқур одоблилиги намоёндыр.

Навоий Самарқандда эканида тошкентлик Улоий Шоший ҳам Самарқандда касал бўлиб ётган экан. Навоий уни зиёрат қилиб, унинг отига муаммо ёзган ва бундан хурсанд бўлган кекса ёзувчи ҳам Алишер номига жавобан муаммо айтиб берган.

Навоий Самарқанд шоирлари билан дўстлашиб, уларнинг яхши шеърларини таҳлил қилар, улар ижодидаги муваффақиятларга суюнар эди. Масалан, самарқандлик мирзо Ҳожи Суғдийнинг шу гўзал байтини таважжуҳ билан мақтайди:

Ушлатти қоматингни санубарга боғбон,
Бечора билмас эрмиш «алиф»дин таёғни!

(яъни «Боғбон-шоир сенинг қоматингни хушбичим санубар дарахтига ўшлатди. Аммо у бечора «алиф» билан

ясалган таёқни фарқ қилолмас экан». Бу ерда сўз ўйини бор, чунки арабча ёзганда «қомат» сўзидаги «о» (алиф) ҳарфи найзага ёки таёққа ўхшайди).

Булардан ташқари, Навоий Самарқандда Жавҳарий, Ҳоварий, Ҳалвоий, Мирзобек ва бошқа шоирлар билан шахсан танишган ва ёки ижодлари билан ошна бўлган эди. У, Самарқандда яшаб ўтган машҳур Саккокийнинг ижоди билан танишиб, у ҳақда юрган бўҳтонларни (гўё Саккокий Лутфийнинг газалларини ўғирлаб кўчириб ёзган эмиш деган тўқима гапларни) рад этади. Суҳайлий деган шоир билан бирга шеър ёзади ва ҳоказо.

Бу воқеа тўғрисида Хондамир ўзининг «Макоримул ахлоқ» деган китобида қизиқ маълумот беради. Амир Низомиддин Суҳайлий Абу Саиднинг ўғли Султон Аҳмад Мирзога бағишлаб бир мадҳия ёзади. Алишер буни ўқиб, бир байтини бошқача ёзишни таклиф қилади. Буларнинг ҳар қайси бир варақ қоғоз ва қалам олиб, ёзиладиган шу байтни айрим-айрим ўйлашади. Натижада ҳар иккаласи ўзича ёзиб, бир-бирига кўрсатса, иккала байтнинг ҳам айнан бир хилда чиққанлиги аён бўлади. Бу факт Навоийдаги психологик нозикликни ва суҳбатдошининг хаёл ва кайфиятларини қанчалик чуқур пайқаганини кўрсатади.

Навоий Самарқандда турган икки йил мобайнида бу шаҳарни ва бу вилоятни жони билан севиб қолди. У Самарқандда бўлсин, Ҳиротда бўлсин маданият ва адабиётни ривожлантиришнинг муштарак вазифаларини яна ҳам қатъий англаб олди. Икки мулк тупроғида жойлашиб ва бўлиниб қолган ўз халқининг дард ва орзуларини яна ҳам чуқур ҳис этди.

Самарқандда ўтган йиллар буюк шоир ҳаётида катта мактаб бўлди, у бу ерда ўз даҳосини балоғатга етказди. Самарқанднинг адабий ва илмий муҳитидан кўп баҳраманд бўлди.

Умуман, буюк шоиримизнинг Самарқандда кечирган кунлари унинг дунёқарашини кенгайтиришга, халқ ҳаёти-

ни ва маишатини яқиндан ўрганишига кўп ёрдам берди. Бу икки йиллик ҳаёт Алишер Навоийнинг буюк ижодида ҳам ўзининг чуқур изларини қолдирди. Ўзининг энг кучли ва реалистик асарларидан бири бўлмиш «Мажolisун нафоис»ни ёзаркан, Навоий Самарқандда текширган ва тўплаган бир қанча материалларидан фойдаланди ва ўз «тазкира»сини юзлаб фактлар ҳамда номлар билан бо-йитди. «Фарҳод ва Ширин» достонининг охирида Улуғбек ҳақида Навоийнинг зўр ихлос билан ёзган мадҳиясига, шу машҳур олимнинг ўлмас хизматига бағишлаб яратган таърифига, албатта, шоирнинг Самарқанддан олган таассуроти катта илҳом берган эди.

Аммо шу чоғларда Ҳиротда катта сиёсий ўзгаришлар юз берди. Кўп йиллардан бери тахт ва ҳокимият пайида юрган Хусайн Мирзо Бойқаро, Озарбайжон сафарида Султон Абу Саиднинг ўлдирилишидан фойдаланиб, Хуросон давлатини қўлга олди. У Алишернинг эски мактабдош дўсти эди. Бу хабарни эшитган Навоий Хуросонда ўзига кенг сиёсий ва ижодий имкониятлар очилишига ишониб, Ҳиротга қайтишга қарор берди. Уни Хуросонда эски дўстлари, қариндошлари, кутубхонаси ва ёшлик чоғларидаги аҳду паймонлар кутиб турмоқда эди.

Икки йил аввал, Ҳиротдан Самарқандга келганида, ғурбатга келдим деб ташвиш тортган шоир энди буюк таассуф билан Мовароунаҳрдан кетишга азм этган эди. У энди юз-юзлаб дўстларни, ўзининг она шаҳридай севиб қолган қадим шаҳарни тарк этиб, йиғлаган улфатлар билан қучоқлашиб хайрлашди ва тулпорига қамчи уриб, ғарбга, Ҳирот уфқларига йўл олди. Йўл олди-ю, аммо хаёлида шоирона Самарқанд, унинг роҳатбахш сувлари, Улуғбек расадхонаси, Регистон ва унутилмас ёру дўстлар жилваланади.

Бу воқеа бир мишг тўрт юз олтмиш тўққизинчи йилнинг илк баҳорида бўлган эди.

«ҲАЙРАТУЛ АБРОР» ҲАҚИДА

Алишер Навоий қирқ икки ёшга кирганида ўзининг биринчи достонини қаламга олди. Шунгача Алишер Тошкент ва Самарқанддан тортиб Ҳирот ва Машҳадгача, Андижондан то Хоразмгача шону шуҳрати кетган улкан бир шоир сифатида танилган эди. Лекин шунга қарамасдан «Хамса»ни бошлаш катта журъат, ўз қудратига ишонч, кенг маълумот, бой ҳаётий тажриба ва бетиним меҳнат талаб қиладиган тарихий ва зўр бир иш эди. Маълумки, Низомийдан кейин юзга яқин шоир беш достон (яъни Хамса) ёзаман деб кўп ғайрат ва ҳаракат қилган бўлса ҳам, булардан фақат бир нечаларигина ўз мақсадларига эришганлар. Навоий ўзи «Мажолисун нафоис»да ўз замондошларидан Мавлоно Котибий ва Мавлоно Ашрафнинг «Хамса»га киришганини эслаб ўтади. Аммо биринчиси охирига еткизмаган, иккинчиси бўлса «Хамса» ёзиб битирган бўлса ҳам муваффақиятли чиқмаган бўлса керакки, нусхаси сақланмаган ва зотан ўз даврида ҳам яхши баҳо ололмаган шекилли. Навоийнинг бу асар тўғрисида «Воқиан ўз ҳолига кўра ёмон бормобдур» дейишидан бу асар ўртача бир асар бўлиб чиққан бўлса керак. Зотан Низомий ва Хисравларнинг форсча ёзган шоҳкорларидан (шедеврларидан) кейин Ашрафнинг ҳам форсча ёзган ва Навоий таъбири билан айтганда «ёмон бўлмаган» асари катта эътибор қозониши жуда қийин эди.

Навоий ёзган илк достоннинг «Ҳайратул аброр»

(тўғри кишиларнинг таажжубланиши) деб аталишининг ўзи шундан далолат бердики, Навоий бу асарнинг ўзи билан кифояланмасдан, «Хамса» жанрида бешта дoston яратишга қатъий киришган эди. Зотан Навоийдан илгари «Хамса» ёзган машҳур шоирлар — Низомий, Хисрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийлар ҳам «Хамса»нинг биринчи дostonини маълум жанрда (фалсафий-ахлоқий-таълимий дoston қилиб) ишлаган ва ҳатто сарлавҳаларда ҳам вазндош ва қофиядош сўзлар териб олган эдилар. Чунончи, Низомий «Махзанул асрор» (сирлар хазинаси), Деҳлавий «Матлаул анвор» (нурларнинг тугилиши), Жомий «Тухфатул аҳрор» (эркинлар совғаси).

Навоийнинг биринчи дostonи ҳам жанр, вазн, ном, композиция жиҳатидан илгари шу типда ёзилган дostonларга ўхшайди. Аммо бу ўхшашлик фақат зоҳирий ўхшашликдир. Навоий шу шакл орқали катта тарихий ва сиёсий бир муддаони майдонга ташлаган эди: у ҳам бўлса туркий (қадимий ўзбек) тилининг қудратини кўрсатиш, форсий тилда ёзилган энг мураккаб ва чуқур маъноли асарлар даражасида бу тилда ҳам асар яратиш мумкинлигини исбот қилишдан иборат эди. Бунга эски адабиётда «жавоб» дер эдилар. Лекин Навоийнинг илгариги хамсачиларга жавоби қабул қилинган маълум шаклни эгаллаб, шу шаклда янги ва мустақил асар яратишдан иборат эди. Лекин бу — масаланинг бир томони: она тилининг шарофини юксалтириш томони эди. Аммо Навоийнинг бу дostonни ёзаётганидаги мақсади фақат тиллар ва сўзлар мусобақасигина эмас эди, балки замона ва жамиятга онд бир қанча чуқур масалаларга жавоб бериш эди.

Шу мақсадда ёзилган «Хайратул аброр» Навоийнинг ўлмас «Хамса»сида биринчи ва ҳажман энг кичик дoston бўлишига қарамай, жуда кўп фалсафий, ахлоқий, таълимий, ижтимоий, сиёсий, эстетик ва бевосита ҳаётий масалаларни ўз ичига олгандир. Бинобарин бу дostonни тор маънода «фалсафий» дейиш етарли эмас.

«Ҳайратул аброр» 1483 йилда ёзилган асар бўлиб, 4000 байтдан иборатдир. Асарнинг композицияси қуйидагичадир: даставвал, тангри ҳақида тўртта муножот, пайгамбарга бағишлаб 5 та наът, булардан кейин Низомий ва Жомий ҳақида, сўз таърифида ва Султон Ҳусайн мадҳида, ҳаммаси бўлиб 6 та мадҳия келтирилади. Булардан сўнгра осмон ва дунёнинг яратилиши тўғрисида учта «таажжуб» бор. Бу назмларнинг давомида дostonнинг асосий қисмини ўқиймиз. Бу асосий қисм йигирмата мақолатдан иборатдир. Бу мақолатлар (ёки мақолалар) шеър билан ёзилган бўлиб, турли мавзуларни шарҳ этадилар. Биз бу ерда дин ва имон, адолатли ва зolim подшоҳлар (III мақолат), мунофиқ руҳонийлар ва ҳақиқий сўфийлар (IV мақолат), Ҳотам ва саҳоват (V мақолат), одоб ва эҳтиром (VI мақолат), қаноат ва кўзи тўқлик (VII мақолат), вафо (VIII мақолат), ишқу муҳаббат (IX мақолат), ростлик ва тўғрилиқ (X мақолат), илм ва билим (XI мақолат), қалам ва ёзув (XII мақолат), халққа манфаат бериш (XIII мақолат), фалак ва тақдир (XIV мақолат), май ва майхўрликнинг зарари (XV мақолат), фидокорлик ва худбинлик (XVI мақолат), умр, йигитлик ва қарилиқ (XVII мақолат), ҳаётнинг қадри (XVIII мақолат), Хуросон ва Ҳиротнинг таърифида (XIX мақолат), Бойқаронинг ўғли ва Хуросон тахтининг валиаҳди Султон Бадиуззамон баҳодирга насиҳат (XX мақолат)ларни кўрамиз.

Бу қуруқ рўйхатнинг ўзи буюк шоирни ўйлантириб турган муҳим ва актуал масалаларнинг нақадар кенг, хилма-хил ва чуқур қўйилганини исботлашга kifоядир. Биз бу масалаларнинг ҳаммасини чуқурлаштириб тасниф қилмоқчи бўлсак, асосан уч масалани марказга қўйишимиз мумкинки, йигирмата мақолатдаги ҳамма фикрлар бу асосий масалалар атрофида жамлашадилар: 1) инсон ва улўҳият (тангри), 2) инсон ва жамият, 3) инсон ва унинг ўзлиги (виждон).

Биринчи гуруҳ масалалар бўйича Навоий тўғридан-тўғри пантеист сўфийлар позициясида, у даврда катта обрў эгаси бўлган нақшбандийлар позициясида туради. Бутун коинот ва табиатнинг худо ҳуснидан ва илоҳий шуълаларнинг жилвасидан пайдо бўлганлиги (фалсафада тажаллий ёки эманация назарияси), демак бутун борлик «вужуди мутлақ»нинг (яъни тангрининг) фақат зуҳуридан иборат бўлганлиги, инсон ҳам «ашрафул махлуқот» (яъни махлуқларнинг энг шарафлиси) бўлиб, худо хусусиятларини ўзида инъикос эттиргани бу пантеистик (вужудия) оқимининг асосий назарий платформасидир. Албатта, Навоий ўз даврининг фарзанди бўлганлиги учун маълум даражада бу оқимнинг таъсирига берилганлиги «Ҳайратул аброр»нинг бош қисмида аниқ кўринади. У ўзини нақшбандийлик мактабининг муассиси бўлган Хўжа Баҳовиддин нақшбандга мурид ҳисоблаб, ўшанинг тариқатини қабул қилганини «III ҳайрат»нинг охирида баён қилади. Соқийга хитоб қилиб шоир ширин май олиб келишни таклиф қилади ва бу майни «Хожавор» (Хожа Баҳовиддинга ўхшаб) ичишни ваъда қилади:

Соқий, олиб кел қадаҳи ҳушгувор,
Бирга олиб тортай онн Хожавор,
То чекибон бир-икки жомн шигарф
Хожа мадҳида сурай неча ҳарф.

Албатта бу ерда май, қадаҳ ва жом тамоман тасаввуф маъносида, яъни «ишқи илоҳий» маъносида қўлланилган. Бундан кейин Навоий, Хожа Баҳовиддин нақшбандга ва унинг халифаси ҳисобланган Хожа Убайдуллага бағишлаб бир мадҳия келтиради. Ахирида эса бу сўфий пирларига ихлосини билдириб, шундай орзу баён қилади:

Қўймасун айвони жаҳонни таҳий,
Дабдабаи кўси Убайдуллаҳий,

Ҳимматидин бизни ҳам этсин худой
Фақир йўлида гани, имонга бой.

Навойнинг дostonларидаги шу хил фикрларини биз шу мақолада уқдириб ўтишимиздан мақсад, бу буюк шоирнинг ижодидаги қарама-қаршиликларни кўрсатиш, унинг ижодидаги манфий томонлардан кўз юммасликдир. Чунки шу тақдирдагина Навойнинг буюклиги бизга яна ҳам аён ва равшан бўлиб мужассамланади. Ўз замонасининг ҳоким мафкурасига маълум даражада тан беришга мажбур бўлиши билан бир қаторда, Навой ҳеч қачон амалий равишда сўфийлар хонақосига кирмади, таркидунё қилишни қабул этмади, ижтимоий-сиёсий курашдан воз кечмади. Шарқ феодал тузумига хос бўлган аскетизм, пессимизм, зулмга қаршилиқ кўрсатмаслик кайфиятлари Навой ижодида ва ҳаётида устунлик ололмади. Аксинча, Навой шу сўфийлик истилоҳларидан фойдаланиб, мунофиқ, ёлгончи, худбин (эгоист) руҳонийларни, шайхларни, муфти ва қозиларни фош қилди, халқ зиммасига тушган бу беҳаё зулукларнинг чин афт-башараларини очиб ташлади. Демак, у дин ва улуҳиятнинг ислом ва пайғамбарнинг асосий принципларига содиқ бўлгани ҳолда дин арбобларининг нолайиқ ва қаллоблик ҳаракатларига қарши оташин кураш очди. Бу типдаги ярамас руҳонийларни шоир «Ҳайратул аброр»нинг IV мақолатида жуда қаттиқ фош ва масхара қилади, бундай пир ва имомлар:

Турфа соқолин осибон кулгидек,
Эгри ёғоч узра чиқиб эчкудек,
Эчкуча ҳам йўқ ишида тўғрилиқ,
Ул тутуб ўғри, бу қилиб ўғрилиқ.—

деб мунофиқ руҳонийларнинг разил портретини чизиб беради. Булар,— дейди Навой,— соқолларини галати қилиб ўстириб қўядилар. Уларнинг шу қилиғи эчкининг

қиёфасига ўхшайди. Эчки эгри дарахтга тирмашиб чиққанидай, булар ҳам эгриликни яхши кўрадилар. Аммо эчкилар, шу хилдаги домлалардан дурустроқдирлар. Чунки улар (эчкилар) ўғрини ушлаганлари ҳолда, булар (руҳонийлар) ўзлари ўғрилик қилишади.

Навойнинг бу муқоясасида қизиқ бир турмуш детали борки, уни бу ерда эслатиб ўтмасак, бу таққослашнинг моҳияти равшан бўлмайди. Қадим даврда ва шу жумладан, Навоий даврида Ҳиротда ҳар хил кўча найрангбозлари шаҳар ва бозорда баъзи бир жониворларни ва шу жумладан эчкиларни ўйнатиб юриб, томоша кўрсатар эдилар. Эчки зийрак ҳайвон бўлгани учун хўжайиннинг хоҳишига қараб ёғочга чиқар ёки томошабинлар ичидан биронта «ўғри»ни ушлаб, ёпишиб оларди. Навоий бу муқоясасида иккиюзламачи руҳонийлар ахлоқан ўша эчкилардан ҳам паст турадилар, демоқчи бўлади.

Бундай имом ва шайхларнинг ўз атрофларига тўплаган муридлари ҳам ўзларига ўхшаган бузуқ кишилар бўлганини Навоий қуйидагича ифода қилади:

Шайх бу меҳроб аро тоат қилиб,
Ҳар неки, шайтон деб итоат қилиб.
Бўлуб анга жамъ халойиқ мурид,
Лек бори шайхқа лойиқ мурид...

Буларнинг ибодат ва дуолари бошдан-оёқ сахта ва чиркидир. Бундай шайх ва муридларнинг ўзларини тақводор кўрсатишларидан мақсадлари ҳукмдорларга ва дунёдорларга маъқул ва мақбул тушуб, улардан ер ва мулк, инъом ва пул олишлиқдир:

Борчага мақсуд буким аҳли жоҳ,
Кўрсалар ул шайх ила бу хонақоҳ,
...Борчаларин аҳли яқин соғиниб,
Ҳол ила ул ваядни чин соғиниб,

Зоҳир этиб шайх қошида ниёз,
Фоқаларига бўлубон чорасоз,
То билиб охир ани султони мулк,
Хайли дуо бирла нигаҳбони мулк,
Арзи ниёз айлабон ўлгай мурид,
Пояларин ҳар нафас этгай мазид,
Ҳадя, тухаф тортқаю мол ҳам,
Мустағалу кенту севарғол ҳам.

Навоийнинг «Ҳайратул аброр»ида риёкор шайхлар, руҳонийлар ҳақида ёзган мақолати шоирнинг ижодида бу мавзуда ёзилган асарларнинг энг чуқур, ўткир ва журъатлиси деб саналишга сазовордир.

Бу асардаги иккинчи гуруҳ масалалар инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларни ечишга бағишланган мақолатларда ифодаланган. Бу ерда биринчи навбатда адолатли ҳукумат, халқпарвар ва ғамхўр султон масаласини кўрамиз. Бунга қарши ўлароқ, шоирнинг шу идеалига жавоб бермайдиган зolim ва нодон ҳукмронлар қаттиқ танқид остига олинади. Бу жиҳатдан олганимизда «Ҳайратул аброр»даги III мақолат жуда характерлидир. Бу мақолатда шоир шоҳлардан адолат, фуқаропарварлик, инсоф ва шафқат талаб қилади, у шоҳларнинг ҳам оддий бир инсон бўлганини, балки кўп бандалардаги фазилатлардан ҳам маҳрум бўлганларини эслатиб ўтади:

Бил буниким, сен дағи бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу афғандасен...
Лек ҳунар ичра, камол ичра ҳам,
Хулқи ҳушу лутфи мақол ичра ҳам,
Ҳам равиши адлу ҳам инсоф аро,
Ҳилму ҳаёу бори авсоф аро,
...Сен тушубон йўл наҳажидин йироқ
Кўпраги сендин юрубон яхшироқ.

У ҳукмдорларни ғамхўр чўпонга ва боғбонга ўхшатиб, уларга топширилган фуқаро учун масъулиятли бўлганларини эслатади. Лекин афсуски, кўп султонлар ўз вазифаларини унутиб, кундузи зулмга, кечалари эса фисқу фасодга берилганлар:

Зулмунг эрур кундузу фисқинг кеча,
Зулм ила фисқинг неча бўлғай, неча?

Улар бу бузуқи султонлар тангрининг топширигини унутиб, зулму жафо ва фисқу фасодга шу қадар берилганларки, бунинг натижасида фақат юрт ва халқ хонавайрон бўлмоқда:

Ҳақ сени адл этгали султон этиб,
Зулм ила сен халқни вайрон этиб...—

дейиш билан ҳукмдорларга қарши қаттиқ айбнома тузади. Аммо Навоий адолатли ва маърифатли султонларнинг бўлишига ишонади ва зolim шоҳларга қарши қилиб буларни кўтаради: мазкур III мақолатнинг охирида келтирилган кичик ҳикоя бу муддао билан шу ерга киритилган. Бу ерда, хонаси келганда, «Ҳайратул аброр»нинг тузилишидаги яна бир хусусиятни эслатиб ўтайлик. Биз юқорида Навоийнинг шу достонида йигирмата мақолат борлигини айтиб, булардан ҳар бирининг қайси мавзуда ёзилганлигини ҳам қисқача кўрсатиб ўтдик. Лекин шу мақолатларда қўйилган фикрларни Навоий қуруқ талқин ва тавсия билан уқтирмайди, балки ҳар қайси мақолатдан кейин ўша тезисни бадиий воситалар билан исбот ва тасдиқ қиладиган кичик шеърӣ ҳикоялар келтиради. Бу ҳикояларнинг ҳар қайсиси мустақил сюжет, фикр, образ ва интригага эга бўлиб, том маъноси билан новелла ва баъзи бир жойларда эса масал (басня) типдаги манзумалардир. Чунончи юқорида айтганимиз III мақолат-

даги тезисни, яъни золим подшоҳларга хилоф ўлароқ одил шоҳларнинг ҳам бўлишлиги мумкинлигини Навоий шоҳ Ғозий (Абдулғозий султон Ҳусайн Бойқаро) ҳақида келтирган ҳикоясида исбот қилмоқчи бўлади. Бу ҳикоянинг мазмуни қуйидагичадир:

Ҳусайн Бойқаро ёшлигида тахт ва салтанатни эгаллаш пайида курашиб юрган маҳалларида гоҳо Хоразм ва гоҳо Ироқ томонларда юз-икки юз киши билан қочоқ бўлиб юрар эди. Замон ўтиб, Ҳирот тахтини эгаллаш Ҳусайнга насиб бўлди. У адолат эшигини очиб, арзу шикоят ва эл талабларини эшита бошлади. У вайронларни тузатиб, золимларни даф этди (йўқотди):

Тузди бузуғларни иморат била,
Зулмни дафъ этди адолат била.

Бир кун унинг қасрига бир кампир келиб, ундан даъвогар бўлганини арз қилди. Булар иккаласи қози олдига бордилар. Хотин, қозига мурожаат қилиб:— Бу киши подшоҳ бўлмасдан бурун қазоқликда юрган маҳалларида бир жангда менинг ягона ўғлимни ўлдирган,— деди. Қози, икки нафар гувоҳ бўлишини талаб қилди. Кампир ўша икки гувоҳни топиб олиб келтиргач, Султон ўз гуноҳига иқдор бўлди. Қози: «Ё дият (ўлдирилган кишининг хун баҳоси) тўлансин ёки кампир ўғлининг қотилини ўлдириб, қасос олсин», деб ҳукм чиқарди. Султон бу ҳукмни эшитгач, ўз бўйнига ип солиб, кампирнинг қўлига берди ва яна бир қилични унга топширди. Бошқа бир томонга эса у симу зар (олтин ва кумуш) сочиб қўйди ва кампирга (золга):

Деди: «Қассос айласанг олингда бош,
Сиймни ол, гар ғаразингдур маош.
Мен эдим ул амрда бенхтиёр,
Ҳар на сен этсанг менга не ихтиёр?»

Бу адолатдан кампир хижолат тортиб, шоҳнинг оёқларига йиқилди ва унинг қонидан кечиб, шоҳ унга тақдим қилган пулларни олди ва шундай фаровончиликка етдики, халқ унга «Золи зар» (тилла кампир) деган лақабни қўйди. Бу ҳикоячанинг охирида Навоий лирик хотима ясаб, адолатнинг (адлнинг) шаънига ва султоннинг шарофатига қадаҳ (аёқ) кўтарди:

Соқийи гулчеҳра, кетур жоми адл,
Кўрки, не гуллар очар анжоми адл,
Адл аёгин тутки, бўлуб шод ичай,
Одили давронни қилиб ёд ичай.

Бу ҳикоя мустақил идея ва сюжетга эга бўлиб, тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Шоир, муболаға билан бўлса ҳам, одил шоҳ образини яратиб, бошқаларга ибрат бермоқчи бўлади. Шу билан бирга бу ерда оддий халқдан чиққан журъатли, ўз ҳақини қўймайдиган, дадил бир хотиннинг образи ҳам ижобий образ қилиб тақдим этилган.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, Навоий умуман монархия (султонлик) системасига қарши бўлмаган, балки зolim ва жоҳил шоҳларга қарши бўлиб, буларга хилоф ўлароқ, адолатли ва маърифатли султонларни ёқлаган. Чунки Навоий шундай султонларнинг мавжуд бўлишига ишонар эди. Албатта, давлатни марказлаштириш, ички низоларни битириш, мамлакатда иқтисод ва маданиятни кўтариш бобида қувватли ва тадбирли ҳукмдорлар ижобий роль ўйнаши мумкин. Феодал шариотда бу тараққийпарвар аҳамиятга эга эди. Навоий ўзи мамлакатни парчалаётган феодалларнинг зарар ва фалокатини кўрар, бунинг халққа бераётган фалокат ва жафоларини билар, шунинг учун мамлакатнинг бутунлигини сақлашга қобил бўладиган бақувват султоннинг бўлишини орзу этар эди. Худбин (эгоист) бек ва ҳокимларнинг ярамас ва зиёнкор муддаоларини у XVI мақолатда ҳам қаттиқ танқид қилиб,

уларнинг жамият ва мамлакатга хилоф хунук ҳаракатларидан кулади:

Миннатнинг остида мулку сипоҳ,
Мулку сипаҳ қайси бўлур, балки шоҳ,
Демаки, ҳар шоҳга миннат қўюб,
Моҳалакаллоҳга миннат қўюб.
Шаҳга газоф анча деб ул тийра бант,
Ким дегин ул бермиш анга тожу тахт.
Таън қилибким: «Манга юз минг берур,
Юз, икки юз минг манга лойиқмудур,
Юз киши рашк этгуча чаркам қани?
Минг йигит отлангуча ўлкам қани?
Ҳолим агар кечса бу янглиг табоҳ,
Бўлмаса бу шоҳ яна мулк узра шоҳ»...

Бу парчада Навоий давридаги феодал давлатининг ички қиёфаси жуда яққол тасвирланган. Шоҳ хизматида турган бек ва ҳокимлар олиб турган маошларини кам деб, ўзбошимчалик билан қўшин тузиш, ўлка олиш ва нари борса бу шоҳга хиёнат қилиб, бошқа шоҳ хизматига ўтишга ҳам тайёрдирлар.

Бундай тенденцияларга қарши ўлароқ бақувват, марказлашган бир давлат, албатта, мамлакатга ҳам, халққа ҳам фойдалироқ эди. Навоий буни тушунар эди ва бинобарин, ўша шароитда бундай бир давлатни ёқлаши ҳам прогрессив аҳамиятга эга эди. Бизнинг замонамизда, албатта, шоҳ ва салтанат идеаллари абадий кўмилиб, мазийга ўтган идеаллардир, чунки бизнинг жамият инсонларнинг тенг ҳуқуқлиги асосида қурилган социалистик жамиятдир. Аммо XV асрда Навоийнинг давлат тўғрисидаги бу талаблари маълум даражада ижобий роль ўйнар эди. Шунини унутмайликки, бир тарихий шароитда тўғри бўлган нарса бошқа бир тарихий шароитда нотўғри бўлиб қолиши мумкин.

Кишининг ўз ахлоқи, виждони ва шаъну шарафи ҳақидаги мақолат ва ҳикоялар «Ҳайратул аброр»да катта бир ўрин тутадикки, бу масалалар бу дoston бўйича учинчи гуруҳ масалаларни ташкил этади. Бу тўғридаги тезисларни шоир жуда чиройли ва сермазмун кичик ҳикоялар билан қувватлаган ва безаган. Масалан, Навоий инсоннинг энг улуғ карами ва ҳиммати бойлардан илтифот сўрамай, ўз меҳнати билан яшашликдир деган фикрини «Ҳотами Тайи» ҳикоясида бадий образлар орқали шундай очади:

Ҳотами Тайи деган афсонавий бир давлатманд киши бир кун юз туя ва сон-саноксиз қўй сўйиб, эл-элатларни зиёфатга чақирган эди. Ўзи эса бир оз айланиб келиш мақсадида саҳрога чиқади. Йўлда у бир боғлам тиканни орқалаб сотгани олиб кетаётган бир чолни кўради. Чолга раҳми келиб:— Ҳозир Ҳотамникида катта базм бор. Юкни ташлаб, дарҳол у ёққа чоп!— дейди. Чол унга жавобан:— Миннат билан бировнинг нонини ейишдан кўра, тикан йиғиб сотиб, ўз меҳнатим билан яшамоғим яхшироқдир,— дейди:

Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмоғил Ҳотами Тай миннатин,
Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж.

Ҳотам бу жавоб олдида мот қолиб, бу гадойни ҳимматда ўзидан баланд турганига иқрор бўлади.

Кишида ростликнинг фазилатлари ҳақида (X мақолат) гапирганида Навоий ёлғончининг бошига тушган мусибат ҳақида ширин ва содда бир масал келтиради.

Бир ўрмонда бир шер яшар эди. Лекин унинг болаларини чумолилар қийнагани учун она шер боласини оғзида тишлаб юришга мажбур эди. Ўша ўрмонда бир как-

лик¹ ҳам истиқомат қилар эди. Шер ҳар қачонки у турган дарахтга яқинлашса, каклик какиллаб шерни сескантирар, шунда шер бехосдан тишларини қисиб ўз боладини яралар эди. Ахири шер какликка ялиниб дўст бўлишни таклиф қилди ва какликни ҳар қандай балодан сақлашга ваъда берди, аммо шу шарт биланки, каклик бекорга ва беҳудага какиллайвермасин! Булар шу шарт билан аҳдлашган бўлсалар ҳам каклик одати бўйича доимо бекорга какиллаб учар эди. Ниҳоят шер какликка ишонмай қўйди. Аммо:

...Бир кун онинг қасдиға бир сайдгар
Ҳодиса домин ёйиб эрди магар,
Дона била сув сари қилғоч хиром,
Тортти сайёд онинг устига дом.
Қичқирибон дом аро ул мубтало,
Неча деди: «Дод, мени туттило!»
Шер қулоғига етиб ул мақол,
Савтини дойимғидек этти хаёл,
Кўп эшитиб эрди бу ёлғонини,
Уйла гумон этди чин афғонини...
Махласиға айламади илтифот,
Токи анга мунқатеъ ўлди қаёт.

Бу ибратомиз ҳикояда ёлғоннинг зарари жониворлар персонажлари орқали мароқли қилиб ишланиб берилган. Каклик чиндан ҳам овчининг тузоғига тушганда, ёрдам сўраб қичқирса ҳам шер унга ишонмайди.

«Ҳайратул аброр»да бу тарзда воқеабанд ҳикоялар кўпдир. Уларни алоҳида ишлаб, мактаб кутубхонасига тайёрлаб нашр этиш катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлур эди.

¹ Аслида дуррож — тустовуқ типигаги парранда (нашрга тайёровчи).

Бу кун буюк шоиримизнинг беш юз йиллик юбилейи арафасида унинг ижодидаги буюк бадий ва педагогик элементларни меҳр билан териб олиб, уларни социалистик маданиятимизнинг хизматига қўйиш зарурати аён ва равшан кўришиб турмоқда! Бу катта адабий ва тарбиявий мерос қаторида эса «Ҳайратул аброр» биринчи ўринлардан бирини ишғол қилмоқдадир!

«Уқитувчилар газетаси»,
1948 й., 5 май

ЎЛМАС ОШНОЛАР

I

Биз уларни кўпдан бери таниймиз. Улар бизнинг қадимий ошналаримиз. Гўё бешигимиз бошида алла айтиб турган оналаримиз билан биргаликда улар ҳам азалий дўстлардай тушларимизга, хаёлларимизга кириб кетдилар. Гўё биз билан биргаликда ўсиб-униб келдилар улар. Улар буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг ўлмас «Хамса» сига пухта бўлиб кирган машҳур қаҳрамонлар, сўнмас образлар, юксак бадийий усуллар билан яратилган персонажлардир.

Навоийнинг шоҳ асарлари бўлмиш «Хамса»даги образлар системаси юзга яқин персонажни ўз ичига олади. Булардан бир қисми марказий образлар (қаҳрамонлар), бошқа қисми иккинчи даражали ва лекин актив образлар, учинчи қисми эса учинчи даражали образлар (яна тўғриси, персонажлар) бўлиб, бир-икки чизиқ (штрих) билан тасвирланган пассив суратлардир. Романтик шоирларда одатда бўлганидай, бу образлар ҳар бир асарнинг бошидаёқ қатъий равишда икки лагерга тақсим қилинганлар: яхши (ижобий) ва ёмон (салбий) характерлар... Ўзининг ҳажми, акс эттирган замон ва жамиятга чуқур киришув, тасвир ва таҳлилдаги кенглик характерларнинг кенг миқёсларда очилиши, воқеаларнинг монументаллиги (муҳассамлиги), психологик ҳолатларнинг нозиклиги, ғояларнинг улуғворлиги ва норматив бўлишлиги билан «Хамса» ўз замонасининг илғор тенденцияларини инъикос

қилдира олганки, бу факт шоиримизнинг бу машҳур эпосини мукамал эпопеяга айлантиради, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Алишер Навоийнинг «Хамса»си XV асрнинг энциклопедияси (қомуси)дир.

Биз, юқорида «Хамса»даги образларнинг классификацияси (тасниф)ини асосан мусбат ва манфий белгилар остида белгилаб ўтдик. Лекин бу кифоя эмас. Биз Навоий дostonларидаги образларни бошқа белгилар остида ҳам тақсимлашимиз мумкин. Бу тақсимотнинг бири образларнинг ижтимоий мавқеи, одамларнинг ҳунар ва касбларига қараб бўлишимиз. Бу белгининг биз учун аҳамияти шундан иборатки, бу билан шоирнинг (романтик методни қўллаб тургани ҳолда) ҳаёт воқеаларини ўша жамиятга хос бўлган киши фаолиятининг турли шаклларини қанчалик кенг ва ҳар томонлама ихота қилганини кўрамиз. «Хамса»га кирган беш дostonда биз шоҳларни, олимларни, файласуфларни, меъморларни, наққошларни, rassomларни, чўпонларни, деҳқонларни, аскарларни, денгизчиларни, шоирларни, миробларни, бойларни, ер қазувчиларни, жаллодларни, роҳибларни, муаллимларни, табибларни, ашулачиларни, раққосларни, заргарларни ва бошқаларни кўрамиз. Бу доирани шоир шу қадар кенг оладики, XV асрдаги шарқ феодал жамиятининг деярли ҳамма вакиллари шу доира ичига киритилади.

«Хамса»даги образлар системасини тақсимлашдаги учинчи белги персонажларни юрт ва миллатга қараб бўлишдир. Бу тақсимотнинг принципиал аҳамияти шундаки, биз бу ерда Навоийни ўз қобиғига бекинган тор «маҳаллийчи» эмас, балки халқлар дўстлигини куйлаган, ёмонликка қарши курашда турли халқларнинг ҳамкорлигини қўллаган шоирдай кўрамиз.

«Хамса»да биз мовароуннархликларни (қадимий ўзбекларни), ҳиндийларни, эронийларни, Хоразм ўзбекларини, румийларни (юнонийларни), арманларни, хитойларни, озарбайжонликларни, грузинларни, русларни, афғонларни,

тожикларни, тунисликларни, хабашларни, занжийларни, яманийларни ва Адан арабларини, туркманларни, Чин аҳлини ва бошқа-бошқаларни учратамиз. Шуниси муҳимки, бирон образга баҳо беришда Навоий унинг миллатига фарқ қўймайди, балки биринчи навбатда маълум образнинг ўз ичига олган инсоний хислатларини кўзда тутиб, уни ё мард қилади ёки маҳқум қилади. Навоий образлардан юксак ва олижаноб одамгарчилик, халққа астойдил хизмат, саҳоват, мардлик, тўғрилик, меҳнатсеварлик, адолат хислатларини талаб этади ва инсонни (персонажни) баҳолаганда бу талабларни асосий андоза (критерий) қилиб қўяди. «Ҳайратул аброр»да учратганимиз қуйидаги талаб Навоийнинг «Хамса»сида ва умуман ижодида шоирнинг дунёқараши учун программалик аҳамиятга эгадир:

«Одамий эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.
Улки киши ўлмагидин шод эрур,
Гўркову ғосилу жаллод эрур».

Эл-улусга (халққа) заҳмат ва қирғин келтирган киши ўзидаги башарий хислат ва фазилатларни шунчалик йўқотиб қўядики, ҳатто ўз фарзандини ўлдиришдан ҳам тортинмайди:

«Улки, улус қатлиға жаллод эрур,
Ўғлини ўлтурса доғи шод эрур».

Ўзининг ижобий образларига қарши ўлароқ қўйган шу тарздаги хунук характерлар орқали Навоий яхши ва инсонпарвар персонажларнинг улуғворлигини яна ҳам бўрттириб бермоқчи бўлади. Юқоридаги байтнинг катта реал ва актуал аҳамияти бор, у ҳам бўлса Навоий замонида темурийлар ўртасидаги ўзаро жанжаллар, бу жанжалларнинг халққа келтирган азоб-уқубатлари ва феодаллар-

нинг ҳатто ўз оилалари ичидаги хусуматларидан иборат эди. Шунинг учун шоир ҳукмдорларга мурожаат қилиб, ўз ҳаддини билишларини, ўз вазифаларини унутмасликларини талаб қилади. Одатда Шарқдаги мусулмон ҳукмдорлари ўзларини «зилоллоҳи филарзи» (тангрининг ер юзидаги сояси) деб санар эдилар. Демак, улар ўзларини фақат худонинг иродаси билан тахт эгаллаган одамлар деб ҳисоблар, ҳар қандай камчилик ва нуқсонлардан холи деб истаганларини қилар эдилар. Аммо Навоий ҳукмдорларнинг ҳам оддий инсон бўлганини ва балки кўплардан пастроқ турганини журъат билан эслатиб ўтади:

«Бил буниким, сен доғи бир бандасен,
Кўпларидан ожизу афғандасен».

Албатта, бу байтдан Навоийни умуман шоҳликка — монархияга қарши эди, деб тушунмаслик керак. У умуман монархияга қарши эмас, балки золим, жафокор, нодон, худбин шоҳларга қаршидир. Лекин XV асрнинг бошларида бундай танқиднинг ўзи халқ манфаатларини кўзда тутиб олға сурилган талаблардан келиб чиққанлиги учун катта тараққийпарвар аҳамиятга эга эди.

II

«Хамса»нинг марказий ва бош образларидан иккитаси Фарҳод ва Мажнунни бирлаштирадиган, булар учун муштарак бўладиган нуқталар кўпдир. Лекин буларнинг энг асосийси — ҳар иккала қаҳрамоннинг ҳам содиқ дўст, вафодор ошиқ, мард инсон, олижаноб йигит бўлишларидир. Булар ўзлари яшаган замондан ва жамиятдан кўп юқори турадилар. Фарҳоднинг ҳам, Мажнуннинг ҳам фожиаси қўпол, дағал эгоистик қонунларнинг олижаноб тилакларга хилоф бўлишидан келиб чиқади. Лекин шу

билан бирга бу икки қаҳрамон айни бир шахс, айни бир характернинг икки нусхаси, икки варианты эмас. Буларни бир-биридан ажратадиган хислатлар ҳам кўп.

Шубҳасиз, мураккаблик, ҳар томонлама ўсганлик шахсий ва ижтимоий ғояларни бир бутун қилиб бирлаштирмақ маъносида Фарҳод тўлароқ ва чуқурроқ характердир. Уни биринчи сифатлайдиган хислат маърифатли, ҳар ёқлама ўқимишли бир йигит бўлишидир:

Уқиб ўтмак, ўқиб ўтмак шнори,
Қолиб ёдида сафҳа-сафҳа бори.

Таажжуб эмаски, илму фанга шунчалик ташна бўлган ёш бола, кўп ўтмай, одамларни ҳайрон қолдирадиган даражада фозиллик поясига кўтарилади:

Иши бу янглиғ эрди эл аро фош-
Ки, то умридин они ўтти ўн ёш,
Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб етмаган илм.

Агар биз бу сатрлардаги «ўн ёшли» Фарҳоднинг буюк олим бўлганини шоирдаги романтик муболаға билан изоҳ қилмак, қаҳрамондаги асосий характерни, илмга ташналикни, зўр қобилиятни тушунган бўламиз. Фарҳод фақат назарий илмлар билан кифояланмайди. У ҳарбий санъатда, қилич, ўқ-ёйларни қўллашда ҳам катта маҳорат касб этади:

Қиличи зарбаси олинда ҳар марз,
Шикоф андоқки, сувдин ер аро дарз.

(У қиличнинг зарбаси билан тупроқни шундай ёрар эдики, бу ерни сув ўпириб қулатгандай туюлар эди).

Фарҳод қасрлар солғучи иморатсозларнинг тош йўнишларига қизиқиб, бу ҳунарни ҳам эгаллайди:

Анингдек қилди хоро йўнмоғин вирд-
Ки, юз Қоран қошида бўлди шогирд.
Гаҳи элдин қилиб андеша пинҳон,
Олур эрди қўлига теша пинҳон.
Қилиб бир дамда онча иш ниҳони-
Ки, қилгай ўзгалар бир ойда они,
Бу эрди ҳар кун онинг иштиғоли-
Ки, то ул пешада бўлгай камоли.

Фарҳод тош йўнишни шу қадар яхши ўрганиб олдики, ўзига бу ҳунарни ўргатган уста Қоран каби юзлаб уста энди ўзлари Фарҳодга шогирд бўлишди. У баъзан одамларга билдирмасдан, яширин равишда, тешани қўлга олиб, бир нафасда қилган ишини бошқалар бир ой мобайнидагина бажара оладилар. Ҳар куни шу иш билан шугулланиб, охири у шу ҳунарда мукамал уста бўлди.

Хоқон (Фарҳоднинг отаси)нинг амри билан солинаётган чорқасрни ҳар хил гўзал нақшлар билан безатишга Моний деган машҳур рассом ва наққош таклиф қилинди. Фарҳодда инсоний ҳунар ва санъатларга ҳавас шу қадар зўрки, у кўп ўтмай рассомлик санъатини ҳам эгаллаб олади:

Қаю суратки Моний қилди тимсол,
Анга Фарҳод очти чеҳра филҳол.
Бу ишни доғи оз фурсатда қилди,
Анингдекким, керак алқисса билди.

Шунчалик қобилият ва истеъдод кўрсатган ёш Фарҳод кўп ўтмай хорабур (тош йўнувчи) ва рассом, наққош бўлиб олади:

Ул эвларга тугангунча ичу тош
Ҳам бўлди хорабур, ҳам бўлди наққош.

Демак, бу қаҳрамонни зўр ирода, мақсадга эришув учун кучли азм ва қатъият характерлаши керак. Ҳақиқатан ҳам шундай! Сеҳрли ойнада ўз тақдирини кўриш учун Фарҳод Юнонистонга бориши, даҳшатли ғовларни емириши, тилсимларни очиши, аждарларни енгизиши керак. У бу йўлнинг оғир ва даҳшатли эканлигини билади. Лекин унинг қарори қатъий:

Йўлумда девдур, гар аждаҳодур,
Тилсим ичра агар юз минг балодур,
Юмуб барча таҳошидин кўзумни,
Ул офатларга урғумдур ўзумни.

Фарҳоднинг касб этган илму ҳунарлари у арман юртида юрган чоғларида катта хизмат кўрсатдилар. У ўзи илму ҳунарининг жамиятга хизмат қилишини аниқ билди ва сезади:

Ҳунарни асрабон нетгумдур охир,
Олиб туфроққами кетгумдур охир!

Оғир шароитда йиллар бўйи меҳнат қилиб келганлари ҳолда юзлаб кишининг ҳали ҳам тошлик қояларни ёриб, канал очолмаганини кўрганда Фарҳодда юқоридаги қарор туғилади. У «иш либосини» кийиб олиб, ўз ҳунар ва ихтиролари билан икки юз кишининг икки йилда қила олмаган ишини бир кунда бажариб қўяди:

Қилиб ишларки қилмай одамизод
Бўлуб кўрмакдим они одами шод.

Фарҳоднинг бу қилган ишлари жамоатга, халққа фойдали ишлардир. Ўз севган ёри Шириннинг юртини ҳам ўз Ватани қаторида севган қаҳрамон сувсиз чўлларга сув чиқариб мамлакатнинг ободонлигига ва халқнинг фаровон-

лигига хизмат қилмоқчи бўлади. Бу масалада биз Фарҳод томонидан қилинган ишларнинг чуқур ҳақиқийлигини кўрамиз, бу ташвишларда ўзбек халқининг асрларча сув учун кураш тарихининг акс этганини пайқаймиз. Фарҳоднинг ғайрати билан ариқларга сувнинг келиши катта тантанага, халқ тўйига айланиб кетади:

Ариқ нови чу бўлди сув мақоми
Тегирмон новидек бўлди хироми.
Халойиқ ичра ғавго тушти ҳар ён,
Улус ичра алоло тушти ҳар ён».

Фарҳоднинг шу ажойиб ҳимматини кўрган халойиқ (улус) хурсандчилигидан шовқин кўтариб уни табриклар ташаккур билдирадилар. Чунки катта канал ва кенг ҳовуз қурган Фарҳод мамлакатни сувсизлик балосидан қутқарди, ариқнинг номини «Наҳрул ҳаёт» (ҳаёт дарёси), ҳовузнинг номини эса «Баҳрун нажот» (нажот денгизи) деб атайдилар. Бу эпизодда Навоий улуг халқпарварлик қайғуларини изҳор қилади. Сув масаласи ва илму ҳунарнинг мўъжизакор қудрати билан табиат кучларини бўйсундириши меҳнаткаш халқнинг азалдан бери ўйлаб келган муаммоларидир.

Фарҳод образидаги асосий хислатларни санаб яқунласак, яъни Фарҳод — олим, жанговар паҳлавон, меҳнаткаш, халқпарвар, ижодкор наққош, деб юқоридаги мулоҳазаларни яқунласак бўлади. Лекин биз бу характеристика билан чеклансак, масалани бир ёқлама ҳал қилган бўлур эдик. Чунки жаҳон адабиётидаги машҳур ошиқ образларидан бири ҳам Фарҳоддир. Севгининг том маъноси билан олижаноб ва қўрқмас паҳлавони бўлган Фарҳод муҳаббатни ва бу ҳолат учун курашни билди. Унинг ишқи эгонистик (худбинларча) эмас, фироқорона моҳиятга эгадир. Чунки улугворлик Навоий назарида ҳимматга боғлиқ:

Буюклик келди ҳимматдин нишона-
Ки, ҳимматсизни маҳв этди замона.

Бундай ишқ вафодорлик ва садоқатни талаб қилади:

...Ки, ҳайвон беҳ вафосиз одамидин.

Ишқ учун жон беришга ва сўнгги томчи қонигача курашмоққа тайёрдир Фарҳод. Қизиғи шуки, бу дostonда халқларнинг душмани бўлган истилочилар (босқинчилар) (Хисрав, Шируя) муҳаббатнинг ҳам ашаддий жаллодларидир. Бинобарин, севгининг ҳақи учун кураш юртининг озодлиги йўлидаги кураш билан қўшилиб кетади. Хисрав лашкарларига қарши жангда Фарҳодга қудрат ва қатъият бераётган манба ҳам Шириннинг ишқидир. У Шириннинг юртини босқинчи Эрон шаҳаншоҳидан сақлаш учун ажойиб шижоат кўрсатиб, Хисрав лашкарининг чиқиб кетишини талаб қилади. У зўр куч ва мерганлик билан ташлаган тошлари билан Хисрав сипоҳларини қочиради, ҳатто шоҳ байроғининг уч найзасини (милини) ва бошидаги дубулғасини (худдини) тош билан уриб учиради. Фарҳод ортиқча ва фойдасиз қон тўкилишига қарши, бинобарин ўз одамларининг қирилиб кетмаслиги учун уларни Эронга олиб чиқиб кетишини Хисравдан талаб қилади:

Бу элни қайтарурга амр қилғил,
Йўқ эрса борча бир-бир ўлди, билғил.
Бу тошиким учурди худу мили,
Ҳам улдур бош учурмоқнинг далили.
Назар қилғил сенингдек бир сипоҳдор-
Ки, бўлғай хайли ичра минг кулаҳдор.
Биров жонига қилғай қасд ноҳақ,
Эваз бу навъ еткурғай анга ҳақ...
Бошингдин кечтим охир бил ғанимат,
Бошинг олиб йўлуиғга қил азимат...

Фарҳод, шоҳнинг Ширинга майли ишқ эмас, балки ҳайвоний ҳавас эканини яхши билади ва «севаман» деган киши қандай қилиб «севганининг» юртини хароб қилишга киришганини истеҳзо билан Хисравдан сўрайди:

Қилиб эл мулки ичра қатлу торож,
Олай деб мулк элидин тахт ила тож,
Бировниким бериб мулкани барбод,
Қилурсен нозанин кўнглини ношод.
Шикастига ситам ёйин қуарсен.
Эшиттим, ишқ лофин ҳам уарсен.

Фарҳод ўзи бундай «севги»ни севги ҳисобламайди ва ишқ халқ ҳам юрт манфаатларига хилоф эмас, балки мос тушмоқлигини даъво қилади. Демак, юқорида саналган хислатларга Фарҳоднинг чин ошиқ ва изчил юртпарвар бўлганини ҳам қўшсак, кўзимиз олдида олижаноб инсон, мард сипоҳ, ихлосманд ошиқ, меҳнатсевар олим, оташин ватанпарвар ва илҳомкор санъаткор образи жонланади. Шунинг учун ҳам Фарҳод Навоийнинг энг севимли образи бўлиб, бу қаҳрамон орқали шоир ўзининг идеал инсон тўғрисидаги тушунча ва хаёлларини бадий воситалар билан гавдалантиришга муваффақ бўлган.

III

«Хамса»да севги водийсининг аламзада йўлчиларидан бири Қайс — Мажнундир. Аммо Фарҳоддан бошқача ўлароқ у ёмон кучларга, зулм ва истибдодга, бахт ўғриларига қарши актив курашмайди. Лекин, Навоийнинг бу ижобий ошиқ образи, нечун тақдирнинг зарбаларига акс зарба бермасдан, таваккал ва нола ва фарёд кўтаради? Бу саволга жавобни катта текшириш ва тадқиқий ишлардан кейин бериш мумкин. Лекин ҳозирча, бизнинг ўз

фикримизга кўра, буни икки сабаб билан изоҳлаш мумкин: аввало шуки, Қайс — Мажнун образи Навоийдан илгари III аср давомида ёзув адабиётида маълум бир традицион характерга эга бўлиб қолган эди. Мажнун дейилса дарҳол кўз олдида девона ошиқ, ҳақоратланган йиғит, ошифта саҳройи, паришон ва ғалати бир тип келар эди. Навоий бу традицияни маълум даражада парчалаб, бу образнинг таъбирига жиддий ўзгартишлар киритди. Уни дунёдан тамоман узилган бир савдойи бўлишликдан чиқарди (Навфал қизига уйланиш лавҳаси), Навоий Мажнуннинг жинни эмаслигини, балки кўр ва қар муҳит унинг ишқини «жиннилик» деб тушунганини очиқ исбот этди. Шоир, Мажнунни шундай тавсиф қилишга икки далил келтиради. Аввало шуки, одамлардан (яъни қўпол ва бағри тош муҳитдан) қаттиқ ранжиб, дашту саҳроларда юрган маҳалида Мажнун Лайли шаънига кунда юз байтлик ғазал ва шеърлар ёзадики, буларнинг радифи «Лайли» сўзидан иборатдир.

Лайли ғамидин қилиб тафаккур,
Юз байту ғазал деб ўйлаким дур.
Ҳам қофияси анинг сифоти,
Ҳам барча радифи онинг оти.

Шубҳасизки, бу қадар мушкул ва мураккаб ғазалларни ёзиш жинни ва девонанинг қўлидан келмайди. Бу характеристика авторнинг бевосита характеристикасидир. Лекин Навоий шу билан кифояланмасдан, «Лайли ва Мажнун» дostonидаги персонажлар орқали ҳам Мажнуннинг жинни эмаслигини исботлайди. Ақлли ва тадбирли сардор бўлган Навфал даштда Мажнунни учратиб, у билан суҳбатлашади ва унинг одамлар ўйлаганидай жинни бўлмаганига ишонади. Шунинг учун Лайлининг отасига хат ёзиб Мажнун ҳақидаги гапларнинг нотўғри, туҳмат эканлигини, Қайс — ҳаёли ва одобли йиғит бўлгани учун

Ўз ишқидан уялиб хилват тортганини, унинг араблар ичида энг олим бир киши бўлганини изоҳ қилиб, албатта Лайлини Қайсга беришини ундан талаб қилади; у мактубда биз қуйидаги сатрларни ўқиймиз:

Қайс улки, арабда бебадалдур,
Ҳар фазлда эл аро масалдур.
Лайли сари ишқи пок пайванд.
Қилган эмиш они орзуманд.
Ифрот ҳаёву инфиоли
Қўймай қилурига шарҳи ҳоли.
Қавму хайлин унутқон эрмиш,
Ул ишқ ила дашт тутқон эрмиш.
Савдо аро бўлмиш ўйла мафтун-
Ким, эл дер эмишлар они «Мажнун»
Хайлинг аро касби илм қилмиш,
Оламда не илм, борин билмиш.

Демак, Навфал сингари доно бир киши Қайснинг жинни бўлмаганини, балки «эл дер эмишлар они Мажнун» деб унинг фожиасини тўғри тушунганини кўрсатади. Асардаги персонаж тилидан берилган шу воситали характеристика, юқорида Навоий томонидан берилган характеристикани қувватлайди. Навфал ўз қизини Қайсга беришга қарор қилгани ҳам унинг Мажнунга қараши учун характерлидир. Шундан кўринадики, Навоий илгариги авторларда тасвир этилган Мажнун образини кўркўрона кўчириб олмасдан, бу образга ўз таъбир ва тавсифини киргизган. Лекин, шунга қарамасдан, Мажнун характеридаги пассивлик, тақдирнинг қўлида ожиз бир бечора бўлишлик жиҳатлари Навоийда ҳам сақланган. Чунки, Навоий Мажнуннинг бу туб характерини тамоман ўзгартириб юборганда, Қайс эмас, бошқа бир образни олиши керак эди. Ҳолбуки «Хамса» жанрининг характери ўша сюжетнинг ўзини олишни талаб қилар эди. Мажнуннинг пассив таваккалчи бўлишига иккинчи

сабаб асар бўйича сюжетнинг ўз табиатидан келиб чиқади. Фарҳоднинг бахт ва севгисига гов ва ёв бўлган куч ажнабий босқинчилардир. Бу кучга қарши жанг билан курашмоқ мумкин. Мажнуннинг севгисини буккан куч бўлса ички куч, хурофий ва кўр одат, анъана ва ғалат тушунчалардир. Шу даҳшатли кучга қарши бир одам ожиздир. Мана шунинг учун Мажнун билан муҳит ва жамият ўртасидаги курашда у ёлғиз қолиб мағлубиятга маҳкумдир. Аммо бу образ орқали Навоий золим ва қўпол патриархал-феодал одатлари устидан ўткир айбнома ёзиб қолди.

IV

Фарҳод ва Мажнуннинг фожиасини бўлиштирган, ўртоқлашган икки жозибали маҳбуба, икки ёри вафодор Ширин ва Лайлидир. Булардан биттаси арман, иккинчиси араб қилиб тақдим қилинган бўлса ҳам бу қизлар сиймосида, Навоий XV асрда ўзбек жамиятида ва балки бутун шарқ мусулмон оламида аёлларнинг аччиқ тақдири ҳақида чуқур қайғурганини баён қилади. Бу икки машҳур образни бирлаштирадиган муштарак хислатлар: вафо, ҳаё, одоб, ақлу камол, илму фазилат, мислсиз ҳусну жамолдан иборатдир. Ҳар иккала қиз ўз севган ёрларига садоқат сўқлаб ёш умрларини фидо қиладилар. Булар ўз даврининг илғор, ўқимишли, зиёли қизлари! Шириннинг Фарҳодга мактуб ёзишини шоир шундай тасвирлайди:

Битиди дард ила бир турфа мактуб,
Дема ҳар сатриким, ҳар лафзи марғуб.

Лайлининг ҳам қалами равон, иншо қуввати баланддир:

Лайли тилабон дапоти хома,
Филҳол муҳаррар этди нома.

Бу қизлар, севгини фақат ички ҳис деб эмас, балки ҳаётда ҳамроҳлик, ёрнинг қайғу ва севинчларига шерик-

лик маъносида тушунадилар. Тутқунда азоб тортган, Фарҳодга ёзган хатида Ширин шундай дейди:

Хироминг чоғи йўлдош бўлсам эрди,
Сукунат вақти қўлдош бўлсам эрди.

Бундан кейин Ширин ажойиб бир меҳр ва ғамхўрликнинг ўрнагини кўрсатади ва чинакам аёл шавқати ҳам нафосати билан ўзининг Фарҳодга қандай ҳамкор ва дўст бўлишни хоҳлаганини баён этади:

Тикан кирса кафингга кинасидин,
Чиқарсам эрди киприк игнасидин.

(Фалакнинг хусуматидан кафингга бирон тикан кирса кўзим кипригини игна қилиб ўша тиканини кафингдан чиқаришни хоҳлар эдим). Ширин хотин муҳаббатининг эрларга қувват, шижоат ва чидам бахш этишини яхши билади ва тутқиндаги Фарҳодга далда бериб, шундай ёзади:

Агарчи фурқатимда нотавонсен,
Вале ҳам эрсану ҳам паҳлавонсен.

Лайли Мажнуннинг ота-онаси ўлганини эшитиб, бу мусибатни худди ўз мусибатидай кутиб олади... Лекин шу билан бирга бу икки қизнинг бир-биридан ажратадиган тафовутлар ҳам бор: бу тафовутлар, умумий қилиб айтганда, Фарҳод билан Мажнун ўртасидаги фарққа ўхшайди. Албатта, Ширин ўз ирода ва ҳаракати билан, гоё ва ижтимоий қизиқишларининг кенглиги билан Лайлидан ажралади. Унда ватан қайғуси, босқинга қарши кураш, давлат ва халқининг аҳволи билан шуғулланиш катта ўрин тутайди. Лайли бўлса, ичкарининг қурбони бўлган, руҳий матонати ҳам вафоси зўр бўлган ҳолда мустабид отасининг қўлида асир бўлган гўзал ва нозик бир гулдир.

Навойй ижодида Ширин ва Лайли образлари ўз даври учун катта актуал аҳамиятга эга бўлиб, жамиятнинг ярмисини ташкил этган хотин-қизларнинг вазиятини афкор омманинг диққат-эътиборига тақдим қилиш учун бир қурол бўлган эди. Навойй қизлардаги энг яхши хислатлар: эрк, севиш, вафо, нафосат, севгида олижаноблик кўп замонлар ўқувчиларга инсонпарварлик кайфиятларини талқин қилиб келди.

«Хамса»нинг V сўнгги достони бўлмиш «Садди Искандарий»нинг бош қаҳрамони Искандар ўзининг характер ва йўналиши билан алоҳида бир ўрин тутати. Бу улуг саркарда, доно давлат раҳбари, олим, файласуф бир шахсдир. Бу образни яратиши учун тарихий база машҳур Александр Македонскийнинг (милоддан тўрт аср муқаддам яшаган) ҳаёт ва юришлари бўлган бўлса ҳам, Навойй бу ерда Искандарнинг тарихий суратини эмас, балки шу буюк сиймодан қисман фойдаланиб, янги бадий образ яратиб берди. Рум тахтини эгаллагач, Искандар халқ ғамхўрлигини ўзига шиор қилиб олади, мамлакат ичидаги ҳамма масалаларда ўзи шахсан қизиқиб, тартиб ва қондалар ўрнатади. Юртда адолатни, осойишталикни, савдо-сотиқнинг ривожланишини таъмин этади:

Саҳардин анга тегруким исто,
Сўрўб, халқ дардиға қилди даво
Киши қони тўкканни бўйнин уруб,
Қўли кестурурнинг қўлин кестуруб.
Бериб дод мазлуми ғамхораға,
Қилиб раҳм марҳум бечораға.
Қилиб зулм аҳдин қора ерга паст,
Аларғаки, мазлум эрур зердаст...
Атоси замонида ҳар навъ иш-
Ки, андин халойиққа озор эмиш.
Тамомин улус бошидин қилди дафъ,
Етушсун деб андин халойиққа нафъ

Адолат тарийқини фош айлади,
Сиёсат анга дур бош айлади.
Раиятқа маълум этиб аҳтиёж,
Ики йил алардин кўтарди хирож.
...Бу янглиғ чу оз вақт тузди русум,
Ғани бўлдилар адлидин аҳли Рум...

Умуман Искандар образи, Навоийнинг сиёсий ва давлатга қарашлари учун программавий аҳамиятга эгадир. «Подшо қандай бўлиши керак?» деган саволга Навоий Искандар образини яратиб: «Мана шу Искандардай бўлиши керак!» деб жавоб беради. Искандар олиб борган урушларни ҳам Навоий, душман иғвосига барҳам бериш учун бир чора, зolim ҳукмдорларни ҳайдаб ўринларига адолатли шоҳларни ўрнатиш учун қилинган бир тадбирдай тафсир қилади. Искандарнинг Эрон шоҳи Доро билан урушуви Навоий талқинида Доронинг айби билан юз беради, чунки у Искандардан ноҳақ божлар талаб қилиб, катта лашкар билан Румга қараб сафарга чиққанидан кейингина Искандар уни ўз диёрига йўлатмаслик мақсадида, ўзи ҳам унга қарши ҳужумга ўтиб, катта Эрон лашкарини тор-мор келтиради. Искандар ўзи юрган мамлакатларда эзилиш, ҳақорат ва инсофсизликка йўл қўймайди. Шу жиҳатдан бу дostonда энг характерли эпизод — Қирвон халқини одамхўр яъжуж-маъжужларнинг дастидан қутқариб, даҳшатли ялмоғизларни тоғ орқасига, бир водийга бекитиб қўйганлиги ҳақидаги ҳикоядир. Шунинг учун катта бир маъдан девор (садд) ясатади. Қизиғи шуки, бу деворни ясашда ҳамма ҳурриятпарвар халқлар (ва шу жумладан юнонийлар, фаранглар, руслар) иштирок этади. Бу эпизоднинг, Навоий назарида принципиал гоёвий аҳамиятини шундан англаса бўладики, автор ўзининг шу сўнгги ва энг катта дostonини «Садди Искандарий» («Искандар девори») деб атаган. Бошқа дostonларидан фарқли ўлароқ, бу дostonнинг охири фожиона эмас, балки оптимистик тарзда тугалланади.

Гарчи охирида Искандар вафот қилса ҳам, бу фожиа эмас, табиий ўлим сифатида тафсир қилинади, Лекин қаҳрамон асосан ўз ниятларига эришган, бутун дунёни айланиб чиққан, борган юртларида адолат ва ҳаққониятни бажо келтирган ҳолда кўзини ҳаётдан юмади. Демак, қаҳрамон ўзи жисман ҳалок бўлса ҳам, унинг ғоя ва армонлари ҳамма ғовларни енгган ғолиб принциплардир. Навоий бундай ўлимни фожиа деб билмайди. Шунинг учун ҳам дostonнинг охирида шоир ўзига мурожаат қилиб, ҳаётнинг абадийлигини куйлайди:

Навоий висол одавий номидур,
Ҳаёт — абад васл айёмидур.

XV асрда теурийлар даврида давлат ва малакатда ўзбошимчалик, ички низолар, султон оилаларида фисқу фужурлар авж олиб кетган бир даврда, марказий ҳукумат заифлашиб мамлакатнинг бутунлиги парчаланган бир чоқда, ҳукмдорлар ва ҳокимлар фақат ўз тор шахсий манфаатларини кўзлаб, халқ ва маданият масалаларини эътиборсиз қолдирган бир замонда ҳукмдорларга ўрناق қилиб, идеал бир шоҳ образини, одил раҳбар образини тақдим этиш катта аҳамиятга эга эди.

Бу асосий образлардан бошқа «Сабъан сайёр»да ва «Ҳайратул аброр»да бир қанча кичик ва лекин яққол образлар ишланганки, буларни биз кўрсатган машҳур қаҳрамонларга қариндош деса бўлади. Бу образлар устида алоҳида баҳс очиш жуда мароқли бир мавзу бўлур эди. Бироқ бу мақоланинг ҳажми бундай истакка имконият бермайди. Биз шу мақолада тўхтаб ўтган қадимий ошноларимиз эса, катта маърифий ва тарбиявий — эстетик аҳамиятга эга бўлганлари учун, жаҳон адабиётининг олтин фондига абадий кирган бадиналар ва инжулардир.

«Уқитувчилар газетаси», 14 апрель, 1948 й.

НАВОЙНИНГ ЛИРИК ҚАҲРАМОНИ ҲАҚИДА

«Ғароибус сиғар» бўйича

Ўзбек адабиётининг гениал шоири бўлмиш Алишер Навоий, зўр иқтидорли эпик дostonнавис бўлиши билан бирга мислсиз даражада нозик ва нафис лирик куйчи ҳамдир. Унинг лирик мероси ўзининг ҳажми эътибори билан машҳур «Хамса»дан қолишмайди; фикр ва туйғулар жиҳатидан бўлса, айтиш мумкинки, бу лирик бадиаларда шоир, киши руҳининг хилма-хил нидоларини фусункор торларда чалиб бера олгандир: гарчи бу торлар гоҳо жўшқин ва гоҳо нолакор, баъзан шўх ва баъзан дардли бўлганлар.

Ўз замонасининг бўронли ва сержанжал даврида яшган, теурийй феодад салтанатларининг маданий гуллаш чоғларини кўрган, шу билан бирга инқирозга юз тутаётган тахтлар ёнида турган; саройларнинг ҳшамли дабдабаларига ва шу билан бирга кулбаларнинг аянч сафолатига гувоҳ бўлган Навоий ҳассос бир барометрдай жамиятдаги пешқадам гуруҳларнинг қайғу, андиша, умид ва хаёлларини ўлмас байтларда нақш этгандир. Феодад ва деҳқонлар ҳамда шаҳар косиблари ўртасидаги қонли курашлар, салтанат хонадонининг аъзолари ўртасида ўзаро низолар, феодадларнинг сепаратик (марказий ҳукуматдан ажралиш) тенденциялари, сиёсий ихтиросларнинг қизиб кетиб, халққа бераётган азоб ва укубатлари — XV асрнинг иккинчи ярмидаги истар Мовароуннаҳр ва истар Хуросон давлатларини характерлайдиган вазиятнинг асосий чизиқларини ташкил этар эди.

Бутун бу мураккаб шароитда ижод қилган Навоий, албатта замонасининг ўткур масала ва муаммолари билан яшаган. Чунки бир жамиятда яшаган ҳолда шу жамиятдан четда туриш мумкин эмас¹. Жамият, халқ, давлат, салтанат, турли ижтимоий гуруҳлар, киши ва унинг қадри ҳақида Навоий «Хамса»нинг ўлмас дostonларида ажойиб, тараққийпарвар фикрларни баён қилди. Лекин шоирдаги чуқур гуманистик қарашлар лириканинг специфик қонуни ва қоидаларига яраша унинг лирик асарларида ҳам акс этганлар. Навоий лирикасининг шоҳона обидаси машҳур «Хазоинул маоний»дир. Лекин шоирнинг лирик мероси шу билан чекланмайди. Унинг олти минг байтлик форсий девонидан бошқа «Хамса»даги ҳар бир дostonга ва «Лисонут тайр»га киритилган лирик парчалар ҳам шоирнинг ўз субъектив кечинмаларини ифода қилувчи бадий ҳужжатлардир. Булар одатда дostonдаги ҳар бобнинг бошида (лирик кириш) ва охирида (лирик хотима) келтирилади. Бундан бошқа «Вақфия», «Муншаот», «Маҳбул қулуб» каби прозаик асарларда ҳам бир қанча гўзал лирик дурдоналар: рубойлар, қитъалар, маснавий, назм, фардлар ва бошқа ҳар хил мисралар сочилгандирки, буларнинг ўзини тўплаб текшириш алоҳида мароқ ва аҳамиятга эгадир.

Лекин XV асрнинг лирик энциклопедияси, ҳеч шубҳасизки «Хазоинул маоний»дир, 47 минг мисрага яқин бир куллиётни ўзига жам қилган бу китоб киши руҳининг энг хилма-хил ҳолатларини ўз ичига олади. Бу ерда сиз: севгидан завқланиш, ҳижроннинг дарди, ҳаёт лаззати, пушаймонлик, олижаноб инсоний ғурур, жўшқинлик, сокил тушуниш ва тафаккур, руҳий ғалаён, таваккал ва эътиқод, бадбин нолалар, журъатли тилаклар, сирли гуйғуларнинг нафосати, замонадан шикоят, васл умиди, инкор ва шубҳа, ёмонликдан хафаланиш, камтарлик, сўфийна майлар, юрт-

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 10-том, Ўздавнашр, Тошкент, 1951, 36-бет.

га муҳаббат, тасалли, илмга ва камолатга ихлос, зуҳд, тақво ва риё устидан заҳарханда, киши ҳақида ғамхўрлик ва бошқа-бошқаларни ўқийсиз. Албатта, юқоридаги мазкур ҳолатлар ўртасида қарама-қаршилик кўп. Зотан бир умрни акс эттирган бу китоб сермазмун бир ҳаёт кечирган ва даврнинг қарама-қаршиликларига дучор бўлган буюк шахснинг кўзгусидир. Аммо бу, бир-бирига зид бўлган ҳолатлар турли вазият, турли муддат ва турли кайфиятларда баён қилинишига қарамай ягона бир гоя атрофиди марказлашадик, у ҳам бўлса олижаноб бир виждоннинг инсоний бахт талаб орзу ва истакларидан иборатдир.

Навоийнинг улуғ забардаст шоир бўлгани, асрларнинг синовидан ўтиб келган бир ҳақиқатдир. Лекин унинг шеърият осмонида қанчалик пэрлоқ бир юлдуз бўлганини ўз даврининг пешқадам кишилари ҳам эътироф этар эдилар. Бу факт — Навоий ижодиётининг ўз даври учун актив ижтимоий бир фактор бўлганлигини яна бир мартаба исботлайди. Унинг лирикасидаги тарбиявий-ахлоқий принциплар бундай жиддий баҳоларнинг берилишига боис бўлган, албатта. Навоий замондошларидан ўнлаб тарихчи, олим ва адиблар буюк шoirнинг бадий иқтидорига тан берганлар. Булардан кўпи Навоийнинг ҳиммат ва ёрдами билан яшаган ва ижод қилган кишилар эди. Бироқ икки замондош, Навоийга тамоман бетараф ва холис характеристика бериб ўтган. Булардан бири Алишернинг каттароқ замондоши — Абдурахмон Жомий, иккинчиси эса — кичикроқ асрдоши Заҳириддин Бобирдир.

Шеърнинг жуда нозик заршуноси бўлган классик форс-тожик шоири Жомий бизнинг буюк шоирга шундай тавсифнома беради:

«Агарчи вайро баҳасаб қуввати табнати ва вусъати қобилнйат, ҳар ду нав: шеъри туркий ва форсий биштараст, аммо майли табъаш ба туркий биштар. Ғазалиёт ба он забон аз даҳ ҳазор зиёдат хоҳад кард ва маснавиётки, дар муқобилаи Хамсаи Низомий вуқуъ ёфта, ба си ҳазор

байт наздик ва ҳамоноки ба он забон бештар аз вай касе шеър нагуфта аст ва гавҳари назм насуфта»¹. Гарчи унинг таъбидаги қувват ва қобилиятидаги кенглик туфайли, туркий ва форсий шеърлари кўп бўлса ҳам, унинг туркий тилга майли кўпроқдир. Бу тилдаги газаллари ўн мингдан зиёда бўлур ва Низомий Хамсасига жавобан яратган маснавийлари 30 минг байтга² яқин, ўша тилда ундан кўп ва ундан яхшироқ ҳеч ким шеър айтган ва назм гавҳарларини тизган эмас).

Иккинчи замондоши Заҳириддин Бобир эса бундай дейди:

«Алишербек назирӣ йўқ киши эрди, туркий тил била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўб ва хўб айтқон эмас»³.

Бу ҳар иккала асрдошнинг баҳосида, деярли ҳарфмаҳарф муштарак нуқта Навоий шеърида сифат ва соннинг юксак мавқеда турганини эътироф этишдан иборатдир.

«Чор девон», яъни «Ҳазоинул маоний» темаси ҳозиргача илмий равишда текширилмаган катта манбадир. Биз бу ерда бундай вазифани тўла қомати билан қўйишга журъат қилолмаймиз. Бизнинг бевосита вазифамиз Навоийнинг биринчи девони бўлмиш «Ғароибус сиғар» (кичикликнинг ғалатиликлари) бўйича шоирнинг лирик қаҳрамонига хос бўлган сифатларни аниқлашдир. Маълумки, «Чор девон» тўртта алоҳида девондан иборатдир. Булар, бизга мавзу баҳс бўлмиш биринчи девондан бошқа «Наводируш шабоб» (ёшликнинг камёб нарсалари), «Бадойиул васат» (ўрта яшарликнинг бадиалари) ва «Фавоидул кибар» (кексаликнинг фойдалари)дан иборатдир. Бу сарлавҳаларда, биринчи қарашда ҳар девоннинг ёзилган даври (болалик, ёшлик, ўрта яшарлик ва қариллик)га оид автор томо-

¹ Жомий.—«Баҳористон», 108—109-бетлар.

² Абдураҳмон Жомий «Баҳористон»ни ёзаётганида Навоий ҳали «Чор девон»нинг кўп қисмини битирган эмас эди.

³ «Бобирнома», Қозон, 213-бет.

нидан очикдан-очиқ кўрсатма бордай туюлади. Лекин, «Чор девон»даги шеърларнинг мазмуни ва бадиий хусусиятлари билан танишган ҳар кишига бу тақсимотнинг шартли, яна тўғриси, символик бир моҳиятда бўлгани аён бўлади. Чунки, китобдаги сўнги девон билан биринчи девон ўртасида яққол фарқлар, бирор даврни иккинчи даврдан ажратадиган фикрий ва стилистик айирмаларни кўрмаймиз. Бизда шундай тасаввур қоладик, шоир бутун умр бўйи ёзган лирик шеърларини девонлаштирганида киши умри тўрт даврга ва табиатнинг йили тўрт мавсумга бўлингандай, ўз лирик куллиётини ҳам тўрт қисмга тақсимлагандир. Зотан ҳар тўрттала девон, озгина фарқ билан, тамоман баробар (ўнбир минг мисрадан сал ошиқ ё кам) бўлишлиги ҳам шу даъвомизга қувват беради. Чунки, шеърий таъбнинг балоғатга етган (35—45 ёшлар ўртасида) даврида ҳам, қарилик (45—60) даврида ҳам шоир айни миқдорда шеърлар ёзгандир ёки ўсмирлик чоғида ёзган шеърлари ҳам кейинги даврда ёзган шеърларига сон ва сифат жиҳатидан баробар эди, деб ўйлаш амри маҳол бўлса керак. Демак, баъзи бир дебочаларда «Ғароибус сигар» 13—20 ёшлар ўртасида; «Наводируш шабоб» 20—35 ёшлар чоғида, «Бадойиул васат» 35—45 ларда ва «Фавоидул кибар» 45—60 ларда ёзилган шеърларни ўз ичига олади, деган кўрсатмаларга жиддий бир маҳаз деб қараб бўлмайди. «Чор девон»нинг баъзи нухаларидаги дебочада учраган шу тақсимот кейинги котибларнинг қўшимчаси бўлса керак. Бўлмаса «Ғароибус сигар» даги бир ғазалнинг қуйидаги матлабини қандай изоҳлаш керак:

Кечти умрим нақди гафлат бирла нодонлиқда, ҳайф.
Қолгани сарф ўлди андуҳу пушаймонлиқда, ҳайф.

¹ «Чор девон», Ўзб. Фанлар академияси, луғатлар секторининг кутубхонаси, № 752, «Ғароибус сигар» қисми, 109-бет. Бундан кейин мисолларни шу қўл ёзмадан оламиз.

Шоир, умрининг гафлат ва нодонликда ўтганлигидан нолийди. Агар, мазкур дебечадаги кўрсатмага ишонилса, бу шеър 13 билан 20 ёшлар ўртасида ёзилмоғи керак эди. Ҳолбуки, бу ерда шоир очиқдан-очиқ қариганини, эътироф этади. «Ғароибус сиғар»нинг бошқа бир ғазалида, яна аниқроқ бир кўрсатма бор. Шоир ўзи-ўзига хитобан шундай дейди:

Ёшинг эллик бўлди, юз қўйғил фано тупроғига-
Ким, шабоб айёми айшу беадаблиғ чоғи бас.¹

Бу қарорлардан кўринадики, «Ғароибус сиғар»да Навоий умрининг маълум бир даврида (ёшлик чоғида) ёзилган шеърлар эмас, балки турли чоғларда ёзилган шеърлар тўплангандир. Бинобарин «Ғароибус сиғар»га берилаётган характеристика бошқа девонларга ҳам тўла татбиқ қилиниши мумкин. Бизнинг «Ғароибус сиғар» ҳақидаги мулоҳазаларимиз, айнан «Чор девон»нинг бошқа девонлари хусусида ҳам айтилиши мумкин².

Умуман «Чор девон»да бўлганидек, «Ғароибус сиғар» да ҳам лирик қаҳрамон Навоийнинг ўзидир. Бу — мураккаб бир замонда яшаган, тушунувчи, ўйловчан, ҳассос ва олижаноб бир шахснинг бой, сероҳанг, ранг-баранг, сермазмун, соф маънавий, ботиний дунёсини ўзида гавдалантирган бир қаҳрамондир. Бу сезгувчи, дунё, жамият ва халқни ўйловчи бир инсондир. Унинг асосий фожиаси олижаноб шоир билан қўпол ва ноинсоф одатлар, қондалар, тушунчалар ўртасидаги қарама-қаршиликдан келиб чиқади.

¹ «Чор девон»—87-бет.

² Уйлашимизча, Навоийнинг «Чор девон»и умр бўйи тўлатиб борилган. Астрободдан Султон Ҳусайн Бойқарога ёзган бир хатида шундай қимматли маълумот берилади: «...Бу оз вақтда кўп назм битилган эрмиш, ҳар навъ шеър ва ғазал йиғилган эрмиш, буларни зойи қилмоқ бандага номақбулду эрди ва тартибига ҳам ҳукм била маъмур. Бу сабабдин бурунги икки девон ашъори билан сўнгра йиғилгонларни бирга қўшиб тартиб била тўртга айрилди» («Муншаот», Боку нашри, 34-бет).

Нега, даҳр оё вафо аҳлининг истар ўлмагин?¹
Оҳ ким, ўлгумдурур ҳал бўлмайин бу мушкилим!¹

деб шикоят қилган шоир, феодализм шароитида, инсоннинг қадри ва башарий хислатлари беаёв топталган, янчилган ва чайналган пайтда ҳақиқий ишқ аҳлининг, вафодор кишиларининг даҳр (замона) зулмида маҳв бўлишларидан чуқур маъюсланади. Баъзан у замондан шу қадар хафа бўладики, ўзини бир четга олиб чиқмоқчи бўлади:

Замон эли гар урушунлар ва ярашунлар-
Ки, на урушум алар бирла бор ва на ярашим.²

Чунки шоир буюк ихлос билан севган кишиларда ҳам садоқат ўрнига хиёнат, вафо ўрнига жафо топади:

Анча йиғлатди жафодин дўстдур деб севганим-
Ки, кулар аҳволима ҳар қайда кўрса душманам.³

Замон ва замондошларнинг жабру жафосига, лирик қаҳрамон символик тасалли сифатида май образини, овунадиган макон сифатида «кулбаи хуммор» (майхона)ни қарши қўяди:

Эй Навоий, ҳам замондин, ҳам замона аҳлидин
Ҳар замон ғам етса юздан кулбаи хумморга⁴.

Шоир, зўр бир қайғу билан ўзининг у даврдаги кайфиятларини шу аламли мисрага қўяди:

Хотирим ҳам давр, ҳам давр аҳлидин озурдадир⁵.

¹ «Чор девон» — 138-бет.

² «Чор девон», 137-бет.

³ «Чор девон», 144-бет.

⁴ «Чор девон», 192-бет.

⁵ «Чор девон», 123-бет.

Бу вазиятда у баъзан чуқур изтиробга тушади ва қафасда толпинган қушдай заминдан ва замондан қочиб кетгуси келади:

Парим бўлса учуб қочсам, улусдин то қанотим бор,
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор
...Чекиб ағёрдин юз жавр, тортиб ёрдин минг ғам,
Не ўзга халқдин ибрат, не ўзимдин уётим бор.¹

Аммо бу изтироб ва андишалар халққа ва юртга бўлган севги ва меҳрнинг бир ифодасидир. Чунки юртни обод, халқни бахтиёр кўрмаган (ва у даврда кўриши амри маҳол бўлган) Навоий, ҳақиқий асосий бир нажот йўли топмайди ва тополмайди. Аммо бу лирик қаҳрамон, она тупроқнинг, бу тупроқда меҳнат во жафо тортган аҳолининг дўсти, мухлиси ва ғамхўридир. Албатта шоирдаги ватан тушунчаси биз онглаган маънода бирлашган бир миллатнинг юрти эмас, балки кўпроқ шоир туғилган ва яшаган ўлка, бир тож остида идора қилинган мулк тасаввуридан иборатдир. У ҳатто, Хуросон салтанатининг йироқ вилоятларига борганида ҳам ўзини «ғурбат»да ҳис этади. Бунга сабаб, у даврда бу мамлакатнинг бир бутун кулл ташкил этмагани, алоқа ва нақлиёт воситаларининг ибтидоийлиги ва ягона бир иқтисодий, миллий, маданий иплар билан боғланган турли қавм, қабила, тоифаларнинг бу салтанатга сочилиб кетганлиги эди. Ҳар ҳолда ватан тушунчаси — традицион муҳаббат ва сиёсий-тарихий ғоялар билан боғлиқдир. Ҳиротдан узоқ юрган маҳалида (Машҳад ёки Астробод даврида бўлса керак) ёзган бир рубойиси бу хусусда жуда характерлиқдир:

Улсам ясаманг бунда мазоримни менинг,
Юклаб элтинг жисми фиғоримни менинг,

¹ «Чор девон», 51-бет.

Ўтру чиқариб аҳли диёримни менинг,
Кўйида кўйинг тани низоримни менинг¹.

«Ғароибус сиғар»га киритилган машҳур рубоий ҳам Навоий назарида «Ватан» ва «Ғурбат» мафҳумларининг қанчалик қарама-қаршилиқ образлар ташкил этганини кўрсатади:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олту қафас ичра гар қизил гул бутса,
Бубулға тикандек ошён бўлмас эмиш.²

Бу рубоийдаги фикрнинг яна бир характерлик томони шундаки, шоир бу ерда Ватанни «жаннат» ёки «боғи эрам», ёхуд «обод» сифатлари билан безамасдан, уни майли, тиканзор бўлса ҳам бизга азиздир, дейдики, бунда катта бир ҳақиқат парчаси бор. Демак, у ватандаги вазиятни идеаллаштирмайди, уни борича (тиканзор) қабул қилади ва ғурбатдаги (қафас ичидаги) гулдан афзал кўради³.

У ватанни севади, унга мафгун ва мухлисдир. Аммо бу диёрдаги машаққат ва заҳматларни, олижаноблар ўрнига нокаслар ва бевафоларнинг иззат ва обрў қозонганларини кўради⁴.

¹ «Чор девон», 230-бет.

² «Чор девон», 232-бет.

³ Навоий Мозандарондан туриб, Ҳиротга ёзган хатида бу образларни бир қадар ўзгача қилиб қўллайди: «...Ва агар ватан, ҳажр айёмига муқтафи бўлиб, бу фироқ бешасидин висол даштига юз кўюлса... ва ҳоказо» («Муншаот», Боку, 38-бет).

⁴ Шоир, Ҳиротда ахлоқ ва инсонгарчилик хислатларининг бувилганини ва шунинг учун ноиллож бошқа бир ерга кўчишга қият қилганини машҳур «Ҳасби ҳол»ида жуда ёрқин таъбирларда изҳор қилган:

«Яна бир булким, ваҳир ўлиш менига»
Кн. чиқмиш Хуросон влдики вафои ва ҳоказо...

(Шарафиддинов — «Алишер Навоий», 34-бет).

Замона ўқ каби тузларни синдириб «ё» дек,
Аларки, эгри турур шаҳга муҳтарам қиладур¹.

Бу пайтдан Навоийни, умуман шоҳларга ва салтанат-монархия системасига қарши эди, деб тушуниш ярамайди. Уни, Бойқарога душман эди деб айтолмаймиз. Аксинча «Ғароибус сиғар»нинг ўзида шоирнинг Султон билан яқин дўстлиги ҳақида очиқ ва бевосита эътирофлар ва балки фахриялар бор:

Қирон қилдинг, Навоий назм ароким, илтифот этмас,
Сўзингдин ўзга сўзга Хисрави Соҳибқирон ҳарғиз².

Бу «Хисрави Соҳибқирон»дан мақсад Султон Ҳусайн Бойқародир. Чунки, унинг унвони (Амир Темурдан кейин) «Соҳибқирон» эди. Навоий, Бойқарога эҳтиромини бошқа бир газалида яна ҳам очиқ ифодалайди. У, бир бевафо ёрдан аразлаб шундай дейди:

Сен Навоийга вафо айламанг, бор ўлсин
Шаҳ Абулғозий Бойқаро, эй қаро кўз!³

Модомики, шоирнинг Султон Ҳусайнга муносабати шунча аён экан, у ҳолда «Аларки, эгри турур шаҳга муҳтарам» деб юқорида кўрганимиз шикоятни қандай тушуниш керак? Аввало шуки, бу газалнинг («Ғароибус сиғар»даги бошқа кўпчилик шеърлардай) қачон ёзилганини аниқлаш ҳозирча мумкин эмас. Иккинчидан, Навоий, ўз умрида Ҳиротга уч ҳукмдорга замондош бўлган: Абулқосим Бобир, Абусаид ва Султон Ҳусайн. Биноба-

¹ «Чор девон», 68-бет.

² «Чор девон», 77-бет.

³ «Чор девон», 80-бет. Бу мисол, яна бир карра, «Ғароибус-сиғар»нинг 13—20 ёшлар ўртасида ёзилмаганини исботлайди. Чунки Султон Ҳусайн 1469 йилда тахтни эгаллаганида Навоий 28 ёшда эди.

рин бу таънанинг юқоридаги ҳукмдорлардан қайси бири адресига айтилганини аниқлаш амримаҳолдир. Бу саволга энг тўғри жавоб, фикримизча, шундай бўлиши керак: шоирнинг лирик қаҳрамони (яъни шоирнинг ўзи) у ва ёки бу ҳукмдорга қандай муносабатда бўлмасин, унинг синфий ва ижтимоий мавқеи қандай бўлмасин¹, модомики, у буюк санъаткор экан, демак, у хоҳ нохоҳ воқеликнинг юзини, жамиятдаги вазиятнинг реал томонларини очиб ташлаши ёки инъикос этдириши керак. Катта санъаткор, ўзининг сиёсий қарашларига хилоф ўлароқ, ўз бадий туйғуси билан ҳақиқатни, борлиқнинг маълум томонларини акс этдиришга мажбур бўлади. Маълумки Фридрих Энгельс Бальзакнинг «сиёсий жиҳатдан подшоҳпараст» бўлгани ҳолда ўз синфий ва сиёсий рағбатларига хилоф ўлароқ, ўз севган аристократлари устидан аччиғ истеҳзо билан кулганини қайд этади². Владимир Ильич Ленин улуг рус ёзувчиси Л. Н. Толстой ҳақида ёзган мақоласида шундай деган эди: «Бизнинг олдимизда турган киши ҳақиқатан ҳам буюк санъаткор экан, демак у революциянинг ақалли муҳим томонларидан баъзи бирларини ўз асарларида акс эттириши лозим эди»³. Бу ажойиб фикрнинг биз учун чуқур методологик аҳамияти шундаки, Ленин таълимоти бўйича, буюк ёзувчи, ўз замонасининг илғор тенденция ва прогрессив воқеаларини, қандай бўлмасин, маълум даражада акс этдирмай қолмайди. Демак, Навоий Бойқарога ва умуман монархияга садоқа-

¹ Унутмайликки, Алишер Навоий ўз даврининг энг катта бой кишиларидан бўлиб, Хуросонда ва шимолий Эронда бир қанча ер ва қишлоқларга эга эди. (Бу тўғрида муфассал маълумот учун Хондамирнинг «Макоримул ахлоқ» китобига ва проф. Якубовскийнинг «Алишер Навоий» тўпламидаги «Навоий даврининг ижтимоий ва маданий ҳаёти» мақоласига қаралсин, Ленинград, 1946.)

² Маркс и Энгельс, «Об искусстве», 1933 й. стр. 195.

³ В. И. Ленин, асарлар, 15-том, 208-бет.

тига қарамай, сарой ҳаёти ва феодал давлатида соф ва виждон аҳли бўлмиш кишиларнинг обрў топиши мумкин эмаслигини буюк санъаткор кўзи билан кўраолганки, бу унинг катта хизматиدير.

Навоий шуурида ватан ва мулк мафҳумлари кўп вақт аини бир тушунча қилиб қўйилади. Бинобарин мулкни обод қилиш, султонлардан инсоф ва адолат талаб қилиш натижа-эътибори билан юрт ва халқ қайғусидан келиб чиқади. У бир рубойисининг бошида:

Мулк очқали ҳар хисрави олий миқдор
Инсофу адолат салоҳ этса шиор¹

дер экан салтанат идорасига, тахтнишинликка инсоф ва адолат шиорларини шарт қилиб қўяди. У ўзининг бевосита лирик кайфиятларини изҳор қилганида ҳам катта ижтимоий мазмунга эга бўлган ва чинакам ҳикматомиз таъбир (афоризм) даражасига кўтарилаётган ҳақиқатларни баён қилади, шоир севган ёрига мурожаат қилиб: «сен кўп зулм қилганинг учун, сенинг қулинг (хизматкоринг) бўлмиш кўнглим ва жоним сендан намуна олиб зулму жафони яна ҳам ошириб юбориб, тамоман мени ташлаб кетдилар»—демоқчи бўлади. Лекин шу мураккаб муболағани Навоий нақадар гўзал ва афористик тарзда ҳамда нақадар кутилмаган бир муқояса орқали ифодалайди.

Сен жафо қилғач кўнгул жон бирла тарким туттилар,
Бўлса шаҳ золим, эл ичра зулмға эрмиш ривож².

Навоийда ватан-мулк-диёр образида марказлашган идеал унинг чуқур гуманистик ғояларидан келиб чиқади. Бунга қарши ғурбат-ҳижрон училиги қувватли бир контраст

¹ «Чор девон», 252-бет.

² «Чор девон», 37-бет. Умуман Навоийнинг лирик приёмлари учун шундай параллелизм айниқса характерлидир.

ташкил этади. Таажжуб эмаски, юрт-ватан унинг назарида сеvimли дўст ва ёр образи билан эгизак бир вужуддай тажассум қилади:

Тонг эмастур гар диёру ёрсиз озурдаман-
Ким, эмас булбул гулу гулзорсиз, озорсиз¹.

Бу ажойиб ёндош образларни қаранг:

Бир сирада: шоир-диёр-ёр.
Иккинчи сирада: булбул-гулзор-гул.

Бу ажойиб ички қофия (сажъ)ни кўринг: ёр-диёр.
Йиллаб Ҳиротдан йироқ шаҳарларда — ғурбатда юрган
шоир бу машаққатларни кўрмаган кишининг ватан қадрига
етиши мушқил эканини уқдириб ўтади:

Ҳисм уйидин кўнгил тилар ул қўйни, валеқ
Ғурбат суубатин киши билмас ватан аро.²

Диёр-ёр образлари Навоий тасавурида бирликни ташкил этади, дедик. Лекин, булар айни мутародиф мафҳум эмас; шу учун энди бу яқвужуд иккиликнинг иккинчи қисмини олайлик. Чунки, Навоийнинг лирик қаҳрамони биринчи навбатда оташин ва бой мундарижали ошиқдир. Шоир ишқнинг азалий ва абадий қудратини билади, ишқ мавзуининг «бунёди олам»дан эътиборан лирикага бош мавзу бўлиб келганини эътироф этади:

Ғариб қисса эди ишқким, туганмади ҳеч,
Агарчи бўлгани олам биноси, айтилади.³

Уз даврида маънан ва руҳан сиқилган олижаноб қаҳрамон севгининг даргоҳида ўзига бошпана излайди:

¹ «Чор девон», 73-бет.

² «Чор девон», 9-бет.

³ «Чор девон», 31-бет.

Навойӣ, бу ўтар олам ичра беш кун қил
Узингни май ила машғулу ишқ бирла овут.¹

Аммо бу ишқ олами улуғ бир оламдир. Бу мураккаб бир туйғу, ранго-ранг бир гулистондир. Навоийдан илгариги ва кейинги кўп ошиқ шоирларда бўлганидек, якнав, монотон куй эмас, сероҳанг бир соз чалинади Навоий руҳида!.. Шунинг учун бу шоирнинг ички кечинмаларини ҳам муҳаббатнинг луғат китоби деса бўлади. Сиз, ишқдан мамнунлик, васл умиди, мулоқотнинг лаззати, ёрнинг нозуистигносидан таҳқир этилган ошиқнинг ғурури, ҳижрондан маъюслик, севгида улуғ камтарлик, бевафолар дастидан шикоят, маъшуқага садоқат ва ҳоказо, ҳоказоларни бу шеърларда кўп мартаба учрата оласиз.

У севади, лекин шунга жавобан севилишни ҳам истайди, у ўз оташин муҳаббатининг сеҳри билан ёр қалбини ҳам овлашига ишонади:

Ишқ агар комил эрур, ошиқ қилур маъшуқни²,

дейдики, бу афоризмнинг чуқур маъноси: агар мукаммал севсанг, севилган киши севгучи бўлиб қолади, деган катта педагогик ҳақиқатни ўз ичига олади.

Аммо, афсуски, бу олижаноб ният, кўп вақт ўйланган натижани бермас экан, шоир, зуваласида севги дарди бўлган, хилқатида муҳаббатга қобил бўлган ёрни излашга мажбур:

Токи, мумкиндир кезиб, бир меҳрибон ёр истабон,
Бағри тошларни севарга қилма журъат, эй рафиқ!³

¹ «Чор девон», 31-бет.

² «Чор девон», 78-бет.

³ «Чор девон», 105-бет.

Шундай меҳр кўрсатган ёрга ошиқ шоир бағоят мунис
ва мухлис:

Қилдим ул ой олдида ошиқлигим изҳорини,
Мен онга сиррим дедим, билмон анинг асрорини.
Кўз қаросини ҳал қилиб ул ойга ёзғум номае,
Бори бу тадбир ила кўргай кўзим рухсорини.¹

У жозибатор ихлос билан севади ва бир қадар илтифот
кўргач, муҳаббатнинг фусункор лаззати барча ғаму дард-
ларни унутдиради:

Шикоятим кўпу қолмас сени қачон кўрсам
Танимга тоб, тилимга мажол — тақрири.²

Севги, бу қаҳрамонга катта ижодий ва ижобий қудрат
бағишлайди, унинг руҳини бойитади ва ғайратини кўтара-
ди. Бунинг учун у башарнинг шу қимматбаҳо хислатлари-
дан мамнун ва миннатдор:

Лаълидин бир сўз синуқ кўнглумни айлар тоғча,
Нақди жон берсам йўқ онинг олида тупроқча³.

Чунки ишқ шу қадар муқтадир бир омилдирки, у — шо-
ирнинг муболағаси билан айтганда — ҳатто ўлик жасадни
ҳам тирилтиришга қобилдир:

Навойй ўлса тиргузгил юзига юз қўйиб, яъни:
Юзига сув уриб ул уйқусидин они бедор эт⁴.

¹ «Чор девон», 201-бет.

² «Чор девон», 201-бет.

³ «Шоир қариган кишини ҳам ишқ ёшайтиришга қодир дейди:

Эй Навойй, қарриб ўзни солмакким, айлар сени,
Бир қадаҳ май бирла ул шўхи қадаҳпаймон йигит.

(«Чор девон», 312-бет.)

⁴ «Чор девон», 194-бет.

Аммо севилган шахс севгучининг пок ва тоза ишқиға лойиқ бўлмоғи шарт, чунки шоир севги каби юксак бир туйғунинг пастликка ва сафолатга чулғонишини жойиз кўрмайди, шундай мулаббас қилинган (булганган) гулдан шоир — кўп азоб билан бўлса ҳам воз кечишга қодирдир:

Бир гул ғамидин қўйй дедим бағрима доғ,
Бергайму дебон атри димоғимға фироғ,
Баргин чу мулаббас айлади бум¹ ила зоғ,
Эмди ани исламакка юз ҳайф димоғ.²

Маҳбуб ёки маъшуқ севгига лойиқ эмас экан, бизнинг қаҳрамоннинг инсоний ғурури ўзининг алданганига афсус ейди ва лекин ўзини хоксор ва дарвеш қилмасдан ҳаёт боғида ўзига лойиқ гул излашга ҳам қодирдир. Бу хусусият ҳам Навоийни кўп классик шоирлардан, муҳаббатни идеаллаштириб, ҳар бир ҳақоратни шарқ тавозеи билан қабул қилиб, инсоний шан ва шарафни маҳвият даражасида бепарво топтаган ўз «менлигини»³ йўқотган ошиқлардан ажратади:

Келғил, эй қурбон кўнгул, ул қоши ё меҳрин унут,
Чун вафодин тортилул, сен ҳам бориб бир гўша тут!
Чунки ул бизни унутмакни соғинди яхши иш,
Сен дағи кел, бир нафас они соғинмакни унут!⁴

¹ Бум — бойқуш.

² «Чор девон», 236—237-бетлар.

³ Бир қанча жойларда шу «менлик» мафҳумини Навоий жуда муваффақиятли қилиб, соф ўзбекча «ўзлук» сўзи билан ифодалаган.

⁴ «Чор девон» 28-бет. Бу парчада «соғиниш» сўзи биринчи ўринда — санаш, ҳисоблаш маъносида, иккинчи ўринда эса — замонамиздаги маъносида: эслаш мулоқотга муштоқ бўлиш маъносида қўлланилган. «Шайх Сулаймон Бухорий, Луғати чиготойи турки», Истамбул, 1298 ҳ., 180-бет.

Бу ғазалнинг давомида Навоий бевафо ёрдан ўпкала-
ниб, ўзидаги инсоний ғурур ва фазилатларни қуйидаги
ажойиб ҳаётий лавҳа билан баён қилади:

Ғар кўзим ёшиға ул гул мултафит бўлмас не ғам,
Гул булутдин тозадур, сероб эмас гулдин булут.¹

Ажойиб деталь: шоир демоқчики, булутдан ёмғур ёға-
ди, бу ёмғур сувларидан гул униб чиқади, лекин булут
бўлса, гулдан сув ва нам олмайди, демак, гул(ёр) булутга
(шоирга) муҳтождир, булут гулга эмас. Бошқа бир жойда,
шоир худди шу кайфиятни яна ҳам очиқ ва яққол айтади:

Ёрлиғ кўз тутқонимиз кўзлади, чун ўзга ёр,
Бизда ҳам кўз бор, бориб бир ўзга ёри кўзлоли².

Бу мисралардан ва буларга суялиб биз қўйган тезис-
лардан нотўғри бир хулоса, яъни Навоийнинг лирик об-
рази қарорсиз, енгилтак ва сарсари ошиқ эди, деган хулоса
чиқарилмасин, албатта. Эҳтиросли ишқ билан Навоий сев-
гининг синоқларига, ёрнинг ишваю нозларига мардона
(рицарларча) чидашга устувордир. Масалан:

Васлин истаб кўп ялиндим, қувди куйидин мени,
Бўлса мубримшева³ албатта гадо мардуд⁴ эрур⁵.

Ёки:

Ғар қуёшга эл назар қилса кўзига ёш тўлур,
Ул қуёш борғоч назардин кўзларимга тўлди ёш⁶.

¹ «Чор девон», 28-бет.

² «Чор девон», 203-бет.

³ М у б р и м ш е в а — қилиғи ўжар.

⁴ М а р д у д — рад этилган, қувилган.

⁵ «Чор девон», 52-бет.

⁶ «Чор девон», 89-бет.

деган ошиқ вафоли ва изчил муҳаббат эгасидир. Демак, бизнинг мақсадимиз Навоий ишқининг абстракт эмас, ҳаётий бўлганлигини уқдириш, унинг туйғуларида ҳам воқеликнинг ўзида мавжуд бўлган зиддиятлар инъикос этганини кўрсатиб ўтишдир.

Навоий муҳаббатни кишининг табиий хислати ва табиий ҳақи деб билади. Бунинг учун тахту тож шарт эмас. Аксинча феодал саройларидаги кўп хотин олишлик одати, ҳарамхона анъанаси соф ва ҳақиқий севгини парчалайди, севги қобилиятини қуритади ва сўндиради:

Шоҳлиқнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат бобида¹.

Бу мисранинг ўзи Навоийнинг ишқ масаласига қарши учун программавий бир аҳамиятга эгадир. Чунки у даврдаги гўзал қизларнинг хўжайини пул ва давлат ва ҳокимият эгалари бўлган бир чоғда, ишқча лаёқатни бошқа бир принципга боғлаш катта гуманизм ғояларидан келиб чиқар эди. Шоир, буйруқ ва мажбурият билан муҳаббат туғилмайди дейди:

Шоҳки, матлубига қуллуқ буюрғай, ишқ эмас².

У ишқни ҳақ деб билади ва ҳақиқий ишқдан кулганларга, ошиқни гуноҳкор деб айблаганларга очиқ уруш эълон қилади:

Ишқ агар бўлса гуноҳ, менмен гуноҳкор, эй кўнгул,
Тонмагим ноҳақдурур, бу ишда чун ҳақдир гувоҳ³.

Аммо бу ишқнинг ҳаётий жилвалари нақадар мураккаб ва ранго-ранг бўлганини шоир ўзи яхши билади:

¹ «Чор девон», 191-бет. Бу тезисни «Фарҳод ва Ширин» достонида асир Фарҳод ва Хисрав ўртасидаги муновара билан солиштиринг.

² «Чор девон», 191-бет.

³ «Чор девон», 194-бет.

Ишқим, ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа¹ халқ,
Турфароқ будурки, юз мингдин бири ёзилмади².

Бундай ишқ шоир қалбида турли кайфиятлар қўзғайди.
Ошиқ шоир гоҳо маъшуқасига ялинади:

Юз урма ҳар тараф, эй шўх, зор қилма мени,
Қарор тут нафасе, беқарор, қилма мени.
...Худой учун яна ҳар сори беҳабар борма,
Фигону нолаю беихтиёр қилма мени³.

У ўз ишқининг реал эканини, «севиш учун севги» эмас,
балки бу ҳиссиёт руҳнинг реал эҳтиёжи бўлганини арз
этиб, ҳатто ўзининг севгили эпик қаҳрамонларини ҳам аф-
сонавий бир хаёл сифатида рад этади:

Мен ўзга Вомиқу⁴ Фарҳод ўзгадур, эй ишқ!⁵

У, гоҳо ёрдан айрилиқнинг аламини аччиғ-аччиғ иқроп
қилишга мажбурдир:

Кечалар ҳажрингда бехудмен, менинг ҳолимгадур —
Шамнинг гаҳ куймағи, гаҳ ноласи, гаҳ риққати⁶.

Баъзан у айрилиқдан шикоят айлаб:

Меҳнату ҳажрингда ишим оҳ ила фарёд эрур,
Оҳ, агар фарёдима етмас висолнинг давлати.

¹ Турфа — ғалати.

² «Чор девон», 215-бет.

³ «Чор девон», 198-бет.

⁴ Вомиқу — афсонавий қаҳрамон бўлиб, Узронинг маъшуқи эди.
Бу тўғрида кўп дostonлар ёзилган бўлиб, энг яхшиси Эрон шоири
Фарҳорийники ҳисобланади («Қомусул — аълом», VI т. 3672-бет).
Умуман бу сўзнинг арабча маъноси «ошиқ» («Мукаммал усмонли
луғати» 962-бет. (ёки «дўстдоранда») «Ғиёсул — луғат» 835-бет.

⁵ «Чор девон», 199-бет.

⁶ «Чор девон», 199-бет.

Лабларингнинг ҳасрати кўнглумда бўлса не ажаб,
Шиша бирла боданинг бир-бирга кўптур нисбати¹.

деб лабларини шаробга, ўз юрагини май шишасига ўхшатиб, жуда чиройли бир истиора (метафора) яратади.

Осмонда кечалари милтилаб турган юлдузларни шоир ўз ошиқ кўзларига ўхшатиб кучли бир ташхис (жонсиз нарсани жонлантириш приёми) қўллайди:

Чархи — соир гўйё ошиқдурурким, кечалар
Бор анинг ҳам мен каби кўп ашкию² оз уйқуси³.

Баъзан у севганининг нозу-ғамзаларидан дўстона ҳазил билан шикоятланиб, шундай рангин бир туюқ яратишга ҳам моҳирдир:

Вах, қачонга тегру ишқинг кожидин⁴,
Кўзима ҳар лаҳза ўт чоқилғуси.
Бастурур кўнглумда ишқинг, ёқма ўт-
Ким, ҳарорат ул ҳам ўтча, қилғуси⁵.

Гоҳ у нозик ҳазил билан «ҳусни таълил» ёки «тажоҳили орифона»⁶ приёми ясаб, севганига дўстона таъна қилади. ухлаб ётган севгилисининг қаттиқ уйқуси учун шундай бир ширин латифа тўқийди:

Бизни дафъ ўлсун дебон солмиш ўзини уйқуға,
Зарқтин⁷ холи эмастур ул фусунсоз уйқуси⁸.

¹ «Чор девон», 199-бет.

² Ашк — кўз ёши.

³ «Чор девон», 199-бет.

⁴ Кож — бу ерда сўз ўйини бор. Кож деб қийғоч кўзни ҳам дейдилар, дакки шапалоқни ҳам.

⁵ «Чор девон», 227-бет.

⁶ Эски адабиётда бир нарсани билатуриб, ўзини билмасликка олиш приёмлари.

⁷ Зарқ — ҳийла, икки юзламачилик.

⁸ «Чор девон», 199-бет.

Гоҳо у муҳаббат тўлқинларида ҳаяжон билан жўшиб «девонавори» бир жўшқинлик кўрсатади, қайнаган ҳисларининг ўйнаган хаёлларининг жиловини бўшатиб юбориб, севгининг жававали рақсига тушади:

Дўстлар, гар халқаро йўқ мен киби девонае,
Айламанг кўп айбким, ёнимдадур майхонае,
Анда шўхиким, тутар ҳар дам тўла паймонае,
Қайси шўхе боданўше, кўзларн мастонае,
Жон берурда лаълдин Исо сифат жононае,
Кўнгул олурда юзидин Юсуф ойнн дилбари¹.

Бу тезисларни хулоса қилиб яқунласак, Навоийнинг «Ғароибус сиғар»ида ва умуман «Чор девон»да ишқ куйларининг тематик жиҳатдан марказий ўрин тутганини ва бу ишқнинг чин инсоний, олижаноб, қудратбахш, соф, нафис, ширин бир сезги сифатида талқин қилинганини қайд қилиб ўтишимиз лозимдир. Бу ерда яна бир муҳим масалани ечишимиз шарт. Диққат қилингандирки, «Ғароибус сиғар»нинг лирик қаҳрамони севилган ёрга тўла берилиш ва маъшуқанинг ҳам шунга яраша ўз ошиқини бутун юрак билан севишини талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, у бир эркакнинг бир аёл томонидан ўзаро муқобил севилишини талаб қилади. Биз тарихда ҳарамхона ҳаётининг, бир эркакнинг кўп хотин олиш ҳуқуқига эга бўлишлигининг касофатларини ва фисқу фужурга боис бўлганини яхши биламиз. Улуғбекнинг ташаббус ва шарофати билан аёлларга нисбатан ҳурмат билан қараш² бу олим ҳукмдорнинг ўлимидан кейин тақводор ва хурофотчи ислом руҳонийларининг тазйиқи билан поймол қилинган эди. Ислом қондала-

¹ «Чор девон», 221-бет. Бандлари мусаддасдан иборат бўлган бу таржибанднинг ҳамма бандлари шу руҳда зўр ҳаётчанлик кайфиятидадир.

² Бу тўғрида кенгроқ маълумот учун қаралсин: В. Бартольд — «Улуғбек ва унинг замонаси», 99-бет.

рининг кучайиши билан мутаносиб бўлиб, аёлларнинг эзилганини ва ҳуқуқсизланганини В. Бартольд бой материал асосида исбот қилган¹.

Полигиния (бир эркакнинг бир вақтнинг ўзидаёқ кўп хотин олишлиги) қулчиликнинг бир формасидир. Энгельснинг ажойиб ўткур бир мулоҳазаси бу ерда жуда ўринлик бўлур: «...Тарихда, биринчи синфий зулм аёл жинсининг эркак томонидан асоратга олинишидан бошланади»². Энгельснинг бу характеристикаси оилада эркак ҳоким бўлган ҳамма даврларга оид бўлса-да, XV асрдаги оила ҳаёти учун ҳам тавсифнома бўла олур. Чунки эксплуататорлик жамиятларида хотинларнинг ижтимоий эзилиши умумий ҳолатдир.

Навоийнинг лирик қаҳрамони бўлса бутун умри бўйи битта ва лекин садоқатли ёр излайди. Шоир полигинияга қарши очиқ ҳеч нарса сўзламайди ва зотан мусулмон шариати, жамиятнинг ягона ва ғаддор «қонунномаси» бўлган мутаассиб бир замонда, буни айтолмас эди ҳам. Аммо унинг лирик қаҳрамонининг бутун ахлоқи, руҳий кечинмалари, орзу ва изланишлари бир «ёри вафодор»ни ўзига умрдош ва йўлдош қилмоқ тарафдори бўлганини кўрсатади. Шоир, албатта моногамия (якка никоҳ) масаласини у даврда очиқ қўёлмас эди ҳам. Аммо лирик қаҳрамондаги севгининг мантиқий хулосаси шуни тақозо қилади³.

Навоийда севги масаласи устида шунча муфассал тўхтаганимиздан кейин, бу севги масаласи билан боғлиқ бўлган нотўғри бир тушунчани рад этишимиз даркор. Кўп феодал ва буржуа тарихчилари ва адабиётшунослари Наво-

¹ «Историк-марксист» журнали, 1939, 5—6-сон, В. В. Бартольд мақоласи «Ибтидий ислом ва хотин».

² Энгельс.— «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» Партиздаг, Москва, 1934 йил, 65-бет.

³ Навоийнинг очиқ эпик қаҳрамонлари билан муқояса қилингиз: Бутун умрларини бир қизга бахш этган Фарҳод ва Мажнунлар бу фикримизни қувватламайдими?

ийдаги ишқни «ишқи илоҳий» деб, унинг бутун лирикасини тасаввуф поэзиясининг бир намунаси каби таъбир ҳилишга уриниб келдилар. Тўғри, фалсафий — диний оқим бўлган тасаввуф ёхуд сўфизм тамоман идеалистик бир мазҳаб бўлиб, мусулмон оламидаги адабиётларга маълум даврларда кучли таъсир қилган. Аммо бу оқим аслида бяр бутун мазҳаб бўлмай, жуда кўп мактабларга бўлинган.¹ Будда дини ва неоплатонизмдан тортиб зардуштийлик, мусавийлик, христианлик ва исломгача ҳар турли мазҳаб ва ақида унсурларини ўз ичига олган тасаввуф фавқулодда қоришиқ, мураккаб, зиддиятлик бир системадир. Бу фикримиздан мақсад тасаввуф проблемаларини ечиш эмас, балки тасаввуф ва бадий адабиёт ўртасидаги ўзаро таъсирнинг мураккаб бир процесс бўлганлигини ва бу таъсирларнинг шаблон тамғалар билан ечилиши мумкин эмаслигини эслатиб ўтишдир: Умуман олганда А. Кримскийнинг² шу тақсимоти тасаввуфда икки қарама-қарши қанотнинг борлиги ҳақида тасаввур беради. Унингча: сўфизмда икки асосий оқим бор — биринчиси христианлик таъсирида пайдо бўлган арабий муҳаммадий оқимки, бу ортодоксал ислом позициясида туради (Жунайд); иккинчиси Ҳинд — Эрон (ва Урта Осиё) заминида пайдо бўлган оқимки, бу ортодоксал исломнинг фикҳ қоидаларини парчалаб бидъатга айланган (Бастомий). Бу иккинчи оқим бориб-бориб пантеизм (вужудия) назариясини ва бидъатни ўзига асосий қўлланма қилиб ол-

¹ Буржуа олими проф. Исмоил Ҳикмат тасаввуфни ва шу жумладан ўз давридаги оппозицион кайфиятларни ифодалаб, Туркистон, Эрон ва Озарбайжонда кенг тарқалган хуруфилик мактабини тамоман реакция, унинг йўлбошчиси бўлиб, «аналҳақ» (мен тангри) дегани учун Амир Темур буйруғи билан 1393 йилда ўлдириган Фазлуллоҳ Нанмиёни тахт можарочиси сифатида кўрсатадики, бу ғайри илмий нзҳор сўфизмнинг маълум қанотларидаги антифеодал оппозицион тенденцияларни хаспўшлайди. (И. Ҳикмат — «Озарбайжон адабиёти тарихи» 136, 143-бетлар. Боку.)

² А. К р и м с к и й. — «Ҳижратнинг III асригача сўфизмнинг та- раққиёти ҳақида», II т. Москва, 1893, 3-бет.

ди. «Ғарб — ислом оламида «тасаввуф» сўзи остида мистицизм, шарқ-ислом... оламида эса пантеистик илоҳиёт кўзда тутилади»¹. Араб халифаларига қарши маҳаллий халқларнинг қуроли курашлари ҳам (масалан Муқанна) пантеистик шиорлар остида ўтканини Кримский кўрсатади.² Бундан бошқа мазлум синфларнинг (у даврда деҳқонларнинг ва шаҳар косибларининг) феодализмга қарши курашлари у замоннинг тақозосига кўра диний пардаларга ўралганини биз тарихда кўп учратамиз. Энгельснинг шу қайдини эсга олайлик: «Феодализмга қарши революцион оппозиция бутун ўрта асрни қамраб олади. У ҳар қайси вақтнинг ўз шароитига қараб гоҳ мистика кўринишида, гоҳ очиқдан-очиқ шаккоклик (ереслик) йўриғида гоҳ қуроли кўзголон кўринишида намоён бўлади»³. Академик Бартольд, 1441—42 йилда, теурийлар даврида Хузистонда исён кўтарган Мушъаш ҳаракати ҳақида муфассал гапириб, ахири шундай хулосага келади: «Дин байроғи остида йўқсулларнинг дунёдорларга қарши исёни бўлди»⁴.

Тасаввуфни бутунликда ва ёппасига реакцион дейишнинг нотўғрилигини кўрсатиш учун яна бир масалани олсак бўлади. Расмий исломга нисбатан сўфиларнинг хотинларга қараши қандай бўлганини Кримский шундай баён қилади: «Муҳаммадийлар хотинлардан гоҳта ҳазар қилдилар; қуръон гарчи хотинларни жаппатга киргизса ҳам, у ерда уларни фақат хизмат қилдиришни кўзда тутуди; мусулмон хотин, ҳатто масжидга киришга ҳам журъат қилол-

¹ А. Кримский. «Эрон, унинг адабиёти ва дарвиш тессофиясининг тарихи», Москва, 1903. 79-бет.

² А. Кримский.— Ҳижратнинг III асригача сўфизмнинг тараққиёти ҳақида», 29-бет.

³ К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения, второе издание, том VII, стр. 361.

⁴ В. Бартольд.— «Теурийлар тарихига оид янги маъхаз», бу маъхаз қўлимизда бўлмагани учун Якубовскийнинг «А. Навоий даврида ижтимоий ва маданий ҳаёт» деган мақоласидан фойдаландик (15-бет.).

майди. Аксинча, барча сўфи адиблари, авлиё ва сўфия аёлларни мадҳ этадилар ва уларни эркаклардан юқори қўядилар»¹.

Юқорида айтилганлардан чиқариладиган хулоса иккидир. Биринчи: тасаввуф бир бутун воқеа эмас; иккинчи: тасаввуфнинг сўл қанотлари ўз даврида ижобий роль ўйнаганлар. Оппозицион сўфилар расмий ва бюрократик динга қарши яна дин қуроли билан курашганлар.

XV асрда темурийлар давлатларида кенг ёйилган нақшбандия ва хуруфия оқимлари пантеистик қарашларга эга эдилар. Буларнинг ақидасига кўра коинот яралмасдан илгари бор бўлган азалий вужуди мутлақ (тангри)дир. Бу олам унинг жилвасидан пайдо бўлди (тажалли ёки эманация назарияси). Бутун ашё ва махлуқлар ва шу жумладан инсонлар вужуди мутлақнинг тимсолидир. Аммо худо инсонни энг мукамал ўлароқ ва ўзига ўхшатиб яратгани учун у «ашрафул махлуқот» (яъни махлуқларнинг энг ша-рафлиси)дир².

Хирот доираларида XV асрнинг иккинчи ярмида Абдураҳмон Жомий бошлиқ нақшбандийлар гуруҳи жуда зўр бир обрўга эга эди. Ўзини фалсафа ва умуман маънавиётга алоқадор деб билган ва ёхуд шундай кўринишни хоҳлаган ҳар бир киши (аксариян «ориф»лар, яъни интеллигентлар) ўзларини сўфиликдан хабардор, балки «мутасаввиф» (сўфинома) қилиб кўрсатиш билан бутун шарқда жуда улуғ шуҳрат эгаси бўлган А. Жомийга «пирим» деб қўл бериш билан фахрланган эдилар. Шунинг устига бу даврнинг нақшбандийлари гарчи аскетизмни (тарки дунёликни) амалда ташвиқ қилмасалар ҳам, қадимий пантеистлардай,

¹ А. К р и м с к и й.—Хижратнинг III асригача сўфизм...», 15-бет.

² Пантеизмнинг бу тезисларини мантиқий равишда охиригача давом этдириб «аналҳақ» (мен тангри) даъвосини кўтарганлари учун Мансур Халож (IX аср.), Боязид Бастомий (IX), Фазлуллоҳ Наимий (XIV), Насимий (XIV)ларнинг ҳукмронлар томонидан ўлдирилиши шу идеалистик даъвонинг ўзи ҳам расмий дин арбобларини ва ҳукуматдорларни қанчалик чўчитганини кўрсатади.

расмий исломга қарши курашдан ҳам воз кечган эдилар.¹ Бу тўғарак кўпинча фалсафий адабий мунозара ва суҳбатлар учун клуб ролини ўйнар эди. Навоий ўзи ҳам Жомийга қўл бериб, унга муридликни қабул қилган. Лекин Бартольд айтганидай, бу сўфилик фақат зоҳирий эди. У сўфилик низомномасига берилиб зўдга ўтиш нарида турсин, балки аксинча, «ўша йилларда, илгариги ва кейинги йилларга нисбатан, давлат олдида каттароқ аҳамиятга эга бўлиб. Султон йўқ вақтларда пойтахтни идора қилар эди»².

Ҳиротда шоирлар ва орифлардан ҳар кимнинг сўфизм назариясига қизиққани, айтиш мумкинки, бир мода шаклини олган эди. Муқимий ҳақида гапирганида унинг «Сўфия истилоҳидан вуқуфи ҳам бор эрди ва бу тоифа истилоҳига мувофиқ туркийгўй эрди»³ дейдики, бу характерли маълумотга кўра, у даврда сўфилик терминларини билган кишиларнинг шеърда бу терминларни қўллаб асар ёзиши бир мода ҳолига кирган эди, дея оламиз.

Албатта Навоий лирикасига тасаввуф қарашларининг маълум даражада таъсири бўлган. Зотан «Ғароибус сигар»нинг биринчи газали⁴ тамоман сўфиёна руҳда, пантеистик ишқи илоҳий ғоялари билан ёзилган.

Шоирнинг баъзи бир газалларида ҳақиқатан ҳам сўфиёна қарашлар, «ваҳдат», «мавжуд ва «вужуд», «пок ишқ» каби таъбирлар, тасаввуф руҳидаги кайфиятлар учрайди:

Ҳақ тилар бўлсанг, Навоий, силк дунёдин этак,
Ишқинг ўлса пок, қўйма ўзни бу мурдор аро⁵.

¹ А. Жомийнинг Мансур Халложни исломга хилоф ҳаракат қилгани учун танқид қилгани тўғрисида қаралсин: Муҳаммад Али Айнӣ «Тасаввуф тарихи», 1924, Истамбул, 166-бет.

² В. Бартольд.—«Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт», 137-бет.

³ А. Навоий.—«Мажолисун — нафис», 186-бет. Тошкент босмаси.

⁴ «Ашрақат... «Чор девон» — 1-бет. Бу ерда, газалнинг, девонда биринчи қилиб қўйилиши, ёзилиши тарихига даҳли бўлмай, девон қондаси бўйича қофиянинг алифбе тартиби биландир.

⁵ «Чор девон», 10-бет.

Ҳақни (тангрини) бу мурдор дунёда эмас, балки пок ишқнинг шарофати билан «фано» (ўлимда) топиш керак деган тезис пантеистларнинг программавий шиорларидандир.

Ёки:

Қути ботин истақим, зоҳир ғизоси бирла таъ,
Бир замон гар топса лаззат, бир замон кўрмас лазиз¹.

Жисмоний — моддий ҳаётни зоҳир деб, бунга қарши абдий бўлган ботин (маънавий-руҳий олам)ни қўйиш каби ўтакетган идеалистик концепция ҳам сўфиларнинг асосий даъволаридандир.

Ёки:

Дер Навойки ғайр эмас мавжуд,
Турфа сўз «ло илоҳа илло ҳу!»²

Бу ердаги «ҳу» лафзи барча сўфиларнинг симболидир.³ Бу мисралардан кўринадики, Навойнинг «Ғароибус сиғар»-ида шоирнинг кайфият ва қарашларида, ифода ва баёнида тасаввуфнинг таъсирлари шубҳасиз бор. Лекин бу факт

¹ «Чор девон», 49-бет.

² «Чор девон», 174-бет. Шуниси муҳимки, бу ғазал бутунликда сўфиёна ғазал эмас. Демак, Навой лирикасида бундай нарсалар айрим элемент сифатидагина сочилгандир.

³ «Ҳу» лафзи «оллоҳ» сўзининг сўнгги ҳарфидан олинган (М. Айний, «Тасавуф тарихи», 204-бет. (Имом Ғаззолий ҳам «ло илоҳа илло ҳу»ни ориф сўфиларнинг калмаси деб билган (яна у ерда, 204-бет). Пантеистик тасаввуфнинг гениал ва файласуф шоири Мавлоно Румий бу лафзни символдай тушуниб бир ғазалида:

«Ҳу» занам бар қудсиён ҳар шаб э-дил «ҳу-ҳу» занам, (яъни поклик билан ҳар кеча кўнгулдан «ҳу» деб ҳайқирайлик). У ўз муридларига ҳам таълим бериб дер эди:

Эй сўфини аҳли сафо аз жон бигу «оллоҳу ҳу!»
Эй ошиқи аҳли вафо аз жон бигу «оллоҳу ҳу!»

(Яна у ерда, 210-бет.)

Навонийни сўфи шоир дейишга ҳеч қандай асос бўлолмайди. Бу унинг лирикасида бош хусусият эмас, балки ўткинчи ва тобеъ бир кайфиятдир. Иккинчидан, кейинча кўрадиганимиздай, шоир пантеистларнинг яхши традицияларидан илҳомланиб, бу баҳона билан жонсиз ва бағри тош руҳонийлардан — зоҳидлардан, сохта ва мунофиқ фақиҳлардан кулади, уларни масҳара қилади.

Умуман шарқ лирикасини қандай бўлмасин тасаввуфий маънода изоҳлаш¹ методологик жиҳатдан бузуқ ва зарарли бир традиция бўлиб келар эди.²

Навоний лирикасининг асосий қисми инсоний, дунёвий севгининг таронаси, ер фарзандлари бўлган реал шахсларнинг суратидир.

Шоир ўз севганини ҳурлардан, унинг уйини жаннатдан афзал деб ёзган мустазодидаги шу сатрларни кўрайлик:

Ул нодирадинким, лақабин ҳур демишлар,

Ҳуснинг эрур аҳсан,

Ул манзарадинким, отидур жаннати аъло,

Кўйинг эрур аъло³.

¹ Бу хатодан машҳур шарқшунос Кримский ҳам қутулолмаган. У XV—XVI асрлардаги туркий адабиётларнинг бошдан-оёқ мистикадан иборат бўлганини, ҳатто дунёпараст шоирларнинг шеърлари ҳам асл маъносидан эмас, руҳоний (мистик) маънода тушунилаётганини гапириб, тамоман буржуа олимнинг маҳдудлигини ифодалайди. (А. Кримский — Туркия ва унинг адабиёти тарихи) — 42-бет. Москва, 1910).

² Энг дунёвий ғазални ҳам: «ишқи илоҳий» маъносидан таъбир қилишнинг яққол мисоли шоир Камол Хўжандийнинг:

Чашми агар инасту абру ину зулфу чеҳра ин,
Альвидо эй вуҳду тақво, алфироқ, эй ақлу дин!

(яъни: кўзу қошлар, зулфу чеҳралар шунақа бўлар экан, энди ибодат тақво, ақл ва динга хайр! («Минҳожул — фуқаро» — Сари Абдулла, 28-бет.) Холбуки, бу ғазалнинг дунёвий гўзал ҳақида бўлгани равшан кўриниб турибди.

³ «Чор девон» — 217-бет.

Бу ерда очикдан-очик дунё гўзали мавҳум образларга қарши қўйилади. Яна бу мустазоднинг ўзида шоир зуҳду ибодатдан воз кечиб, майхонага ва чиройли ашулачига майли борлигига иқрор бўлади:

Зухд ичида топмади Навоий чу мақоми
Эмди қилур оҳанг,
Ким бўлғай улу, бодаис, бир турфа муғанни,
Муғ кулбаси маъво¹.

Ажабо, бу образларни (ва бунга ўхшаган юзлаб ғазаллардаги ёр, маҳбуб образларини) худонинг образи, бу севгини — «ишқи-илоҳий» деб тафсир қилишга қандай асос бор?

Навоий улуғ романтик шоирдир. Лекин улуғ санъаткорларда умуман бўлганидай, реал ва конкрет ҳаёт, хоҳ-нохоҳ ўз башарасини изҳор қилади. У мустасно, эҳтиросли, романтик характерда, у муболағали ва ҳаёлий лавҳаларда нақадар ҳаётийлик, нақадар санъаткорона мушоҳадалар бор. Кўп вақт энг нозик маънавий-руҳий ҳолатни тасвирлаганида шоир энг жонли бир лавҳа билан, ўша даврнинг энг типик ва характерли бир кўриниши билан таққослайди:

Чу қўйдинг доғ тиндурдинг кўнгулни дардин истардин,
Дирам бирла гадони ўйлаким қилгай киши хушнуд²,—

деб ўқиганимизда, кўзимиз олдида Ҳирот кўчаларида ё бозорларида тиланиб юрган сарсари бир гадой жонланмайдими?

Оразин кўрдум ниҳон, ашк айлади сиримни фош
Эшурун қолмас ўғурлиқ уй аро, ким бўлса ёш³.

¹ «Чор девон», 217-бет.

² «Чор девон», 45-бет.

³ «Чор девон», 94-бет.

Буни ўқиганимизда турмушдан олинган оддий факт эсга тушмайдами? Ота-оналаридан рухсатсиз бола уйда бирон арзимас нарсани олгану, лекин ёш бўлгани учун сирни яширолмасдан қўлга тушган.

Қоши кўнглум ўғрисидур роки ўлмоқ не суд,
Ўғри бош солғач қуйи бордур далили эътироф¹.

Буни ўқиганимизда ўзимизни Ҳирот қозихонасида, жинояти устида қўлга тушган ва уялганидан бошини қуйи солиб турган ўғрининг судидаги тамошабиндай сезмаймизми?

Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири дайр,
Айлагил май шишасидин синдируб, айнак менга².

Бу байтда катта маърифат, бизлар учун катта янгилик бўлган бир справка берилади. Ҳозиргача биз бирон тарихий маҳазда, хотираларда ёки суратларда XV аср кишилари кўзойнак тақиб юрганини учратганимиз йўқ?³ Аммо Навоийнинг шу байти у замон Ҳиротда кўзойнак қўлланилганидан очиқ дарак беради.

Навоий ғазалларида ва бошқа лирик шеърларида реал деталларга юзлаб мисол топиш мумкиндир.

«Ғароибус сигар»нинг қаҳрамони ҳаётни, дунё лаззатларини севади. У ёр васлидан, бахт ва ишққа муяссар бўлишидан шод, қувноқ ва муташаккирдир. Гедоник⁴ бир тарзда ёзилган ва анакреонтик лирикага мукамал бир ўрناق бўладиган ғазалнинг ҳар мисраи ва ҳар байти ҳаёт ва бахт нашидасидир:

¹ «Чор девон», 110-бет.

² «Чор девон», 5-бет.

³ А. Жомийнинг бир ғазалидаги ишорадан бошқа.

⁴ Гедонизм — дунё лаззатларини ҳаётнинг мақсади деб тушулган фалсафий оқим.

Менмудур менким, сенинг васлинг муяссардур менга,
Бахти гумраҳдин қачон бу қисса бовардур менга¹
Ҳақ тануқдирким, тирикликдин менга сенсен мурод,
Йўқса оламнинг йўқу бори баробардур менга.
Не учун базми — виссл ичинда ичмай бодаким,
Кўзию оғзи бу кун бодому шаккардур менга²
Не хуш бўлғай иковлан маст бўлсоқ васл боғинда³,

деб бошланган ғазал бахтнинг илтифотидан баҳраманд
қаҳрамоннинг тилакларини тасвирлаган кучли ғазалдир.

У бахт ва висолнинг муяссар бўлажигига умидвордир.

Ҳижрону висолин кўпу оз дема, Навоий,
Юз шукур деким, кўпи бориб, ози қолибтур.⁴

У эришилган бахт базмида ўтиб кетган қайғуларни тил-
га олишни номуносиб ҳисоблайди:

Васлида жонимга ҳажридин не келганни демон —
Ким, фараҳ⁵ базмида зикр этмак эмастур қайғу, хўб⁶.

Турмушда расмий исломнинг зуҳду тақво шартлари-
рига риоя қилишни талаб қилиб айтилган насиҳатларга
шоир энгил ҳазил билан насиҳат эҳлини писанд қилмайди-
гандай, ҳозиржавоблик билан луқма ташлайди:

Насиҳат аҳли менга дерки, майни тарк эт, ваҳ,
Элик олиб келур, оғзим ичар, менга не гунаҳ⁷.

¹ Шоир: ҳаётда азобу уқубатлар шу қадар кўп бўлдики, бу бахт-
ни дарҳақиқат бўлган воқеа деб санашга ҳам қийналасан киши —
демоқчи.

² «Чор девон», 7-бет.

³ «Чор девон», 12-бет.

⁴ «Чор девон», 69-бет.

⁵ Ф а р а ҳ — хурсандчилик.

⁶ «Чор девон», 20-бет.

⁷ «Чор девон», 182-бет.

Ҳаётӣ лаззатларнинг реал лавҳасини шоир «ўт солур эл жонига...»¹ деб бошланган ғазалида жуда яққол тасвири-лаб беради. Бу ерда қиш кечаси, шароб кўтариб най ва ашулачини эшитиб, суҳбат қилаётган дўстлар мажлиси фавқулодда бир ҳаққоният билан яратиб берилган.

Икки ҳамдамким эрур май базм аро ҳамдамлари,
Топмасун биздин малолат хотири хуррамлари.²

матлаи билан бошланган ғазал ҳам ҳаёт ва бахтнинг кўп нафис таронасидир.

Ҳаётни англаган, унинг лаззатларидан буюк илҳомбахш ва ижодий қудратни билган Навоий бундай умрни зийнатли бир китобга ўхшатади ва бу китобнинг сарлавҳаси бақо (абадият) муҳри билан босилишини орзу қилиб, шундай фикран чуқур ва бадий жиҳатдан юксак байт ижод қилади:

Уш зийнати кўб номадурур умр ва лекин
Тавқи вафодин анга унвон керак эрди.³

Бутун бу оптимистик куйлар, бақувват ҳаётчанлик, толенинг баъзан илтифотларидан баҳраманд бўлиб, масрур ва мамнун лирика яратиш, Навоийни классик поэзиямизда⁴ мустасно бир мавқига қўяди. Лекин шу билан бирга ҳассос, инсонпарвар ва виждонли бир шахс бўлган шоир, турмушдаги разолатлардан, ноҳақнинг ҳақни ҳақорат қилишдан, инсофсизликдан кўз юма олармиди? Йўқ. Чунки у шахсий кайфиятлар қобиғига бекиниб қолиб, эл ва одамлар дардига бепарволик кўрсатадиган худком (эгоист) эмас эди. Ижтимоий ҳаётдаги истибод ва турғунлик умидсизликни, тарки

¹ «Чор девон», 198-бет.

² «Чор девон», 198-бет.

³ «Чор девон», 203-бет.

⁴ Э. Бобирдан қатъи назар.

дунёликни туғдиради. Типик шарқ тузуми, феодал жамияти бўлган Хуросонда ҳам бу идеология ҳукмфармо бир вазиятда эди. Бутун ҳаётийлик ва оптимизмга қарамай Навоий ҳам бу мафкуранинг таъсиридан қутулолмасди. Бинобарин унинг лирикасида пессимизм элементлари маълум ва жиддий ўрин оладилар. Бунинг сабабини шоир ўзи бир ғазалида кўп очиқ ва тўғри изҳор этган.

Эрур мақсад — йироқ, води — узун, тун — тийра, йўл — бўргоқ¹.

Шунинг учун шоир баъзан чуқур умидсизликка тушиб шундай ҳайқиради:

Ваҳки, ҳар соат бўлурмен васлиндин еткач нувид,²
Ердин умидвор, аммо ўзимдин ноумид.³

Бу гўзал ҳаёт боғида қарғалар ўзига уя қилганлари учун шоир умуман бу дунё боғини ташлаб кетишга қарор қилади:

Эй Навоий, даҳр боғидин қутулмоқ истаким,
Булбул учқон яхшироқ зоғу заған маъвосидин.⁴

Навоий дунё боғига қўнган қарғаларни яхши сўз таъсири билан қувмоқчи бўлди. Чунки у сўзнинг фусункор қудратига ишонган идеалист эди. Бу метод таъсир қилмагач, у умидсизликка тушди. Чунки у ҳақсизликнинг туб сабабини билмас эди ва билолмас эди. У, масала, айрим ёмон шахсларда эмас, балки эксплуатация асосида қурилган жа-

¹ «Чор девон»,—31-бет. «Бўртоқ» ёки «бўрдоғ» сўзини «Луғати чигатойи турки»да (78-бет) нотекис ва ҳароб маъносида тушунтирилади.

² Нувид — башорат.

³ «Чор девон», 49-бет.

⁴ «Чор девон», 150-бет. Маъво — мақоғ,

миятда эканини билолмас эди. Бу унинг айби эмас, фожиасидир. Чунки В. И. Ленин айтганидек, умидсизлик, ёмонликнинг сабабини тушунмаган, нажот йўлини кўрмаган, курашга ноқобил бўлган кишиларга хосдир.¹

Владимир Ильич, бундай умудсизлик кайфиятларига қарши улуроқ чинакам курашчан революцион синф бўлмиш саноат пролетариатини қўяди. Агар биз XV асрда уюшган революцион синфнинг ва илмий социалистик назарияларнинг йўқлигини эътиборга олсак, Навоийнинг узри ҳам, хизмати ҳам бизга равшан бўлади. У «ёмонликнинг сабаби»ни тушунмагани учун бадбинликка тушади ва лекин шу билан бирга ўз шеърини қуроли билан одамларга яхшиликни талқин қилишга уринади. У ўз ўткур сўзи билан ёмонликнинг илдизини бўлмаса ҳам меваларини қуритмоққа ҳаракат қилиб, халқнинг кўзини очишга хизмат қилади. Динни эмас, дин ходимларини, халқни маънавий асоратда сақлаган бу руҳоний жаллодларни фош қилади. Бу жиҳатдан олганимизда унинг лирикасида, чин граждандан лирикаси даражасига кўтарилиб, тор интим кайфиятларни эмас, ижтимоий-актуал масалаларни қўяди. Биз юқорида Навоийнинг лирик воситалар билан адолат, ватан образларини ишлаганини муфассал айтиб ўтган эдик. Энди шоир юмор ва сатирани ҳам ўз лирикасига киргизганлиги устида икки оғиз гапириш керак. Бу факт унинг воқеликдаги турли ҳодисаларга турлича муносабатда бўлганини ва ўзининг лирик созини тарбиявий-ахлоқий танқидий қурол сифатида тушунганини кўрсатади.

У халққа панду насиҳат қилишдан олдин халқни эшитиш, унинг дардларини билишни талаб қилади. Халқ аҳволини билмай туриб «донишмандона» бир шева билан халққа устозлик қилмоқчи бўлганлардан кулиб, у аввал ўзинг халқдан ўрган, сўнгра насиҳатгўйлик қил, деб талаб қилади:

¹ В. И. Л е н и н, Сочинения, XIV т., стр. 406.

Эшитмай халқ пандин турфаким, панд элга ҳам дерсен,
Қила олсанг эшитгил панд сенким, элга бермай панд.¹

У одамлардан тўғрилиқни ва ҳаққонийликни талаб қилиб, иккиюзламачилиқни шундай бир муқоясада танқид этади:

Иккиюзлик бўлмаким, бу боғнинг раъно гули,
Гар қизорур бир юзи, лекин яна бир сарғарур.²

У пул ва давлатни ҳаётда мақсад қилиб қўйганларга мурожаат этиб, дунё молига нафси узун бўлган кишиларнинг умри қисқа бўлишлигини огоҳлантиради:

Кирма савдо баҳрига оламдин истар суд ким,
Сим нақди тушса, лекин умр нақди қисқалур.³

Мана шундай қилиб ўз лирик кечинмалари орқали одамларни яхшиликка хушахлоқликка чақирган шоир, золимлар билан бир қаторда ёлғончи, мунофиқ, баднафс, тамагир, худбин шахслардан кулади ва бу типларни кўпинча сохта зуҳду ибодатга берилиб, ўз шахсий манфаатларини кўзлаган руҳонийлар орасидан топади. Бу мавқеда Навоийнинг лирикаси ҳаётнинг бутун мураккаблигини ўз пардаларида чалиб айтувчи сероҳанг бир рубобга айланади. Бу муносабат билан М. Горькийнинг лирик шоир тор мавзуларга бекиниб қолмаслиги керак, деган маслаҳати эсга тушади: «Ҳаётда заҳар кўпу лекин асал ҳам бор — буни излаб топа билинг. Ўзингиз ясаган қафасга кўнглингизни қамаб қўйган тор лирик бўлманг. Ҳам юморист, ҳам эпик, ҳам сатирик ва ҳамда соддагина бир шўх киши бўлишга ҳам журъат қи-

¹ «Чор девон», 45-бет.

² «Чор девон», 63-бет.

³ «Чор девон», 63-бет.

линг. Барча мавжуд нарсани олиб, буни яна халққа, инсонларга бериш лозим»¹.

Буюк Навоий ўз даврида тор лириканинг имкониятлари чекланмаганини сезгани учун бу традицион қафасни синдирмоқчи бўлиб, лириканинг тематик ва ғоявий сарҳадларини кенгайтирди. Унга юмшоқ табассум билан бир қаторда аччиқ заҳарханда ёки севгидан фарёд кўтариш билан бир қаторда, пастлик ва разолат устидан хохолаб қаҳқаҳа уриб юбориш ҳолатлари кўринади. «Модомики, поэзия синфий воқелик ва шуурни инъикос эттириш билан чекланмай мафкура соҳасидаги синфий ҳужумнинг ва мудрофаанинг бевосита қуроли ҳам бўлиб қолар экан, урфий ва ғайри урфий лирикага тез фурсатда сатира ва сарказм (заҳарханда) элементлари сингиб қолади.² Сатира, ижтимоий-сиёсий бир қурол сифатида турли гуруҳларнинг қўлида турлича роль ўйнаган: демократик-прогрессив кучлар қўлида кулги тараққийпарвар аҳамиятга эга бўлганидай, реакцион-мутаассиб гуруҳлар қўлида жабру-жафони абадийлаштириш мақсадига хизмат қилган. Навоий ўзи феодал синфга мансуб бўлгани ҳолда ўзининг инкишоф йўлида прогрессив интеллигенция позициясида турди ва борган сайин халқнинг қайғу ва ташвишларига шерик бўлиб, демократик кайфиятларни ўз ижодида кўпроқ изҳор қила бошлади. Прогрессив ижтимоий онгнинг у шароитда етилмаганлиги бундай пешқадам кишининг ҳам зеҳниятида қарама-қаршилиқлар туғдирар эди. Бир томондан, у шоҳга мухлис; иккинчи томондан, зулмни танқид этади. Бир томондан, у художў; иккинчи томондан, шайхлардан ва муфтилардан қулади. Бир томондан, қизгин ва шўх ҳаётсе-

¹ М. Горькийнинг 1916 йилда арман шоири Тигран Ахумянга ёзган хатидан Н. К. Пиксановнинг Горький ва миллий адабиётлар китобидан олинди. Москва, 1946 й. 101-бет.

² Луначарский.—«Лирика»—«Адабиёт энциклопедияси», VI т., 385—386-бетлар.

вар, иккинчи томондан, маънос ва бадбин таваккалчи...¹ Аммо шоирда илғор тенденциялар ижоднинг етакчи омили бўлиб, тараққийпарвар майлларини устун қилиб қўяди ва ундаги гуманистик-демократик патриотик элементларнинг лирикада ҳам галабасини таъмин қилади. Бу прогрессивлик ва демократикликнинг яна бир ифодаси Навоийнинг сати-расидир. Биз бу ерда, «Ғароибус сиғар»даги ва умуман «Чор девон»даги лирик қаҳрамоннинг бошқа бир ҳислатини кўрамиз. Бу, энди юмшоқ, камтар ва мухлис ошиқнинг со-зи эмас, балки ғазабли ҳақиқатпарвар ва ростгўй граждан-нинг заҳарли кулгиси ё аччиқ луқмаси ва ёхуд аёвсиз ниш-таридир.

- Эй Навоий, шайхга шайтон гар афсор² урмади —
Бас нега доим қилур ҳазил ул узун фашлик³ билар?⁴

Катта руҳоний бошлиқларга нисбатан шундай журъат-ли портрет яратган шоир, буларнинг аслида шайтонга шо-гирд бўлиб, фиқу-фасод йўлига тушиб кетганларини шун-дай ўткир масхара орқали фош қилади⁵.

Атрофига муридлар тўплаб, ҳар хил ҳийла ва сохта-корлик билан ўз давлати ва обрўини кўпайтиришга урин-ган руҳоний пирлар ва шайхлар ҳақида Навоий кўп ғазал, мураббаъ ва бошқа жанрдаги шеърларини чертиб-чертиб

¹ Буюк санъаткорда, замонанинг тақозоси билан реакцион ва прогрессив элементларнинг чирмашиб кетиш процессини ечиб бе-ришнинг классик намунаси В. И. Лениннинг «Толстой ва унинг даври» номидаги мақоласидир. Ижоддаги зиддиятни даврга боғлаш бобида бу мақола адабиётшунослар учун қўлланмадир.

² А ф с о р — жилов.

³ Ф а ш — салланинг осилиб турган учи.

⁴ «Чор девон», 195-бет.

⁵ «Тасаввуф тариқатларининг кўпчилигида ҳам мурид маълум пирга ё шайхга қўл берини керак. Бу шундай бир одат бўлиб кет-ганки, «шайхи йўқ кишининг шайхи шайтондир» деган масал тўқил-ган («Тасаввуф тарихи» 221-бет). Навоий эса шайхнинг ўзи шай-тонга муриддир деб таъна қилади.

ўтади. Лекин бу типларнинг тўлароқ портретини «шайх» радифли газалда кўрамиз:

Хонақоҳда ҳалқан зикр ичра гавго қилди шайх,
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх¹.

У шайхларни, халқни ризқу-молини талашда айблайди. Шоир ўзининг бундай шайхлардан ихлоси қайтгани учун майхонага йўл олганини айтади.² Бу сатирада шайхлар текинхўр, алдоқчи, нодон кишилар сифатида тасвирланади.³

«Ғароибус сифар»да энг гўзал ва сермазмун асар бўлган машҳур «Соқинома»⁴ ўткир антиклерикал чизикқа эгадир. Шоир, хилват, зикр ва сажжодаларни кўриб, бу ҳаммаси риё ва мунофиқликдан иборат эканлигини тушунган ва шунинг учун:

Булардан ўзимни халос айладим,—

дейди. Май ичгани учун зоҳид уни койийди, жавобида шоир: шуҳрат учун ва зоҳиран қилинган ибодатдан кўра, майни яхшироқ дейди:

Дедим яхшироқ бода ул зуҳддин-
Ки, қилгай киши шуҳрату от учун.

Зоҳидларнинг аскетик тарғиботига қарши ўлароқ шоиримиз май (бода, чоғир, шароб) образини намоёншкорона равишда мақтайди. Май унинг назарида ҳаёт симболидир. Исломда манъ қилинган бу ичкиликни қасддан куйлаши билан, руҳонийларни писанд қилмаганини қайд қилиб кўрсатмоқчи бўлади.⁵

¹ «Чор девон», 43-бет.

² «Чор девон», 44-бет.

³ Навоийнинг «Ҳайратул аброр»нда риёкор шайхлар ҳақидаги 3-мақолати билан солиштирилсин.

⁴ «Чор девон», 225-бет.

⁵ Йўқса Навоий лирикасида май кўп куйланганини кўзда тутиб шоирни ҳаётда доим «масти мудом» каби тасвирлаш нотўғри бўлар

Бутун лирикасида бўлганидай «Ғароибус сиғар»да ҳам Навоий виждон принципини асос қилиб олган улуғ гуманист шоирдир. Унинг лирик қаҳрамони бу шоирнинг ўз улуғ ҳаётидир. Бу ҳаёт мураккаб, рангли ва эҳтиросли бўлган лирик қаҳрамон ҳам шу даражада мазмундор бир шахсиятдир. У ўз замонасининг улуғ граждани образини яратган наққошдир. Бу лириканинг ўз замонасида шарафли ва тарбиявий ролини ҳамма замондошлари айтади.¹ Узининг зўр камтарлигига қарамасдан Навоий адабиётдаги ўз ролини онглар ва шу билан ифтихор қилар эди:

Эй Навоий қилғали табъ аҳли жинси шеър назм,
Назмнинг ўлди барчасига қофия, балким радиф.²

Бизнинг замонамиз учун ҳам Навоий лирикаси улуғ тарбиявий хазина бўлиб, совет кишиларидаги олижаноб хислатларни парвариш қилишга хизмат қилади. Биз Навоийдаги ўткунчи, заиф томонларни, тасаввуфий, шаҳпарварлик кайфиятларини рад қиламиз, чунки бу бизнинг халқимиз тарихи учун аллақачон босиб ўтилган босқичдир. Биз шоирдаги пессимистик кайфиятларни англаймиз, булардаги тарихий-маърифий материалларни ўрганамиз, аммо тарбиявий қурол сифатида фойдаланмаймиз.

«Улуғ ўзбек шоири» (мақолалар тўплами), ЎзФАН,
Тошкент — 1948, 131-158-бетлар.

эди. Ҳолбуки Навоий ўзи Султонга ёзган хатларида «Ҳар неча ичмак ичида эҳтиёт», «Барча ҳушёрликка вобастадур», «Жами ёмонлик чоғирдин мутаввалит бўлур» деб маслаҳатлар беради. (Қаралсин: «Муншаот» 56-бет.) Лекин Навоий, шаробдан парҳез қилар эди деб ўйламаслик керак.

¹ Восифийнинг «Бадоеул вақое»да Навоий мустазодларининг бутун Ҳиротда айтилгани, Хондамирнинг «Макоримул ахлоқи»да кўп мамлакатларда Навоий шеърлари ўқилгани сўзланади.

² «Чор девон», 111-бет.

АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИНИНГ БАЪЗИ БИР ПОЭТИК УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА

(«Ғаробус сигар» девони бўйича)

Навоий классик адабиётимизнинг чўққиси. Октябрь социалистик революциясидан илгариги поэзиямизнинг марказий, асосий ва бош сиймосидир. У Урта Осиёнинг қадимий туркий адабиётидаги энг яхши ютуқларни эгаллаш билан бирга мусулмон Шарқининг илғор адабиётларидаги (араб, эрон, тожик, ўзарбайжон поэзиясидаги) бадий тажрибаларни ҳам ижодий равишда ўзлаштирди. Албатта, табиий ўлароқ, Навоий ўз поэзиясида умуман классик шарқ адабиётининг пешқадам қисмига хос бўлган эстетик нормаларни қабул қилди. Адабиётнинг хусусияти, мазмуни ҳам вазифаси ҳақида бағоят маънодор бир таъриф Навоийнинг шеъриятга қарашини тўғридан-тўғри ва очиқдан-очиқ ифодалайди. Навоий таъбирича шоирларнинг иши «маоний хазоинидан жавоҳир термоқ ва эл файзи учун назм силкига вазн бермоқ»¹дир. Бу кичик бир таъбирдаги энциклопедик чуқур таърифга қаралсин:

I. Поэзияда маъно ва мазмун асосида («маоний хазоинидан жавоҳир термоқ»); II. Бу мазмун ва маъно маълум ва мунтазам бир қолипда шаклланиши керак. («Назм силкига вазн бермоқ») ва III. Поэзиядан мақсад халққа, элнинг фойдасига хизмат қилишдир («эл файзи учун»).

Лекин бу тараққийпарвар принципни амалга оширишда Навоий ўз замондошларидан ва ўзидан илгариги бир қан-

¹ «Маҳбубул-қулуб», Тошкент, 1939 йил, 28-бет.

ча буюк шоирлардан изчилроқ ва дадил бўлган. Аммо классик эстетика нормаларини қабул қилган шоир бу элементларга янгилик киргизишга, ўзидан илгари поэзияда тутилмаган образ ва усулларни қўллашга уринди. Ҳар бир улуғ санъаткордай бор нарсани пассив равишда қайтармади, балки мавжуд меросни танқидий кўадан кечириб шеър аслаҳонасини бойитди, мукаммаллаштирди. Шоир ўзи, азалдан бери босма қолип бўлиб келиб чайналган ва ўз тароватини йўқотган бадий унсурларнинг ёзувчига шону шараф бағишламаслигини билади. Маълумки шарқ поэзиясида жоннинг қоматини сарву шамшод, тубо дарахтига ўхшатиш жуда эски бир традициядир. Навоий ўзи бир қанча ғазалларида ва дostonларида бу ташбиҳни қўллаган. Аммо, у бунинг кифоя эмаслигини, бу образ фақат традиция кучи билангина давом этиб келганини сезарди ва «Ғароибус сиғар»да бир жойда ўзи ўз шоирлиги устидан юмшоқ бир мутойиба билан шундай ҳазиллашади:

Қилди Навоий қаддинга сарви саҳи ташбиҳини,
Бу табъи номавзун ила бечора шоир бўлғуси.¹

Бу ажойиб байтдан кўринадики, Навоий назарида чин шоирона санъатнинг шарти бадий ифода янгилик, оригиналлик излашдир.²

«Ғароибус сиғар» Шарқ классик лирикасининг деярли барча жанрларида ёзилган шеърларни ўз ичига олади.

¹ «Чор девон», 209-бет (Мисоллар Узб. Ф. А., Тил-адабиёт институтининг қўлёзма «Чор девон»идан олинди).

² Бу талабни программий бир кенглик билан Навоий «Фарҳод ва Ширин»нинг кириш қисмида майдонга ташлайди:

Анн назм ётқи, тарҳнинг тоза бўларай,
Улуғга майли бевандоза бўларай.
Ёйқ арса назм қилгонни халойиқ,
Муқаррар айламоқ сендин не лойиқ?

Қаралсин «Ҳамса», 165-бет, Тошкент босмаси.

Биз «деярли» деймиз, чунки, бу девонда ғазал, рубой, ҳикмат, марсия, фаҳрия, баҳория, мутойиба соқийнома, фард, қитъа, муножот, наът, таркиббанд, таржиъбанд, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусамман каби турларни кўрганимиз ҳолда Шарқ девонларига одатда киритилиб турган қасида ёки мадҳия ва ёхуд итҳоф руҳида (туҳфа тарзида дейилмоқчи — ред.) ёзилган алоҳида шеърни кўрмаймиз. Демак, Навоий расмий характерда ёзилган шеърларни лирик девонга лойиқ кўрмаган (ҳолбуки унинг Бойқаро ҳақида бир қанча қасидалар ёзганлиги маълум). Иккинчи томондан одатда девон эгалари ўз китобининг бошига замона ҳукмдорлари ҳақида бирон қасида киритиш билан мазкур ҳукмдор ёхуд ҳокимдан маълум инъом олишга умидвор бўлганликларини қайд қилиб қўяр эдилар. Маълумки шоиримиз бундай муддао ва тамадан холи эди.

«Ғароибус сиғар»нинг асосий қисмини ғазаллар ташкил этади. Бошқа жанрларда ёзилган шеърлар форма жиҳатидан ниҳоятда муайянлашган шартларга бўйсунитиши шарт: масалан, рубой 3 ёхуд 5 мисралик бўлиши жоиз бўлмаганидек, мухаммаснинг ҳар бир банди беш мисрадан иборат бўлиши лозим. Аммо, ғазалда ҳажм жиҳатидан бир қадар эркинлик бор.

Монорифма (якка қофиячилик) асосига қурилган бу шеър катта ё кичик бўлиши мумкин. Албатта лирик шеър жуда ҳам катта бўлиши унинг бадиий таъсирини камайтиради, китобхондаги эмоционал ҳисларни ўтмаслаштириб қўяди. Навоий ғазалларининг ҳоким формаси 7 ёки 9 байтлик ғазаллардир. Аммо, унда 8 ва 10 байтлик ғазалларини ҳам учратиш мумкин. Бу факт шоирда бадиий завқнинг қатъий андозаларга эга бўлганини, таъсиротнинг ҳадду ҳудудини яхши тасаввур қилганини кўрсатади. Чунки лириканинг иҳота доираси эпик ва драматик асарларга ўхшаб бепеён бўлмайди. Буюк рус мунаққиди лириканинг кесимлигини шундай изоҳ қилади: «Айрим асар ҳаётнинг бутуң-

лигини қучиб ололмайди, чунки субъект бир лаҳзанинг ўзида ҳамма нарса бўлолмайди»¹. Бу вазият лирик шеърнинг ҳажмини ҳам белгилайди. «Лирик асар, оний бир сезгидан туғилгани учун узун бўлолмайди ва бўлмаслиги керак, акс тақдирда у совуқ ва сунъий бўлиб, китобхонга роҳат бериш ўрнига уни бездиради»². Навоий бу ҳақиқатни ўз вақтида ва ўзича сезганлиги ва билганлиги учун унинг ғазаллари одатда 14—18 мисрадан ошмайди.

Модомики, Навоий девонининг асосий организмни ғазал ташкил қилар экан, шоиримизнинг бадийий приёмлари ва маҳорати ҳам бу жанрда яққолроқ ва типикроқ бўлиб изҳор қилинган. Бу хусусиятлар у ва ёхуд бу даражада бўлак жанрларда ҳам татбиқ қилинганлар.³

Навоий ғазалининг асосий ва биринчи хислати унинг мантиқий тарзда тузилиши, бир моментнинг иккинчи моментдан туғилиб келишидир. Бу жуда муҳим бир хислатдир. Чунки кўп ғазалнавис шоирларда шеър гўзал ва алоҳида байтлардан иборат бўлиб, механик равишда тузилгани учун ундаги байтлар олдинма кейин қилиб алиштирилса, ўқиган киши бу ўзгаришнинг фарқига етмаслиги ҳам мумкин. Шу маънода олганимизда бир қанча ғазалнависларнинг шеърларида сюжет кўринмайди.⁴

Чунки, бундоқ шеърларда, ғазалда ягона бир мавзу ва образ бўлмай тематик жиҳатидан бир-бирига яқин истио-

¹ В. Г. Белинский. «Танланган асарлар», Москва — 1947 йил, 183-бет.

² В. Г. Белинский. Уша ерда, 183-бет.

³ Бўлак жанрлардан гапирганимизда, классик адабиётда бўлмаган ва туркий фольклордан олинган «туюғ»ни ҳам кўзда тутиш керак.

⁴ Бу ерда сюжетни кенг маънода тушуниш керак. Яъни маълум бир фабула ва ҳикоя маъносида эмас, балки фикр ва туйғуларнинг бир-бирига мантиқий равишда боғланиб келишлиги маъносида аниқлаш лозим.

ралар ва ташбиҳлар ёнма-ён тизилиб, умуман, чиройли ва лекин воқеабанд бўлмаган асар пайдо бўлиб қолади.¹

Навоийда биз бошқача бир хусусиятни кўрамиз. Фикрий муддаонинг бутунлиги, тасвирда фақат субъектив ҳисларнинг жилвасини эмас, объектив ҳаётний воқеаларнинг силсиласини кўзда тутиши, Навоийдан энг кичик лирик шеърларни ҳам мантиқий иплар билан боғлашни талаб қилади. Бунинг натижасида ғазалда бутунлик, байтларнинг бир-бирига тасодифий эмас, мантиқий муносабатлар билан боғланганини кўрамиз. Бу ҳолатни бир неча мисолда намоиш қилайлик; мана Навоийнинг бир бутун ғазали:

Ердин айру кўнгул мулкедуру султони йўқ,
Мулкким султони йўқ, жисмедуруким жони йўқ.
Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул
Бир қаро туфроқдекдурум, гулу райҳони йўқ.
Бир қаро туфроғким, йўқтур гулу райҳон анга,
Ул қоронғу кечадекдурум, маҳи тобони йўқ.
Ул қоронғу кечаким, йўқдур маҳи тобон анга,
Зулматедурким, анинг сарчашман ҳайвони йўқ.
Зулматеким, чашман ҳайвони онинг бўлмағай,
Дўзахедурким, ёнида равзаи ризвони йўқ.
Дўзахийким, равзаи ризвондин ўлғай ноумид,
Бир хуморийдурум, анда мастлиғ имкони йўқ.
Эй Навоий, бор анга мундоқ уқубатларки бор,
Ҳажрдин дарди ва лекин васлидин дармони йўқ!

¹ Ҳатто машҳур Ҳофиз Шерозийнинг ғазалларида биз бу ҳолатни кўрамиз. Унинг бир қанча ғазаллари ва жумладан ашулага тушиб кетган «Агар он турки Шерозий ба даст орад дили моро» матлаъли ғазали ҳар хил қўлёзмаларда ва куйга солиб айтилишида байтларнинг тартиби ҳар хил берилса ҳам маънога халал етказмаганлиги, буларда сюжетнинг йўқлигига яққол далилдир. (Дунаевский таржимасида чиққан русча девоннинг сўз бошисига қаралсин, 1934 йил).

Бу ғазалда байтларнинг маънавий ва шаклий боғланишига эътибор қилинса, Навоий лирикаси учун характери бўлган бир хусусият кўзга ташланади. Байтлардаги алоқани кузатсак шундай бир лавҳа пайдо бўлади.

I байт:

- а) Ёрсиз кўнгул — султонсиз мулк;
- б) Султонсиз мулк — жонсиз жисм;

II байт:

Жонсиз жисм — райҳонсиз тупроқ;

III байт: Райҳонсиз тупроқ — ойсиз кеча;

IV байт: Ойсиз кеча — обиҳаёт чашмаси бўлмаган қоронғу ғор;

V байт: Чашмасиз қоронғу ғор — жаннат боғидан узоқ турган дўзахий;

VI байт: Жаннат боғидан умидсиз қолган дўзахий — майсиз хуморий;

VII байт: Лирик хотима (ҳажр билан васл қарама-қаршилиги).

Бу схемадан аёндики, ғазалдаги байтлар фикран, жисман ҳам воқеан бир-бирига чамбарчас боғлангандир. Ғазал бошдан-оёқ ташбиҳ (ўхшатиш) приёми асосида қурилган. Шоирнинг бадий муддаоси қаноатланмаган ёхуд жавобсиз севгининг дардини ифода қилишдир. Узининг бу ҳолатини у 7 ташбиҳ билан, қаторма-қатор, эмоционал лавҳалар билан борган сайин таассуротни кескинлаштириб баён қилади. Бу ташбиҳлар бир-бирлари билан шунчалик мантиқий равишда боғлиқки, агар масалан, бу ғазалда V байтни II байт билан алмаштирсангиз, шеърдаги мантиқий ип узилиб, маъно бузилиб, ғазалнинг мунтазам иморати қулаб кетади. Ҳолбуки, ҳамма ғазалларда ком-

позиция айнан шундайдир деб айтолмаймиз.¹ Навоийдаги бу хусусият унинг лирикасидаги бутунликдан, бадий тафаккурнинг изчиллигидан келиб чиқади. Бу хусусиятни биз унинг яна бир бошқа ғазалида яққол кўрамиз:

Ҳаво хуш эрдию, олимда бир қадаҳ майи ноб,
Ичар эдим, вале ғамдин қадаҳ-қадаҳ хуноб-
Ки, ҳозир эрди ўшул сарви наргиси махмур,
Валек рағмима қилмас эди қадаҳға шитоб.
Манга не заҳраи улким, десамки бир қадаҳ ич,
Не онсиз ичгали май, не қарору тоқату тоб.
Бу ғусса бирла ичим қон бўлуб, нечукки қадаҳ,
Кўзумга ҳар нафас ашк эврулул мисоли ҳубоб.
Чу англадики борур ихтиёр илкимдин,
Кулуб қадаҳ киби лутф айладию қўйди итоб.
Қадаҳни ичтию юз лоба бирла тутти манга-
Ки, онинг ичкани-ўқ қилди мани масти хароб.
Чу соқи этти қадаҳ кўзгусида жилваи ҳусн,
Не айб ошиққи майхора кўнгли бўлса кабоб.
Навоий, васл биҳиштида шукр қил бу нафас-
Ки, ёна чекмагасен ҳажр дўзахида азоб².

Бу ғазалда том маъноси билан кенг бир лавҳа кўзимиз олдида жонланади. Биз бу ерда нимани кўрамиз:

Баҳор чоғи шоир гўзал бир боғчада ўтирган. Унинг олдида шароб қадаҳи турибди. У шаробдан қуйиб ичади, лекин у хуноб! Чунки унинг ёнида ўтирган гўзал ёр, шоирни гижгижламоқ қасдида у таклиф қилган қадаҳни олмайти. Ёрни мажбур қилишга шоирда журъат ҳам йўқ,

¹ Масалан, тўғридан-тўғри эсга келган бошқа бир ғазал билан солиштиринг; шу жумладан Огаҳийнинг «Келур» радифли ғазалини олинг («Ўзбек адабиёти тарихи» II том, 360-бет.), бунинг байтларининг жойларини алмаштирсангиз, шеърнинг қурилишига ҳеч қандай ҳадал етмайди.

² «Чор девон», 18-бет.

ёлғиз шароб ичмоққа майл ҳам йўқ, шароб ичмасдан туришга тоқат ҳам. Аламидан унинг ичи қизил шаробга (қонга) тўлган қадаҳга ўхшайди. Унинг кўзларидан кўз ёшларининг майда пуфаклари ҳадеб айланмоқда. Шунда ёр шоирнинг беҳол бўлиб қолишидан кулумсираб, илтифот қилади. У (ёр), қадаҳдаги майни олиб ичади, юз лил нозу ишва билан шоирга ҳам қадаҳ тутади. Зотан бундан олдин, ёрнинг рози бўлиб, май ичганини кўрган шоир хурсандчиликдан масти хароб бўлиб қолган эди. Қадаҳдаги майда ёрнинг — соқийнинг чеҳраси акс этса, буни кўрган ошиқнинг кўнгли кабобдай куйса айб эмас-ку, ахир! Шу васлда хушнуд бўлган шоир бу бахтни фурсат деб билади ва тақдирга шукур қилади.

Бу муфассал манзарадан кўринадики, Навоий мазкур ғазалида мукамал воқеабанд, сюжетли лирик бир ҳолат яратади. Энди бу ғазалнинг бирон байтининг ўрнини иккинчи бир байт билан алмаштириб кўринг-чи! Гўзал воқеа ва манзаранинг бутунлиги дарҳол бузилиб кетган бўлар эди. Бу ғазалнинг қуввати шундаки, ўқувчининг кўзи олдида лирик кечирмалар орқали конкрет ва реал бир манзара жонланади. Белинский яхши лирик асарларнинг шу хусусиятини кўзда тутиб дейдики: «Бизнинг туйғумизни уйғотиб, уни узоқ вақт фаолиятда сақлаш учун биз бирон объектив мазмунни кузатиб туришимиз керак»¹.

Ғазалда маълум воқеа (кенг маънода) ярата билиш байтларни маънан, фикран ва суратан боғлаш, у ёки бу даражада Навоий лирикасига хос бўлган биринчи бадий усулдир.

Шу усул (приём) билан яқин иккинчи бир усулни ҳам бу ерда белгилаб ўтишимиз керак. Диққат қилингандирки, Навоийнинг ғазалларида ва демак, умуман лирикасида образлар ипи доимий бир тадриж принципига итоат қилди-

¹ В. Белинский. «Танланган асарлар». «Поэзиянинг навларга ва турларга бўлиниши», 183-бет.

рилган. Бир байтдаги бадийй фикр иккинчи байтда инкишоф эттирилади ва бориб-бориб, ғазал бўйича ўзининг «ҳадди аъло»сига етказилади. Бу «тадриж» приёмининг порлоқ мисолини қуйидаги ғазалдан олинган байтларда кўриш мумкин:

Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,
Мавжлиғ дарё киби ошифта кўнглум қўзғалур.

(Бу ерда, ёрнинг дарё саёҳатига чиқиши билан боғлиқ бўлиб, шоир кўнгли ҳам дарё каби қайнаб, қўзғалиб кетганлиги айтилади).

Йиғлама, эй кўз, недин соҳилға чиқмас кема деб-
Ким, ёшинг дарёсидур ҳарсориким, эл кўз солур.

Бу ерда, шоир ўз кўзларига хитоб қилиб, сизлар ўша кемани ва кемадаги ёрни соҳилга нечук чиқмайди деб йиғламанг, дейди. Чунки, кеманинг соҳилга чиқолмаслигига айбдор сизлар, ўзларингиз! Шу қадар кўп йиғладингизки, кўз ёшларингиз ҳамма ёқни дарё қилиб юборди. Ана шунинг учун ҳам кема қирғоққа чиқолмайди. Кўриниб турибдики, бу байт, матлаъга нисбатан чуқурлашган ва инкишоф этдирилган.

Титрабон сиймобдек кўнглум, етар жон оғзима,
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки дарё чайқалур.

Бу ерда шоирнинг кўнгли симобдек титраб, жони оғзига келиб етгани ва бу — қаттиқ шамолдан чайқалган дарёга ўхшагани ҳақида гап боради. Яна ўша дарё образи такмил қилинади. Шамол ва тўлқин элементлари дарё пейзажини тўлатади ва шоирнинг ўз ички ҳолати билан таққосланади.

Бу ғазалнинг давомидаги ҳар бир байт олдин қўйилган тезисни ривожлантириб, такмилаб, тўлатиб боради

ва ниҳоят яна бир (денгиз) кўриниш билан тамомланиб, шоир ўз қўлидаги май жомини ўткунчи дунё денгиздаги кемага ўшатади:

Гарқ этар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр,
Илкига чунким Навоий бода киштисин олур.¹

Яъни: Навоий қўлига шароб кемасини олиши билан дунё денгизда ғамнинг қайиғи ботиб кетади.

Навоий ғазалларидаги «тадриж» приёмининг яна бир яққол намунаси «симоб» ранг атрофида группалаштирилган образлардир. Ушбу ғазални ўқийлик:

Кирди сиймобий либос ичра яна ул тулизор,
Ул қуёшдекким, анга мене бўлур абри баҳор.
Ул булут янглиғ либос узра сизилған хатлари
Бор анингдекким, ёгин тўккай булутдин тор-тор.
Бу либоси сиймун ичра сенинг нозик танинг
Ул кумушдекдурким, ул сиймоб аро тутқай қарор.
Меҳри рухсоринг либоси сиймундин мутлақо,
Ул қуёшдурким, қилур кўзгуда аксин ошкор.
Бўлди сиймобий либосинг ранги, баским айладим,
Кўз саҳобидин бошингга ашк сиймобин нисор.
Танни чун сиймоб этар бу чархи аҳвар оқибат,
Тўн агар сиймобий ўлсин, гар яшил бир ҳукм бор.
Эй Навоий, кисвати гар обгундир не ажаб,
Бу яқиндурким бўлур сув ичра дурри шоҳвор.²

Бу ғазалга диққат қилинса (биз томондан таги чизилган сўзларга эътибор қилинса), ягона, воҳид бир образ атрофида шоирнинг зўр усталик билан ажойиб суратлар галереясини яратгани равшан кўринади. Чунончи: симоб—абр (булут) — булут — симгун (кумуш ранг) — кумуш кўзгу — симобий (симоб ранг); саҳоб (булут) — ашк (кўз

¹ «Чор девон», 63-бет.

² «Чор девон», 57-бет.

ёши) — обгун (сув ранг) — об(сув)... каби сўзларнинг асл ранг таассуроти бир хилдир. Лекин шоир бир модда (симоб), атрофида ва у туфайли турли ажойиб кўринишлар, суратлар, образлар яратадики, булар бутунликда бир марказ атрофига тўплангани ҳолда айни бир нарса эмаслар ва ҳар қайсиси ўзидан илгариги образларни инкишоф этдиришга, умумий манзарани такомиллашга ва демак натижа эътибори билан шоирнинг аҳволи руҳиясини яна ҳам чуқурроқ изҳор қилишга хизмат қиладилар. Ҳақиқатан ҳам юқорида биз тагини чизиб ўтган сўзлар бўйича яратилган образларни бир кўздан кечирайлик. 1. Симобий либос кийган гул юзли дилбар баҳор булут тўсиб турган қуёшга ўхшайди. 2. Булут ранг либос устидаги чизиқлар, булутдан шилдираб тўкилиб турган ёмғирнинг торларига ўхшайди. 3. Сиймгун либос ичидаги нозик бадан симоб ичида сақланган кумушга ўхшайди. 4. Кумуш ранг кўйлак кийган жононнинг қуёшсимон юзи кўзгуда акс этган ҳақиқий қуёшга ўхшайди. 5. Жонон кийган либоснинг симобий ранг бўлишига сабаб, шоирнинг кўзидаги булутлардан ёрнинг бошига кўз ёши симобларининг кўп сочилиб туришидир. 6. Фалак инсоннинг вужудини бир кун барибир сўлдириб симобдай қилади, шунинг учун: инсон кийган кийим (тўн) симобий рангми ё яшилми, барибир! 7. Жононнинг кўйлаги обгун (сув ранг) бўлиши таажжубланурлик эмас, чунки: энг шоҳона дурдоналар сув (денгиз) ичидан топиб олинади-ку.

Бу мисоллар Навоийнинг буюк лирик меросидан фақат биргина қатрадор, албатта! Аммо, унинг шеърларидаги лирик конструкция учун умумий ҳолатни изҳор қила оладилар. Демак Навоий ғазаллари ва умуман лирикасига хос бўлган иккинчи бадий хусусият образнинг тадрижий¹ инкишофи, такомил ва этилувидир.

¹ Бу тадриж приёми, рус поэтикасидаги «нагнетание» терминига бадал бўла олура.

«Ғаронбус сиғар» бўйича қилинган мушоҳидалар Навоий лирикасида яна бир хусусиятнинг борлигини кўрсатади. Образдаги кескинликни ва мантиқий урғуни бўртдириб бериш мақсадида, шоиримиз кўп вақт турли мавҳумларни ва тасаввурларни ёки турли кўринишларни ва суратларни бир қаторга қўяди. Бироқ бу қаторлаштиришнинг асосий принципи бу гал қарама-қаршилик белгисидир.

Агар, тадриж приёмини қўллаган шеърларда, Навоий айна бир фикрни ўсдириб бориб, ўша олинган марказий образни аста-секин инкишоф этдириб, шу билан ўз тезисини тасдиқ ва таъкид қилган бўлса, энди у бир қўйган тезисини инкор ва рад этиш билан, унга қарши антипод яратиш билан ёки антагонистик кайфият туғдириш билан ўз муддаосига эришмоқчи бўлади. Бир ғазалдан олинган шу байтни кўрайлик:

Жаҳонки, оҳим била тийрадур, эмас мумкин,
Бу шом рафъи юзунг субҳи бўлмайин мавжуд.¹

Шоирнинг, ҳасрат билан тортган оҳу фарёдлари жаҳонни қоронғу қилгандир. Аммо бу қоронғуни (оқшомни, кечани) йўқотиш учун фақат бир чора бор, у ҳам бўлса жононнинг шафаққа ўхшаган ёруғ юзидир. Демак, шомни (қоронғуни) йўқотиш учун тонг (ёруғлик) керак экан, иккинчи образ биринчисини инкор этади.

Яна бошқа бир ғазалдан қуйидаги парчани кўрайлик:

Кўзу кўнглум баҳру бар сайр эттилар ёр истабон.
Бу сафарда топтилар яғмо кўнгул, ғарқоб кўз,
Кўзу кўнглумдин бири куйиб, бирисин бузди сел,
Йўқса нечук бўлди нопаддо кўнгул, ғарқоб кўз?²

Бу парчада биз тазод, (қарама-қаршилик) приёмининг порлоқ намунасини кўрамиз: кўз ва кўнгул денгизларни

¹ «Чор девон», 45-бет.

² «Чор девон», 49-бет.

ва қуруқликларни саёҳат қилиб, ёрни изладилар. Аммо натижада кўнгул талон-торож бўлди, кўз эса сувга ботиб кетди. Кўнгул куйди, кўзни сел оборди, кўнгул йўқ бўлди, кўз эса ғарқоб бўлди. Демак ишқ можароси кўзни ҳам, кўнгилни ҳам барбод (инкор) этади.

Баъзан шоир шу тазод приёмини бир байтнинг ўзида қўллашга муваффақ бўлади. Масалан:

Шакар лаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма-
Ки, бедилларни аччиқ йиғлатур охир шу шаққарханд.

Бу байтда икки тазод бор:

Биринчи мисрадаги «табассум» билан иккинчи мисрадаги «йиғлатур» ўртасида ва иккинчи мисранинг ўзида «шаққарханд» билан «аччиғ йиғлатур» (аччиғ йиғи) ўртасида!

Навоийнинг кўп шуҳрат топган бир байти¹ ҳам шу тазодга яққол мисол бўла олур: бу ерда икки ҳолат ўртасидаги чуқур психологик фарқ, тасвирий қарама-қаршилиқ орқали кўп нафис тарзда ечилади. Биринчи мисрада — қуёшга қараганда кўзлари қамашиб ёшланган одамлар (бу лавҳада руҳий алам йўқ!). Иккинчи мисрада эса қуёш ботганидан (яъни севилган жонон кетганидан) кейин ошиқнинг йиғлаши (бу лавҳада ҳижрон дарди бор!). Бу ўринда катта ҳаётий мушоҳада бор: одатда одамлар қуёшга қараса кўзлари ёшланади, шоир эса қуёш (ёр) кетгандан кейин йиғлайди.

Шу приёمنى Навоий лирикаси учун қанчалик характерли бўлганини кўрсатиш учун яна, сўнгги бир мисолни келтирайлик.

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлғил
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳожатманд.²

¹ «Гар қуёшга эл назар қилса кўзига ёш тўлур, Ул қуёш ботгач назардин, кўзларимга тўлди ёш» («Чор девон» 89-бет).

² «Чор девон», 45-бет.

Шу байтда «шаҳлиғ» ва «гадолиғ», «хурсандлик» ва «ҳожатмандлик» мафҳумлари зўр журъат билан бир-бирига қарама-қарши қўйилганлар. Кишининг инсоний шараф ва шаънини куйлаш учун шoirнинг шундай бир приёмини қўллаши зотан табиий эди. Чунки санъаткорнинг ўткир кўзи жамиятдаги икки қарама-қарши қутбнинг — муҳташам саройларнинг ва фақир кулбаларнинг шоҳиди бўлган эди (гарчи бу қарама-қаршилиқнинг чин сабабини тушунолмаган бўлса ҳам!) Бутун виждони билан зулм ва жафони ёмон кўрган Навоий бу адолатсизликни йўқотишнинг йўлини билмас эди, аммо ўзининг чуқур инсоний инстинкти (завқи табиийси) билан сезар эдики, эзилган фақир одамлар қуллик ва бандалик мафқурасини енгиб, чинакам инсоний шарафнинг қадрига етсалар, бир кун зolimлардан садақа эмас, ҳуқуқ талаб қилишлари, актив кураш йўлига тушиб кетишлари мумкинدير. Шунинг учун шарт: қўлларидagi кишанни парчаламасдан олдин, миядаги қуллик занжирларини узиб ташлашдир. Бунинг учун эса одамзод, даставвал, ўзининг инсоний шаънини бир карра қадрлаб олиши лозим.¹ Эзилганлар муҳитида шуурнинг аниқланиши қанчалик катта тарихий аҳамиятга эга бўлганини В. И. Ленин қуйидагича таърифлайди: «Ўзининг қул эканини англаган ва ўз озодлиги учун курашга қўзғалган қул қулликдан ярим озодликка чиққан бўлади»².

Албатта, бу ҳақиқатни Навоий ўз даврида идеалистларча ва туманли равишда сезар ва «шуур уйғониши»ни иқтисодий омиллар билан бўлишга даъват қилар экан, бу факт унинг олижаноблигини ва узоқни кўра олишини исбот қилар эди. Мана, шундай қилиб, давр зиддиятларини инъикос этдиришда шоир тазод приёmidан кенг фойда-

¹ Бу фикрни Навоий бутун образ шаклида — «Ҳотами Тойи» ҳикоясида кенгайтириб берган. «Хамса», Тошкент тошбосмаси, «Ҳайратул аброр», 36—37-бетлар.

² В. И. Ленин. Асарлар, 10-том, Ўздавнашр, 1951, 76-бет.

данганки, бу ҳол Навоий лирикасига хос бўлган учинчи усулдир...

Ниҳоят, Навоий ўз лирик қаҳрамонининг ички хусусиятларини очиш учун тўртинчи бир усулдан ҳам фойдаланади. Бу усулдан фойдаланиб, у қаҳрамоннинг субъектив маънавий ҳаётини объектив воқеликнинг ҳодисалари орқали кучайтириб, қабартириб очишга муваффақ бўлади. Масалан, шоир замонанинг бетинчлигидан шикоят қилмоқчи, фалакнинг ишончсиз (амниятсиз) бўлганини айтмоқчи бўлади.

Уйки, ўқи тебранур, сокнига хотиржам эмас,
Не ажаб гар амн йўқтур гунбази гардон аро.

Бу ерда шоирнинг ғоявий муддаоси иккинчи мисрададир. Чунки, биринчи мисра ўхшатишмиш (мушаббаҳ) иккинчиси эса ўхшатишдир. Бу ерда мустақил икки лавҳа бор: «1. Устун (ўқи) лиқиллаб омонат турган уйда иқомат қилган кишининг безовталиги (ўхшатишмиш). 2. Ҳеч қандай тираладиган таянч бўлмаган осмоннинг остида кишиликка осойиш йўқлиги (ўхшатишмиш). Бу икки лавҳадан ҳар қайсиси мустақил бўлиб, бир-бирига тобе эмас. Улар (тазод приёмида кўрганимиздай) бир-бирини инкор ҳам этмайди. Бу ҳар иккала тасаввурни бирлаштирадиган нарса ассоциация (тадойи афкор-фикрлар чақиримаси) орқали ўхшатишдир. Яна:

Бир бузуғ узра жунун қушлари қўнган кибидир,
Тошким ёғдурур ул шўхи ситамкор манга.

Шоир ўз лирик қаҳрамонининг бошига инсофсиз жондон томонидан ёғдирилаётган тошларни (жафоларни) вайронага қўнаётган телба қушларга ўхшатади. Бу ерда ҳам ҳар иккала лавҳа бир-бирига тобе тутилмай ёки қарама-қарши қўйилмай, мустақил тасаввур яратадилар. Чунки,

вайрона устига қушларнинг қўниши билан маъшуқанинг ошиққа жафо қилиши ўртасида сабабчилик жиҳатидан ҳеч қандай муносабат йўқ. Демак, бу ерда ҳам ассоциация — фикрлар чақиришмаси асосида тузилган образни кўрамиз. Чуқур маънавий бир ҳолатни мужассам жисмоний воқеа билан қиёслаш матлуб бўлган эффе́ктни яратади. Дарҳақиқат, вайронага кўпчилик бўлиб, довдираб ўзларини ташлаётган қушлар, ошиқнинг хароб кўнглига ишвакор маъшуқа қўлидан отилган тошлар ҳақида ғоят рангли, вазмин ҳамда аламли бир тасаввур туғдириб бердилар.

Бу кўрилган мисоллардаги усул икки турли лавҳани, мундарижани, фикрни ёки ҳолати руҳияни таққослаб ўтиш, ёндошлик ёки параллелизм приёмининг Навоий ижодида кенг тадбиқ қилинганлигини кўрсатади. Бу усул кўп халқларнинг оғзаки адабиётида айниқса кенг тарқалган, ўзбек дostonларида ва хусусан қўшиқларида ҳам бу приёмни минглаб учратиш мумкин. Гарчи бу приём адабиётга маълум бўлган бўлса ҳам, Навоий бу приёмни бойитиб кенг тадбиқ қилишда фольклор хазиналаридан кўп фойдаланади. Фақат бу соҳадагина эмас, халқ поэзиясининг ва умуман ижодиётнинг ҳамма жанрларидан баҳраманд бўлган Навоий, бу жиҳатдан олганимизда алоҳида текширилишга сазовордир.¹ Навоий ижоди билан фольклор ўртасидаги ўзаро таъсир ва аксил-таъсир масаласини ечиш вазифаси бизнинг бу мақоламизга кирмайди. Аммо, ҳар ҳолда шоирдаги, мазкур параллелизм приёми билан халқ поэзияси ўртасидаги алоқани бу ерда қайд қилиб ўтиши-

¹ Биз юқорида, Навоий ижодидаги «туюғ» жанрининг фольклорга боғланганини айтган эдик. Умуман Навоий лирикасининг ўзида халқ мақоли, масал ва таъбирлари инжудай сочилгандир. Масалан:

Улки, дeрлар бордурур девор кейнида қулог...

(«Чор девон», 203) ёки

Ишқ истар эмиш сени адам Мисри сари,
Борғилки, вурур вr тилаган ерда эвиз!

(«Чор девон»)

миздан мақсад, буюк шоирни бойитган омиллардан бири халқнинг оғзаки ижоди бўлганини яна бир карра эслатиб ўтишдан иборатдир. Лекин, Навоий лирикасидаги параллелизмлар билан халқ поэзиясидаги параллелизмлар ўртасида фарқ озмунча эмас. Биз юқорида кўриб ўтган мисоллардан аён бўладики, Навоийдаги параллелизмлар асосан бир-бирига сабабият жиҳатидан боғлиқ бўлмаган икки лавҳадан шаклий (истиоравий ёки ташбиҳий) алоқа топишдан иборатдир. Халқ поэзиясига хос бўлган параллелизмларда эса кўпинча оҳанг, қофия ва ёки кайфият нуқталари кўпроқ роль ўйнайди. Масалан:

Сув келар гулдир-гулдир,
Севганим қизил гулдир —

байтида сувнинг гулдир-гулдир оқиши билан, маъшуқанинг гулга ўхшатилиши ўртасида истиоравий ёки шаклий бирон муносабат кўринмайди. Бу ердаги муносабат оҳанг ва қофия кайфиятини туғдиришдан иборатдир. Яна бир намуна олайлик:

Боғ айланиб шафтоли,
Учган кимнинг каптари,
Айтсам адо бўлмайди —
Бевафонинг дафтари.

Бу тўртликда ҳам шафтолизор ва каптар (кабутар) билан бевафодан шикоят қилиш ўртасида шакл ва лавҳа жиҳатидан эмас, ички руҳий кечирма ва қофия жиҳатидан робита мавжуддир. Навоий бўлса қофия ва кайфият моментлари билан кифояланмасдан, ёндош қўйилаётган ҳар иккала образнинг шаклан ва ўхшашлигини талаб қилади. Демак, у халқдаги бадий приёмни бойитган, такмил қилиб шеърнинг асосий қуролларидан биттасига айлантирган. Бугина эмас. Буюк шоирда руҳий ҳолатларни жисмоний

манзараларга ёндош қилиб қўйиш бир одат ва қонун ҳукмига эга бўлиб қолган.

Насиҳат этса улус теароқ бўлуи ишқим,
Вале, иттикрок этар ўтни кимки дам қилади.¹

Бу байтга эътибор қилинг: 1. Ёрнинг севгисидан воз кечгин деб насихат қилсалар, ишқим яна ҳам кучайиб боради (маънавий ҳолат). 2. Ҳар кимки, оловни пуфласа ўт ловиллаб ўткирлашади (моддий ҳолат). Бу икки мисра ўртасида бир-бири билан сабабий боғланиш йўқ, аммо ўхшашлик, кайфият ва мантиқ жиҳатидан муштараклик бор. Навоий параллелларига хос бўлган сифат шоирдаги улуғ реалистик қудратни кўрсатади. Ҳаётни, одатларни, кишиларни, табиатни ва ижтимоий турмушни мукамал билган шоиргина маънавий, руҳий ҳолатларни беришда ташқи дунёнинг, объектив воқеликнинг тазоҳиротидан шундай журъат ва маҳорат билан фойдаланиши мумкин. Бу факт, Навоий ғазалларини фақат традицион — шартли бир назмбозлик деб талқин қилишнинг нотўғрилигини кўрсатади. Энг жўшқин ва романтик бир ҳолати руҳиятни ҳам моддий — жисмоний манзаралар билан мантиқий равишда боғлаб бера олиш оригинал даҳонинг иқтидоридан дарак беради:

Кўҳи ғам тортарға хасдек жисм ила бел боғладим,
Остига қолмишмен андоқким сомон девор аро.²

Бу байтдаги параллелни кўрайлик: 1. Ғамларнинг тоғига бардош бериш учун шоир хасдек кичик вужуди билан ишга киришди. 2. Бу оғирликка чидаёлмай, унинг жисми деворга чапилаётган лой ичидаги сомонга ўхшаб эзи-

¹ «Чор девон», 200-бет.

² «Чор девон», 9-бет.

либ кетди. Бу девор манзараси жуда реал ва моддий бир манзарадир. Ҳаётӣ воқеаларни ва фактларни янгича ишлатиш оригиналикка далил бўлар экан, бундай мисоллар Навоӣ даҳосининг асиллигини исбот қилмайдими?¹

Навоӣда, образнинг моҳиятини очишда ҳаётӣ лавҳалар бир система шаклини олгани ҳолда бир қанча ғазалларга мунтазам қоида бўлиши ҳақини ҳам касб этади. Бу мавзудаги фикримизни тамомлаш олдида бир ғазал намунасида бу приёмнинг порлоқ татбиқини кўрайлик:

- I. Кўз ёшим бўлди равон бир наргиси жоду кўруб,
- II. Тифл янглиғким югургай ҳар тараф оҳу кўруб.
- III. Қолди ҳайрон зоҳид ашқимда кўруб ҳар ён ҳубоб
- IV. Рўстоедекки ҳайрат айлағай ўрду кўруб.
- V. Жон аро тифнинг кўруб кўнглум қуши тузди наво,
- VI. Тўтиедекким, такалум айлағай кўзгу кўруб.
- VII. Водий ишқинг макон қилди кўнгул кўргач юзунг,
- VIII. Эл биёбон ичра манзил айлағандек сув кўруб.
- IX. Жонда ўз доғин кўруб ошиқлиғимни англади,
- X. Ул кишидекким таниғой ўз итин билгу кўруб,
- XI. Бода тутқач дема беҳуд бўлдим ул кўзгудин —
- XII. Борди ҳушум ёр ҳусни жилваси ўтру кўруб.
- XIII. Эй, Навоӣ, дафъ ўлур ҳолин кўриб кўҳи ғамим,
- XIV. Фил янглиғким ҳазимат айлағай ҳинду кўруб.²

Бу ажойиб ғазалда барча тоқ мисралар шоирнинг ҳолати руҳиясини бевосита акс этдирадилар. Чунончи:

¹ Навоӣни назирачи шоир ҳисоблаш кўр-кўрона бир традиция бўлиб келар эди. Ҳатто буюк шоирни «мақтамоқчи» бўлган буржуа «олимлари» ҳам бу балодан қутулолмаган. Масалан: «Навоӣнинг девонлари, қасидалари назира ва тақлидир» деган И. Ҳикмат бу типдаги олимларнинг бир намунасидир; (қаралсин: «Вақфия» — «Муқаддима» — 7-бет. 1926 йил, Боку.) Ҳолбуки биз келтирган мисоллар бунинг аксини исботлайди.

² «Чор девон», 24-бет.

I. Сеҳрли кўзларни кўрган ошиқнинг кўзларидан ҳар томонга ёш оқади.

III. Ишқдан беҳабар зоҳид бу ҳолни кўриб ҳайрон бўлади.

V. Ярадор бўлганини сезган кўнгулнинг қуши фарёд тортади.

VII. Маъшуқанинг юзини кўрган кўнгул ишқ водийсига кўчади.

IX. Ошиқнинг жонига жафодан доғ босган маъшуқа унинг чин ошиқ эканига қойил бўлади.

XI. Ер қўлидан бода олган ошиқ ақлу ҳушини йўқотади.

XIII. Ернинг бир холини кўриш билан шоирнинг юра-идаги тоғ-тоғ аламлар йўқолиб кетади.

Агар бу ғазални таҳлил қилиш учун ҳар байтнинг биринчи мисрасини иккинчисидан сунъий равишда ажратиб шу тахлит олганимизда ҳам шоир бошидан ўтган бир ишқий можаро ҳақида мунтазам бир тасаввурга эга бўлган бўламиз. Бутун воқеа сюжетли ипга тизилиб тадрижий равишда иккишоф этдирилиб боради. Дарҳақиқат:

а) Шоир бир жонни кўриб унга мафтун бўлиши ва куйиши (I, III, V мисралар).

б) Шоир маъшуқага тамоман берилиши (VII мисра).

в) Маъшуқа ошиқнинг самимий ишқига ишониб қолгани (IX мисра).

г) Маъшуқанинг илтифоти (XI мисра).

д) Ошиқнинг висолга эришиб, ғамдан қутулиши (XIII мисра).

Кўриладики, бу ерда тўла маъноси билан воқеабанд бир можаро ипи мукамал сақланган ва лирик жанр доирасида мумкин бўлганича чиройли бир сюжет тақдим қилинган. Лекин Навоий шу билан чекланмасдан ўсиб, ўзгариб бораётган ҳар бир ҳолатга мос параллель лавҳалар ҳайрати беради. Ғазалдаги жуфт мисралардан ажратиб

терилса, кўзимиз олдида узоқ бир даврнинг (XV асрнинг) кўп характерли деталлари гавдаланган бўлади.

Чунончи:

II. Ушланган оҳуни кўчада кўриб қизиққандан бу ажойиб жонивор атрофида чопиб юрган болалар.

IV. Умри далада ўтган содда қишлоқининг шоҳ арки (қасри) олдида мот бўлиб томоша қилиши.

VI. Ойнада ўз сурагини кўргач, ўз ҳамжинсини кўрдим, деб ўйлаб тилга кирган тўти.

VIII. Кўчиб турган маҳалида, тўсатдан биёбонда сув кўриб, у ерга қўнган элат.

X. Ўз тамғасини (белгисини) кўриб, кучук ўзиники эканини билган киши.

XII. Ёрнинг ҳусну жамолини яқиндан кўриб, севинганидан ҳушини йўқотган ошиқ.

XIV. Филларни ром қилиб юрувчи ҳинду — филбонни кўргач, енгилган ва бўйсунган фил.

Бу чиройли ва реал деталларни бирга жам қилсангиз Навоий замонасига оид жуда характерли ҳаётий фактларга гувоҳ бўлгандай бўласиз.

Хулоса, Навоийда параллелизмлар жуда муҳим бир адабий усул бўлиб, унинг лирикасига хос бўлган тўртинчи приёмдир.

Албатта, шоирнинг ўз лирик қаҳрамонини очишдаги йўллари чексиз — ҳисобсиздир. Бу масалани тамоман ечиш кўп кишиларнинг узоқ муддат чўзиладиган ишидир. Лекин ўйлаймизки, бу мақолада майдонга қўйилган масалаларнинг ўзи ҳам Навоий лирикасини ўрганиш соҳасида (жузъий бўлса-да) янги бир иш бўлур.

«Ўзбек адабиёти масалалари» (тўплам),
Ўзадабийнашр, Тошкент — 1959.

УСТОДНИНГ САНЪАТХОНАСИДА

Биринчи мақола

1. Классик шеъримизнинг поэтикаси ҳақида

Классик шеърятимизни ўрганишда йил сайин янги-янги ютуқларга ва муваффақиятларга эришилмоқда. Коммунизмнинг ҳашаматли симфониясида жаранглагучи тароналар орасида кишилик яратган кўп асрлик бадий мақомлар ҳам эшитиладики, булар қаторида Совет Шарқи халқларининг куйлари ҳам сероҳанг пардаларни эгаллаганлар.

Бадий маданиятнинг қимматбаҳо қисми бўлган шеър ва шеърят жамиятимизнинг аъзоларида олижаноблик хислатларини тарбиялашга қаратилар экан, *буюк сўз санъаткорларининг меросини* тадқиқ қилиб, унинг барча маънавий ва умумбашарий бойликларини эгаллаш ва доҳий устодларнинг ижодий маҳоратидан таълим олиш — адабиётшуносларнинг ҳамда барча бадий қаламкашларнинг вазифасидир. Чунки, совет халқларининг адабиётларида социалистик реализмнинг тараққиёти миллий заминдаги энг яхши анъаналар билан, салафларнинг ранго-ранг тажрибалари билан боғланган ҳолда давом этиб боради. Албатта, анъана ва *таъсирнинг бир ўзигина* янги санъатнинг гуллашига бирдан-бир омил бўлмайди. Зероки, янги совет санъатининг ва адабиётининг мундарижа ва ғоясини коммунизм машъали, Маркс-Ленин таълимоти, социалистик воқелик ва ижодкорнинг *ўз дунёқараши*, фалсафий позицияси белгилайди. Аммо, ўтмиш мерос билан ижодий — жонли алоқа дегани, забардаст салафларимизнинг

асарларидаги илғор ғояларни, санъатхонасидаги барча яроқли қуролларни, усулларни, воситаларни дадил олиб, замонамиз зеҳниятига ривож қилдириш демакдир.

Ўзбек адабиётининг фахри ва даҳоси саналиб келган Алишер Навоийнинг бепоён меросини чуқур ўзлаштириб олиш вазифалари ҳам юқорида айтилган умумий бурчимизнинг ажралмас бир ҳиссасини ташкил этади. Шу вақтгача қилинган ишлар қаторида А. Навоий асарларини нашрга тайёрлаб халққа етказиш, шоирнинг ҳаёти, даври, муҳити ҳақидаги маълумотларни системалаштириш катта ўрин олиб келдики, бунинг аҳамияти ҳаммага аёндыр. Шоир ижодининг муҳим масалаларини, бир қанча ғоявий ва бадиий муаммоларни ечиш ва аниқлаш бобида ҳам фойдали тадқиқий ишлар олиб борилди.

Бизни ҳозир бевосита равишда қизиқтираётган соҳада, яъни Навоийнинг лирикасини ўрганиш бобида ҳам бир қанча монографик асарлар ёзилди ёки Навоийга доир китобларнинг алоҳида фаслларида бу масалага кенг тўхталди.¹

Бироқ Навоий лирикасини бутунликда тадқиқ қилиб, чуқур ва кенг хулосалар чиқариш вазифаси, узоқ вақт амалга оширила олмай келишининг бир важи аниқ, мунтазам, соғ ва мўътабар танқидий матннинг (текстнинг) йўқлиги

¹ Қаралсин: 1. М. Шайхзода.—«Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида», «Улуғ ўзбек шоири» тўпламида, 1948 й. Тошкент; «Навоийда лирик қаҳрамоннинг характеристикасига доир», «Шарқ юлдузи», 1948 й. № 5; «Навоий лирикасининг приёмлари ҳақида», мақолалар тўплами, 1959 й. 2. Ҳоли Зариф—«Лутфий ва Навоий», «Улуғ ўзбек шоири» тўпламида; 3. Е. Э. Бертельс—«Навоий», 1948 й. Москва; 4. В. Зоҳидов—«Мир идей и образов Алишера Навои», 1961 г. Тошкент; 5. Ойбек—«Навоий ғазалиёти», Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1961 й. № 2; 6. А. Ҳайитметов—«Навоий лирикаси», 1961 й. Тошкент; 7. Н. Маллаев—«Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожига Навоийнинг роли», «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1961 й. № 3.

эди. Сўнгги йилларда бу соҳада ҳам баракали ишлар қилиниб, А. Навойнинг «Хазойинул-маоний» («Чор девон») асарининг тўрт жилд бўлиб нашр эшителиши *навоийшунослик* илмининг катта *муваффақияти* саналиши керак¹.

Алишер Навойнинг ҳозиргача пароканда ҳолда ётган турли жанрдаги уч мингдан зиёд шеърларининг бир *қуллиёт* шаклида мунтазам бир системага келтирилиши, ҳам шеърнинг маълум бир даврга боғланиши, назмларнинг вазини кўрсатадиган жадвалларнинг, исм кўрсаткичларининг, луғатларнинг жилд охирига илова этилиши ва бошқалар, хусусан Навой лирикасига оид матнларни текширишга бағишланган муфассал изоҳат² шоир лирикасининг бадий хусусиятларини ўрганувчи тадқиқотчи учун хийла қулайлик туғдиради.

Буюк шоирнинг ўлмас асари «Хазойинул маоний» *Шарқ классик лирикасининг ойнаси*, санъаткорлар қўллаб турган бадий воситаларнинг кўргазмасидир, десак бу муқойиса жоиз кўрилура деб ўйлаймиз. Бинобарин, бизнинг Алишер Навой ижодини текширишдаги асосий концепциямиз, яъни Навойнинг классик поэзиямизнинг *чўққиси* деб баҳолашимиз жиддий ва шубҳасиз далилларга суянади.

Навой меросини ўрганишдаги навбатдаги вазифамиз шоир ижодининг *ички* маънавий дунёсини, шоирлик санъатининг шарту шурутини ва *қоида-ю қонунларини* синчиклаб белгилашдан иборатдир. Башар зеҳнининг сўлмас дур-

¹ Қаралсин: танқидий текст асосида Ҳамид Сулаймон томонидан нашрга тайёрланган: 1. «Ғаройбус сигар», 1959 й., 2. «Наводируш шабоб», 1959 й. 3. «Бадойиул васат», 1960 й. 4. «Фавоидул кибор», 1960 й. Биз ўз тадқиқотимизда асосан бу нашрларга мурожаат қилиб тураимиз.

² Х. С. Сулейманов — Текстологическое исследование лирики Алишера Навои (автореферат докторской диссертации), Ташкент, 1961.

доналари бўлмиш ғазалларда ва рубойларда, қасидаларда ва соқийномаларда оловли эҳтирослар билан бирга вазмин фикрларнинг омухта бўлиб келиши санъаткордан чинакам истеъдод билан бирга зўр *малака* ва пухталикини тақозо қилар эди. Хоҳ «маснавий» деб юритилган эпик асарларда, хоҳ, айниқса лирикада асрлардан бери ишланиб келган муайян қоидалар, «темир қонун» бўлиб кетган муфассал шартлар вужудга келган эдики, буларни билиш ва буларга *риоя* қилиш ҳар бир шоир учун фарз эди. Акс ҳолда, яъни бу усуллар бузилган тақдирда, ўша шоирни саводсизликда, бепарволикда ва ҳатто ноқобилликда, ёхуд чинакам бадий завқнинг йўқлигида айблашар эди. Фақат *асл* санъаткорлар, том маъноси билан новатор шоирларгина бу усулларга янги усуллар қўшганлар ва ёки мавжуд бўлган қоидалар доирасида янги ва тараққийпарвар ғояларни тараннум этганлар.

Шундай қилиб, юз йиллар мобайнида Шарқ классик шеърятининг назарий ва амалий фаолиятига *кўрсатма* ва дастуриламал бўладиган илмлар пайдо бўлганки, булар «Илми бадеъ», «Илми аруз» ва «Илми қофия» дан иборат эдилар. Эрон олимлари буни «илмҳои сегона» деб атаганларки, биз бу атамани ўзбекча «*билимлар учлиги*» деб таржима қилсак, ҳам эски адабиётшуносликнинг бу уч тармоғи бир бутунни ташкил этганини уқтирган бўламиз ва ҳамда «уч илмлар» деган ноқулай таъбирдан кўра ихчамроқ терминга эга бўлган бўламиз. Булардан «илми аруз» шеърдаги *вазн* масалалари билан, «илми қофия» вазндор мисраларнинг ва байтларнинг охириги бўгинларидаги *оҳангдошлик*, яъни қофия муаммолари билан шуғулланса, «илми бадеъ»—шеърдаги бадий *воситалар*, усуллар ва турлар масаласига бағишланган. Эски адабиётшуносликнинг катта бир бўлимини ташкил қилган ва маълум даврларнинг ёки мамлакатларнинг шоирлари ҳақида маълумот бериб турган *таъкирачилик*, албатта, бу «билимлар учлиги»га кирмайди, чунки таъкиралар адабиёт тарихи соҳасига алоқа-

дор бўлса, «билимлар учлиги» поэтикага, яна тўғриси, адабиёт назариясига мансуб эди.

Алишер Навоий ижодига ва хусусан унинг лирикасига боғлиқ бўлган, бизни кўпроқ қизиқтирадиган соҳа «илми бадеъ» қондаларининг буюк шоир шеърларида татбиқ қилиниши масаласидир. Зероки, «билимлар учлиги»га кирган ҳар учала фан бўйича Навоийнинг буюк лирик меросини таҳлил ва тадқиқ қилиш вазифаси шу қадар кенг ва мураккаб вазифадирки, уни биттагина монография доирасига киргиши амри маҳолдир. Бунинг устига, Навоий ижодиди арузнинг татбиқ қилинганига доир навоийшунослар томонидан анча тадқиқий ишлар олиб борилган¹.

Фикримизча, Навоий лирикасининг моҳиятини чуқурроқ англаш учун бизнинг таҳлил ва тадқиқ ишларимиз шу «билимлар учлиги» дан биз учун энг кўп ёрдам берадигани, шубҳасиз, «илми бадеъ»дир.

Машҳур ва марҳум совет шарқшуноси Е. Э. Бертельс ўзининг «Шарқ филологияси ва поэтикасининг асослари» номли қўлёзма асарида (русча) шарқ классик поэтикасини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида гапириб ёзган эдики, «буни билиш адабиётшунос учун мутлақо лозимдир, зероки, Шарқ мамлакатларидаги адабиёт шинавандалари ҳар қайси бадий асарга баҳо бераётганларида унинг поэтика қондаларига қай даражада уйғун келиб, келмаслиги билан ўлчар эдилар... Бу санъатларни айира билган тадқиқотчи, муаллифнинг ниятларини чуқурроқ таҳлил қилиб олиши мумкиндир...»²

¹ Масалан: Содиқ Мирзаевнинг «Навоий арузи» 1948 й. Тошкент (Қўлёзма) ва Х. Сулаймон томонидан нашрга тайёрланган тўрт девоннинг ҳар бирига илова этилган вазн жадваллари — 1959—60 й.

² Е. Э. Бертельс.—«Урта Осиё халқларининг адабиётларини ўрганишга мадҳал» (ёки «Шарқ филологияси ва поэтикасининг асослари») русча қўлёзма, 1943 й., Тошкент, 287-бет. Қўлёзма ЎзФА нашриётининг фондида сақланмоқда.

Масаланинг мағзи шундаки, классик шоирларимиз, шулар жумласидан, айниқса Алишер Навоий, ўз поэтик ижодини фақат илҳом ва туйғу омилларига ром қилмасдан, ўз замонасининг адабиёт қоида ва назарияларига, «илми бадеъ» усулларига риоя қилиб яратган.

Маълум бўлишича, «илми бадеъ» билан биринчи шуғулланган киши Бағдодда Аббосийлар хонадонига мансуб Абдулла ибн Муътаз бин Алмутаваккил бин Муътасим Аббосий (ҳижрий III асрда) бўлган. У илми бадеъда 17 санъатни (усулни) белгилаган ва уларга битта-биттадан ном қўйган. Ундан бир муддат кейин Қуддом бин Жаъфар «Нақдуш-шеър» деган асарида бадий санъатлардан 20 тасини кўрсатади, булардан 13 тасини у ўзи биринчи бўлиб кашф этган.

Булардан сўнгра баъзи олимлар, чунончи, Ибн Рашик Қирвоний, Абуҳилол Аскаррий, Шайх Ҳаллий каби араб филологлари илми бадеъни бойитиб, унга янги-янги усулларни қўшганлар.

Араблардан сўнгра Урта Осиё ва Эрон олимлари «билимлар учлиги»ни ва шу жумладан, илми бадеъни кенг ишлаб ўз адабиётларининг тараққиёти ва хусусиятларини назарий асарларда инъикос эттирмақчи бўлдилар. Бу соҳада форс-тожик олимларининг хизмати алоҳида қайд қилинишга сазовордир. Форс-тожик олимларининг аруз фани, қофия фани ва бадеъиёт фани доирасида яратган талай асарлари араб поэтикасининг ва филологиясининг тажрибаларини давом эттириб, «билимлар учлиги»ни юқори поғонага кўтарди ва ўз навбатида туркий тилдаги адабиётларнинг шаклланишига, уларнинг ўзига хос адабий билимларнинг ишланишига баракали таъсир қилди. Алишер Навоий ўзининг машҳур «Мезонул авзон» номли илмий-назарий асарида очиқдан-очиқ эътироф этганидек, форс шоирлари ва устозлари сўзга берган безак ва жилваларини, маънога бағишлаган зийнат ва чиройни кўриб бундан ибрат олди ва биринчи бўлиб бу қоида-

ларни «турк тили билан қалам суриб» рўёбга чиқарди¹.

Навойдан илгари форсча-тожикча ёзилиб, «билимлар учлиги»га ва ёхуд махсус илми бадеъга бағишланган асарлардан муҳимлари ва машҳурлари Муҳаммад бин Умари Родуёнийнинг (XI аср) «Таржимонул — балоға» (сўзамоллик тилмочи), Аҳмад Маншур Самарқандийнинг (XI аср) «Канзул ғаройиб» (ғалати гаплар хазинаси), Абумуҳаммад Абдулла бин Муҳаммад Рашидий Самарқандийнинг (XII аср, «Зийнатнома» номли асарларини кўрсатиш мумкин².

Лекин, XII—XIII асрларда поэтикага доир ёзилган ўнлаб илмий китоблар ўртасида иккита асар тепаликлар устида юксалаётган тоғ зирваларидек мужассам ажралиб туради. Булардан бири машҳур хоразмлик шоир ва олим Рашидиддин Ватвотнинг (1088—1182) «Ҳадоийқус сеҳр фи дақоқиқуш — шеър» (шеърнинг нозиклигида сеҳр боғлари) номли асаридирки, илми бадеъ соҳасида асрлардан бери шоҳ асарлардан ҳисобланиб, талай шоирлар наслларига қўлланма ва дастуриламал хизматини ўтаган³.

Бу даврда яратилган иккинчи буюк асар Шамсиддин Муҳаммад бин Қайси Розий (XIII аср) қаламининг маҳсули бўлган ва ғоят катта шуҳрат қозонган «Алмўъжам фи маоирул ашъорул — Ажам» (форс шеърининг меъёрлари ҳақида форсий тилда асар)дир. Юксак истеъдодга ва чуқур маълумотга эга бўлган муаллиф «билимлар учлиги»нинг ҳаммасига оид чуқур ва кенг маълумот беради, шеър ва шоирлик ҳунарига тааллуқли ажойиб оригинал ва ҳикматли мулоҳазаларни олға суради. Уз асарининг

¹ «Мезонул-авзон», Иззат Султон тайёрлаган критик текст, Тошкент, 1949 й. 4-бет.

² Т. И. Зеҳний — Санъатҳои бадеъ дар шеъри тожики», Душанбе, 1960, 12-13-бетлар.

³ Бу асарнинг мукамал танқидий текстини 1937 йилда Эрон алабиётшуноси Аббос Иқбол Техронда нашр эттирган.

учинчи қисмида, яъни «илми бадеъ» бобида у бир қанча мазмун, таъриф ва мисолларда Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадоиқус — сеҳр» асаридан анча фойдаланган бўлса-да, аммо, мисолларни кўпайтириш, изоҳларни кенгайтириш ва ўз даъволарини исботлаш учун янги-янги шеърӣй материаллар жалб қилиш жиҳатидан ўз асарини анча бойитган ва Рашидиддин Ватвот асаридан устувроқ қилиб қўйишга муваффақ бўлган «Алмўъжам»ни нашрга тайёрлаган эрон олими Мирзо Муҳаммад бин Абдулваҳоб Қазвиний айтганидек: «Журъат билан даъво қилса бўладики, бу илм форс тилида бунёдга келгандан бери исломиятнинг бошланғичидан то ҳозиргача билимлар учлиги ҳақида ҳеч бир асар шунчалик мукамал, нозик ва тўла ёзилган эмас...»¹

Шамс Қайснинг «Алмўъжам» асаридан кейин унинг таъсирида ва ёки мустақил равишда «билимлар учлиги» га доир бир қанча назарӣй китоблар ёзилганки, буларнинг ҳаммасини бу ерда санаб ўтиришнинг имкони йўқ. Лекин Навоӣйгача ва Навоӣй даврида ёзилиб, Яқин ва Урта Шарқнинг адабий доираларида эътибор қозонган асарлардан баъзи бирларини эслатиб ўтишни лозим деб топамиз.

XIII асрда яшаган ва машҳур Мароға расадхонасининг негизини қўйиб, Озарбайжон маданиятининг ва жаҳон астрономия фанининг равнақига буюк хизматлар қўшган Хожа Насриддин Тусий дақиқ (аниқ) фанлар билан бир қаторда тарих, фалсафа ва поэтикага оид асарлари билан кўп Шарқ мамлакатларида танилган эди². Бу олимга нисбат берилган «Меъёрул — ашъор» китоби ҳам аруз вазнига доир бўлиб, ўз даврида кўп мўътабар қўлланмалардан ҳисобланган.

¹ Шамсиддин Муҳаммад бин Қайси Розӣй — «Алмўъжам», Теҳрон, 1338. Муҳаммад Қазвинийнинг сўз бошиси.

² «Озарбайжон адабиёти тарихи», 1 жилд, Боку, 1960, 197-бет.

Қизиғи шуки, шеър ва шеършунослик ҳақида ёзилган юзлаб китоблар орасида наср қоидалари ҳақида ягона назарий асарни, яъни насрнинг илми бадеъ қоидаларини XIII—XIV асрларнинг буюк шоири ҳиндистонлик Амир Хусрав Деҳлавий (1253—1325) ёзган. «Эъжози Хусравий» деб аталган бу асар 3 жилддан иборат бўлиб, насрий ижодга доир бир неча минг санъатларни (усулларни) ўз ичига олади.

Энди шундай савол туғилиб қолади: Алишер Навоий ўзидан олдин яратилган асарлардан воқиф бўлганми? Буюк шоиримиз ва мутафаккиримиз араб ва форс-тожик тилларида вужудга келтирилган шу хазиналардан файзиёб бўлганми? Албатта, ўзбек адабиёти тарихидан озмоз хабардор бўлган ҳар бир китобхон бунга бешаку шубҳа: «Ҳа!» деб жавоб беради. Чунки, ўз даврининг энг ўқимишли кишиси бўлган Алишер Навоий бу асарлардан беҳабар бўлиши ақлга сиғмайдиган бир эҳтимолдир, холос! Зотан, шеърятнинг сўлмас инжуларини қалб ришталарига тизган бир санъаткор назарий негизга, илми бадеъ қоидаларига суянмай, бу шоҳ асарларни ярата олмас эди.

Аmmo биз бу даъвомизни исбот қилиш учун яхши ният ва умумий фаразлар билан кифоялана олмаймиз. Илмий даъво далилни талаб этади.

Биз юқорида Навоийнинг «Мезонул авзон» асаридан муаллифнинг бир фикрини келтирганимизда унинг форсча ёзилган поэтика ҳақида умумий бир қайдини кўрган эдик.

Энди биз конкретроқ мисоллар билан даъвомизни исботлашимиз лозим. Шоир мазкур асарида вазнлар ҳақида китоб ёзишга киришар экан, илгариги муаллифларда кўрилмаган «неча қоида ва доира ва вазн» ни илмий усул билан аниқлаб китобига қўшганини айтиб берганида аруз илмининг асосини қўйган араб олими Халил ибн Аҳмад-ни (VIII аср), Шамс Қайсни (юқорида зикр этилган

«Алмўъжам» муаллифини), Хожа Наср Тусийни (ва конкрет равишда унинг «Меъёрул-ашъор» асарини) ҳамда Абдурахмон Жомийни (конкрет равишда унинг «Аруз» рисоласини) тилга олади.¹ Гарчи, бу ерда гап фақат аруз илми ҳақида борса-да, шу муносабат билан биз Навоийнинг ҳалиги олимлар ёзган асарлар билан мукамал таниш бўлганини тушуниб олишимиз мумкин. Бизни айниқса қизиқтирадиган (ва очигини айтганда, юракдан мамнун қилаётган) нуқта шоиримизнинг Шамс Қайс каби улуг адабиётшуносни билганлиги ва уни ҳурмат билан тилга олганлигидир. Навоий унинг ҳақида гапирганида уни «илм устоди Шамс Қайс кутуби»² дейдики, шу билан ҳам уни илмлар устоди деб таърифлайди ва ҳамда, иккинчидан, унинг бир китоби эмас, балки, «кутуби» (арабча «китоблари» демакдир) билан таниш бўлганини таъкидлаб ўтади. Демак, Шамс Қайс «Мўъжам» дан бошқа ҳам бир қанча асарларнинг муаллифи сифатида ўрта асрлардаёқ танилган атоқли олим бўлган экан.

Ана шу муносабат билан, яъни: Шамс Қайснинг асарлар мобайнида адабий завқ ва бадиий нормаларнинг мўътабар ҳукмронлиги сифатида ҳаммага манзур ҳакам бўлганлигини кўзда тутиб ва унинг турк-ўзбек филологиясига бевосита алоқасини эътиборга олиб, бу ажойиб олим ҳақида батафсилроқ тўхташга тўғри келади.

Шамс Қайс аслан Рай (ҳозирги Теҳроннинг яқинидаги қадимий шаҳар) лик бўлиб, тахаллусини ҳам шу шаҳарга нисбатан Розий деб олган ва узоқ муддат Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразм вилоятларида яшаган. Чингизхон лашкарлари Урта Осиёга бостириб кирганида у Хоразмшоҳ билан бирга Ироққа кўчиб боради. Шу фитна-ю, ғасод ва даҳшатли қирғинларга гувоҳ бўлган олим ўзи ҳам икки марта мўғуллар қўлига асир тушиб, тутқунлик-

¹ «Мезонул-авзон», 6-бет.

² Уша ерда.

иншиг огир азобларини чекади. Шу дарбадарлик ва қувғинларга қарамасдан озгина фурсат топганида илмий ишлар билан шуғулланиб турган Шамс Эрондаги Фарразин қўргони олдида қайтадан мўғуллар ҳужумига йўлиқиб, барча ашёлари билан бирга «Алмўъжам»нинг қўлёзмаларидан ҳам ажрайди. Хоразмшоҳлар давлати инқирозга учрагандан сўнг Ироқдан Форс вилоятига кўчиб борган Шамс Қайс, қандай бир омад биландир, йўқолган қўлёзмаларининг бир қисмини топиб олишга муяссар бўлади ва у вилоятнинг ҳукмдори Отабек Саъд бин Заиғийнинг ва кейинча унинг ўғли Абубакр бин Саъднинг дарборларида — саройларида катта ҳурмат ва иззатга сазовор бўлиб олади. Ана бу ерда у, форс фозилларининг илтимосига кўниб, ўз ўлмас асарини тугатади ва уни икки қисмга айнириб араб адабиётига оид бўлганини арабча ёзиб, «Алмуъраб фи маоирул-ашъорул араб» (араб шеърининг меъёрлари ҳақида арабча асар) деб атайти, форс шеърига доир бўлганини форсча тугаллаб, билганимиздек «Алмўъжам» деб ном қўяди.

Шамс Қайс бу асарида аруз, қофия ва «илми бадеъ» ҳақида ғоят чуқур маълумотлар бериш билан бирга умуман адабиёт назариясига боғлиқ бўлган талабларни ҳам олға суриб шакл билан мазмуннинг уйғунлиги, шеърда нафосат, танқидда холисоналик каби *прогрессив* мулоҳазаларни баён қилади. Қизиғи шуки, Шамс Қайс ўз асарида таъриф ва таклиф қилган бир қанча бадий саъбатларни биз айнан Навоийнинг адабиётшуносликка доир асарларида ҳам учратамиз.

Бироқ биз юқорида Навоийнинг Шамс Қайс ҳақида баён қилган жумласида унинг «китоблари» ҳақида гапирганини айтиб ўтган эдик. Дарҳақиқат, маълум бўлишича, Шамс Қайснинг, юқорида айтилган машҳур китобидан бошқа «Китобул — кофи фил — арузин вал — қавофи» (арузлар ва қофиялар ҳақида тўлиқ китоб) ва «Ҳадоиқул — мўъжам» (форс боқчалари) номли асарлари ҳам

бор экан. Демак, Навоийнинг бу асарлардан хабари бўлган.

Лекин Қайс Шамснинг биз учун қиммати ва аҳамияти шу билан чекланмайди. Уни ўзбек филологиясига ва тил тарихига боғлайдиган бир масала борки, бу тўғрида ҳам бир-икки оғиз гапирмоқ керак.

Машҳур рус туркшуноси академик Бартольд 1926 йилда Истамбул дорилфунунида Урта Осиёдаги турк халқларининг тарихига доир ўқиган лекцияларидан бирида деган эдики, «Сўнгги Хоразмшоҳ бўлган Жалолиддин номига Муҳаммад Қайс номли бир кишининг турк тили ҳақида катта бир китоб ёзганлиги диққатга лойиқ бир воқеадир. Биз бу муаллиф ҳақида бошқа ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Маҳмуд Кошғарийнинг асаридан кейин, бу асар бизга маълум асарларнинг иккинчиси бўлмоғи керак. Афсуски, бу асар бизнинг замонамизга келиб етган эмас. Унинг бир вақтлар ёзилганини эса, биз мўғуллар даврида китоб ёзган Жамолитдин ибн Муҳаннонинг асарида икки жойда уни эслаб ўтишидангина биламиз»¹.

Бартольднинг бу мулоҳазасидан кейин ўтган йиллар давомида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ва айниқса «Истамбул кутубхоналаридаги ахтаришлар натижасида (масалан, XV асрда ёзилган «Шарафномаи Мунирий» нинг қўлёзмасида) аниқланганича, ҳақиқатан Муҳаммад бин Қайс (Шамс Қайс) Хоразмда турган чоғларида қангли шеvasи асосида туркча луғат китобини ҳам яратган экан. Бу китобни манбалар «Тибёнул — луғатут — турки ало лисонул — қангли» деб атайдилар² ва ундан бир қанча мисоллар келтирадилар.

¹ Бартольд.—«Урта Осиё турк тарихи ҳақида дарслар», Истамбул, 1927 йил, 132-бет.

² Ф. Кўпрули.—«Турк тили ва адабиёти ҳақида текширишлар» тўпламида «Хоразмшоҳлар даврида бир турк филологи», Истамбул, 1934 й., 156-57-бетлар.

Шу билан биз, Шамс Қайсни арабча ҳам форсча асарлар муаллифи сифатидагина эмас, бизнинг турк — ўзбек тилимизни илмий асосда кўтаришга хизмат қилган бир турколог сифатида ҳам қадрлашимиз лозим.

Алишер Навоий айнан шу асарни ўқигани ва ёки эшитгани ҳақида қўлимизда ҳозирча ҳеч қандай далил йўқ. Лекин ҳар ҳолда Шамс Қайсининг бу хизматини, яъни Маҳмуд Кошғарийдан кейин иккинчи бўлиб туркий лугат тузганини миннатдорчилик билан эслашимиз лозим.

Навоий ўз ғазалларидан бирининг мақтаида ёки «тож байти» да (классик поэтикада шоирнинг тахаллуси зикр этилган байти) шундай дейди:

Навоий назм аро тийғи забонин
ўйла сурдиким,
Пичоқ тонмас уятдин ўзин
ўлдурмоққа Саккокий.¹

Шоир бу байтда Саккокий номи остида кимни кўзда тутган экан? Биз биламизки, Навоийдан олдин, XV асрнинг биринчи ярмида Самарқандда, буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек саройида машҳур қасидачи шоир Саккокий яшаган. Аммо Навоий бу шоирга юксак баҳо бермаган. Сабаби ўзи айтганидек, Самарқандга борганида унинг девонини тополмасдан, фақат айрим баъзи бир заиф шеърларигагина кўзи тушганлиги бўлса керак. У дейдики, мен Самарқандда эканимда, Саккокийнинг асарларини сурштириб ахтардимки, унинг истеъдодига баҳо берай, аммо «таъриф қилганларича нима зоҳир бўлмади»².

Ҳар ҳолда, бундан кўриниб турибдики, Навоий назарида Саккокий моҳир шоирдек қадрланган эмас, бинобарин, у, Алишернинг шеърда тил қиличини музаффарона сугурганини кўриб уялганидан (хижолат тортиб енгил-

¹ Навоий. «Наводируш-шабоб», Тошкент, 1959 й., 588-бет.

² Навоий. «Мажолисун-нафоис», Илмий танқидий текст. Тошкент, 1961 й., 76-бет.

ганидан) ўзини ўлдирришга пичоқ тополмай гаранг бўладиган даражада ашаддий рақиб бўлолмайди. Навоий ўзига рақиб ё мусобақадощ деб устод кишини кўзда тутуши мумкин эди.

Бу хил устод асрлар давомида шоирларга муаллим ҳисобланиб келган киши Сирожиддин Абуяқуб Юсуф бин Абубакр Саккокий (1159—1228) деган буюк олим бўлган. У аслида хоразмлик бўлиб, «Мифтоҳул улум» (илмларнинг қалити) номли кўп мўътабар бир китобнинг муаллифидир. Арабча ёзилган бу асарда Саккокий сарфу наҳв (морфология, синтаксис), маъно, баён ва адабий ифодалар ҳақида, аруз ва қофия тўғрисида кенг маълумот беради. Бу китобни кўп машҳур адиблар ва шулар жумласидан амир Темурнинг замондоши Саъдиддин Тафтозоний муфассал шарҳлаганлар.¹

Мавлоно Юсуф Саккокий номи билан шуҳрат қозонган бу олимнинг китоби мўътабар дарслик сифатида барча мусулмон мактабларида то XX асргача қўлланиб келганини Е. Бертельс ҳам алоҳида қайд қилиб ўтади.²

Назм усулларининг ҳамма қоидаларини мукамал билган бир донишманд олдида бадий ҳунари кўрсатиш албатта шоир учун каттароқ шараф саналар эди. Навоий шу нуқтани кўзда тутган ва шу билан бирга бу машҳур олимнинг асарларидан мукамал воқиф бўлганини намоён қилган. Шу билан бирга Самарқандда туриб адабиётга доир қимматли асарлар яратган (XIV аср) ва «Аллома» унвони билан шуҳрат топган Саъдиддин Тафтозонийнинг «Мутаввал» ва «Мухтасар» номли арабча асарлари ҳам Навоийга маълум эди, чунки у даврда ҳам, ундан кейинги асрларда ҳам Тафтозонийнинг асарлари барча мадрасаларда дарслик бўлиб ўқитилган.

¹ Шамсиддин Сомибек.— «Қомусул-аълом», Истамбул, 1898 й., IV жилд, 2586-бет.

² Е. Э. Бертельс.— «Қўлёзма», 287-бет.

Ниҳоят, шуни ҳам қайд қилиш керакки, Алишер Навоий ўзи ҳам «билимлар учлиги» ни бойитиш учун кўп ташаббус кўрсатган. Маълумки, унинг хохиши билан Абдурахмон Жомий «Рисолаи қофия» ни, Сайфи Бухорий аса «Аруз» китобини тузганлар ва шахсан Алишер Навоий ўзи туркий тилда биринчи бўлиб вазнларга ва шеъринг турларга доир «Мезонул — авзон»ни яратган.

Бутун бу айтилганлар, классик поэтика анъаналарининг Навоий даврида жуда юксак поғонада турганидан дарак беради. Навоий ўзи ҳам кўп асарларида «илми бадеъ» атамаларини қўллайди, шеърнинг таҳлил ва таърифида юксак илм соҳиби бўлганини намоён қилдиради. Масалан, фақат битта асарнинг ўзида у: рубоийнинг вазни ҳақида, маснавий ва қасида ҳақида, қасидада ихтиролар ҳақида, тажнис ҳақида зулбаҳрайн (икки вазнли) ва зулқофиятайн (икки қофияли) шеърлар ҳақида, газаллар ва қасидалар девони ҳақида, хамса ҳақида, бадий санъатлар ва аруз фани ҳақида, мунозара ҳақида, бадиха ҳақида, шеърда салосат ва латофат ҳақида, тарсиъ санъати ҳақида, наът тури ҳақида, қофия ҳақида, таъьда хаёлангизлик ҳақида, баҳория қасидаси деган тур ҳақида, муаммо санъати ҳақида, бадий санъатлар ҳақида, вазн, қофия ва радиф, ҳақида, ғазалда мақтаъ ҳақида, ташбиҳ ҳақида...¹ гапиради ё буларнинг таърифини беради ва ёхуд бирон муносабат билан бу атамаларни қўллаб, ўз фикрини исботлаш учун булардан фойдаланади.

Навоийнинг бошқа асарларида, чунончи, «Муҳокама-тул луғатайн», «Муншоот», «Вақфия», «Маҳбул қуллуб» да ҳам «илми бадеъ»га доир кўп мулоҳазалар ва меъёрлар учрайдики, булар ҳаммаси Навоий ижодини ўрганиш учун у даврнинг поэтикасини билиш қай даражада зарур эканини яна бир бор исботлайди.

¹ Навоий.—«Мажолисун-нафис».

Илми бадеънинг таърифида барча эски ва янги назариячиларнинг таъбирлари бири бирига мос келади десак, хато қилмаган бўламиз. Бу таъбирларни умумлаштириб шундай десак бўлади: «Илми бадеъ — сўзга зийнат ва оройиш бермоқ мақсадида қўлланиладиган қоидалар — ва қонунлардан иборатдирки, тўғри ва соғлом калималарда рўйбга чиқади.

Гарчи бу таърифда масаланинг фақат шакл ва ифода томони қайд қилинган бўлса-да, асрлар давомида адабиётшунослар шу нуқтаи назарга риоя қилганлари учун¹ биз ҳам адабий воқеанинг мазмунини асос деб билганимиз ҳолда, классик шеърларнинг таҳлилида ва тасвирида анъанавий поэтиканинг усуларини қўллашимиз керак.

Кўп асрлик тараққиёт давомида илми бадеъда қўлланиладиган санъаткорнинг сони кўпайиб юздан ҳам ошиб кетган. Шунини ҳам қайд қилиш керакки, анъана бўйича, илми бадеъда «санъат» сўзини, ҳозир биз англаган маънода, яъни ижтимоий ҳаётнинг бадий инъикоси бўлиб қолган махсус бир тармоқдек эмас, балки бадий усул, приём, восита, фигура маъносида қўллаганлар. Навоий ўзи ҳам «Мажолис» да ва бошқа асарларида «санъат» сўзини фақат шу маънода тушунган, «санъат» сўзининг арабча кўпчилик шакли «саноат» бўлса ҳам поэтикада «саноеъ» шаклида қабул қилинган ва «саноеъ бадийя» дейилганда «бадий санъатлар» мазмуни кўзда тутилган. Луғатларда «саноеъ» сўзи гарчи «сания»нинг кўпчилиги бўлса-да, «санъат»нинг кўпчилиги деб ҳисобланади, дейлиши бежиз эмас².

¹ Масалан: а) Аҳмад Ҳамди.—«Балоғати лисон — усмони», Истамбул, 1393 ҳижрий (1873 мелодий), 94-бет; б) Сайид Тақи Тақавий — «Улуми адабий — илми бадеъ каломоти шиво — суханони зебо», Техрон, 1337 ҳижрий (1958 мелодий), 3-бет; в) Е. Бертельс «Кўлёзма», 286-бет ва бошқалар.

² «Мукаммал Усмоли луғати», 1315 ҳижрий; 487-бет.

Бироқ илми бадеъ ўзи асосан икки қисмга бўлинадики, булардан бирини «саноеъ маънавий» (маънавий санъатлар), иккинчисини «саноеъ лафзи» (лафзий санъатлар) дейдилар. Шундай қилиб, «маънавий санъатлар»да сўзнинг, иборанинг ва гапнинг маъноси эътиборга олинади, «лафзий санъатлар» да эса сўзнинг шакли, жаранглаши ва ҳатто ташқи (ҳарфий) чизиқлари асосий ролни ўйнайди.

Классик поэзияни тадқиқ қилишимизда биз асосан «маънавий санъатлар»ни тадқиқ қилмоқчимиз. Лекин «лафзий санъатлар» кўпинча формалистик ўйинлардан иборат бўлса-да, шоирнинг маҳоратини белгилаш, замона шеърининг хусусиятларини англаш мақсадида биз «лафзий санъатлар»нинг ҳам бир қанчасидан классик поэзияни тадқиқ қилишда фойдаланишимиз зарур. XV асрнинг «илми бадеъ»га доир кўп қимматли бир китобини нашрга тайёрловчи ўз муқаддимасида айтгандек «...бадий санъатларни билиш, шеърда мавжуд бўлган мураккаб образларни англашга кўмаклик қилади. Аруз, қофия ва шеърини санъатлар бобидаги анъанавий таълимотларни ўзлаштириб олган тадқиқотчи газалга уни ёзган шоирнинг кўзи билан қарашга муяссар бўлгандай бўлади, чунки ўша шоир ўз шеърини албатта шеърининг мажбурий қонунларига риоя қилиб ёзгандир»¹.

Классик поэтикани ва биринчи навбатда «илми бадеъ»ни чуқур текшириб, бу анъанавий санъатларни эгаллашимизнинг икки катта фазилати бор. Биринчиси: биз шу билан классик поэзиянинг хусусиятларини англаш ва англашда катта воситаларга эга бўлган бўламиз. Иккинчидан эса бу анъанавий санъатларни таъқиқий равишда баҳолаб, уларда мавжуд бўлган фазилатларни

¹ А. Е. Бертельс. (марҳум Е. Бертельснинг ўғли) — Ваҳид Табризийнинг «Жамъи мухтасар» асарига ёзган муқаддимаси. Москва, 1959, 11-бет.

ёш шоирларимизга талқин қилган, қудратли анъаналарни совет поэзиясининг аслаҳахонасига қўшиб қўйган бўламиз.

Таассуф билан айтишга тўғри келадикки, классик поэтикани текшириш ва ўзлаштириш ишлари, хусусан, бу поэтика андозалари билан буюк шоирларимиз ижодини ўлчаш ва таҳлил қилиш масалалари совет адабиётшунослигида жуда кам ишланган соҳалардандир. Бироқ сўнгги йилларда бу соҳада қилинган баъзи бир ишлар (улардаги сифат ва савиянинг турма-тур бўлишидан қатъи назар) бу йўлда ҳам бурилиш кутишимизга имкон беради.¹

Биз, ўзбек классик поэзиясининг *бадий қурилиш қонунларини ва қоидаларини* умумшарқ адабий тараққиёти жараёнида кузатиб бориб, асосий *бадий санъатларнинг* улуғ шоиримиз лирикасида қандай тадбиқ қилинганини аниқлаш мақсадида бир неча мақолалар тайёрлаб қўйдик. Бу мақолаларда биз *маънавий ва лафзий санъатлар, лирика* ва *реал* ҳаёт, шоирдаги олижаноб *ғоялар* ва ниҳоят талайгина анъанавий образларни поэзияга олиб кирган *Шарқ мифологияси* (афсонавий суратлар) ҳақида фикр юргизмоқчимиз.

Бутун бу масалаларни классик шеърятимизнинг чўққиси бўлган *Алишер Навоийнинг поэтик материали асосида* ҳал қилмоқни кўзда тутамиз.

«Шарқ юлдузи», 1965, № 10.

¹ Миржалол.—«Фузулийнинг санъаткорлиги», Боку, 1958; Б. Сирус «Қофия дэр назми тожик». Сталинобод, 1955; Б. Сирус — «Арузи тожики», Душанбе, 1963; Т. Зеҳний — «Санъатхони бадеи дэр шеъри тожики», Душанбе, 1960; М. Хамраев — «Основк тюркского стихосложения», Олма-ота, 1963; И. Брагинский — «О мастертстве Рудаки», Москва: 1964.

Булардан бошқа тўпламларда ва вақтли матбуотда бу масалаларга доир айрим адабиётшуносларимизнинг мақолалари ҳам нашр этилиб турди.

Иккинчи мақола

1. Поэтика — башарий орзулар хизматида

Биз Навоийнинг бадий маҳорати ва лирик ижодиётидаги санъаткорлиги ҳақида ёзган биринчи мақоламизда классик Шарқ поэтикасининг ва жумладан бадеъ санъатларининг аҳамияти ҳақида бир оз гапириб ўтган эдик.

Маълумки, халқларнинг адабиёт ва санъати тарихида нурафшон юлдузлардек порлаб чиққан илғор санъаткорлар адабий ва бадий воситаларни, яъни шакл қурола-рини ҳамиша чуқур *мазмунга*¹, *жиддий фикрга*, аниқ ғояга *бўйсундирганлар*. Шарқ классиклари ва шулар *жумласидан* бизнинг Алишер Навоий ҳам ўзининг буюк истеъдодини, асл даҳосини, билим, ғайрат ва тажрибасини улуғ ниятлар хизматида қўйган ва умуман поэзияни, хусусан лирикани кишилик жамиятининг зарурий бир эҳтиёжидай, кураш, ҳаёт ва *тараққиётнинг* занг босмас бир аслаҳасидай англаган. Алишер Навоий ижоди билан озми-кўпми танишган ҳар бир китобхон учун бу ҳақиқат офтобдек аён ва равшандир. Унинг зарбулмасалга айланиб кетган таъбирлари, байтлари, мисралари, *инсон, халқ, башарият* ҳақидаги ғамхўрлиги, унинг адолат, инсоф ва тўғрилиқ йўлида олиб борган тинимсиз кураши бу ҳассос юракда нақадар зўр муҳаббат қайнаганига, бу ёрқин манглай мияда нақадар олий фикрлар ва ғоялар жавлон урганига шоҳиддир.

Алишер Навоий шоирни инсонлар хизматида турган бир *ходим*, шеърни эса халққа берилаётган бир *дарсдай* англашида Урта ва Яқин Шарқ маданияти тарихида ўтган *психадам* ҳақимларнинг ва адибларнинг тараққий-парвар фикрларидан озиқланди ва ўзи бу демократик қарашларни давом эттирди. Абунаср Форобий, Абурай-

¹ Мақоладаги барча таъкидлар авторники. (Ред.)

хон Бируний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Ҳулғбек каби олимларнинг дадил назарияларидан ва ҳатто фаразияларидан хабардор бўлган шоир «Билимлар училиги» соҳасида, яъни адабиётшунослик бобида шуҳрат қозонган олимларни ҳам мутолаа қилгани тўғрисидаги мулоҳазамизни ўтган мақоламизда баён этган эдик.

Классик поэтика соҳасида, хоҳ Навоийдан олдин, хоҳ ундан кейин, энг зўр олим деб Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розий ҳисобланганини ҳам қайд қилиб ўтган эдик. Биз у ерда шонримиз «Мезонул авзон»ни ёзаётганида бир қанча китоблар қаторида «Илм устоиди Шамс Қайс» китобларини ҳам кўздан кечирганини уқтирган эдик.

Кўп таассуфки, «Алмўъжам»нинг танқидий матни — текстини нашрга тайёрлаган атоқли эрон олими марҳум Муҳаммад бин Абдулваҳоб Қазвиний Алишер Навоийнинг «Мезонул авзон» идан беҳабар қолган ва шу тўғрисида «Алмўъжам»нинг биринчи Байрут нашрига ёзган муқаддимасида шундай дейди: «Бу керакли китоб шунча зўр аҳамият ва қимматга эга бўлишига қарамасдан, муаллиф кўлидан чиққан чоғдан кейин деярли етти юз йил мобайнида олимлар ва адиблар назарига тушмаган ва ҳеч бир кимса у тўғрида бирон жойда бир оғиз сўз айтмаган»¹.

Навоий асарининг илмий-тадқиқот доирасидан четда қолиши (албата узрли сабаблар биландир) Ўрта Осиё ва Эрон заминида нашъу намо топган буюк олимнинг таъсир доирасини торайтиради. Қизиғи шуки, «Алмўъжам» китобининг матнини қайтадан текшириб иккинчи нашрга тайёрлаган адабиётшунос Мударрис Ризавий ҳам Қазвинийни тузатмоқчи бўлиб, Шамс Қайс асарини эикр қилган ёки ундан фойдаланган бешта адабиётшуносни топган

¹ «Алмўъжам», Байрут, 1909, М. Қазвинийнинг муқаддимаси, «Н» саҳифаси (форсча.)

нини эълон қилади, бироқ булар форс адиблари бўлиб, ўзлари эса Навоийдан анча кейин яшаган шахслардир.¹

Ҳар ҳолда биз учун Алишер Навоийнинг *Шамс Қайс Розийдан хабардор* бўлгани ҳар қандай шубҳадан холидир. Бинобарин, «Алмўъжам» муаллифининг шеър ва шоир ҳақидаги мулоҳазалари ҳам Навоийнинг диққатини ўзига жалб этганлиги табиий бир ҳолдир.

Шамс Қайс Розий ўз асарининг охиридаги «Хотимаи китоб» деган бобида шоирларга мурожаат қилиб: «Шеър ўзи аслида бир восита ва қуроладир,— дейди,— шоирлик эса ҳунар ва ташаббусдан иборатдир. Шоир ҳамма бадеъ санъатларни, сўз, вазн, қофия бобида устозлар ишлаб кетган барча қоидаларни ўқиши лозим. Буюк шоирларни ўқиб, гўзал шеърларни ёдлаб олинса кўп фойдали бўлур. Шеърни ёзаётганда маънининг бутунлиги, фикрнинг тўғрилиги мутлақо сақланиши шарт. Агар вазн ва қофия ва айрим сўзлар маънони бузар экан, уларни ўчириб, янги қофия ва сўзларни ахтармоқ лозим.

Сохталикдан қочиш, яхши ва ёмон гапларни бир-биридан ажрата билиш, ёлгон ташбиҳлардан, хира ишоратлардан, мушкул имолардан, қайтариқ сўзлардан, тақрорий тажнислардан, узун истиоралардан, нотўғри мажозлардан, оғир ва ғализ иборалардан ҳазар қилмоқ даркор. Тарихларни, ўтмиш арбобларининг ва ҳукмдорларнинг саргузаштларини, ҳукамолардан ўтган салафларни ўқи-моқ, билмоқ, танимоқ фарздир»².

Шамс Қайс Розий, юқоридаги мулоҳазасида кўринганидек, шеърда бутунлик, шакл ва мазмуннинг бирлигини, албатта маъно ва фикрнинг (мазмуннинг) устунлигини талаб қилади. Адабий асарнинг бадий жиҳатдан гоаят пухта бўлишини, сўз, услуб, ўхшатиш, истиора, қо-

¹ «Алмўъжам», Теҳрон, 1935. Мударрис Ризавийнинг муқаддима-си, «ИД» саҳифаси (форсча).

² «Алмўъжам», Теҳрон, 1935, 328—329-саҳифалар.

фияларнинг жо-бажо ва мантиқий бўлишини истаган бу олим шу билан бирга сатҳий «чирой»га, юзаки ҳашамга қаттиқ эътироз билдиради. Нафосатда сохта зарҳаллар эмас, ҳақиқий, ҳаётий борлиқни тараннум этнш — классик шеърятимизнинг *пешқадим* намояндалари учун асосий эстетик меъёр бўлиб келган. Бу жиҳатдан Навоийнинг бир байти Шамс Қайснинг даъватига жавобдек жанрглайди:

Эй Навоий, сену Хисрав билан Жомий таври,
Санъату рангни қўй, сўзда керак дард ила сўз¹.

Албатта, на Хисрав Деҳлавийнинг, на Абдураҳмон Жомийнинг ва на Алишер Навоийнинг ғазалларини ҳеч ким санъатдан маҳрум ва рангсиз, туссиз, сўлгин асарлардир, деб даъво қилишга журъат этолмайди. Бу ерда Навоийнинг сохта «санъатбозлик» ва ясама ранг — пардозга қарши исён кўтараётганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Шоир, шеърда (сўзда) дард ила сўзни² (куйиш, куйишниши) асосий унсур деб қабул қилар экан, шу билан у йиғлоқиликни, умидсизликни тарғиб қилмоқчи бўлади, деб ҳукм чиқаришимиз нотўғри бўлар эди. *Башарнинг*, одам авлодининг дарди, унинг қайғуси оғир ва мусибатли йўллари босиб, *нуроний манзилга қараб интилиши*, қурбонлар, қирғинлар ва ҳақсизликлар туфайли ўксиниши демакдир.

«Кўнгни шикоятдан юз рисола ёмишман...»³—

¹ Алишер Навоий. «Бадойиул васат», Тошкент, 1960 йил, 219-саҳифа.

² Баъзи нашрларда бўлганидек «суз» эмас. Чунки «сўзда... суз керак» таъбиридан маъно чиқмайди. Бунинг устига ғазалдаги шу мақтаъга, яъни сўнгги байтга шеър бўйлаб келган б қофия «уз» эмас, «ўз» шаклида наврўз, афрўз, омўз, дилсўз, ажўз, бўз) келтирилган.

³ «Наводируш шабоб», Тошкент, 1964. Шоирнинг кўллиёт силласида чиққан алоҳида девон, 308-саҳифа.

деган шоир ҳаёт ва жамиятнинг хунук ҳодисаларидан диалгир бўлиб, катта *ижтимоий* фалокатни «кўнгли рисо-ласи», яъни *лирик* шеърлари орқали изҳор қилишга му-ваффақ бўлгандир.

Феодализмнинг мудҳиш исканжасида аламзада фуқаро доду фарёд тортаркан, Навоий ногора қоқтириб, ўз шеър-ида сурункасига замонни ва толъини мақтаганда эди, В. И. Ленин таъбири билан айтганимизда, бу «худком оптимизм» ўлат чоғидаги базмга ўхшаб қолмасмиди? Бу қайғу, бу дардлар башарнинг *азалий ташвиш ва андишаларини* бир шоир қалбида инъикос эттиришдан бошқа нар-са эмас эди. Бу В. Г. Белинский айтганидек «равшан дард»¹ бўлиб, яхши кунлар ва порлоқ айём тасаввурини киши зеҳнига пайванд қилар эди. Ахир, бизнинг шоир дунё ва ҳаёт лаззатларининг буюк нағмасози эди-ку!

Умр ўтиб, бир дам Навоий топса васлингни, не гонг,
Йилда бир ой васл ила гул хушдил айлар булбулин.²

У бутун башар *наслининг*, миллий ва диний белгилари-дан қатъи назар, нафосатга қобил ва *муҳаббатга қодир* эканини эътироф қилади ва дунёда юксак севгини таран-нум этади:

Кўнгулини олса малоҳат била, тафовутни йўқ
Хитой ўлсуну ё армани ва ё ҳинду³...

Бир нарсани унутмаслик керакки, ўрта асрларнинг бошқа давлатларида бўлганидек, Хуросон ва Мовароун-наҳрда ҳам XV асрда прогрессив фикрлар ва оппози-цион кайфиятларнинг зуҳур этиши учун икки йўл бор

¹ В. Г. Белинский. Асарлар. VII том. Москва, 1955 йил, 329-саҳифа (русча).

² «Наводируш-шабоб», 251-саҳифа.

³ Уша асар, 296-саҳифа.

эди. Матбуот бўлмаган ва сиёсий-ижтимоий фикр қаттиқ бўғиб қўйилган бир муҳитда, ҳоким қоидаларга қарши норозилик гоҳо *сўфийларнинг сўл туруҳлари* томонидан ифодаланган. Бунга мисол қилиб ахавий сўфиларидан бир дарвешнинг Ҳирот Ҷомеъида Шоҳруҳ Мирзога суиқасд қилишини, ёхуд машҳур сўфи шайхлардан ва ахавий оқимининг пирларидан шоир Қосим Анварийнинг (вафоти 1431 йил) Ҳиротдан бадарга қилинишини кўрсатмоқ мумкин. *Норозиликни* иккинчи ва актив усули *адабиёт* орқали баён қилинган тараққийпарвар фикрларда ва ғояларда рўёбга чиқар эди. Лutfий, Абдурахмон Ҷомий, Алишер Навоий каби буюк шоирларнинг ижодиёти бундай олижаноб ниятларга хизмат қилган.

Шоирнинг вазифаси ва шеърнинг хусусияти ҳақида Алишер Навоий бир асарида ғоят қисқа ва лекин чуқур маъноли таъриф келтиради.

Шоирларнинг «ишлари маони хазоинидин жавоҳир термоқ ва эл файзи учун назм силкига вазн бермоқ. Назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилпесанд...»¹

Бу қисқа ибораларда Навоий катта бир муҳим *программанинг* сиқиб-сиқиб олинган *ширасини* беради. Бир жумлада у уч муҳим саволга жавоб бериб қўйгандай бўлади:

1. Шеърнинг мазмуни нима?— Маънолар хазинасидан терилган жавҳарлар.

2. Шеър кимлар учун?— Элнинг, халқнинг файзи, баҳраси учун.

3. Шеърни қандай қилиб элга етказиш керак (шакл)?— Сўзларни ишга чизиб, муайян вазнга солиш орқали.

¹ Алишер Навоий. «Маҳбубул-қулуб», Тошкент, 1939 й., 28-саҳифа.

Бу қисқа ифодалар билан Навоий халқ учун шаклан пухта, юксак мазмунли асарлар яратиш талабини ўртага қўяди. Шеърнинг юксак фазилатини тақдирлагани учун «назм адоси»ни у эзгу бир ҳодиса, шарафли ҳамда ёқимли ижод, деб баҳолайди.

Ўзининг бу асарида Навоий шоирларни беш табақага бўлади:

1. Тасаввуфчи шоирлар. 2. Тасаввуф («ҳақиқат») билан мажоз аралаш шоирлар. 3. Асарларида мажозий кайфиятлар устунлик қилаётган шоирлар. 4. Ҳам ҳақиқат ва ҳам мажоз тариқаларида камолотга эришган шоирлар. 5. Шеърининг қимматидан кўра даъво ва таманнолари баланд бўлган пасткаш шоирлар.

Навоий бешинчи табақадан бошқа ҳамма табақалардаги шоирларни катта эҳтиром билан тилга олади. Сўфи классиклари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий билан бир қаторда мажозий йўлда ва мажоз билан ҳақиқатни аралаштириб ёзган Ҳоқоний, Анварий, Асирий, Саъдий Шерозий, Хисрав Деҳлавий ва Хожа Ҳофизларни буюк устозлар тариқасида зикр қилиб ўтади. Шоирнинг вазифаси ва шеърнинг хусусиятлари ҳақида Навойдан биз юқорида келтирган парча, биринчи табақа устида гап бораётганида берилиши мазкур сўфи шоирларининг асарларидаги юксак бадиийлик, ахлоқий софлик ва ғоявий мустақиллик билан боғлиқ эди ва бу нарса иккинчи, учинчи ҳамда тўртинчи табақадаги шоирларнинг ижодини камситиш маъносида тушунилмаслиги лозим.

Алишер Навоийнинг ўз лирик мероси катта бир ҳазинани ташкил этади. У ўз тўрт девонини «Ҳазоинул маоний» (маънолар хазиналари) дейиши бежиз эмасдир. Халқ ўртасида асарлардан бери талаффузда қулайлиги учун иккинчи бир ном билан — «Чаҳор девон» ва янада қисқариб «Чор девон» оти билан машҳур бўлган бу муазам китоб, образли қилиб айтганимизда, бир қалбнинг таржиман ҳолидир, аммо бу қалб шундай бир ҳассос ва

бадавлат юрак эдики, асрнинг ҳеч бир ҳодисаси, замонанинг ҳеч бир муаммоси, жамиятнинг ҳеч бир воқеаси кишиларнинг ҳеч бир дарди, севинчи ва орзуси унда из қолдирмай, уни четлаб ўтиб кетолмаган. Навоийнинг лирик асарлари, биринчи навбатда ғазаллари, мустаҳзодлари ва қитъалари ҳали шоир ҳаёт эканида кўп шуҳрат топганини биламиз. Навоийнинг замондоши ва дўсти Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Самарқандийнинг (1438—1491) айтишига (1487 йил ёзган асарида) қараганда, ҳали у пайтларда Навоийнинг девони султонлар ва киборлар мажлисининг ярашиги, бечора ошиқларнинг раҳнамоси бўлиб, шу шеърларнинг овозаси Туркистон, Ҳижоз, Нишопур, Исфаҳон, Ажамистон, Ироқ томонларига бориб етган эди¹. У пайтдан буён ўтган беш аср давомида Навоий мухлисларининг сони тобора ортиб, навоийхонлар дунёнинг кўп мамлакатларида уни ташаккур ва таъзим билан ёд қилмоқдалар. Бизнинг шоиримизга бу ихлос ва икромнинг боиси нима?

Ҳар бир буюк шоирнинг узоқ йиллар давомида яратиб берган талай асарлари ўзларининг мавзулари, ҳажмлари ва ғоявий қийматлари жиҳатидан хилма-хил бўлишлари мумкин. Аммо булардан қатъи назар, ўша шоирнинг ўзига хос бош ва асосий бир таронаси борки, буни буюк рус танқидчиси В. Г. Белинский пафос деб атайдди. Биз бу терминни ўзбекча жўшқинлик, ҳаяжон, эҳтирос деб таржима қилишимиз мумкин. Пафос ҳам киши руҳидаги эҳтироснинг бир кўринишидир. Бироқ ҳар қандай эҳтирос ва ҳирс пафос бўлолмайди. Аксинча, баъзи кишиларда ёмон ишларга (қимор, шароб ва ҳоказоларга) нисбатан ҳам эҳтирос уйғонганлиги кўп учрайди. «Пафос дегани нима? Ижод, бу эрмак эмас ва бадий асар бекорчилик-

¹ Давлатшоҳ Самарқандий. «Тазкиратуш шуаро», Теҳрон — Шоҳобод. 1337 ҳижрий (1958 й.) Муҳаммад Аббосийнинг таҳрири остида. 569-саҳифа. (Форсча.)

нинг ёхуд қуруқ ҳаваснинг меваси эмас; у катта заҳмат билан қўлга киритилади. Зотан янги асарнинг уруғи қандай қилиб санъаткорнинг руҳига сингиб кетганини у ўзи ҳам билмай қолади. Она ўз батнида болани қандай парвариш қилса, санъаткор ҳам бадий фикрнинг уруғини ўз руҳида шундай аллалаб юради. Ижод жараёни аслида онанинг бола туғиши ҳодисасига ўхшайди. Бунда ҳам жисмоний бўлмаса-да, руҳий оғриқлар — дардлар кўп учрайди. *Бинобарин, шоир ижоднинг машаққатли йўлига тушиб кетар экан, демак, уни бу йўлга аллақандай қудратли куч, енгилмас эҳтирос қистаб мажбур қилар экан. Бу куч, бу эҳтирос — пафосдир...*

...Пафос инсон руҳида гоё орқали оловланган эҳтиросдир ва у доимо ўша гоёга қараб интилади. Демак пафос руҳий, маънавий, осмоний бир эҳтиросдир!»¹

Навойий лирикасини синчиклаб кўздан кечирган тадқиқотчи бу шоирнинг деярли барча шеърларида гавдаланаётган лирик қаҳрамоннинг бош хислатини ҳамиша кузатиб туради. Бу хислат — *одамзоднинг қадри учун куйиниш белгисидан иборатдир. Бу фикримизни яна кенгайтириб берадиган бўлсак, шундай бир ибора билан ифода лашга тўғри келади: Навойийнинг бутун ижодида ва айниқса унинг лирикасида башарнинг бахтини ўйлаш шоирнинг асосий пафосини ташкил этади. У майли, ғазалларида бахтсизликдан шикоят қилсин, ҳақсизликдан нолисин, бевафолардан ранжисин! Аслида буларнинг ҳаммаси бахт излаш ва бахт топиш истакларининг нақд ва аччиқ самараларидир. Булар — зилол чашма ахтариб шўр кўлмакка дуч келган йўловчининг ҳасратларига ўхшайдики, бу ҳол йўловчининг машаққатларга чидаб кўрсатган жасоратини сира камситмайди. Бу шикоятлар, инҳоят тун зулматларидан қийиниб, биллуур тонглари ку-*

¹ В. Г. Белинский. Асарлар, VII том, Москва, 1955, 312-саҳифа. (Русча.)

таётган муганининг интизорига ўхшайдикки, унинг қўшиғида асосий мавзу қора туннинг симсиёҳ босириғи эмас, балки яқинлашаётган субҳи содиқнинг кумуш нафасларидир.

Модомики, *бахт ва инсон қадри* буюк Алишерни бутун умри бўйи ўйлатган ва қуйлатган юксак пафоснинг манбаларини ташкил қилар экан, унинг лирик қўшиқлари асрлар ва насллар оша севилиб ўқилиб келишининг сирру асрори ўз-ўзидан аён бўлиб қолади. Зероки, инсон бахти шундай бир азалий ва абадий куйдирки, курраи арзимизда инсон авлоди барқарор бўлар экан, бу куйлар даврдан даврга кўчиб борғусидир.

Ўзининг ажойиб ва асл созини инсониятнинг улуғ итаклари хизматига бағишлаган доҳий шоир санъаткорликнинг барча усулларини худди шу мақсадда ўз сози пардаларида жилвалантиришга ҳам қодир бўлган буюклардандир. Бу усуллардан, яъни бадеъ санъатлардан баъзи бирларини кўриб чиқайлик.

2. Т а н о с и б

Таносиб — классик шеърятда энг кўп танилган ва кўпроқ татбиқ этилган бадеъ санъатлардан биридир. Лафзий санъатлардан, яъни кўпинча сўз ўйинларидан ва ҳарфбозлик ҳунарларидан ажратиш учун бу санъатни *маънавий санъатлардан* бири десак, яна тўғрироқ бўлади.

«Таносиб» сўзи аслида арабча бўлиб, бир-бирига *муносиб* ва *яқин* маъноларининг ёхуд суратларнинг бир ерга *жамланиши*, деган маънони билдиради. Кўп асрлардан бери турли шоирлар томонидан қўлланиб келган ва турли адабиётшунослар томонидан шарҳланиб турган бу санъатни бир сира бошқа атамалар билан ҳам атаб юрганлар. Шу жумладан, «мурооти назир», «тавфиқ», «эътилоф»

ва шоирлар ўзаро суҳбатларда бунга «жамият» деб ном қўйганлар¹.

Таносиб санъати бир неча хил аталса-да, унинг асл моҳияти, хусусияти ва таърифи бундан саккиз аср илгариги назарийтчилар белгилаб берган нуқтадан силжиган эмас. Бу факт классик Шарқ поэтикасининг гоят мустаҳкам ва ўзгармас қондаларга суянганидан далолат беради. Масалан, Рашидиддин Ватвотнинг (1088—1182) машҳур асаридида таносиб санъати ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: «Муурооти назир — бу шундай бир санъатдирки, котиб ё шоир ўз байтида жинсдош нарсаларни, чунончи ой ва қуёш, ўқ ва ёй, қош ва кўз, гул ва лола ва шуларга ўхшаганларни бирга жамлаб қўяди. Бу санъатни мутаносиб ҳам дейдилар»².

Рашидиддин Ватвот ўз асарини XII асрнинг ўрталарида ёзган. XX асрнинг ўрталарида эса, Оғойи Сайид Тақавий таносиб (муурооти назир) ҳақида шундай ёзади:

«Муурооти назир ёки мутаносиб деб бир-бирга мос ва монанд лафзларни бир жумлада жамлашни айтадилар... Ой ва қуёш, ўқ ва ёй, кўз ва қош, гул ва лола каби сўзларни «муурооти назир» дейдилар»³.

Кўриниб турибдики, ўртада ўтган муаззам саккиз асрга қарамасдан, бу санъатнинг таърифи ҳам ва ҳатто мисоллари ҳам айнан сақланиб келган. Бу ҳақиқат, шоирлар учун классик поэтикага риоя қилиш қай даражада темир қонун бўлиб турганини яна бир бор очиқ кўрсатмайдими!

¹ Сулаймонбек. «Мабониюл — иншо» II жилд. 1289 ҳижрий (1873), Истамбул, 5-саҳифа (туркча); Абдурахмон Сурайё, «Мезонул-балоғат», 1303 ҳижрий (1885), 359-саҳифа (туркча); Мир Шамсиддин Фақир Деҳлавий. «Ҳадойиқул-балоғат», Калкутта, 1814 й., 130-саҳифа (форсча); «Оғойи Сайид Тақв Тақавий. «Улуми адабий — илми бадий», Теҳрон, 1337 ҳижрий (1958), 124-саҳифа (форсча) ва бошқалар.

² Рашидиддин Ватвот. «Ҳадойиқул-сеҳр фи дақойиқуш-шеър», Теҳрон, 1302 ҳижрий. 10-саҳифа. (Форсча.)

³ Оғойи Сайид Тақавий. «Улуми адабий-илми бадий», Теҳрон, 1337 ҳижрий, 38-саҳифа. (Форсча.)

Албатта, Алишер Навоий Рашидиддин Ватвотнинг бадеъ илмига доир ёзилган биринчи асарлардан ҳисобланган мазкур асаридан *хабардор бўлган*. У ё бевосита равишда «Ҳадойиқ»ни ўқиган бўлиши мумкинки, бизнинг бу тахминимиз Ватвот асарининг ўз даврида кўп машҳур бўлганидан келиб чиқади. Мабодо, Навоий у даврнинг тарқоқлик шароитида «Ҳадойиқ»ни, маълум сабабларга кўра, бевосита равишда ўқий олмаган бўлса, Қайс Розийнинг «Алмуъжам»ни орқали Рашидиддин Ватвотнинг поэтикага доир фикрлари билан, албатта, танишмоққа муяссар бўлгандир. Зероки, Қайс Розий ўз асарининг ўн етти жойида *Рашидиддин Ватвотни тилга олади*, унинг шеърларидан намуналар келтиради ва бир қанча санъатларнинг таърифларида ҳам мисолларида ўз салафининг асаридан фойдаланади.

Форс-тожик тилида илми бадеъга доир ёзилган ва сақланиб келган илк илмий асар узоқ асрлар давомида Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадойиқ» китоби ҳисобланар эди. Гарчи, машҳур тазкирачи олимлар, чунончи, Давлатшоҳ Самарқандий ўз «Тазкиратуш-шуаро»сида ва Ҳожиги Халифа эса «Кашфиз-зуннун» асарида XI асрда, яъни Ватвотдан бир аср олдин илми бадеъга оид «Таржимонул балоға» номли бир асар ёзилганлигини таъкид этганлар ва бунинг муаллифи Султон Маҳмуд Ғазнавий даврининг машҳур шоири Абулҳасан Али Фаррухийдир (вафоти 1039), деб даъво қилганлар. Лекин мазкур асарнинг номи маълум бўлса-да, ўзи йўқолиб кетгани учун китобнинг қиймати тўғрисида ҳам, муаллифининг кимлиги ҳақида ҳам баён этилган ҳамма мулоҳазалар фаразиялардан иборат бўлиб қолган, холос!

Қизиги шуки, Рашидиддин Ватвот ўз асарини ёзишига боис ва туртки мазкур «Таржимонул балоға» асари эканини «Ҳадойиқ»нинг муқалдимасида нақл қилиб беради. (Лекин у «Таржимон»ни ким ёзганини кўрсатмайди).

«Бир кун одил Хоразмшоҳ Султон Оғсиз мени ўз ҳузурига чақиртирган эди. Мен даргоҳга бориб, бир чеккада

қўл қовуштирдим ва фармонларини кутиб турдим. Шох мёнинг қўлимга форсий тилда ёзилган бир китобни тутқазди. Шеър бадиёети ҳақида тузилган бу китобнинг номи «Таржимонул балоға» эди. Мен уни кўриб чиқдим ва менга у ёқмади. Чунки ундаги ҳамма сўзлар ясама бўлиб, инсоф юзасидан тўпланган эмас эди. У ердаги назмлар паст бўлиб, нуқсонлардан холи эмас эди. Мен бу даргоҳнинг асрандиси бўлганимдан, ўзим форс ва араб тилларидаги шеърийятнинг ҳусни ҳақида бу китобни ёзишга киришдим»¹.

Шундай қилиб «Таржимонул балоға»нинг Рашидиддин Ватвотга ёқмагани уни «Ҳадойиқ»ни ёзишга мажбур этган. «Ҳадойиқ» эса, Шамс Қайс Розийнинг улуғ асарига манба бўлган ва унинг илҳомини қўзғаган.

Биз бу тарихий ҳодисани эслатиб ўтишимиздан яна бир муддаомиз шуки, халқимизнинг маданият тарихида ва умум кишилиқ оламининг тараққиёт тарихида ғоят улуғ мавқе тутган Хоразм замини, шарафли аждодларимизнинг бу табаррук ўлкаси Балх шаҳрида туғилган Рашидиддин Ватвотни *Урганчда* туриб, адабиёт тарихи учун зўр аҳамиятга эга бўлган бу ўлмас асарни яратишга ташвиқ ва тарғиб қилганлигини уқтириб ўтишдир.

«Таржимонул балоға»нинг то сўнгги давргача йўқолиб кетган деб ҳисобланиши унинг муаллифи ҳақидаги тахминий фикрнинг ўз-ўзидан мустаҳкамланиб кетишига сабаб бўлди. Ҳатто Эрон адабиёти тарихини текширишда ўзининг жиддийлиги билан ҳамма эроншуносларнинг ҳурматини қозонган марҳум Муҳаммад Қазвиний ва машҳур совет шарқшуноси марҳум Е. Э. Бертельс «Таржимонул балоға»нинг муаллифи Фарруҳий бўлган, деган фикрда вафот этиб кетдилар².

¹ «Ҳадойиқ...», Китоб муқаддимасидан, 3-саҳифа.

² Қаралсин. «Алмўъжам»,— Муҳаммад Қазвиний муқаддимаси, «б» саҳифаси (форсча) ва Е. Э. Бертельс. «Урта Осиё халқларининг адабиётларини ўрганишга мадҳал», қўлёзма, 146-саҳифа (русча).

1949 йилда Истамбулда нашр этилган «Таржимонул балога»нинг муаллифи Муҳаммад Родуёний экани маълум бўлди, лекин бу асар ҳар ҳолда ўзининг аҳамияти ва мазмуни эътибори билан «Ҳадойиқ»дан паст туради. Аммо, қачонлар бўлмасин, одамзод эҳси билан яратилган асарларнинг замона гирдобларидан омон қолиб, *давримизга* келиб етганига гувоҳ бўлиш ҳар бир маданият дўстини севинтиради.

Биз поэтиканинг манбалари ҳақида яна бир қадар тўхтаб ўтишимиздан мақсад — *ўтмиш даврларда* ёруғ фикрларнинг нақадар *машаққатлар* билан зулматларни ёриб келганини ёш авлодга хотирлатиб ўтишдир.

Алишер Навоий бевосита муталаа қилган «Алмўъжам» да ҳам таносиб ҳақида маълумот берилади. Шамс Розий ўз китобида таносибга келтирган мисол Рашидиддин «Ҳадойиқ»да келтирган мисолнинг айнан ўзидир. Бу — шоир Булмаоли Розийнинг форсий бир байтидир:

Аз мушк ҳаме тир занад наргиси чашмат,
З-он лолаи рўйи ту зиреҳ сохт зи-анбар.

(Таржимаси: «Сенинг кўзингнинг наргиси нуқул мушкни ўқ қилиб отади. Шу сабабдан сенинг юзингнинг лоласи анбардан зиреҳ ясаб олди».)

Бу мисолни келтиргандан кейин Қайс Розий мушк билан анбар, наргис билан лола ва ўқ билан зиреҳ бир-бирига назир (монандир), бинобарин, бу шеър муруоти назирга мисол била олади¹, дейди.

Бунинг кетидан Шамс Розий бу гал «Рашид гўяд» деб Ватвотнинг ўзидан бир тўртлик келтиради ва бу парчадаги финдиқ, ёнғоқ, бодом ва писта сўзларини таносибга мисол қилиб келтиради².

¹ «Алмўъжам», 283-саҳифа.

² Уша жойда.

Навоййгача бу масалаларни чуқур ишлаган муаллифлардан бири Ваҳид Табризий бўлганки, унинг машҳур «Жамъи мухтасар» асари XV асрнинг бошларида (1420 йилгача) ёзилган ва ўша даврда Урта Осиё ҳам Озарбайжон ўртасидаги маданий ва сиёсий алоқаларни эътиборга олганимизда, Навоййга таниш бўлиши кўп эҳтимолдир. Китобнинг бошидаёқ Ваҳид бу асарни ўз биродарзодаси — жияни учун ёзилганини ва китоб «билимлар учлиги»дан (аруз илми, қофия илми, шеър санъатларидан) иборат бўлганини уқтириб ўтади¹.

Муаллиф бадий санъатлардан ҳар бирига ўз шеърларидан бир мисол келтириб, уни арузнинг маълум вазнига қараб, туроқларга кўра тақсимлайди. Унинг таносибга (Ваҳид таъбири билан, муурооти назирга) келтирган мисоли шу байтдан иборатдир:

Бар оразу узорат гулу лола гашта даста, 6
Хатту холи анбаринат дили мушки Чин шикаста².

(Таржимаси: «Сенинг юзу ёноқларингда гул ва лола даста боғлаган. Сенинг анбар холу хатинг Чин мушки (оҳуси) нинг юрагини ёриб юборадил»).³

Байтни аруз руқналарига бўлиб қўйгандан кейин муаллиф илова қилади: «Бу ерда муурооти назир ораз (юз) ва изор (ёноқ), хат ва хол, гул ва лола, анбар ва мушк сўзларидан иборатдир, чунки, булар ўртасида муносабат бор»³.

Шубҳасизки, Навоййнинг кутубхонасида биз юқорида кўрсатиб ўтган китоблардан бошқа ва бизга номаълум бўлган асарлар, «билимлар учлиги»га доир ва бевосита равишда илми бадеъга оид китоблар мавжуд бўлгандир. Бироқ бадий санъатларга хос *усуллар*, *қоидалар*, *шартлар* ва

¹ Ваҳид Табризий. «Жамъи мухтасар», Москва, 1959 й. Танқидий матн, 14-саҳифа. (Форсча.)

² Уша жойда.

³ Уша жойда.

ҳатто терминлар Рашидиддин билан Шамс Қайс белгиланган доирадан четга чиқмаган бўлса керак.

Бизнинг буюк шоиримиз ҳам таносиб санъатини кенг қўллаган. Хоҳ тўрт лирик девонга кирган шеърларда бўлсин, хоҳ бошқа асарларга — «Муншоот»га, «Вақфия»га, «Мезонул авзон»га, «Муҳокаматул лугатайн»га киритилган қитъаларда, рубоийларда, фардларда бўлсин, биз таносибнинг юзлаб намуналарини учратамиз. Даъвомиз бедалил бўлиб қолмаслиги учун шоирнинг турли девонларидан баъзи бир мисолларни кўздан кечирайлик:

Истамиш булбул вафо гулдин, магарким жоладин,
Бағри қотмиш гунчанинг, баским эрур хандон анга¹.

Бу бир байтнинг ўзида шоир ҳаётнинг ғамли бир манзарасини чизиб беради. Гулдан вафо кутган булбул бечора билмайдики, гунчанинг табассуми сохтадир, чунки у шудринг доналаридан қотиб қолган, доимо хандон кўринади. Бу — севганидан вафо кутган ошиқнинг ташқи — ясама нозу карашмаларга ишониб, ўзини ўзи алдаганининг ифодаси бўлиб, бадний бир лавҳадай жилваланади. Лавҳани кучайтириш ва таассуротни зўрайтириш мақсадига таносиб санъати яхши хизмат қилади. Чунончи, булбул ва гул бири-бирига «вафо» сўзи орқали боғланади. Гарчи вафонинг ўзи аслида бўлмаса-да, булбул унинг бўлишини кутади. Жола (шабнам) гунча билан боғланади, чунки эрта тонгда шудринглар гунчага қўниб, уни яшнатади. Хандонлик гунчага хос бир кўринишдир. Шундай қилиб, бу байтда булбул — гул — гунча — шабнам — ханда мажоз орқали бири бирига боғланиб, таносиб санъатига чиройли ўрناق яратади. Бежиз эмаски, классик поэтикани чуқур текширган баъзи адабиётшунослар таносиб санъатида айрим суратларни ва сўзларни бир байт ва ҳатто бир мисрага тўпламоқ

¹ «Ғароибус-сиғар». Тошкент, 1959 й., 29-саҳифа.

учун сўзининг мажозий, яъни кўчма маъноси (ёки истиора ва киноялар) шарт бўлганини эслатиб ўтадилар. Атоқли турк олими бу тўғрида шундай дейди: «Таносиб (мурооти назир)— маъно жиҳатидан бири бирига муносабати бўлган калималарни мажоз тариқи билан бир орага тўпламоқ санъати, ҳунар ва маърифатга имкон туғдирувчи бир заминдир»¹.

Алишер Навоий ўз ғазал ва рубойларида таносиб санъатидан фойдаланар экан, сўзларни ва суратларни мажоз орқали жамлашга муваффақ бўлган. Яна биринчи девондан бир мисол:

Ўртанурмен кечалар ҳажрингда андоқким чароғ,
Равшан ўйла: ришта жисмимдур, кўнгул — ўт, ашк-ёғ².

Девондаги 299-ғазалнинг матлаи бўлган шу байт ёр ҳасратида ва интизориди кечалар куйиб ётган ошиқнинг мужассам образини яратади. Лекин образнинг шундай муваффақиятли чиқишига таносиб санъати катта ёрдам берган. Шоир (лирик қаҳрамон) ўзининг куйишини (ўртанишини) куйётган чироққа ўхшатади. Бу ўзи анъанавий бир сурат — образдирки, шунинг ўзи билан кифояланганда ҳам маълум бир лавҳа кўзимиз олдида жонланган бўларди. Аммо устод шу билан қаноатланмайди. Аввало: интизорда куйётган ошиқ ва ёнаётган чироқ тариқасида ишланган ёндош (параллель) суратлар Навоийдан илгари фойдаланилган. Иккинчидан, ҳижронда ўртанаётган ошиқнинг фожиасини чуқурлаштириш, лавҳани бойитиш, чироқ ва ошиқ билан алоқадор бўлган аллақандай жузъларни, тафсилларни (деталларни) шеър даврасига киргиши керак эди. Чироқнинг риштаси (пилиги), ёниб турган олови, оловни

¹ Огоҳ Сирри Левенд. «Девон адабиёти. Калималар ва рамзлар, мазмунлар ва маафҳумлар», Истамбул, 1941—42-йиллар, 330-саҳифа. (Туркча.)

² «Гароибус-сиғар», 317-саҳифа.

озиқлантираётган ёғи бор. Бунга муқобил ўлароқ, ошиқнинг вазиятида ҳам шундай жузълар топмоқ лозимдирки, улар ҳам инсоннинг бирор қисмини ташкил этган ҳамда бирон важ билан пиликка, ёққа, оловга ўхшаган бўлсинлар. Энди шоир ғазал даврасига ошиқнинг жисмини (танасини), кўнглини (қалбини) ва кўз ёшини киритади. Шундай қилиб китобхоннинг кўзи олдида кеча тун ярмида севган ёрининг интизорида қалби куйиб, кўзларидан ёшлари тинмай оқаётган бечора ошиқ образи мужассамланади. Дарду азоб унинг вужудини оздириб ингичка бир риштага ўхшатиб қўйган. Натижада: ҳижрон — ошиқ — озғин — кўнгул — кўз ёши бир силсила бўлиб, бир-бири билан боғлангани учун таносибга бир мисол; кеча — чироқ — пилик — олов — ёғ... иккинчи мисолни ташкил қиладилар.

Шоирнинг бу ғазалидаги матлаъ ғоят бақувват бир маънага яратиб, шеърнинг бутун мазмунини яққол намоён этади. Бу матлаъ¹ дарҳақиқат, шоҳбайт² даражасига кўтарилади, десак янглишмаймиз.

Байтнинг шундай сермазмун, таъсирчан ва шу билан бирга тасвирчан бўлиб чиқишига сабаб устоднинг таносиё санъатидан маҳорат билан фойдаланганлигидир.

Барча эксплуататор тузумларида бўлганидек, феодал жамиятида ҳам ҳақнинг хорликка, ноҳақнинг эса ҳурматга дуч келганини, яхшининг эзилиб ётганини, ёмонларнинг эса кўтарилиб кетганини, эриларнинг шоҳ даргоҳларида маъқул, тўғриларнинг эса олий даргоҳлардан мардуд — қувғин бўлганини кузатиб турган кўп виждонли одамлар ғазабланганлар ва ўз қаҳрларини турлича ифодалаганлар. Бу оғир ва кескин фалокат кўп шоирларнинг ҳам шеърига

¹ Матлаъ — юлдузнинг пайдо бўлиб кўринган жойидир. Маъжозий маънода эса ғазал ва қасиданинг биринчи байтидир. Бу байтнинг иккала мисраи ҳам қсфияланиши шарт. Ғиёсул луғат», Бухор», 1307 ҳижрий, 741-саҳифа (форсча).

² Шоҳбайт — шеърнинг энг гўзал байтидир. «Мукамал усмонли луғати», 1315 ҳижрий, 460-саҳифа (туркча).

мавзу бўлиб қолган. Лекин, қаранг, Навоий бу адолатсизлик қабоҳатини қандай нозик суратларда чизиб беролган:

Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш, не тонг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар рухдек қироқ¹.

Эгри, фирибгар, каж одамлар подшоҳ ҳузурида ҳурматда бўлиши ҳеч таажжуб эмас, чунки тўғрилар четга чиқариб ҳайдалганлар! Навоий ўз замонасининг оддий бир ҳақиқати бўлган бу фикрни шатранж ўйинидаги сипоҳлар орқали ифодалайди. Маълумки, шатранж — шахматдаги фарзин эгри юриш ҳуқуқига ҳам эга. Демак, бу эгри одамларнинг рамзидек берилади. У доимо шоҳ даргоҳида иззат-ҳурмат эгаси. Фарз ёки фарзин юксак поя соҳиби бўлган тадбирли киши демакдир. Бошқача қилиб айтганда, у подшоҳнинг вазиридир. Шахмат тахтасида у шоҳнинг ёнида туради. Вазирлик мансабига эса, у эгри-қинғир йўллар билан бориб етгандир. Рух эса, шатранж майдонида тўғри юради — ростравдир. Шунинг учун у тахтанинг энг чеккасида туради. Тўғри одамлар ҳам рухга ўхшаб давлат ва сарой доираларидан четга ҳайдалган, балки узоқ вилоятларга сургун қилинганлар. *Ижтимоий ҳақсизликни* шу восита билан, яъни шахмат сипоҳлари ва қондалари воситаси билан фош қилган шоир, шу билан бу ҳақсизлик ҳаётда тарихнинг табиий бир зарурати эмас, балки шатранж ўйинидек ясама, *ғайри табиий* бир ҳолатдир, демоқчи бўлади. Бу ерда *таносиб санъати шоирга* қатта хизмат қилган. Чунки суратларнинг бир жинсдан бўлиши шеърхон диққатини бўшаштирмайди ва муаллифга керакли хулосани чиқаришга ёрдам беради. Шоҳ — фарзин — мақом — каж юриш — рост юриш — арса — рух... каби сўзлар шатранж ўйинининг тафсилларидандир.

¹ «Ғароибус-сиғар», 335-саҳифа.

Устоднинг иккинчи девонида ҳам биз таносиб санъатининг бадниёт бобидаги баракали ҳосилини кўришимиз мумкин.

Чунончи бир ғазалида у:

Ашк этиб сабрим уйин вайропу ҳар дам оҳ ила
Ул бузуғнинг тупроғин барбод қилмоқдур ишим¹,—

дср экан, ошиқдаги *сабру тоқатнинг* адо бўлганини катта ва аниқ жисмоний буюм орқали ифодалайди. Шоир уй биносининг вайрон бўлиб чўкишини турмушда кўп кузатиб кўрган, жонли шоҳиди бўлган. Бу ерда эса, у, сабрнинг уйи кўз ёшларимдан хароб бўлди, чўкиб кетди, дейди. Дарҳақиқат, пайдар-пай ёғиб турган ёмғир ва жалалардан иморатнинг қулаб кетиши табиий бир ҳолдир! Муаллиф шу билан кўп йиғлаганини, севгилиси ҳасратида ҳаддан ошиқ кўп кўз ёши тўкканини билдирмоқчи бўлади. Лекин бугина эмас. Устоднинг буюк маҳорати ҳеч бир лавҳани чала қолдирмасдан, уни мантиқий ҳаддига бориб етказишида ҳам намоён бўлади. Сабрнинг уйи бузилиб, вайрона ҳолига келгандан кейин, шу ҳолича қолиб кетмайди. Йиғлаш билан бирга ошиқ шу қадар кўп оҳу фарёд кўтарганки, бу оҳларнинг кучи ҳалиги вайронанинг тупроғини шамолга созуриб юборган, яъни барбод этган. Бу байтдаги таносиб санъати лавҳани тўлароқ акс эттиришга катта кўмак берган. Ахир иморатнинг ёғиб турган жаладай кўз ёшлардан вайрон бўлиб чўкиши ва сўнг бу вайрона уй тупроғининг фарёд нафаслари билан елга созурилиши бири бирига чамбарчас боғланган жараёнлар-ку! Ҳақиқатан, устод шоир бир воқеани ва унга лозим тафсилларни ҳам олиб келиб, бош мавзуга риоя қилдира билшида нақадар моҳир эканлиги биз келтирган мисоллардан аён кўриниб турибди. Таносиб санъатидаги бу хусусиятни кейинги даврнинг

¹ «Наводируш-шабоб», Тошкент, 1959 й., 411-саҳифа.

адабиётшуносларидан ва классик поэтиканинг ҳассос назариячиларидан бири теран пайқаб олиб шундай деган: «Муруоти назир (таносиб) санъатида шоир ўз байтида айтган нарсасини ўша нарса тақозо қилган лозимий ҳолатларга риоя этиб зикр қилади. Масалан, гул лафзи айтилса, боғбон ва чаман, шабада ва гунчага риоя қилишга тўғри келади»¹.

Кўнглагим ёпишти қонлиг танга, андоқким тери,
Баски, тошлар захмидин жисмимни афгор айладим².

Бу байтда тақдирнинг тошлари, бадандаги жароҳатлар, мажруҳлик, қонли вужуд, бадандаги тери ва кўйлақдан иборат тафсиллар бора-бора бевафо замонга қарши курашда яраланиб майиб бўлган, аммо таслим бўлмаган мағрур инсоннинг жозибали суратини яратишга ёрдам беради. Бу байтда таносиб санъати мажозий сўзлар (тошлар, захмлар, қонли тана) орқали тамомила *реал ҳаётнинг фожиасини* гавдалантиришга хизмат қилади.

Устоднинг ижод корхонасини кўздан кечирар эканмиз, унинг тўртта лирик девони бўйича таносиб санъатининг катта бир мавқе ишғол қилиб келганини кўрамиз. Таносиб санъати лириканинг барча турларида муваффақият билан татбиқ қилиниб келган. У кўпинча ғазалнинг бир ё икки, баъзан эса, уч байтини ўз ичига олади ва бу бир-икки байт доирасида катта, чуқур ва яққол бир бадий фикрнинг жонланишига ёрдам беради. Бироқ бутун бир ғазалнинг барча байтларини айна бир таносиб системасига киритиш воқеалари камдан-кам учрайди ва зотан, бунга ҳожат ҳам йўқдир, чунки камида етти ва баъзан тўққиз ёки ун бир байт доирасидаги ғазалда ҳамма сўзларни ва

¹ Жаъфар Тайёр. «Раҳбари Гулистон», Истамбул, 1308 ҳижрий (1891 йил), 36-саҳифа (*туркча*).

² «Наводируш-шабоб», 434-саҳифа.

суратларни жинсдошлик ёхуд монандлик белгиси остида йиғиб тасвирлаш шеърхонни зериктирган бўлар эди. Ана шунинг учун ҳам устод ўз ғазалларида кўпинча таносиб қўллаган жойларда шеърнинг равишини бирдан ўзгартириб, бошқа санъатларни ишга соладик, бу тўғрида биз кейинги мақолаларимизда фикр юритамиз.

Таносиб санъати фақат табиат манзаралари ва кишининг руҳий кайфиятлари билан чекланмасдан, тарихий ҳодисаларга ёхуд афсонавий (мифологик) ғивоятларга ҳам бевосита татбиқ қилиниши мумкин. Устоднинг учинчи девонидаги уч юз ўттиз биринчи ғазалидан бир байтни олиб кўрайлик. Бу ғазалда шоир ёру дўстларининг кеккайиб кетмаслигини маслаҳат тариқасида тушунтирмоқчи бўлиб, афсонавий суратлардан фойдаланади:

Тутай жаҳонда Сулаймон сени ва ё Жамшид,
На мунга жом вафо айлади, на анга узук¹.

Устод дўстига мурожаат қилиб, ярим афсонавий ва ярим тарихий шахсларни эслатиб ўтади. Булардан биттаси Сулаймон бўлиб, мелоддан ўн аср илгари Исроил давлатида ҳукмронлик қилган яҳудий подшоҳининг исмидир. Унинг ҳаёти, ҳашамати, саройи, қудрати, ақлу фаросати ва адолати ҳақида талай афсоналар тўқилиб, айниқса ўрта асрлардаги Шарқ адабиётига у машҳур қаҳрамонлардан бири бўлиб кирган².

Бир қанча афсоналарга кўра, Сулаймон Довуд пайғамбарнинг ўғли бўлиб, у ҳам отасидек пайғамбар ва подшоҳ бўлган. Инс ва жинслар, дев ва парилар, ваҳший жониворлар ва қушлар, илон ва чумоли, шамол ва сувлар унинг амрига тобеъ ва мутеъ бўлганлар. Сулаймоннинг подшоҳ-

¹ «Бадойиул-васат», Тошкент, 1960 й., 335-саҳифа.

² «Большая Советская Энциклопедия», 40-том, 1957 й. 47-саҳифа.

лик муҳри ва мўъжизавий қудрати қўлидаги узукнинг сеҳрига боғлиқ экан. Бу узукнинг кўзи «кибрити аҳмар» деган қимматли тошдан ясалган экан. Кимёгарларнинг эътиқодига кўра, бу тош ҳар қандай мўъжизаларга калит берар эмиш. Бу тошга тангрининг сирли исми ўйилгани учун барча махлуқлар Сулаймоннинг амрига бўйсунар экан. Бир кун бир дев фурсат пойлаб узукни ўғирлаб, Сулаймон тахтини эгаллабди¹.

Навий Сулаймонни ва унинг узугини тилга олганида шу афсонани кўзда тутган. Шарқ афсоналарига Сулаймон ва унинг узуги шундай жуфт бўлиб кириб кетганки, бирини айтганда, иккинчиси хотирага келади. Шоир *таносиб санъатидан фойдаланиб, яққол образ ярата олган*. Бу ерда уни Сулаймоннинг пайғамбарлиги ва «кибрити аҳмар»нинг мўъжизалари қизиқтирмайди. У давлатга, тахтга, қудратга мағрурланиб талтаймасликка даъват қилади, холос!

Шу байтда тилга олинган *Жамшид* ҳам ярим тарихий, ярим афсонавий сиймолардан бирidir. У Эронда қадим замонда ҳукм сурган пешдодиён сулоласининг тўртинчи подшоҳи ҳисобланади. Унинг асл исми *Жамдирки*, бу сўзнинг қадимий форсча лугавий маъноси — буюк подшоҳ демакдир. Шаробнинг пайдо бўлиши, навруз кунининг йил боши саналиши *Жамшид*га нисбат берилмоқда².

*Жамшид*нинг машҳур кашфларидан бири унинг сеҳрли жоми бўлганки, бутун дунё, замона ва келажак бу жомда акс этар экан. Халқлар ўртасида «жоми *Жамшид*», «базми *Жамшид*» деган таъбирлар ҳали ҳам юрадики, булар шу афсонавий шоҳнинг номи билан боғлиқдир.

Аммо *Жамшид* бориб-бориб кеккайиб, мағрурланиб шу даражага етдики, ўзини худо деб ҳисоблай бошлади. Халқ ва аъёнлар ундан юз ўғириб, араб шаҳзодаси *Заҳҳок*ни

¹ Огоҳ Сирри Левенд. «Девон адабиёти», Истамбул, 1941—42 йиллар, 120-саҳифа (туркча).

² Уша жойда, 385-саҳифа.

тахтга олиб келиб ўтқаздилар. У Жамшидни банди қилиб олиб, арра билан иккига кесиб ташлатди¹.

Кўрниниб турибдики, бу ерда ҳам Навоий Жамшид образини зикр этиши тасодифий эмас. Тахту тожигга мағрурланиб, сеҳрли жом орқали ҳамма нарсаларни олдиндан биламан, деб гердайиб қолган бу шоҳ охири разиллона ҳалок бўлади ва сеҳрли жом унга вафо қилмайди.

Бу байтда Жамшид ва жом сўзлари таносиб санъатининг қонунлари асосида яқинлик ва жинсдошлик белгиси остида бирлаштирилганлар. Биз яна шу фикрни такроран ўқтириб ўтамизки, бу афсонада Навоийни Жамшиднинг ҳашамати эмас, балки унинг афсонасидаги ибрат ва сабоқ жиҳатлари ўзига жалб этган.

Таносиб санъати ўзининг ички қоидаларига эга бўлгани учун бу қоидалар бир томондан, санъаткорга қўлланма ролини ўйнаган бўлсалар, иккинчи томондан, шеърхонларга шеърни тўғри англашда ва ҳатто баъзан, айрим котиблар йўл қўйган хатоларни тузатишга имкон яратиб беради. Масалан, биз бир вақтлар эски қўлёзма баёзлардан биринда Навоийнинг бир ғазалини ўқиганимизда шундай байтга кўзимиз тушган эди:

Ўқи захмин тан аро ул юз хаёли ёрутур,

Уйлаким, Юсуф жамоли равшан эткай жоҳни.

Биринчи қарашда, байт тўғри ва барча сўзлар жоба-жо — ростга ўхшайди. Байтнинг мазмуни шундайдир: Унинг ўқи туфайли баданимда очилган жароҳатни унинг чеҳрасининг хаёли ёритади. Юсуфнинг жамоли жоҳни (ҳашаматли жойни) равшан қилганига ўхшайди.

Байтнинг шу тарзда талқин этилган мазмуни фикрий ва шеърый жиҳатлардан ҳеч бир эътироз туғдирмайдиганга ўхшайди. Вазн ва қофия (ғазалдаги бошқа байтлар билан боғланиши) жойида!.. Лекин «жоҳ» сўзи бизни бир оз ўй-

¹ «Баҳори дониш», Москва, 1964 й., 385-саҳифа.

лантириб ва ҳатто гумонсиратиб қўйди. Чунки яранинг чуқурлиги, дўстнинг гўзал чехраси бу чуқурликни ёритиши бир томонда, Юсуфнинг ҳусни жоҳни равшан қилиши иккинчи томонда турибди. Юсуф кимнинг ҳашаматли жойини ёритган? Юсуф афсонасини эслашга тўғри келади. Модомики, бу ерда таносиб санъати қўлланилган экан, демак, захм — яра, жароҳатга иккинчи мисрада муқобил ва монанд суврат топиш керак! А-ҳа! Ахир, Юсуфни акалари қудуққа ташлаган эдилар-ку. Қудуқни эса, форсча ва классик адабий тилда «чоҳ» сўзи билан ифодалаганлар. Демак, одатдаги котиб хатоси! Энди ҳаммаси ўз жойига тушди. Мисрани тўғрилаб, «жоҳ» ўрнига «чоҳ»¹ деб қўйилса, маъно ва лавҳа рост ва бутун чиқади. Дўст юзини хотирлаш билан яранинг ичи ёриб кетиши (яъни оғриқнинг босилиши) қудуқнинг Юсуф жамолидан равшанланиб кетишига уйғун келади ва бу — яхшигина бир таносибга мисол бўла олади!

Биз Навоийнинг бошқа китобларидан ҳам юзлаб ва балки минглаб мисоллар келтириб, таносиб санъатининг устод қаламига нақадар ошно ва маъқул бир ҳунар бўлганлигини яна исботлашимиз мумкин эди, лекин мақолани ҳажман чеклаш кераклигини эътиборга олиб, юқорида келтирилган мисоллар бу борада етарли тасаввур туғдира олишини назарда тутдик ва мақоламизнинг охирида таносиб санъатининг рубойи турида қандай татбиқ қилинганлиги устида бир оз тўхтаб олмақни лозим топдик. Бунинг важи шуки, биз юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, бутун бир ғазал бўйича айни бир таносиб тафсилларини татбиқ қилиш мушкул ва балки ортиқча бир санъатбозликка айланиб кетиши мумкин. Рубойи жанри эса, ўзининг ҳажми ва ички хусусиятлари жиҳатидан бутунликда таносиб асосида қурилиши мумкин.

¹ Кейинча, мўътабар нусхалардан бу сўзнинг дарҳақиқат «чоҳ» бўлгани аниқланди. Қаралсин: «Бадойиул-васат», 647-саҳифа.

Нур айлар эмиш қадаҳни жонона тўла,
Соқий, манга тут жоми ҳарифона тўла,
Қуй, гар худ эрур сипеҳр паймона тўла.
Ҳар нечаки холи этсам, эт ёна тўла!¹

Бу олинган рубойнинг тўрттала мисраи ҳам қофияланган. Одатда биз рубойларнинг а-а-б-а тариқасида қофияланганини, яъни биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралари қофияланиб, учинчи мисра қофиясиз, очиқ қолдирилганини биламиз. Навойнинг рубойлари эса, а-а-а-а усулида қофияланади ва шоир ўзи буларни «рубоия» деб атайди. Классик поэтикада бундай рубойларни алоҳида бир термин билан ажратиб, «рубойи мусарра» деганлар².

Биз бу рубойнинг мисраларини бир-бир кўздан кечирсак, биринчи мисрада — қадаҳ ва нўш айламоқ (хўплаб ичмоқ) сўзларини, иккинчи мисрада — соқий ва жом сўзларини, учинчи мисрада — қуй, (қуймоқ феълидан буйруқ шаклини) ва паймона сўзларини, тўртинчи мисрада эса — холи этмоқ (қадаҳни ичиб бўшатмоқ) сўзларини кўрамиз. Шунинг устига рубоия учун танлаб олинган «тўла» радифининг ўзи ҳамма мисраларга бир оҳанг, бир ранг ва бир лавҳа бағишлаб, тамомила жинсдош сўзлардан иборат чиройлигина бир таносиб яшашга имкон беради. Демак, бутун шеър (рубойлар мустақил кичик бир шеър жанри ҳисобланганини биз биламиз) таносиб санъати негизида қурилган. Эпикурона, ҳаётий ва дунёвий нашъаларни тараннум қилиб ёзилган бу рубойнинг ҳар мисраи таносиб санъатига риоя қилиб тузилган ҳолда лавҳани пояма-поя кучайтиради. Чунончи: 1. Бизнинг жононамиз қадаҳни тўлдириб-тўлдириб ичар экан. 2. Хўш, шундай бўлар экан, соқий менга ҳам ҳарифона (халфана) катта жомдан тўлди-

¹ «Ғаровбус-сигар», 743-саҳифа.

² Муаллим Ножи. «Истилоҳоти адабия». Истамбул, 1307 ҳижрий, 182-саҳифа (туркча).

риб бер, мен ҳам ёримдан қолмай шаробни сипқарай.
3. Осмоннинг паймонаси тўлган бўлса-да, яъни менинг ум-
рим муҳлатлари адо бўлиб қолган бўлса-да, шунга қарамай
нашъамизни бузмаймиз. сен, соқий, жомларга майдан қуя-
вер! 4. Мен жомни ичиб қанча бўшатсам, сен, тўхтамай,
уни тўлдириб, менга тутавер!

Буюк ҳаётчанлик ва қувонч кайфиятида ёзилган бу ру-
боияга таносиб санъати ажойиб бир бутунлик, изчиллик
ва тасвирчанлик бахш этган.

Рубоиялардан яна бирида биз таносибнинг ёр чеҳраси-
даги белгиларга татбиқ қилинганини кўрамиз:

Ҳар зулф хамиға қилма вобаста мени,
Ҳар кўз ҳавасидан этмагил хаста мени,
Ҳар қош тамаиға солма пайваста мени,
Ё раб, барисидин айла вораста мени¹.

Бу рубоияда ҳар сўз ўз ўрнида, ҳар тафсил — деталь
ўз жойида ва ҳар бир боғланиш ўз мантиқий маъносида
ғоят пухта ишланган. Зулф, кўз, қош ҳамжинс сўзлар бў-
либ, таносиб қоидаларига мувофиқ тизилган. Энди шоир-
нинг буларга муносабатини олсак, булар ҳам таносиб прин-
ципига мослаб ифодаланган. «Вобаста» — боғланиш демак-
дир, чунки зулф одатда ҳалқа-ҳалқа гажаклар ёки занжир
шаклида тасаввур этилади. «Хаста» — касал демакдир, чун-
ки кўзларнинг хуморийлигини ва сузук қарашларини шоир-
лар одатда «бемор» (бетоб) сўзи билан тасвирлаганлар.
«Пайваста» — туташган, улашган дегани бўлади, чунки дил-
барларнинг қошлари бири бирига туташган ҳолда таъриф
қилинар эди. Демак, шоир — лирик қаҳрамон зулфнинг
занжирига тутқун бўлишдан, кўзлар ҳавасда касал бўлиб
қолишдан, қошлар орзусида тамаъгирликка улашиб кетиш-
дан ўзини олиб қочмоқчи. Дилбарлар ва жононлар дасти-

¹ «Ғаронбус-сиғар», 771-саҳифа.

дан кўп жафолар чеккан ошиқ тўртинчи мисрада бу ҳамма хавотирларга яқун ясайди ва тангрига хитоб қилиб, «Мени бу хатолардан қутқар — ворапта айла!» деб ёлбаради.

Бу тўрт мисрада, ҳеч қаерда таносиб қондалари бузилмайди, яъни ҳамжинс сўзлар қаторига бегона маънони ифодаловчи сўз киритилмайди.

Таносибнинг бутун бир асарга, яъни кичик бўлса-да, мустақил бир шеърини турга тўла татбиқ қилиниши *устоднинг маҳорати*га, ундаги юксак санъаткорлик *малакаси*га боғлиқдир. Шу билан бирга рубоийнинг ўз тарихига, ички хусусиятларига, турларига, композицион усулларига, фикрий шартларига ва бадиий аънаналарига ҳам алоқадордир. Биз, келажакда бошқа санъатлар ҳақида гапирганимизда рубоий хусусида батафсил сўзлашни мўлжаллаганимиздан бу мавзунини шу ўринда тўхтатамиз.

Умуман таносиб ҳақида ёзган ўнлаб эски ва янги авторлар бу санъатнинг фақат белгиларини бериш билан кифояланиб қолганлар. Ҳолбуки, унинг вазифаси ҳам, ишланиши ҳам кенг мулоҳазаларни ва мушоҳадаларни туғдиради. Биз юқорида Алишер Навоийдан келтирган мисоллар, биринчи галда, шоиримизнинг гоёт зўр ҳаётини тажрибаларга эга бўлганидан дарак беради. Ахир шатранж ўйинидан тортиб иморатсозликкача, боғбонликдан то эски афсоналаргача — ҳамма нарсага қизиққан, кўрган, ўқиган, билган кишигина ҳар хил тафсилларни шеърнинг узвийтига дадиллик билан олиб кириши мумкин.

Биз, совет шеърятининг жонли ходимлари, *Навоийнинг улуг тажрибасини*, ҳаётни билиш, шеърда ихчамлик, воқеаларни бир-бири билан боғлаш бобидаги санъатини *ижодий равиш*да эгаллаб олсак, ўзимизнинг бадиий маҳоратимизни ошираган бўламиз, холос! Аммо бу таълим ва таҳсилдан иборат ишимиз кўр-кўрона нусхабозлик эмас, ижодий ўзлаштириш тариқасида бўлмоғи лозим!

«Шарқ юлдузи», 1966 й., № 5.

Учинчи мақола

I. Тазод

Умуман классик шеърятимизда ва хусусан ганой¹ (лирик) поэзияда энг кўп тарқалган ва қўлланган бадий санъатлардан бири тазод деб аталган усулдир. Бу бадий санъатлар қаторида лафзга эмас, маънога, яна тўғрироғи, сўз ўйинига эмас, сўз орқали маънога таалуқли бўлгани учун классик поэтика назариячилари уни маънавий санъатлар қаторига киргизганлар. «Тазод» сўзининг арабча луғавий маъноси бири бирига тескари (зид) турган икки ҳолатни ё фикрни қарама-қарши келтириб қўйиш² демакдир. Тазод санъатининг таърифида барча эски ва янги адабиётшунослар ҳамфикрдирлар десак, янглишмаймиз. Фақат айрим назариячилар «тазод» термини ўрнига «мутабақа» (сўзни мослаштириш) атамасини қабул қилсаларда, бу санъатга берилган баҳо ва таърифларда ихтилоф йўқдир.

Албатта, Навойгача ўтган адабиётшунослар бошқа санъатлар қаторида тазод билан ҳам шуғулланганлар ва уни таъриф қилиб, ўз даъволарини далил тариқасида замондош шоирлардан ёхуд илгарироқ ўтган шоирлардан мисоллар келтирганлар. Бу ерда, биринчи навбатда, классик поэтиканинг оқсоқоли Рашидиддин Ватвотни зикр этмоғимиз лозим. У тазод ҳақида шундай ёзади:

«Бу шундай бир санъатдирки, котиб ё шоир назмда ва ёки насрда бири бирига зид турган сўзларни келтиради, масалан, иссиқ ва совуқ, нам ва қуруқ, нур ва зулмат, қора ва оқ каби. Бу санъатни Халил ибн Аҳмад «мутабақа» деб атаган. Уз форсий шеърида Қамарий шундай деган:

¹ Г а н о и й — арабча «ғано» («қуйлаш, қўшиқ») сўзидан, кўплиги — ағниё.

² «Мукаммал усмонли луғати». 227-саҳифа. «Араб-руе қомуси», Москва, 1957 й., 577-саҳифа.

Падидор аст адлу зулм пинҳон:
Мухолиф андаку носеҳ фаровон»¹.

Мазмуни: Адолат ошкора бўлиб, зулм хилватга яширинди. Мухолифлар, яъни менга қарши чиқадиганлар андаку бироқ хайрихоҳ насиҳатчилар кўпдан-кўп.

Шу байтда адолат ва зулм, ошкора ва хилват, мухолиф ва насиҳатчи, андак (оз) ва фаровон (кўп) тушунчалари бир-бирларига зид келганлари учун шеърда тазодга яққол мисол бўла олади. Рашидиддин Ватвот Масъуд Саъд Салмондан иккинчи мисол қилиб бир байт келтиради. Бироқ шу байтнинг худди ўзини кейинча Шамсиддин Қайс Розий ўз китобида тазодга ўрнак қилиб кўрсатгани учун шу билан кифояланамиз.

Шамсиддин Қайс Розий ҳам бу муҳим санъатни, албатта, эътиборсиз қолдира олмас эди. Лекин, у юқорида айтганимиздек, шу иборани «мутобақа» деб истеъмол қилаётган олимлар қаторида туради. У «бу санъат бири бирига зид бўлган нарсаларни юзма-юз келтиришдан иборатдир», деб тазодга тўртта мисол келтиради. Шоир Натанзийдан олган байтида саккизта тазод борлигини кўрсатади:

Базму размаш, дарду хору, афву хашмаш, нуру нор,
Амну биймаш, тахту дору, меҳру кинаш, фахру ор².

Мазмуни: Унинг зиёфати ва жанги, оғриғи ва тикани, кечириши ва ғазаби, нури ва олови, тинчлиги ва хатари, тахти ва дор ёғочи, меҳри ва хусумати, ифтихори ва хижолати... Бу байтдаги ҳар бир жуфт сўзда ўзаро зиддият бор.

¹ Рашидиддин Ватвот, «Ҳадойиқ», 8-саҳифа. «Шарқ юлдузи»нинг ўтган сонларида босилган биринчи ва иккинчи мақолаларнинг ҳошияларида кўрсатилган асарлар бу ерда қисқароқ (муаллиф, асарнинг номи ва саҳифа) эслатиб ўтилади.

² Шамсиддин Қайс Розий. «Алмўҷам», 256-саҳифа.

Бундан сўнг муаллиф Рашидиддин асарда шоир Масъуд Саъд Салмон шеърларидан фойдаланган мисолни келтиради ва охирда «ҳеч ким шу бобда қуйидаги дубайт¹ қадар латиф шеър айтган эмас, дейди:

Ғам бо лутфи ту шодмони гардад,
Умр аз назари ту жовидони гардад.
Ғар бод ба дўзах барад аз кўйи ту хок,
Оташ ҳама оби зиндагони гардад»².

Маъмуни; Менинг аламларим сенинг лутфинг билан шодмонликка эврилди. Умрим сенинг назаринг тушуви билан мангулик топиб олди. Агар шамол сенинг кўчангдаги тупроқни совуриб дўзахга элтиб қўйса, у ернинг оловлари оби ҳаётга айланиб кетади.

Бу дубайтда алам билан шодлик, умр билан мангулик, шамол билан тупроқ ва аланга билан абадий тириклик суви (оби ҳаёт) бир-бирига қарама-қарши тушунчалар бўлиб, тазодга классик намуна бўла оладилар.

Биз Алишер Навоийгача яратилган адабий анъаналардан гапирганимизда бир қанча машҳур олим ва адибларни тилга олдик. Бироқ бир машҳур муаллифнинг хотирламай ўтилиши ўқувчиларда таажжуб туғдириши мумкин. Чунки...

Бу «чунки» дан олдин сиз билан биргаликда XIX асрнинг бошларида Қўқон хонлигининг пойтахти — Қўқон шаҳрига кўчайлик ва хаёлан шоир Фазлий билан шоира Маъзуна ўртасидаги мушоиранинг биринчи байтини эслайлик. Фазлий шоирага қараб шундай деган эди:

¹ Дубайт — «Мисралар сони ва қофия тартиби рубойга ўхшаса-да, рубойи вазнидан бошқа вазнда ёзилган тўртлик». Оқайи Сайид Тақи. «Улуми адабий», 8-саҳифа.

² Шамсиддин Қайс Розий. «Алмўъжам», 286—287-саҳифалар.

Юз офарин сўзингга лубби лубоб кўрмай,
Арзи жамол этарму ойина об кўрмай¹.

Бу байтда нозик бир гап, эскилар таъбири билан айтганимизда, нозик бир нукта бор. Фазлий шоира Маҳзунанинг юксак истеъдодига тан беради, лекин у Маҳзунанинг «лубби лубоб»дан бехабар бўла туриб гўзал шеърлар ёзганига ҳайрон қолади.

Бу «лубби лубоб» дегани нима? Ҳеч шубҳа йўқки, бу ерда Фазлий, Муҳаммад Авфийнинг жуда кенг шуҳрат топган «Лубобул-албоб» (юракларнинг мағзи) асарини кўзда тутгандир. Ўз замонасининг йирик олим — адабиётшуноси бўлган Фазлий бу китобнинг аҳамиятини тушунган ва шоирлик касбида бу асар билан танишмоқни шарт ва фарз деб билган. Шундай кенг шуҳрат топган китобнинг Навоий даврида ҳеч кимга маълум бўлмагани таажжубдир. Ҳолбуки «Лубобул-албоб» XIII асрда, яъни Алишер Навоий замонасидан икки аср муқаддам ёзилган.

Авфий ким? Нуриддин Муҳаммад Авфий (1171—1233) баъзи ривоятларга кўра, Марв шаҳрида киборлар оиласида туғилган бўлиб, ёшлик даврининг асосий қисмини Бухорода ўтказган. Кейинчалик Самарқандга кўчиб, Қорахоний шаҳводаси Қилич Арслон дарборида мунши (котиб) лик вазифасида ишлаган².

Авфий бу ерда кўп турмай, Хуросон, Сейистон ва Хоразмнинг турли шаҳарларида бир қанча вақт истиқомат қилгандан сўнг Чингизхон қўшинларининг Урта Осиёга босқини арафасида Ҳиндистонга кўчиб боради. Синд ва Мўлтон салтанатининг ҳукмдори Носириддин Қабажонинг

¹ «Ўзбек адабиёти», III жилд. Тошкент. 1959 йил, 594-саҳифа. Фазлий билан Маҳзуна ўртасидаги мушоира (Фазлий тузган Мажмуагуш-шуаро)нинг охириги варағидан кўчириб олинган).

² «Ислом энциклопедияси» II жилд, 2-қисм, 1944 йил, 23-саҳифа. Фуод Кўпурали мақоласи.

саройида бошпана топган Нуриддин¹ Муҳаммад Авфий бу ерда 618 ҳижрийда (1221 милодида) ўзининг «Лубобул-албоб»ини ёзиб битиради. Кўп ўтмай, султон Носириддин Деҳли ҳукмдори машҳур Шамсиддин Элтутмишнинг қўлига тирик асир тушгандан кўра ўлимни афзал билиб, ўзини ўлдиради ва Авфий Деҳлига кўчиб, янги султоннинг саройида яшай бошлайди. Бу шаҳарда Авфий иккинчи асарини «Жавомеул — ҳикоёт ва лавомеул — ривоёт» (ҳикоятлар тўплами ва ривоятлар ёруғи)ни яратади ва 1233 йилда Деҳлида вафот этади.

Қизиғи шуки, муаллифнинг биринчи асари эмас, иккинчиси, яъни «Жавоме» XIII асрнинг ўзидаёқ Шарқ мусулмон оламида кенг шуҳрат қозонади. Асар тўрт қисмдан, ҳар қисм эса 25 бобдан иборатдир. I қисмда пайғамбарлар, авлиёлар, подшоҳлар, вазирлар, муншилар, олимлар, табиблар, туш таъбирчилари, мунажжимлар, шоирлар, муганнийлар ҳақида ривоятлар берилади. II қисмда яхши хулқлардан, III қисмда эса ёмон хулқлардан сўз очилиб, булар билан алоқадор бўлган бир сира ҳикоятлар нақл этилади. IV қисмда денгизларда ва қуруқликда бор бўлган ғаройиботлар, тилсимотлар, ашёларнинг хусусиятларидан ва жониворларнинг табиатлари ҳақида маълумот берилади. Бу асарнинг Навоийнинг «Маҳбул қулуб» китобига таъсири масаласи алоҳида тадқиқий текширишга муҳтож бўлгани учун биз бу муаммони ушбу мақоламизда ечмай ўтамиз. Бизни қизиқтираётган Авфийнинг биринчи асари «Лубобул — албоб» исломиятдан кейин форс-тожик тилида тузилган дастлабки «тазкира»лардан бири бўлгани учун Эрон, Ўрта ва Яқин Осиё адабиётларининг тарихида катта бир аҳамиятга эгадир. Бир дебоcha ва ўн икки бобдан иборат бўлган бу асарда замона шоирлари ҳақида маълумот

¹ Баъзи маъхазларда унинг исми Садид — аддин деб кўрсатилган (қаралсин: «Литературная энциклопедия», т. I, 1962 й., 356-саҳифа).

берилади.¹ Бундан ташқари, шоирлар билан алоқадор бўлиб шеърнинг фазилатидан, маъно ва мазмунидан сўз очилиб, баъзи мулоҳазалар юритилади.

Аммо, негадир Авфийнинг бу асари, тарихда биринчи тазкиратуш-шуаро (шоирлар тазкираси) лардан бўлишига қарамай, Навоий давридаги тазкирачилардан биронтаси ҳам уни зикр этмайди. На Абдураҳмон Жомийнинг 1487 йилда ёзилган «Баҳористон» асарининг шоирларга бағишланган еттинчи бобида, на Давлатшоҳ Самарқандийнинг яна ўша 1487 йилда ёзган «Тазкиратуш-шуаро»сида ва на 1498 йилда Навоий ёзиб тугатган «Мажолисун-нафоис»да биринчи тазкирачининг исми ва ё асари ёхуд унга доир биронта имо-ишора учратолмаймиз. Фақат Аҳмад Амин Розийнинг 1594 йилда, яъни Навоийдан бир аср кейин ёзган «Ҳафт иқлим» номли жушрофий тазкирасида муаллиф Х асрда яшаган шоирлар ҳақидаги маълумотни Авфийдан олганини кўрсатади.

Демак, «Лубобул — албоб» Алишер Навоийдан икки аср олдин ёзилган бўлса-да, майдонга чиқмай қолиб, қаерлардадир ётган ва фақат XVI асрнинг охирларидагина Аҳмад Розийнинг тазкираси орқали машҳур бўлиб кетган. Унинг қўлёзмалари XIX аср бошларида Фарғонанинг адабий доираларида ҳам маълум бўлганлиги Фазлийнинг юқорида биз келтирган байтидан кўриниб турибди².

Навоийнинг бевосита салафларидан Ваҳид Табризий ҳақида биз ўтган мақоламизда³ қисқа тўхтаб ўтган эдик. «Билимлар учлиги»ни (аруз илмини, қофия фанини ва илми бадеъни) ихота қилган ва 1420 йилларда ёзилган бу китоб Алишер Навоий кутубхонасида ўзига лойиқ жой олганига кўп эҳтимол бор. Бироқ, шоир Шамсиддин Қайс

¹ «Қомусул-аълом». 6 жилд. 4218-саҳифа.

² «Лубобул-албоб»нинг икки жилдлик танқидий матни 1903—1906 йилларда Э. Броун ва Мирзо Муҳаммад Қазвиний томонидан яхши муқаддима ва ҳошиялар билан Лейден шаҳрида нашр этилган.

³ «Шарқ юлдузи» 1966 й., 5-сон, иккинчи мақола.

Розий ва Насриддин Тусий каби эски устозлар қаторида ўз асрдоши бўлмиш Ваҳидни зикр этмаслиги буюк салафларга алоҳида аҳтиром юзасидан бўлган бўлиши мумкин. Ҳолбуки, Ваҳид Табризий асарининг танқидий матнини изоҳлар ва русчага таржимаси билан нашр этган А. Бертельснинг айтишига қараганда «Бизнинг мамлакатимизда ва хорижий ўлкаларда «Жамеъ мухтасар»нинг қарийб ўн еттита қўлёзма нусхаси мавжудлиги бу рисоланинг ҳаддан ташқари машҳур бўлиб кетганидан дарак беради»¹.

Ваҳид Табризий ўз асарида «тавод» истилоҳини қабул қилади ва «Рамали солим баҳри»га мослаб, шу байтни таводга мисол қилиб келтиради:

Ному нангам, куфру динам, жисму жонам шуд ба яғмо,
Рўзу шаб дар интизорат медиҳам жон ба танҳо².

Мазмуни: Ном ва номусим, куфрим ва диним, таним ва жоним талон-торож бўлиб кетди. Кеча ва кундуз сенинг интизорингда якка-ёлғиз яшаб, жонимдан ажрайман.

Муаллиф ўзи бу мисолдан кейин ном ва номус, куфр ва дин, тана ва жон, кундуз ва кеча калималарининг ҳар бир жуфти бир-бирига зиддирлар, шунинг учун, уларни «тавод» дейдилар, деб уқтириб ўтади³.

Тавод санъати бобида, гарчи она тилида бўлмаса-да, форсий назарий маъхазларда анча қадимдан давом этиб келган анъаналарга эга бўлган буюк Навоий бу санъатни ҳам ўз шеъриятига татбиқ этиб, юксак ва яққол ўрнаклар яратиб бера олгандир.

Навоий таводларни сонига қараб эмас, сифатига қараб тежаб қўллайди ва унинг таводлари чуқур ҳаётий воқеани, умумийлаштирилган фалсафий ҳикматни изҳор этишга хизмат қилади. Шоирнинг биринчи девонидан ўрин олган

¹ Ваҳид Табризий. «Жамеъ мухтасар», Москва, 1959 й., А. Бертельс муқаддимаси. 24-саҳифа.

² Уша асар, 68-саҳифа.

³ Уша асар, 69-саҳифа.

303-газални олайлик. «Хайф» радифли бу газал ички бирликка эга бўлиб, «Хайф» радифи орқали ягона бир кайфият, яъни ҳаётда юз берган хатоларни мардона эътироф этиш кайфиятини туғдиради. «Шундай қилиб, байтлари ўртасида маънавий робита сақлангани ҳолда ёзилган газалларга «Яқоҳанг газал» номи берилади»¹.

Алишер Навоийнинг шу «Яқоҳанг газал»ида бутунлик ва бирлик матлаънинг бошидаги биринчи мисранинг мақтаъда иккинчи мисра бўлиб такрорланиши билан янада мустақкамланади. Газалнинг бошидаги «Кечти умрим нақди гафлат бирла нодонлиғда, ҳайф!» мисраи шеърнинг энг охирида айнан қайтарилади². Классик поэтикада бу санъат лафзий санъатлардан саналиб, уни «радди матлаъ» деб атайдилар³. Биз газал жанрининг бошқа санъатлари ҳақида гапирганимизда бу тўғрида батафсилроқ тўхтаимиз. Ҳозир эса, бу газалдаги тазод санъатини кўрайлик:

Ҳар не ўтган сўзларим чиндур десам, ёлғон эрур,
Чин будурким, дегаймен: умр ўтди ёлғонлиғда, ҳайф!⁴

Бу ерда шоир «чин» ва «ёлғон» сўзларини катта маҳорат билан ишлатиб, бир байтда уларни икки қарра қайтаради: сўзим тўғридур десам, бу гапим ёлғон бўлади, гапнинг тўғрисини десам — бутун умрим, афсуски, ёлғонларга чулганиб бекор ўтди! Бутун газалнинг маъзи ва ўзаги шу байтда изҳор этилганки, тазод санъати бу ерда катта роль ўйнагани ошқора кўриниб турибди! Бу — сўз ўйини ёки лафзий усуллар эмас, чин ҳаётий қарама-қаршиликларни инъикос эттирган аччиқ ҳақиқатдир.

¹ Муаллим Ножи. «Истилоҳоти адабий» Истамбул, 1307 ҳижрий, 174-саҳифа.

² Алишер Навоий. «Ғароибус-сиғар», 321-саҳифа.

³ «Адабиёт ва сўз санъати терминлари сўзлиги», Анқара, 1948 й., 91-саҳифа (туркча).

⁴ «Ғароибус-сиғар» 321-саҳифа.

Яна, биринчи девондаги 317-ғазалда биз уч байтда тўрт марта тазод санъатининг татбиқ этилганини кўра-миз:

Ёр чун истарки, бўлғайман мудом андин йироқ,
Ўл жиҳатдин барча васл истар, мени маҳзун — фироқ.

Маъшуқа ўз мухлисининг ундан йироқ бўлишини талаб қилади. Бу талаб лирик қаҳрамон учун машаққатли синовдир. Бироқ, маъшуқага маъқул бўлсин деб бечора ошиқ фироқда (айрилиқда) овора юрибди, ваҳоланки; бошқа ҳамма жазманлар васл (ёр билан кўришув) пайида юрибдилар. Бу байтда муаллиф «васл» билан «фироқ» ўртасида мукамал бир тазод яратади. Шу билан у фақат сўзларнинг луғавий маъносидаги зид ҳолатларни ёзиб қўйиш билан кифояланмайди. Бу ерда гап ҳақсизлик негизида қурилган жамиятда нолойиқ кишиларнинг иззат-ҳурматда бўлгани, чинакам фидокор дўстларнинг назардан тушиб, йироқда юргани устида боради. Етти байтдан иборат бу ғазалнинг тўрт байтида шоир тазод орқали чинакам ахлоқ эгаларининг хору зор бўлганини ажойиб байтларда ифодалай олган.

Яхшиларга бас ямондур¹ ҳолким ёр олдида
Тенгдурур яхши-ямон, балким ямонроқ яхшироқ².

Бу иккинчи тазодда фикр янада чуқурлашиб боради. Ёр олдида яхшилар билан ёмонлар тенг қаторда турган бўлса, бу ўзи яхши одамлар учун ғоят ёмон бир воқеа

¹ Ҳозирги имломизга кўра, девоннинг 1959 йил нашрида бу сўз ҳамма ёқда «ёмон» шаклида ёзилган. Ҳолбуки, вазндан ҳам кўринганидек бу сўз Навоий даврида «ямон» шаклида қўлланилган. «Томон» эмас, «тамон», «омон» эмас, «амон», «оёқ» эмас, «аёқ» каби сўзларни классик матнда тўғри сақлаш шартдир.

² «Ғароибус-сиғар», 335-саҳифа.

бўлиб туюлади. Ваҳоланки, ҳаётда бундан ҳам бадтар ҳодисаларга учраймиз, у ҳам бўлса шундан иборатдирки, киши нақадар ёмонроқ бўлса, ёр олдида шунча яхшироқ бўлиб кўринади. Шу байтда «яхши» ва «ямон» ўртасидаги тазод ғоят нозик усуллар билан кутилмаган ҳолда воқеликнинг ногаҳоний бир бурчагини очиб ташлайди: киши қанча ёмонроқ бўлса, шунча яхшироқдир!

Ғазалнинг бешинчи байтида «яқинлик» ва «йироқлик» ўртасида тазод санъатини қўллаш орқали шоир ёрнинг раъйига итбат қилмоқнинг аччиқ оқибатларини нақл қилади.

Олтинчи байтда шоир ҳақиқий ошиқлар бошига тушган фалокатларнинг чин боисини севилган маъшуқанинг бутунлай икки юзли бўлганида кўради.

Маҳжабинлардин сиёҳдиллик не тонг, эйким анинг
Ботинин кўрсанг қародур, гар кўринур зоҳир оқ!¹

Шоир бу байтда маҳжабинлар (ойпешаналар) билан дилиқаролик (сиёҳдиллик) ўртасида, ботин (кишининг ичи) билан зоҳир (кишининг ташқи кўриниши) ўртасида, қора билан оқ ўртасида тазодлар яратиб, ўз бадий муддаосини талқин этмоққа муяссар бўлади.

Бу ғазалнинг мақтан (еттинчи байти) да тазод санъати қўлланилмаган бўлса-да, унинг ечими ғазалнинг умумий кайфияти учун кутилмас бир хулосадек жаранглайди. Ғазалнинг олти байтида ёрдан шикоятланиб, вафодорларнинг қадрланмай қувғинда юрганини баён қилган шоир бу сўнгги байтида, ҳар қалай, ўзини ёр билан бирга бўлишига, ундан айрилмасликка даъват қилади.

Кўн Ҳижоз оҳанги тузма, ёр ила бўл барча вақт,
Эй Навоий, гар Ажам бўлсун мақоминг, гар Ироқ².

Разм солиб мулоҳаза қилинса кўринадики, шу байт ўзин

¹ «Ғаронбус-сиғар», 335-саҳифа.

² Уша жойда.

мазмун жиҳатидаи ғазалнинг юқоридаги олти байтига таъоддек қарама-қарши бўлиб тушади. Шу байтнинг ўзида Алишер Навоий иккига санъат ишлатган. Биринчидан, Ҳижоз, Ажам, Ироқ ўлкаларини бир жойга жамлаб олиши билан таносиб санъатини қўллаган бўлса, иккинчидан, бу сўзларни ўқиган ғазалхон мазкур номлар ёнида «оҳанг тузмоқ» ва «мақом» каби калималарни кўргач, хаёли дувоздах (ўн икки) мақомдаги классик куйларга кетади. Муаллифнинг мақсади эса, бошқа шаҳарларга бормаслик, борганда ҳам ёр билан бирга бўлишлик устида бораётир. Зероки, «оҳанг» сўзи мусиқийда товушларнинг уйғунлиги ва чолғу асбобининг созланиши деган маънога тўғри келиши билан бирга, унинг иккинчи маъноси: бир жойга жўнаб кетиш, сафарга ният қилиш¹ демакдир. «Мақом» сўзи ҳам классик катта куй маъноси билан бирга турадиган жой, макон ва маскан маъносини ҳам беради². Шеърда ўқувчига бир маънони тақдим этиб, аслида бошқа маънони қайд этишни эски поэтикада «ийҳом» санъати деб атайдилар³. Рашидиддин Ватвот бу санъатни алоҳида ажратиб, бундай таъриф қилади: ийҳом деб форсий тилда бир нарсани гумонсирашни атайдилар. Бу санъатни «тахайюл» (хаёл суриш) ҳам дейдилар. Бунда котиб ёки шоир насрда ёхуд назмда шундай лафзлар истеъмол қиладики, улар — биттаси йироқ, иккинчиси яқин бўлиб, икки маънога йўриладилар. Сўзни эшитган киши унинг яқин маъносини фаҳмлайди, ҳолбуки шоирнинг мақсади сўзнинг йироқ маъносидир⁴.

¹ «Мукаммал Усмонли луғати», 122-саҳифа; «Форс-рус луғати», 88-саҳифа.

² «Мукаммал Усмонли луғати», 835-саҳифа.

³ Сулаймонбек, «Мабонийул-иншо» II жилд, 1875 йил, 12-саҳифа.

⁴ «Ҳадойиқ», 12-саҳифа. Шеърда «Ийҳом» санъати зебу зийнат бериши ҳақида Алишер Навоий «Муҳокаматул луғотайн» асарининг (Тошкент, 1940 й.) 22-саҳифасига қаралсин.

«Ҳадоийқ» муаллифи шу таърифни келтиргандан сўнг қизиқ бир фактни нақл қилиб беради. Рашидиддин Ватвот Термиз шаҳрига бориб қолади. У ернинг маҳаллий шоирларидан Анбарий деган биттаси устозга ихлос қўйиб, ҳар кун ёзган шеърини унга олиб келиб кўрсатиб, назмнинг тўғри ва нотўғри жойларини сўрар экан. Бир куни у, ошпазнинг ўғли ҳақида бир байт ёзиб, Рашидиддинга олиб келиб, бу шеърда ишлатилган санъат қанақа санъат эканини ундан сўраб билмоқчи бўлади. Рашидиддин Ватвот шеърни ўз муаллифига таҳлил қилиб тушунтиради ва бу санъат ийҳом санъати эканини унга ўргатади¹. Демак, билим даражаси пастроқ бўлган шоирлар ўзлари яратган шеърларда қўллаган санъатларини назарий томондан тўла билмаган бўлишлари ҳам мумкин. Чунончи, бизнинг замонамизда, аруз илмини яхши билмасдан аруз баҳрларида шеър ёзган айрим шоирларнинг аҳволи ҳам шунга ўхшайди. Лекин бундай шоирлар қўллаган санъатларида ва баҳрларида ҳамиша хатога йўл қўйиш хавфидан амин эмаслар.

Алишер Навоийнинг юқорида келтирилган ғазали муносабати билан билдирилган бу мулоҳазалардан кейин хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, буюк шоир айтиб берган ғазалнинг ўзида бир неча санъат (таносиб, тазод, ийҳом) қўллаш қудратига эга бўлган. Иккинчидан, журъат билан айта оламизки, юқорида биз мисол қилиб олган ғазал «Яқоҳанг шеър деб эмас, балки «Яқовоз» ғазал деб баҳоланишга лойиқдир. Чунки, «бошдан оёққача айтиб берган қувват билан ёзилган ғазалларга «Яқовоз ғазал» дейдилар².

Тазод санъатининг шоир ижодиётида нақадар кенг ўрин тутганини англаш учун унинг бошқа девонларидан ҳам бир неча мисоллар келтирайлик:

¹ Уша жойда.

² Муаллим Ножии. «Истилоҳоти-адабийя», 174-саҳифа.

Яхшироқ Жамшид бўлмоқдин гадолиғ дайр аро,
Ўзга қилмоқ яхшироқким, ўзгага қилмоқ ситам¹.

Шоир хокисорлик, камтаринлик ва одампарварлик ғояларини изҳор қилмоқ учун биринчи мисрада *Жамшид* (улуғ подшоҳ) билан гадони ва иккинчи мисрада эса, ўзи билан ўзгани қарама-қарши қўйиб, тазод санъатини муваффақият билан ишлатади.

Муаллиф бу ерда, шоҳликдан кўра майхоналарда гадолиғ билан умр кечирмоқ афзалдир, дейиши билан ҳали асосий муддаони айтиб адо қилгани йўқ. Байтнинг биринчи мисраи катта, ҳикматли, фалсафий бир хулоса чиқариш учун маънавий замин тайёрлайди. Шоҳлик тушунчаси билан зулму ситам, гадолиғ (фақирлик) тушунчаси билан эса, беозорлик, ҳалоллик сурати қовушиб боради. Албатта, ҳамма вақт ва ҳамма жойда гадоликни тиланчилик билан маънодош сўз деб талқин этиш нотўғридир. Классик поэзияда гадо (шоҳга қарши қўйилиб) фақирлик, йўқсуллик ва қашшоқликнинг кенг рамзидай ишлатилган. Юқоридаги байтда: шоҳ бўлиб одамларга зулм қилгандан кўра, фақир бўлиб, бировларни қийнамасдан, ўзинг ҳамма машаққатларга бардош беришинг маъқулроқдир, деган гуманистик фикр олға сурилади. Гарчи бу байтда инсонларга, жамиятга актив яхшилик ўрнига айрим шахснинг пассив ҳалоллиги куйланса-да, шоҳлик усулининг зулму ситам билан эгизак қилиб берилиши ўз даври учун катта аҳамиятга эга эди.

Навоийнинг II девонига киритилган ғазаллари қаторида энг ажойиб ва чуқур моҳиятга эга бўлган шеърларидан бири «Фалақдан гар менга...»² деб бошланган ғазалидир. Буюк умидворлик ва ҳаётий нашъа билан ёзилган бу ғазалда тўрт байт тазод санъатига мослаб тизилгандир.

¹ Алишер Навоий.—«Наводируш-шабоб», Тошкент, 1959 й., 398-саҳифа.

² «Наводируш-шабоб», 506-ғазал.

Бутун ғазалнинг оптимистик мазмунини Ифодаловчи матлаъ, яъни ғазалнинг илк байти равшан куйлар билан жаранглайди:

Фалакдин гар менга ҳар лаҳза юз қайғу келур ўтру,
Агар ҳар қайғудин сўнг бир севинмак бор, эмас қайғу¹.

Шоир ҳаётнинг нотекислигини, бахт ва осойиш йўлида кўп машаққатлар инсонга дуч келиб турганини, «ҳар лаҳзада юз қайғу» юбориб турган «фалак» нинг инсофсиз гардишларини яхши билади. Аммо у, толенинг бутун жабру ситамларига, ҳақорат ва найрангларига қарши тик ва мағрур тура олади, у инсонлик шаъни билан яшаётган мағрур бошини тақдир олдида эгмайди, ҳар қайғудан сўнг бир севинмоқ бўлар экан, демак, унинг назарида қайғу ўз аччиғини йўқотади. Бу байтда у қайғу билан севинмоқ ўртасида тазод санъатини қўллаб, байтга порлоқ ҳаётий севинч равшанлиги бахш этмоққа муяссар бўлади.

Ғазалнинг бутун моҳиятини олдиндан белгилаб берувчи ва шу билан бирга пухта, нафис, ҳикматомуз ёзилган илк байтни, яъни матлаъни баъзи бир қадим адабиётшунослар «ҳусни матлаъ» деганлар². Бўлак маъхазларда эса, матлаъдан сўнгги иккинчи байтни «ҳусни матлаъ» деб атайдилар³. Биз бу тўғрида, келгуси мақолаларимизда «ғазал» баҳсида кенгроқ тўхтамоқчи бўлганимиз учун, ҳозирча тожик адабиётшунослари билан ҳамфикр бўлиб, биринчи байтни, яъни матлаънинг ўзини «ҳусни матлаъ» деб аташ тарафдоримиз⁴.

¹ Уша асар, 510-саҳифа.

² Масалан: «Ҳадойиқ», 10-саҳифа; «Алмўъжам», 300-саҳифа; Қабул Муҳаммад. «Ҳафт қулзум», Лакнаҳу, 1230 ҳижрий, VII дафтар, 44—45-саҳифалар.

³ Масалан: «Ғиёсул-луғат», 257-саҳифа; «Истилоҳоти адабийя», 161-саҳифа ва бошқалар.

⁴ Т. Н. Зеҳний. «Санъатхон бадеъ дар шеъри тожик», Сталинобод, 1960 й; 119-саҳифа.

Ғашидиддин Ватвот ҳусни матлаъни таъриф қилганида бундай байтлар мукамал бўлиши билан бирга ўқувчи руҳида хафалик эмас, шодлик уйғотиши кераклигини ҳам шарт қилиб қўйганлиги диққатга сазовордир¹. Биз юқорида 506-ғазалдан олган матлаъ бу талабларга тўла жавоб берганлиги учун том маъноси билан «ҳусни матлаъ» деб саналиши лозим. Ғазалнинг иккинчи байтида ҳам тавоз санъати қўлланилиб, фикр чуқурлаштирилади:

Ва гар ҳар тийраликка бир ёруғликни инонмассан —
Йиғи кўр чархдин ҳар шом, доғи субҳидин кулгу².

Ҳаётда ҳар бир қайғудан кейин қувонч кутишлик одамзод учун нақадар қонуний бир талаб эканини исботлаш юзасидан муаллиф муайян табиат ҳодисаларини эслатади: ҳар оқшом қорайиб кетган осмон йиғига ўхшаса, субҳ чоғидаги тонг ери кулгини эслатади. Ҳар тундан сўнг-ра тонг ёриши эса лобид ва лозимдир. Бу байтда тийралик билан ёруғлик, йиғи билан кулги, шом билан субҳ тавоз тариқасида қарама-қарши келтирилган.

Жунун занжирида ошиқ, ёнида ҳийлагар зоҳид,
Киши кўрса тасаввур айлагай шер олдида тулку³.

Ҳаёт билан зуҳд (тарки дунёлик) ўртасидаги қарама-қаршилиқ ҳам ғазалнинг матлаидаги қайғу севинч туйғуларининг давомидек жаранглайди. Бир байтнинг ўзида лавҳа яратиш қудратига эга бўлган Алишер Навоий олижаноб шахсларнинг (ошиқларнинг) енгилиши (занжирдаги ошиқ) мумкин деб ўйлагани ҳолда, ғолибни аёвсиз суратларда фош этиб ташлаши билан байтга ҳажвий

¹ «Ҳадойиқ», 9-саҳифа.

² «Наводируш-шабоб», 510-саҳифа.

³ Уша жойда.

унсурлар қўшади ва мағлубининг маънавий галабасини олақшлайди. «Шер олдида тулку» сурати бу мақсадга хизмат қилади. Шу байтда жиннилик билан ҳийлагарлик, ошиқ билан воҳид, шер билан тулки ўртасидаги кучли тазод ҳолати аслида ҳаётчанлик ва умидворлик шаънида айтилган равшан таронадир.

Шоирнинг III девонидан ҳам бир неча мисол кўрайлик. Девондаги 363-ғазалга¹ радиф қилиб келтирилган «тун била тонг» таъбири шеърга бутунлик, воқеабандлик хусусиятини бағишлайди ва зотан радифнинг ўзида сақланган тайёр тазод (тун-тонг) ғазал суратларини шу меҳвар атрофида айлантиришга олиб келади.

Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг,
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг.

Севгилидан айрилиб фироқда юришни тунга, ёр билан висол завқини тонгга ўхшатган шоир, тун билан тонгнинг бирга қовушмоғи эҳтимолдан йироқдир, дейди. Борлиқдаги бу зиддиятлар бутун умр бўйи чўзилиб келганини кўрган ошиқ-қаҳрамон бу зиддиятларнинг мағзида хилқатнинг сўлмас ҳуснини ахтаради ва буларни коинотдаги хилма-хилликнинг ташқи намоиши деб англайди. Кейинги байтда шоир тун билан тонг ўртасидаги қарама-қаршилиқни лирик планга кўчириб, мавзун юқори пояга кўтаради.

Тонгим ёруғу тунум тийрадулки, чирмашадур
Кўнгул аро юзу зулфунг хаёли тун била тонг².

Юзни тонгга, зулфни эса тунга ўхшатиш билан бирга кўнгулда ёр суратининг тун ва тонг, яъни кеча ва кундуз узлуксиз равишда ҳукм суриб юрганини уқтириб ўтади.

¹ «Бадойул-васат», Тошкент, 1960 й., 367-саҳифа.

² Уша саҳифа.

Биз шоирнинг тўртинчи девонида ҳам тазод санъатининг юзлаб жилваларини кўрамиз. Баъзан бутун бир ғазал тазод устига қурилган ҳолатларни ҳам учратамиз бу девонда. Масалан, тўртинчи девоннинг 633-ғазали бу даъвомизнинг яққол далили бўла олади. Бу ғазалда, I байтда илтифот билан унутмоқ; II байтда ваъдалар билан унутмоқ; III байтда шуълани ўчириш билан шуълани ёритиш ўртасида; IV байтда қўлни ошиқдан тортиш билан қўлни рақибларга чўзиш ўртасида; V байтда дўст билан душман ўртасида; VI байтда ҳажр аро ўлмоқ билан май ичиб ўзни овутиш ўртасида ва ниҳоят VII байтда Навойга заҳар бериш билан бегоналар комини чучитиш ўртасида ясалган тазодлар қадрланмаган севгилининг шикоятига доир нафис бир лавҳани кўзимиз олдида жонлантиради.¹

Навой тазод санъатининг ўнлаб вариантларини ижодий синаб кўриб, гоҳо маънавий ҳолат билан жисмоний шакл ўртасида, гоҳо руҳий — ҳаёлий эҳтимолиёт билан нозик туйғулар ўртасида ва баъзан мужассам, вазмин махлуқлар билан ожиз, заиф жониворлар ўртасида тазодлар вужудга келтириши билан ўз муддаосини ғазалхон зеҳнига сингдиришга муваффақ бўлади. Масалан, золимларнинг мазлумлардан, қучлиларнинг қучсизлардан вуқуф топиши (хабар олиши) қай даражада мушкул бир масала эканини муаллиф бақувват аёний сувратларда шундай таққослайди:

Мўр аёғ остида ўлгандин қачон топгай вуқуф,
Арслонким, кўкка чирмашгай гириви шавкати².

Дарҳақиқат, наъраси билан самовотни титратаётган арслон, оёқ остида қолиб нобуд бўлган чумолининг аҳволини билиши мумкинми?

¹ «Фавоидул-кибар», Тошкент, 1960 й., 637-саҳифа.

² «Фавоидул-кибар», 653-саҳифа.

Тазод санъатининг ўзига хос ички қоидалари ва шартлари борки, буларнинг бузилиши зиддиятлардан иборат суратлар системасининг мантиқий занжирини узгандай бўлади ва бу узилиш ёки сакталиклар дарҳол поэтика мутахассисининг кўзига ташланади. Масалан, Алишер Навоийнинг қуйидаги байти янги нашрлардан бирида шу тарзда берилган.

Эй кўнгул, ишқ ичра йўқ шоҳу гадога имтиёз,
Ўт аро тенгдур қуруқ ё ул ёғочнинг ҳуркати.

Шу байтдаги биринчи мисра шоҳлар билан гадолар (фақирлар, йўқсуллар) ўртасидаги зиддият негизида қурилган тазод санъатига анъанавий мисол бўла олади. Иккинчи мисра, одат бўйича, биринчи мисрадаги фикрни қувватлаши лозим ва шу ниятда бўлса керак, кўпинча биринчи мисрада татбиқ этилган санъатни қайтариб туради. Бу мисрада ҳам тазод санъатининг қўлланганини кўрамузу, бироқ... лавҳада тўлиқсизлик, аллақандай ноқислик сезилади. Ўт тушгандан кейин қуруқ ёки «Ул ёғоч» тенг «ҳуркат» га учрайди, яъни баб-баравар ёниб кетади, дейилади. Лекин «қуруқ» қа қарши қўйилган «ул ёғоч» қандай ёғоч? «Ул» нинг бу ерда, ёғочга нима дахли бор? «Ул» сўзининг турли маъноларини луғатлардан излаймиз. Бироқ туркий тиллардаги луғатларда «ул» ўзлик олмоши бўлиб, «у» сўзининг эскирган шаклидай берилади. Лекин арабча ёзилган «ул» сўзи «ўл» (**أول**) деб ҳам ўқилади. Энди сўзнинг иккинчи маъносини ечишга калит топиш мумкин бўлиб қолди. Чунончи, бир луғатда ул (ёки ўл) сўзнинг иккинчи маъноси «нам», «ивиган» дегани маълум бўлади¹. Демак, «ўл» аслида «ҳўл» сўзининг енгиллашган варианты экан (Хоразм шеvasида хе-

¹ Шайх Сулаймон афанди Бухорий, «Лугати Чигатойи-туркий ва усмоний». Истамбул, 1298 ҳижрий. 38-саҳифа.

валиклар «ҳавво» сўзини «овво» шаклида талаффуз қилганларидек). Энди тазоднинг маъноси тамомила аниқ бўлиб қолди: мисранинг тўғри ўқилиши шу тарзда бўлар экан:

Ут аро тенгдур қуруқ ё ҳўл ёғочнинг ҳуркати.

Олов тушгандан кейин қуруқ ё ҳўл дарахт баб-баравар ёнади. Шу билан шоир байтнинг биринчи мисраидаги тезисни чуқурлаштиришга имкон топади. Биринчи мисрадаги фикр — ишқ олдида шоҳу гадо баробар деган тезис — ўзи ҳам ҳикматли таъбир бўлиб қолган¹. Навоий бу ҳикматли таъбирни халқдан олган зарбулмасал билан қувватлайди. «Куйишда қуруқ ё ҳўл ёғоч тенгдур» деган ибора тўғридан-тўғри фольклорга бориб тақалади. Масалан, бизнинг замонамизгача келиб етган бу мақол ҳозир «тўқайга ўт тушса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади»² шаклида ишлатилади.

Бу санъатлардан биринчисини, яъни шеърга маълум ҳикматли гапни ёхуд машҳур ҳодисани киргизишни классик поэтикада «талмиҳ», байтларга зарбулмасал ёхуд мақолларни киргизишни эса, «ирсоли масал» дейиладики, биз булар тўғрисида хонаси келганда батафсил сўзлаймиз.

Фақат ғазаллардагина эмас, лириканинг бошқа жанрларида ҳам Навоий тазод санъатидан журъат, маҳорат билан кенг фойдаланган.

Масалан, унинг бир рубойиси бунга яққол мисол бўла олади:

¹ Навоий бошқа бир асаридида ҳикматли гапларни туркумлаб баён қилганида бу тезисни шундай берган: «Ишқ иноди олинди тенг ҳам подшоҳ ҳам гадо». «Маҳбул-қулуб», Москва — Ленинград, 1948 й., А. Н. Кононов тайёрлаган қиёсий матн. Ишқ зикрида, 91-саҳифа.

² «Ўзбекча-русча лугат», Москва, 1959 й., 655-саҳифа.

Ким кўрди экан жаҳонда оё хушлуқ,
То бир киши айлагай таманно¹ хушлуқ.
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ —
Омоладурур ёнида юз нохушлуқ.²

Шоирнинг маҳорати аста-секин кўтарилиб келаётган кайфиятни, яна тўғриси, уч мисрада барқарор бўлган «хушлуқ» тасаввурини, ногаҳоний равишда, тўртинчи мисрада тамоман рад этиб, инкор қилиб ташлашда намоён бўлади.

Юқорида келтирилган мисоллардан ошкора бўладики, классик лириканинг ички тузилишида ва суврат яратиш жараёнида тазод санъати муҳим ва актив роль ўйнаган. Биз уни таносиб санъатидан кейин, яъни унга қатор қилиб қўйишимизнинг ҳам важҳи ва боиси бор. Бу масалалар билан шуғулланган ҳар бир адабиётчи бу икки санъатнинг бири бирига тамомила қарама-қарши принципларда қурилаётганини кузатиб олиши қийин эмас. Дарҳақиқат, агар таносиб санъати воқеалар, буюмлар ва кайфиятлар ўртасида мутаносиблик (уйғунлик) белгисини шарт қилиб қўйган бўлса, тазод санъатида, аксинча тамомила бир-бирига зид, тескари, мухолиф бўлган ҳодисаларни ва ҳолатларни юзма-юз келтириш, уларни рўбарў қамти қилиш талаб этилади.

Бироқ ҳар иккала санъатда тасвир этилаётган вазиятлар турмуш ва борлиқнинг чуқур қонуниятларини инъиқос эттирадилар. Агар таносиб санъати табиатдаги ҳодисаларнинг нафис силсиласини, инсон ҳаётининг оҳангдор кайфиятларини акс эттирган бўлса, тазод санъати ҳаётий драмаларнинг қовушмаслигини, ижобий ва салбий кучларнинг азалий ва абадий хусуматини, ўзгариб турган

¹ «Таманно» сўзи бу ерда ҳозирги маъносида (кибр, кеккайиш, манманлик) эмас, асл дугавий маъносида, яъни тилак ва орзу маъносида қўлланилган. Қараалсин: «Ғаройбус-сиғар», «Луғат» қисми, 819-саҳифа.

² «Ғаройбус-сиғар», 759-саҳифа.

дунёмизнинг кўчкинчи ва доимий тенденцияларини, жамиятдаги узлуксиз низоларнинг акси садосини у ёки бу даражада намойиш қилдиришга мажбур бўлгандир. Марксизм-ленинизм фалсафаси инсон зеҳнидаги тасаввурлар жаҳон ҳодисаларининг оқибати эканини очиқ-ойдин исботлаб берганидан кейин санъаткор яратган образларнинг асл манбалари бутунлай ошқора бўлиб қолди. Чунки, ҳаммамизга аёндирки, «Бизнинг сезгиларимиз ташқи дунёнинг образларидан иборатдир»¹.

Ана бу образлар Навоий даврининг мазмунини ташкил қилиб турган турли-туман ҳодисаларнинг жонли суратларидан иборат эди. Албатта табиатдаги, жамиятдаги, шoir ҳаётидаги бу ҳодисалар ва ҳолатлар бевосита равишда мисраларга тизилмай, санъаткорнинг мафқураси, тушунчаси, эстетик диди ва ижтимоӣ-фалсафий қарашлари элагида эланиб, том маъноси билан бадий образ (сурат) шаклига қўйилиб билвосита ўзларининг иккинчи умрига, адабий умр даврасига кириб кетар эдилар. Алишер Навоий, ўз даврининг ғалаёнларини ва тўполонларини, ўз ҳаётидаги юксалишларни ва йиқилишларни бир жойда ғоят яққол ифодалар билан хотирлатиб ўтади:

Гаҳи топтим фалақдин нотавонлиғ,
Гаҳи кўрдим замондин комронлиғ,
Баси иссиқ-совуқ кўрдим замонда
Баси аччиғ-чучук тоттим жаҳонда².

Бундан сўнг шoir сажъли ибораларда замоннинг нозу карашмаларини, ўзининг гоҳо баланд ва гоҳо паст мавқеларда бўлганини, баъзан иззату икром билан улуғланганини ва баъзан эса, ҳақорат ва дашномлар билан хору зор бўлганини тасвирлайди, биз муаллифнинг баёнотини бир қадар

¹ В. И. Ленин. «Полное собрание сочинений», бешинчи нашр, 18 жилд, Москва, 1961 йил, 103-саҳифа.

² Алишер Навоий. «Маҳбул-қулуб», Москва — Ленинград, 1948 й., А. Н. Кононов тайёрлаган қиёсий матн, 4—5-саҳифалар.

соддалаштириб, маъно ва мазмунини сақлаганимиз ҳолда, услубининг шевасини бузмасдан нақл қиладиган бўлсак, унинг оғзидан тубандаги иқрорларни ўқиган бўламиз:

— Мен фалокат ва номурадлик чоғларида гоҳ илм мадрасаларида кавушлар ечилатурган сафларда — пойгакда жой тутдим ва олимлар мажлисида илм нуридан кўнглимни ёритдим. Гоҳ аблаҳлар олдида хорлик ва гоҳ разиллар қаршисида безътиборлик кўргуздим. Ва гоҳ ишқ кўчасида бекбоқлик ва одамхуш паричеҳраларга ҳалоклик юз берди ва гоҳ жиннилик маҳалласида олчоқлар бўйнимга мушт урдилар ва болалар бошимга тош ёғдирдилар. Ва гоҳ шаҳрим эли зулмидан гурбатга тушдим ва ғариб халойиққа қовушдим. Ва гоҳ тоғлар зирваси оромгоҳим бўлди ва гоҳ саҳро этаги паноҳим бўлди. Ва гоҳ бу шиддатлардан ватанга қайтдим ва тинчлик хилватин ихтиёр этдим... Ва гоҳ азизлар хизматидан ўзимни баҳраманд ва сўзумни дилписанд билдим. Рубойи:

Гардунки, менга жафою дунлуқ қилди,
Гоҳ ком сари раҳнамумлуқ қилди.
Бахтим каби ҳар ишда забунлуқ қилди,
Алқисса, баче буқаламунлуқ қилди.

Аммо шуғл ва комронлик чоғида кўнгул мулки халқ ҳужуми булғоғида ва гоҳ амирлик мансабида ўтирдим ва ҳукумат маҳалласида адолат сурдим. Ва гоҳ подшоҳга ноиб бўлиб, баланд кўтарилдим ва гоҳ саҳоват айвонин макон қилдим. Ва гоҳ шодлик боғига базм режасин солдим ва соқий ва раққослар санъатидан баҳра олдим. Ва гоҳ султонларнинг ўзаро жанжалларида орага кирдим ва улар ўртасидаги олишувни келишувга айлантирдим. Ва гоҳ жанг маъракасига ўзимни солдим ва жаҳл ҳамда подонлик туҳматин бўйнимга олдим. Ва гоҳ ҳайрат аҳлига ўзимни қотгим ва ҳар навъ хайрлик иморатлар тузаттим, андоққи, меҳнатимдан работлар бўлди ва ундан мусофирларга нишотлар бўлди...

Бу муқаддимадан мақсадим шуки, ҳар куйда югурибман ва олам аҳлидан ҳар навъ элга ўзимни еткуруибман ва яхши-ямоннинг афъолин билибман ва ямон ва яхши хислатларин тажриба қилибман. Хайр ва шарлардан нўш ва ниш кўксимга етибдур ва номардларнинг захмини ва жўмардларнинг марҳамини кўнглум ҳис этибдур¹.

Навоий асаридан бу нақлни бир оз муфассалроқ келтиришимиздан мақсад, шоир ҳаётидаги воқеаларнинг нақадар бўронли, хилма-хил ва кескин моҳиятда бўлганини муаллифнинг ўз оғзидан эшитиш ва эшиттириш эди. Навоийнинг бадний асарлари сирасида энг сўнгги ва шу билан бирга энг реалистик тусда ёзилган бу асарда ва биз келтирган эътирофномада буюк, бетинч, курашчан ҳаётнинг сон-саноқсиз ҳодисалари ҳеч қандай муболағасиз ва мақтовсиз автобиографик бир ҳаққоният билан ҳикоя қилиб берилган. Навоийнинг даврини ва ҳаётини оз-моз текширган ёки бу масалаларга қизиққан ҳар киши мазкур эътирофноманинг тарихий воқеликка мувофиқ келганига тан берадилар, албатта! Бундай ранго-ранг воқеалар ва кескин ҳодисаларга тўлган муҳитда санъаткор кўзи бири бири билан келишган оҳанглари (таносиб) ва бири бирини инкор этувчи зиддиятлари (тазод) истаганча топишга қодир эди. Шоирнинг ғоят мазмунли умри, тақдирида юз берган юксалишлар ва йиқилишлар, қувонч ва азалар, севги ва надоматлар унинг қаламини озиқлантирувчи ҳарфлар, калималар, иборалар, мисралар, байтлар, рубоийлар, қитъалар, ғазаллар, соқийномалар, мусамматларни² ташкил этди-

¹ «Маҳбубул-қулуб», 5, 6, 7-саҳифалар.

² «Мусаммат» деб вази ва қофиялари бир бўлган бир сира мисраларга айтиладики, уларда ҳар банднинг сўнгги бир ёки икки мисран юқоридаги мисралар билан қофияланмайди. Агар мисраларнинг банддаги сони тўрт бўлса—«мурабба», беш бўлса—«мухаммас», олти бўлса—«мусаддас», етти бўлса—«мусабба», саккиз бўлса—«мусамман», тўққиз бўлса—«мутасса», ўн бўлса—«муашшар» деб аталади. Муаллим Ножи. «Истилоҳоти адабийя», 126-саҳифа.

лар. Замонасининг буюк қомуси — «Хамса»ни, XV асрнинг шу муаззам эпоеясини таҳлилимиз доирасига олмаганимизга сабаб, биз тадқиқ қилаётган соҳа Навоийнинг лирик обидаси — «Чор девон» дир. Бўлмаса, классик поэтиканинг бир қанча нозик санъатлари шоирнинг достонларига ҳам татбиқ этилганига қандай шубҳа бўлиши мумкин?

Умуман Навоий яшаган даврда Ҳирот ва Самарқандда, яна кенгроқ қилиб айтадиган бўлсак, Хуросон ва Мовароуннаҳрда юз берган сиёсий ва ижтимоий буҳронлар ҳам ғалаёнлар тўғрисида, бу теурий давлатларидаги ички қарама-қаршиликлар, маданий ҳаёт, феодал низолари ва ўзбошимчалиги, айрим босқичлардаги тараққиёт, халқнинг талон ва торожларга дуч келиши, алоҳида илм ва санъат даҳоларининг юксалиши ва оддий инсоннинг хору зор бўлиши ва ҳоказо ва ҳоказолар ҳақида ўша даврнинг тарихчилари гоҳо очиқдан-очиқ ва баъзан эса, мажозлар ва киноялар орқали кўп нарса нақл қиладилар. Бу муаллифлардан бир хиллари Навоийдан бир қадар олдинроқ ўтган бўлсалар-да, умуман ва асосан теурийлар даврига оид қимматли маълумотлар қолдирганлар. Ҳофиз Аbru, Абдураззоқ Самарқандий ва Шарафиддин Али Яздий каби тарихчилар шулар жумласидандир¹. Булардан ташқари, Навоийга замондош бўлиб, унинг ҳимоя ва ташвиқи билан муҳим асарлар яратган қатор тарихчилар ва ёхуд ўзлари ёшлик маҳалида Навоийни кўришга мушарраф бўлган адиблар ҳам мавжуддирки, буларнинг эсдалик тарзида ёзиб қолдирган китоблари ҳам ўша замон воқелигини аниқроқ тушуниб олишга ёрдам берадилар. Биз бу ерда тарих-

¹ Ҳофиз Аbruнинг «Зубдатут — таворих» асари, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаус-саъдайн» деган машҳур тарихий асари ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» деб аталган икки жилдли асари шарқшунослар наздида катта ҳурмат билан баҳоланадилар.

чилар пири Мирхондни, Хондамирни ва Зайниддин Восифийни эслатиб ўтиш билан кифояланамиз¹.

Алишер Навоийнинг даврини ва ҳаётини энг чуқур текширган рус олимлари ўртасида В. В. Бартольднинг тадқиқотлари Европа ва ҳозирги замон Шарқ туркшунослари томонидан юксак қадрланмоқда. Бу тадқиқотлар, гарчи марксистик методология позицияларидан туриб олиб борилган бўлмасалар-да, материалга бўйлиги, воқеаларни тасвирлашдаги жиддийлиги ва ҳолислиги ҳамда илмий мўтабарлиги жиҳатидан юқори баҳоланишга лойиқдир. Бартольднинг айниқса 1927 йилда босилган «Миралишер ва сиёсий ҳаёт» номли монографияси бу мавзуда ёзилган асарлар ўртасида энг монументал китоб ҳисобланиб, бир қанча ғарб ва шарқ тилларига таржима қилингандир².

Совет тарихчиларидан А. Ю. Якубовскийнинг³, биринчи ўзбек совет навоийшуноси Олим Шарафиддиновнинг⁴ асарлари ҳам Навоий даврининг асл чизгиларини чуқурроқ англашга хизмат қиладилар.

Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва маданий тарихини алоҳида текширган олимларимизнинг яратган муштарак асарларида ҳам Навоий замонасини кенг тасвирлаган саҳифалар кўпдир⁵.

¹ Мирхонд, «Равзатус-сафо» (7 дафтардан иборат муаззам асар); Хондамир, «Ҳабибус-сияр» ва «Мақоримул-ахлоқ»; Зайниддин Восифий «Бадоеул-вақое» (2 жилд).

² В. В. Бартольд. Сочинения. II жилднинг 2-қисми. «Мир Алишер и политическая жизнь», Москва, 1964 йил (русча).

³ А. Ю. Якубовский, «Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навоий» («Алишер Навоий» тўпламида 5—31-саҳифалар. Москва — Ленинград, 1946 й.).

⁴ О. Шарафиддинов. «Навоий» (монография), 1940 й., Тошкент.

⁵ Я. Гуломов Р. Набиев, М. Ваҳобов, «Ўзбекистон ССР тарихи», бир жилдлик. 1958 й., Тошкент, II боб — «Темур ва темурийлар давлати» ва III боб — «Ўзбекистонда феодализмнинг тарқоқлигининг кучайиши» (XV асрнинг иккинчи ярми — XVII аср), 177—272-саҳифалар.

У ташвишли, изтиробли ва бетинч замонада ўз шоирлик шарафини пок ва покиза сақлаб, даврнинг илғор майлларига бош бўлиш, жамиятдаги пешқадам интилишларга ҳамкор ва балки илҳомкор бўлиш Алишер Навоийнинг ижодий ҳаёти учун ғоят характерли бир хислат бўлиб саналиши керак. Шоир ўзининг фавқулодда юксак салоҳиятини ва асл истеъдодини ҳамда қобилиятларини рўёбга чиқарган нодир бадий маҳоратини, юқорида айтганимиздек, халқнинг ва инсониятнинг бахту саодати, чин олий тилаклари хизматига қўя олди.

Улуғ инсон ўзининг бир рубойсида (ўз таъбири билан айтсак рубоиясида) эллик-олтмиш йиллик умрида бирон таъно ва мавзуни эътиборсиз қолдирмаганини, диққатга лойиқ бирон воқеа унинг қаламига бегона қолмаганини ва ҳаётини можазоларнинг тасвирида талай алам-дард чекканини очиқ баён этади:

Эллик била олтмишқа етти қадамим,
Не маъниким, бўлмади эркин рақамим,
Не турфаки, сабт этмади эркин қаламим-
Ким, йўқ биринин хотир аро жуз аламим¹.

Замонасидаги ҳеч бир муаммо ва масалага қарамаган Навоий, дostonларидаги тарихий — афсонавий — романтик мазмунларига қарамай, лирикасида замонасининг энг муҳим ва актуал мавзуларини тараннум этгандир. Шунинг учун ҳам поэзиямизнинг олтин фондига кирган «Хазоинул-маоний» ўз замондошларининг қайғуларига, тилакларига ва интилишларига тўлган буюк қалб дафтариidir. Аммо шоир алам ва ҳасратларни тасвир этиш билан бирга ва балки айнан шу восита орқали, синиқ ва дардли кўнгилларга сурур бағишламоқни истаиди. Ҳаёт, давр, воқелик кўп ҳақсизликларга, қайғу, ғам ва ғуссаларга тўлгандир.

¹ «Ғароибус-сиғар», Дебоча, 8-саҳифа.

Бироқ, шоирнинг вазифаси — булардан кўз юммай, бу ҳолатларни намоён қилдириш билан бир қаторда халққа, инсонларга ҳаёт шодлиги, бахт орзуси, умид ёруғи келтиришдир: у бир рубойида тангрига хитоб қилиб, хазонин (яъни хазиналар) обод этганини билдиради. Бу хазиналарнинг хазинадорлиги вазифасига фақат жаннатнинг эшикбони, яъни, ризвоннинг ўзигина лойиқдир. Шоир аламзада кўнгилларга хурсандлик бахш этмоқчи, шунинг учун кўнгилдаги сурурга ғам ва сустлик чўқдирмасликка чақиради! Рубоия:

Ё раб, бу хазонки, мен эттим маъмур-
Ким, хозини жаннат анга хуштур ганжур.
Чун келди футурлик кўнгулларга сурур,
Берманг андин кўнгул сурурга футур¹.

Шеър ва шоирнинг давлат поясида ва жамият соҳасида қанчалик муҳим роль ўйнаганини ўрта асрнинг очиқ кўзли адиблари ва муҳаррирлари жуда яхши англаганлар. Чунончи, XII асрда яшаган мароқли ёзувчилардан бири Низомийи Арузийи Самарқандий Туркистон, Эрон ва Афғонистон воҳаларида ҳукм сурган подшоҳ сулолаларининг нуфуз ва шуҳратига хизмат қилган ёки уларнинг саройларига маълум муносабати бўлган шоирлар рўйхатини батафсил зикр қилиб ўтади². Ҳижрий 550 ва милодий 1156—7 йилларда Марказий Афғонистоннинг тоғлари ўртасидаги Бомиёнда ёзилган бу рисолада сомонийлар даврининг шоирлари: устод Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абу Аббос Рабинжо-

¹ «Ғароибус-сиғар» «Дебоча», 14-саҳифа.

² Аҳмад бин Умар бин Али Низомийи Арузийи Самарқандий. «Китоби чаҳор мақола», Мирзо Муҳаммад хон Қаавинийнинг таҳрири остида. 1313 ҳижрий (1935 м.) Теҳрон. (форсча). Муҳаррир бир қанча далиллар билан бу китобнинг асл сарлавҳаси «Мажмуан-наводир» (Нодир нарсалар тўплами) эканини таъкид қилади.

ний, Абу Мусал Албухорий, Абу Исҳоқ Жўйборий, Хаб-
бози Нишопурий, Абулҳасан Алкасоний; Носириддин
сулоласининг (ғазнавийларнинг) шоирлари: Унсурий,
Асжадий, Фаррухий, Баҳромий, Зийнатий, Қойиний,
Музаффарий, Маншурий, Минучеҳрий, Масъудий, Абуҳа-
нифа Искоф, Рашидий, Абулфараж Руний, Масъудий, Саъди
Салмон, Муҳаммад Носир, Шоҳ Абурижо, Аҳмад Хилоф,
Усмон Мухторий ва Маждуд Санойи; Хоқонийлар сулола-
сининг шоирлари: Луълўбий, Кулобий, Нажиб Фарғоний,
Амьақ Бухорий, Рашиди Самарқандий, Жавҳарий, Сугдий,
Писари Теша ва Али Сатранжий¹ Буяй сулоласининг, сал-
жуқийларнинг, Табаристон подшоҳларининг шоирларини
санаб чиққандан кейин муаллиф шансабийлардан чиққан
Ғур султонларига хизмат қилган шоирлардан Абулқосим
Рафийи, Абубакр Жавҳарийни тилга олгандан сўнг «камта-
рини бандагон» (бандаларнинг энг камтарини) деб ўз но-
мини хотирлатади ва шоир Али Суфийни зикр этиш билан
бу рўйхатни тугатади².

Маданият ва адабиёт тарихчиларига кўп қимматли маъ-
лумот бераётган бу рўйхатлар Бухоро, Самарқанд ва
Фарғонадан чиққан сўз усталарининг Ўрта Осиё ва Ўрта
Шарқ давлатлари ижтимоий ва маданий ҳаётида нақадар
катта мавқе тутганидан далолат беради. Аммо Низомий
Арузий шу билан кифояланмайди, шеър ҳамда шоирнинг
подшоҳларга нисбатан абадий барқарор бўлишлиги ҳақида
умумий бир натижага келадик, ўрта асрларда Ўрта Осиё
пешқадам фикрининг савияси учун бу типик бўлганлиги са-
бабли у хулосанинг таржимасини айнан бу ерга кўчирамыз:

«...Бу жамоатнинг (яъни, шоирларнинг — *М. Ш.*) девон-
лари, ўтмиш султонларнинг ва ўлмиш ҳукмронларнинг ка-
молини ҳам жамолини, қувватини ва қудратини, адолатини

¹ Уша асар, II мақола, «Дар моҳияти илми шеър ва салоҳияти
шоир» (шеър илмининг моҳияти ва шоирнинг салоҳияти ҳақида),
25-саҳифа.

² Уша асар, ўша жойда.

ва саховатини, аслини ва фазлини, раъйини ва тадбирини, таъкидини ва таъсирини баён қилганлар. Шоҳона неъматлар эгаси бўлган талай ҳукмдорлар шу моҳир шоирларга қимматбаҳо инъомлар ва ҳадялар топширганлар, бироқ, бугун на ул ҳукмдорлардан бирон асар қолган ва на уларнинг ёру хизматкорларидан биронта тирик нафар!.. Қанча-қанча обод қилинган мунаққаш кўшқу айвонлар ва дилкаш боғу гулистонлар вайрон бўлганлар ва эндиликда дашту саҳролар билан яксон!..»¹

Бу фикрининг исботи учун Низомий Арузий анъана бўйича, ўз муддаосини ўзи ёзган маснавийси билан тугаллайди;

Басо кохоки, Маҳмудаш бино кард-
Ки, аз рифъат ҳаме бо маҳ маро кард.
Набини э-он ҳаме як хишт барпой,
Мадеҳи Унсурий мондаст бар жой...²

Таржимаси:

Маҳмуд талай кошоналар бино қилди,
Баландликда улар ойга тенглашар.
Аммо, сен улар ўрнида биронта бутун гишт
тополмайсан,
Лекин Унсурийнинг қасидаси турар барқарор.

Бу мисраларда Маҳмуд номи остида машҳур жаҳонгир подшоҳ, реакцион, мутаассиб, Ғазна ҳукмдори султон Маҳмуд ибн Носириддин кўзда тутилади (салтанат даври 999 — 1030). Унга Бағдод халифаси томонидан берилган фахрий унвон «Ямин — аддавла» — давлатнинг ўнг қўли деган маънони ифодалар эди. Ўз замонасининг энг кучли подшоҳи ҳисобланган ва султон Маҳмуд Ғазнавий деб та-

¹ Уша асар, 25—26-саҳифалар.

² «Чаҳор мақола», 26-саҳифа.

нилган бу киши Афғонистон, Шарқий Эрон, Жанубий Урта Осиё, Хоразм ва Шимолий Ҳиндистондан иборат катта бир давлатнинг соҳиби ихтиёри эди. Фирдавсийнинг қадрланмай ҳақоратланиши, Ибн Синонинг қувғин остига олиниши, Абурайҳон Берунийнинг ихтиёрсиз тутқундек Ғазна тахтига боғланиши бу машғум шоҳнинг номи билан боғлиқдир.

Бироқ, Низомий Арузий бундай буюк подшоҳнинг ҳашаматидан ҳеч бир яхши нарса ёдгорлик қолмагани ҳолда, Унсурийнинг шеъри устивор ва барқарор турибди, дейиши билан гўзаллик ва яхшилиқнинг зўравонлик устидан ғалабасини олқишлайди. Унсурий ким? Абулқосим Ҳасан ибн Аҳмад Унсурий Балхий (960—1039) Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли султон Масъуд даврида Ғазнада яшаб, сарой доираларида танилган машҳур қасидачи шоир эди. Низомий Арузийнинг шоҳ ва шоир мавзуини шу тарзда қўйиб ҳал этиши илғор фикрли зиёли бўлганидан далолат беради.

Умуман «Чаҳор мақола» («Мажмаун-наводир») ни ёзишда Низомий Арузий Самарқандий ўз олдига қўйган бош вазифалардан бири ўша даврдаги зиёлиларнинг (шоирлар, котиблар, олимлар, табиблар) ҳурматини ва нуфузини кўтариш ва асосан зиёлининг буюк даражасини подшоҳларга уқтириб туриб, ақлий касб эгаларига маънавий ва моддий ёрдамни кучайтиришдан иборат бўлган. Ўша шароитда зиёлини моддий ва руҳан ёқлаб унга ижодий шароит яратиш эса фақат тождорларгагина муяссар бўлгани ҳам бизнинг муаллифга сир эмас эди. Мана шунинг учун у ғазнавийлар даврининг шоири Масъуд Саъд Салмоннинг туҳматга йўлиқиб, Султон Иброҳим ва сўнгра Султон Масъуд амри билан ўн саккиз йил зиндонда ётганини чуқур ҳаяжон билан ёзади, шоирни, айниқса, унинг зиндонда ёзган «Ҳабсия» номли марсияларини юксак баҳолаб, адолатсиз ва фаҳмсиз бу икки султонни қарғаб қоралайди¹. Аксинча,

¹ Ўша асар, 38—39-саҳифалар.

шаҳзода Туғоншоҳ Салжуқийнинг (1063 — 1072 йилларда отаси султон Алпарслон номидан Хуросонда ноиблик қилган) шоир Абубакр Азрақийга (вафоти 1072 й.) ҳозиржавоблик билан айтган бадиҳаси учун қилган илтифотини ва берган мукофотини тақдирлаб гапиради¹. Яна бошқа жойда ҳоқоний (ёки қорахоний) подшоҳларидан султон Хизр бин Иброҳимнинг (салтанат даври 1079—80 йиллар) шоир Рашиди Самарқандийни мушоирада амирал-шуаро (шоирлар амираи деганини), Амъақни ҳозиржавоблик билан ёнгани учун олтин динорларга кўмганини олқишлаб тасвирлайди. «Чунки,— дейди Низомий Арузий,— подшоҳ шоирларнинг яхши шеъри орқали шуҳрат топганидек, шоир ҳам подшоҳнинг қимматли сийловлари билан машҳур бўлади. Зотан, бу икки воқеа бири бирига лозимдир»².

Биз, шу мақоламизда Низомий Арузийнинг мулоҳазалари ва берган маълумотлари устида бир қадар муфассалроқ тўхташимиздан мақсад ўрта асрларда Ўрта Осиёда шоирнинг қадри ва шеърнинг қиммати саройларга не қадарлик боғланганини ва ҳатто пешқадам зиёлилар ҳам шу билан ҳисоблашувга мажбур бўлганини китобхонга эслатиб ўтиш эди. Чунки бу шароитда ва бу нуқтаи назардан қараганимизда, Алишер Навоийнинг мустасно даражада мустақил иродали бир арбоб эканлиги кўзимиз олдида равшанроқ кўринади. Маълумки, Навоий ўзининг тараққийпарвар табдилларида ва ғояларнинг рўёбга чиқарилишида султон Ҳусайн Бойқаронинг дўстлигидан фойдаланган ва ўзи ҳам султоннинг маданият, адабиёт соҳасидаги кўп яхши ниётларини қувватлаган. Бироқ шоиримиз бирон байти ёки қофияси учун ҳукмдордан инъом кутмаган, ўз ижодини саройнинг ўткинчи кайфлари билан эмас, башариятнинг ва инсонларнинг азалий орзулари билан боғлаган. Бунинг сабабини Алишер Навоийнинг шахсан ғоят бадавлат одам

¹ Уша асар, 38-саҳифа.

² «Чаҳор мақола», 40—41-саҳифалар.

бўлганидан эмас, балки руҳан, қалбан ва маънан фавқулодда бадавлат ва сахий инсон бўлганидан ахтармоқ зарур. Биз юқори мансабларда турганлари ҳолда ўз қасидалари учун ҳукмдорлардан «симу зар» сўраган шоирларни ҳам тарихдан биламиз. Лекин Навоий ўз ҳаётида ғоят йўқсул ва муҳтож (Машҳадда, Самарқандда юрган чоғларида) бўлганида ҳам ҳеч қачон ақча тамаъи билан бирон соҳиби фармонни мадҳ этган эмас.

Алишер Навоий шоирнинг вазифасини қандай идрок этганини юқорида қатор мисолларда кўрган бўлсак-да, бу муаззам масала, бизнинг шоиримиз назарида биринчи даражали бурч бўлгани учун турли-туман мавқеларда хоҳ-нохоҳ қўзғалиб майдонга чиқади. Бу масалага энди нуқта қўйиш мақсадида биз унинг девонларидан эмас, насрий асаридан бир рубойисини ўқиб бермоқчимиз. Гарчи бу ерда гап бир китобнинг тугатилиши устида борса-да, бу рубойининг қавсларини очиб ташласак, анча кенг маънолар чиқаришимиз мумкин:

Бу номағаким лисоним ўлди қоил,
Килким тили ҳар нав эл ишига ноқил.
Тарихи чу «хуш» лафзидин ўлди ҳосил,
Ҳар ким ўқуса, илоҳий, ўлғай хушдил¹.

Шоир «бу нома» яъни «Маҳбубул-қулуб» ни ўз тилим билан баён этдим, деб учинчи мисрада асарнинг ёзилган тарихини «хуш» сўзидан топса бўлади дейиши билан бизга санани аниқлаш учун калит беради. Маълумки, эски алифбода абжад ҳисобида «х» ҳарфи — 600 сонига, «у» ҳарфи — 6 га ва «ш» ҳарфи эса — 300 га тенг саналади. Шундай қилиб, бу асарнинг ёзилиш санаси 906 ҳижрий — 1500 милодийдир.

¹ «Маҳбубул-қулуб», 1948 йил нашри, Москва — Ленинград, 172-саҳифа.

Юқорида келтирилган рубойда бизни энг кўп қизиқтирадиган учинчи мисра — «килким тили ҳар нав эл ишига ноқил» таъбиридирки, бунинг маъноси — қаламимнинг тили ҳар хил эл ишларини нақл қилиб берди, демакдир. Бу таъбирда, «ҳар нав эл» деб турли ҳунар, касб эгалари, турли мансаб ҳам вазиятдаги арбоблар ҳам фуқаро кўзда тутилади. Бироқ бу таъбирни кенгайтириб «эл» сўзининг умумий маъносида — халқ, жамоат, жамият тарзида шарҳлаб, Навоий ўзининг асосий шоирлик вазифаси деб тахту тожларга эмас, элга — юртга — башариятга хизмат қилмоқни англаган десак, бу тафсир буюк шоирнинг ҳаётий ва ижодий йўлига тамомила мос тушади.

«Шарқ юлдузи», 1966 й. № 7.

ТАЗКИРАЧИЛИК ТАРИХИДАН

(Алишер Навоийнинг озарбайжонлик тазкирачи
шогирди ҳақида)

Алишер Навоий даҳосининг биллур чашмаларидан томиб-томиб хазиналар яратган дурдоналар, башариятнинг олтин фондига кириб қолганлиги ҳар қандай шаку шубҳадан холи бир ҳақиқатдир. Навоий ҳали барҳаёт вақтидаёқ унинг шеърлари — кўпинча ғазаллари, рубойлари, мустаҳзодлари ва қитъалари фақат шоир турган шаҳарни ва юртигина эмас, бир қанча яқин ва узоқ мамлакатларни ҳам тасхир ва мафтун қилганини замондошлари бир оғиздан эътироф этадилар. Биз булардан фақат биттасининг гувоҳлиги билан кифояланамиз. Навоийнинг замондоши Давлатшоҳ ибн Алоуддавла (1438—1491) ўзининг машҳур «Тазкиратуш-шуаро» (асар 1486 йилда тугалланган) номли китобида Навоийнинг шеърлари ҳали муаллифнинг тириклик чоғида нақадарлик шуҳрат топганини очиқ ва равшан иборалар билан уқтириб ўтади.

Навоийнинг эпоси ҳақида у:— «... Орифлар шайхи Низомийнинг «Хамса» сига жавоб ёзгандирки, улуғ амирдан олдин ҳеч ким бундай фазилатга киришган эмас ва дарҳақиқат шоир ўша дostonда (dostonларда — *М. Ш.*) маъноларни ўрни-ўрнига қўйиб қойил қилган»¹.

Давлатшоҳнинг шу шоҳидлигидан аён бўладики, Навоийнинг «Хамса» сига кирган dostonлар ўз вақтидаёқ

¹ Давлатшоҳ Самар қандий, «Тазкиратуш-шуаро», Теҳрон, Шоҳобод. 1337 ҳижрий (1958). Муҳаммад Аббосий таҳрири остида. 562-саҳифа.

афкор омма назарида юксак баҳо олган экан. Дарвоқе, агар «Хамса»нинг сўнги достони «Садди Искандарий» 1485 йилда тугалланган бўлса, Давлатшоҳ ўз «Тазкира» сини ёзаётганида (1486) улуғ эпопеянинг тугаганига 1—2 йил бўлган эди. Бу дostonларни чинакам тақдирлаш учун кифоя муҳлат бўлган.

Лекин эпик асарлар билан бир қаторда, Алишер Навоий тинмасдан буюк лирикасини ҳам яратганки, девон шаклида тўпланган бу асарлар «Хамса» дostonларидан ҳам олдинроқ шуҳрат топиб кетганлар. Бу девонларнинг қиймати ҳақида мазкур Давлатшоҳ бундай деган: «Улуғ амининг туркий девони султонлар ва киборлар мажлисларининг зийнатидур ва Навоий арганунининг¹ унлари мунгли ошиқларни «рост» йўлига олиб келади»².

Давлатшоҳ бу парчада Алишер Навоий лирикасининг қудрати ҳақида сўзлаётганида сўз ўйини ясаб «рост» сўзини икки маънода — ҳам тўғрилик ва ҳамда классик эрон — ўзбек мусиқийсидаги мақомлардан бири бўлган «Рост» мақоми маъносида қўлланади.

Бу умумий баҳолардан сўнгра, Давлатшоҳ Самарқандий Навоий шеърининг жуғрофий сарҳад ва доирасини ҳам белгиламоқчи бўлиб бундай дейди:

«У қанча ҳам ширин овозадирки, турклар диёридан (яъни Туркистондан, — *М. Ш.*) то Хижоз чегараларига бориб етган, у нақадар ажойиб дабдабадирки, Нишопурдан то Исфаҳонгача чўзилиб кетган. Ажамлар (эронийлар, — *М. Ш.*) юртидаги аҳолининг қулоғи бу гўзал садоларга тўлган ва оламнинг ҳамма бурчаклари бу денгиз баракатидан дурдоналарга муяссар бўлган...»³

¹ Арганун — классик музыкада чолғу асбоби, бу ерда эса ушбу сўз кенг маънода олинди, умуман Навоий лирикасининг рамзи сифатида талқин этилади.

² Давлатшоҳ «Тазкира», 569-саҳифа.

³ Давлатшоҳ, «Тазкира», 569-саҳифа.

Биз Давлатшоҳнинг бу шаҳодатига тамомила ишонч ва эътибор билан қарашимиз лозим. Аввало шуки, Навоий ҳали тирик вақтида бир шоир сифатида кенг шуҳрат топганини қатор замондошлари яқдиллик билан тасдиқлайдилар. Масалан, Навоийнинг кичик замондоши Зайниддин Восифий ўзининг «Бадоеул-вақое» номли кўп машҳур ва қийматли асарида Хиротда Навоий шеърларининг халқ ўртасида ашулага тушиб расм бўлганини хотирлайди ва намуна учун шоирнинг бир мустаҳзодини мисол қилиб «Дин офати бир муғбачаи моҳи лиқодур»¹ келтиради. Иккинчидан, маълумки, Навоий ўз дostonларини ёзишга 80-йилларнинг бошларида киришган бўлса, ундан анча олдин 25—30 йил мобайнида лирик шеърлар — ғазаллар, рубоийлар, қитъалар, мусамматлар, мустазодлар, муножотлар, наътлар, соқийномалар соҳасида бир қанча ажойиб асарлар ёзиб, буларни икки девон ҳажмида тўплаган ҳам эди. Албатта, бу асил ва нафис шеърларнинг шаҳар, сарой, бозор, зиёли, косиб ва мадраса муҳитларида хуфия бўлиб сақланиши мумкин эмас эди ва зотан буларни халқдан яшириш на Навоийга керак эди ва на унинг дўстларига. Рақиблар эса қанотли қўшиқларнинг йўлини тўсишдан ожиз эдилар!..

Учинчидан, Давлатшоҳ Самарқандий шоирлар ҳақида маълумот берганида, Навоий ва Жомийларни чуқур ҳурмат билан тилга олади. Лекин шуниси ҳам борки, Навоийнинг жамиятдаги мавқеи шу қадар мустаҳкам эдики, у бировларга хушомадгўйлик қилишга муҳтож эмас эди. Чунки унинг ўзи энг юқори киборлар табақасидан бўлиб, «Амир»лик унвонига ва салтанат девонида мўътабар мавқега эга эди.

Тўртинчидан, Давлатшоҳ ўз «Тазкира»сида айрим нуқсонлар, жумладан, айни бир шахснинг исми, тахаллуси ҳа-

¹ «Хирот шаҳрида ҳеч бир сарой ва уй йўқ эрдиким, бу таронадин ҳоли бўлмай». (Восифий, «Бадоеул-вақое», Хоразмлик Дилоғархўжа таржимаси, қўлёзма, 249-саҳифа).

қида ёхуд айни бир ҳодисанинг жойи ва санаси тўғрисида янглишларга ва қарама-қарши маълумотларга йўл қўйсада, булар кўпинча илгари ўтган ва ёки эшитилган воқеаларга доирдир. Муаллиф ҳамisha бевосита кўришиб турган таниқли ва мўътабар киши (Амир Алишербек) ҳақида тахминий гапларни қаламга олиши ёки бепарво иборалар ишлатиши жоиз эмас эди. Маълумки, у ўз асарини форсий тилда ёзган. Энди шундай савол туғилиб қолади: бу муаллиф туркий — ўзбек тилини қай даражада билган ва буюк шоиримизнинг даҳосига баҳо берадиган даражада бу тилнинг нозик томонларига тушунганми? Бу саволга жавоб бериш учун, Давлатшоҳнинг ўз «Тазкира»сида Алишер Навоийга бағишлаб ёзган бир қитъасини ва бир қасидасини эслатиш kifоядир. Ҳар иккала шеър муламма (**مطلع**) тарзида ёзилган бўлиб бошдан-оёқ бир байт туркча, иккинчи байт эса форсча келтирилган. Шу билан биз Давлатшоҳнинг туркча (ўзбекча)ни мукамал билганини аниқ кўрган бўламиз¹.

Давлатшоҳ, Навоийнинг ёшлик давридан бошлаб зул-лисонайн (икки тилли) бўлганини ва ҳар иккала тилда ҳам зўр маҳорат соҳиби эканини уқтириб ўтгандан кейин, амири кабир ҳақидаги ўз муалламаъсини келтиради:

Туркисин кўруб қилурлар эрди тарку тавба ҳам,
Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий бирлан Кардарий.
Бовужуди форсий дар жунби шеъри комилаш
Чист ашъори Заҳиру, кист бори Анварий?!¹

Тўртликнинг таржимаси: Агар шоир Лутфий ва Кардарий тирик бўлганларида эди, Навоийнинг туркча ёзган шеърларини кўриб, ўзлари ёзишдан бутунлай тавба қилиб, минбаъд бу ишни ташлаган бўлар эдилар. Унинг мукамал форсча шеърларига қараганда Заҳирнинг шеъри нимаю, Анварийнинг ўзи ким бўлар эди?

¹ Қ а р а л с и н : «Тазкиратуш-шуаро», 560 ва 573—74-саҳифалар.

Бу қитъада Давлатшоҳ икки туркий ва икки форсий шоирни олиб Навоийга қиёслайди ва Навоийнинг маҳоратини улардан устун қўяди. Бинобарин, мантиқ бўйича, муқоясага олинган бу шоирларнинг оддий эмас, буюк, забардаст, қиёслашга лойиқ йирик санъаткорлар бўлиши шарт. Булар ким? Бу шоирлардан биринчиси ҳаммамиз билган улуғ турк-ўзбек шоиридирки, ўз замонасида (XV аср) «маликуш-шуаро» (шоирлар подшои) лақаби билан шуҳрат топган ва Навоий салафлари ичида энг зўр туркийгўй шоир ҳисобланган. Мазкур қитъанинг биринчи байти охирида зикр этилган Кардарий ким? Бу саволга бирданига жавоб бериш қийинроқ кўринди. Чунки Кардарий номи билан танилган катта, йирик (ёки машҳур бўлма-маса-да, моҳир) бирон шоирни танитаймиз-ку, у Навоийдан илгари туркий-ўзбек тилида қийматли асар яратган бўлсин. Кардар ўзи нима ва қаёқда? «Қомусул-аълум»нинг «К» ҳарфида «Кардарий» исмида бир олимнинг Хоразмдаги Кардар қишлоғидан чиққани ҳақида маълумот берилади¹. Абулмафохир номи билан шуҳрат топган бу олим фиқҳ (диний ҳуқуқшунослик) фанига доир арабча ёзилган бир қанча асарларнинг муаллифи бўлган. Аммо бу киши назм билан шуғуланмаган, бунинг устига у асарларини фақат арабча ёзган. Демак, Давлатшоҳнинг муддаоиси бўладиган туркийгўй шоир бу зот эмас экан.

Баъзи бир қўшимча манбалар ва маъхазларга² мурожаат қилганимиздан кейин маълум бўлишича, Хоразм ўлкасининг Кардар қишлоғида 761 ҳижрий (1359 милодий) йилда вафот этган Маҳмуд бин Али деган бир шахс «Наҳж-ул-фародис» (жаннат боғларининг йўли) номли диний-ахлоқий бир асар ёзган экан. Умрининг бир қисмини Олтин

¹ «Қомусул-аълум», Истамбул, 1888—1898 йиллар. V жилд, 3840-саҳифа.

² «Ислом энциклопедияси», III жилд, 24 жузв, Истамбул, 1945 й. 287-саҳифа.

ўрда пойтахти Сарой шаҳрида кечирган бу муаллиф исломият илмларидан чуқур хабардор бир арбоб бўлган. Бу асарнинг бир қанча нусхалари мавжуд бўлиб, хусусий қўлларда сақланиб келганидан унинг ўз замонасида анча тарқалганидан дарак беради. Мавжуд нусхалар қаторида Истамбулда Янги Жоме кутубхонасида 879-сон остида сақланган нусхаси Маҳмуд бин Али ҳали тирик вақтида хоразмлик бир котиб томонидан кўчирилиб Хоразм шеvasига уйғун равишда ҳамма сўзлари ҳаракатланган (зебу забарлар қўйилган). Бу жиҳатдан қараганимизда, асарнинг ҳалиги нусхасини текшириш Хоразм шеvasининг ва балки адабий лаҳжасининг тарихини ўрганиш учун жуда катта илмий аҳамиятга эгадир¹. Ҳар ҳолда, фикримизча, Давлатшоҳ туркий назм устаси деб кўрсатган Қардарий деган шоир шу Маҳмуд ибн Алидан бошқа киши эмас, деб айтишимиз мумкин. Мазкур қитъадаги икки форсий шоирга келганимизда, булар ҳам таққослашга сазовор бўладиган буюк шоирлардандир, чунончи, булардан биринчиси Заҳир Фарёбий бўлиб, Туркистонда мавжуд Фарёб шаҳрида туғилган (XII аср) ва қасидачиликда катта шуҳрат қозонган. У шеър, адаб ва турли илмларда шу даражада донг чиқарганки, замондошлари унга «садрул-ҳукамо» (ҳакимлар бошлиғи)² деб лақаб берганлар. Мисрадаги иккинчи шоир бўлса Заҳирнинг замондоши машҳур ва маъруф қасидачи Анварийдир.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг эпос ва лирика соҳаларида яратган шоҳ асарлари, унинг бошқа тур ва навъ-

¹ Қаралсин: «Хоразмда ёзилмиш эски туркча асарлар», «Туркийёт» мажмуаси, II, 315—347-саҳифалар; Фуод Кўпрули — «Турк адабиёти тарихи», 1928 йил, 340—347-саҳифалар; Самойлович — «Жўжи улуси ва ё олтун ўрду адабий тили», «Турк дили», 12-сон, Истамбул, 1935 йил; 35-саҳифа.

² Шибли Нуъмоний, «Шеър ул-аҷам ё тарихи адабиёти Эрон», V жилд, ўрдучадан Оқойи Сайид Муҳаммад Тақи Фаҳри дой Гилоний таржимаси. Теҳрон, 1318 ҳижрий шамсий (1939 й.) 3—4-саҳифалар.

ларда қилган катта ва муҳим хизматларини маълум даражада сояда қолдириб кетган. Ҳолбуки, Навоийнинг илмий, тадқиқий, адабий текшириш ва тарихий асарлари ҳам кейинги ўзбек шоирлари, адиблари ва олимларига, умуман яқин ва Ўрта Шарқнинг сўз санъаткорларига ҳамда сўз мутахассисларига, яъни бир сўз билан айтадиган бўлсак, унинг халафларига¹ таъсирсиз қолмаган, охир!

Биз бу мақоламизда Алишер Навоийнинг тазкирачилик мактабини давом эттирган халафлардан озарбайжонлик бир адибнинг асари ҳақида сўзламоқчимиз.

Маълумки, илми бадеъ (бадий санъатлар, қофия илми ва аруз фанини ўз ичига олган классик поэтика билими) эски шеъриятнинг ички қурилиш қоидаларини текшириш билан кифояланиб қолган. Адабиёт тарихини систематик ва ёхуд, жуда бўлмаса, тематик равишда тасвирлаб баён қилиб бериш илми бадеънинг вазифасига кирмаган. Зотан, бизнинг замонамизда адабиёт назарияси бирон халқ ва ё даврнинг адабиёти тарихини нақл қилиб бермагандай!

Бугун Шарқ халқларининг адабиёт тарихларини асл манбалар орқали текшираман, деган тадқиқотчининг асосий суянадиган маъҳазии турли замонларда, турли шахслар томонидан турли сабаблар билан ёзилган тазкиралардир. «Тазкира» сўзи арабча калима бўлиб, мақсадни унутмаслик учун ёзув орқали зикр этмоқ демакдир. Мусулмон шарқи мамлакатларида кенг тарқалган тазкира жанри ва умуман тазкирачилик катта муваффақиятларга ва қаттиқ анъаналарга эга бўлиб қолган. Тазкирачи муаллифлар ўз асарларини турли белгилар ва қоидаларга риоя қилган

¹ Баъзи бир адабиётшуносларимиз халаф (последователь) сўзини янги ясалган «издош» сўзи билан ифода қилмоқчи бўладилар. Фикримизча, бу сўз гоёта ясама ва ноқулай бўлиб, ўша тушунчани бермайди, зероки «издош» сўзидан айни вақтда, бир пайтнинг ўзида бир изнинг ўзини босаётган икки йўлдош англашилади. Ҳолбуки, бу ерда бир раҳбарнинг орқасидан унинг изини босиб бориб гоёта бор. Биз эски илмий таъбир — «халаф» ни қўллаш тарафдоримиз.

ҳолда тузганлар. Мавжуд тазкираларда одатан маълум бир даврнинг ёки маълум бир мамлакатнинг (кўпинча қатор қўшни мамлакатларнинг) шоирлари ҳақида гап боради. Ёзувчилар, одатда, бор белги остида туркумлашади. Сўнгра булардан ҳар бири борасида алоҳида маълумот бериллади. Бу маълумотлардан ҳар бирини мақола ёхуд мақолача, тўғрироғи фикра деса бўлади. Булардан бир хили уч-тўрт жумладан иборат кичкина хабарга ўхшаса, бошқа бир хилди. Бу маълумотлардан ҳар бирини мақола ёхуд мақолача, эслатади. Одатда, бу фикраларнинг схемаси қуйидагичадир: а) шоирнинг исми, лақаби, қаерданлиги ҳақида қисқача маълумот; б) шоирнинг ҳаёти, характери, баъзи хусусиятлари тўғрисида қисқача маълумот; в) шоирнинг ижоди, асарлари, асарларининг хусусияти, асарларининг ўз даврида қай даражада шуҳрат топганлиги; г) бу шоирга тазкира муаллифининг муносабати ва ёки, аксинча, шоирнинг тазкирачига нисбатан тутган мавқеи (бу маълумот шоир билан тазкирачи ўртасида шахсий танишлик бўлган тақдирдагина бериллади); д) шоир ҳақида эл оғзида ёхуд муаллиф хотирасида сақланган бирон қизиқ воқеа ёки латифа; е) шоирнинг назмидан бирон мисол (бу, одатда, ғазал ё қасиданинг матлаи, бирон маснавий ёки рубоий ва ёхуд қитъа бўлади), ж) шоир умрининг охири (агар ўлган бўлса, қаерда дафн этилгани албатта кўрсатилади).

Турган гап, барча тазкирачиларда ва ҳамма шоирлар ҳақида ёзилган фикраларда айнан шу схеманинг сақланиши шарт эмас. Бу моддалар олдинма-кейин бўлиши, айрим моддаларнинг тушиб қолиши мумкин. Лекин, умуман олганда, биз кўрсатган схема кўпчилик тазкиралар учун характерли ва типикдир. Тазкиралар кўпинча ё географик, ё монографик, ё хронологик, ё сулолавий, ё ижодий принципда қурилади ёки шоир номларининг охиридаги ҳарфларга қараб алифбе тартибида бериллади. Аммо бу принципларнинг икки-учтасини қўшиб, аралаштириб тазкира тузган муаллифлар ҳам бор.

Шарқда (ислом дунёсида) бизга маълум бўлган энг эски адабий мажмуа (Абулфарах Али ибн ал Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Алқураши-ал Исфажоний (897—967) томонидан тузилган «Китоб-ал-оғони» (қўшиқлар тўплами) дирки, бу асар гарчи бевосита ва том маъноси билан тазкира турига кирмаса-да, катта бир даврнинг поэтик ижодиётини системалаштириш ва баҳолаш нуқтаи назаридан кейинги тазкирачиларга маълум даражада йўл очиб бергандир. Ўзи шахсан умавийлар сулоласига мансуб бўлган Абулфараж бу китобда халифаликнинг илк даврига оид кўп қийматли материалларни тўплашга муваффақ бўлган. Қоҳира нашрида 21 жилдни ташкил этган бу муаззам китоб том маънода тазкира жанрига кирмаса-да, кейинги катта тазкирачилик амалиёти учун кенг йўл очиб берган. Чунки бадий шеъриятнинг манбаи ва буюк қисмини ташкил қилган оғзаки поэзия «Китоб-ал-оғони» нинг бутун мазмунини ташкил этади.

Шарқда (биз бу ерда ислом маданияти ва дини доирасига кирган Шарқ мамлакатларини кўзда тутамиз) илк тазкира ёзган олим араб адиби Алсаолибий бўлган (Хаср). У ўзининг «Ятиматул-даҳр» (Замонанинг дурдонаси) номи тазкирасида араб тилида ёзган ёзувчилар ҳақида гапириб, ҳар бир адиб хусусида қисқагина ҳаётий маълумот бергандан кейин, унинг асарларидан намуналар келтиради. Бу тазкира тамомила географик белгилар билан тизилган бўлиб, шоир ва ёзувчиларни Сурия (Шом), Ироқ, Жибол, Хуросон (Мовароуннаҳр ҳам бу доирага киритилган) ўлкаларига қараб туркумлаштиради.

Саолибийдан анча кейин форс-тожик адабиётчилари ҳам шоирлар ҳақида асарлар яратиб бердилар. Бироқ булар ҳали том маъноси билан тазкира бўлишдан анча узоқ турар эди. Чунки буларда бир қанча бўлак масалалар қаторида йўл-йўлакай ёки бирон муносабат билан шоирлар ҳақида сўз боради. Бундай асарларга яққол мисол қилиб Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чаҳор мақола» номи

асарини кўрсатиш мумкин¹. 1156—57 йилларда Афғонистоннинг Бомиён водийсида мавжуд бўлган Гулгула қалъасида самарқандлик Низомий томонидан ёзилган бу китоб подшоҳларга хулқу ахлоқ, одобга оид насихатлар билан тўлган бўлиб, асосан орифлар (зиёлилар) нинг қадру қийматини улуғлашни, уларнинг меҳнатини ва хизматини юксак баҳолашни шоҳларга эслатиб ўтади. У ҳар бир ҳукмдорнинг даргоҳида ва ҳаётида тўрт табақа зиёлининг катта роли борлигини кенг тавсиф қилиб ўтади. Булар: 1) дабирлар, яъни котиблар ёхуд муншилар; 2) шоирлар; 3) мунажжимлар ва 4) табиблардан иборатдир. Муаллиф ҳар бир зиёли мутахассиснинг шарафли меҳнати ҳақида ўз даврига нисбатан прогрессив фикрлар баён қилгандан кейин бу тўрт табақанинг намояндалари ҳақида ўзи ривоят тариқасида эшитган ё кўрган ва ёхуд ўқиган воқеаларини ҳикоя қилиб беради. Бизни бу ерда кўпроқ қизиқтирган жиҳат муаллифнинг шоирлар ҳақида берган маълумотларидир. Низомий Арузий Самарқандий IX, X, XI, XII асрларда Урта Осиё, Эрон ва Афғон тупроқларида ҳукм сурган ҳукмдорларнинг хонадонларига хизмат қилган ёки ўз тақдирини ўша ҳукмдорларнинг саройлари билан боғлаган шоирларни ана шундай қилиб, сулола белгиси билан туркумлаштириб рўйхатга олади. Чунончи, муаллиф сомонийлар хонадонининг исмини абадийлаштирган сабаб деб улар даврида устод Рўдакийнинг, Абу Аббос Рабинжонийнинг, Абу Мусал Бухорийнинг, Абу Исҳоқ Жўйборийнинг, Абулҳасан Оғажийнинг, Таҳовийнинг, Аббози Нишопурийнинг ва Абулҳасан Алкисойининг яшаб ижод қилганларини кўрсатади. Сўнгра муаллиф Насриддин хонадонига, яъни Ғазнавийлар сулоласига мансуб подшоҳларнинг номларини абадийлаштирган шоирларни (Унсурий, Асжадий,

¹ Аҳмад бин Умар бин Али Низомий Арузий Самарқандий, «Чаҳор мақола», 1313 ҳижрий, Техрон, Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний таҳрир этган танқидий матн.

Фаррухий, Баҳромий Масъудий, Масъуд Саъд Салмон, Усмон Мухтор, Маждуд Санойи ва бошқаларни) бир сира санаб ўтади.

Ҳоқонийлар хонадонига, яъни кўпинча бизга Қорахонийлар номи билан танилган сулолага хизмат қилган шоирларни (шулар қаторида Кулобий, Нажиб Фарғоний, Амъақ Бухорий, Рашид Самарқандий, Жавҳарий, Сугдий, Али Шатранжий ва бошқаларни) зикр этгандан кейин Низомий Арузий, бирин-кетин Бўя хонадонига боғлиқ шоирларни, Салжуқийлар сулоласига хизмат қилган шоирларни, Табаристон маликаларини улуғлаган шоирларни санаб ўтади ва ниҳоят Шансабийлар сулоласига мансуб Ғур подшоҳларини мадҳ этган шоирлар ҳақида гапирганида, Абулқосим Рафийи ва Абубакр Жавҳарийлар қаторида ўзини ҳам эслатиб «камтарини бандагон Низомий Арузий»¹ (бандаларнинг энг камтари Низомий Арузий) деб ўзининг ҳақиқатан Бомиеъ водийсида қоиммақом бўлган кичкина феодал давлатига астойдил хизмат қилганини эътироф этади.

Низомий Арузийнинг «Чаҳор мақола»си ҳали тазкира типига ёзилган асар бўлмаса-да форс-тожик тилларида тазкирачиликнинг шаклланиши йўлида маълум бир босқични ташкил этади. Арузийдан кейин бир қанча тарихчилар ва тазкирачилар муаллифнинг китобини мўътабар маъхаз деб билиб ундан кўп фойдаланганлар. Масалан, XIII асрнинг бошларида, яъни бизнинг муаллиф ўз асарини тугатгандан олтмиш йил кейин, «Тарихи Табаристон»ни ёзган Ибн Исфандиёр Низомий Самарқандий китобида Фирдавсий ҳақида берилган маълумотни бутунлай ўз асарига кўчириб олган эди². То XVII асрнинг охиригача кўп тазкирачилар Низомий Самарқандийнинг аса-

¹ «Чаҳор мақола», 25-саҳифа.

² Бу тўғрида қаралсин: «Чаҳор мақола»нинг русча нашри, (Москва, 1963) А. Болдирев ёзган сўз боши, 20—21-саҳифалар.

ридан кенг фойдаланганлар. Бу китобнинг эски ва янги бир қанча қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиши унинг ўз даврида анча кенг шуҳрат топганига далолат қилади.

Форс-тожик тазкирачилигининг ва шу билан бирга турк (ўзбек) тазкирачилигининг шаклланишида ва такомилланишида маълум бир роль ўйнаган шу қизиқ асарнинг услуби ҳақида маълум бир тасаввур туғдириш учун муаллифнинг Умар Хайём ҳақидаги ҳикоясини, яна тўғрироғи, хотирасини бу ерда келтиришни хоҳлар эдим. Гарчи таржимада бу эпизод ўз латофатини йўқотса-да, буюк шоир ҳақида жонли гувоҳ қўли билан ёзилган бу хотира ўзининг ғамли нафосати ва ҳассос назокати билан китобхон дилини мафтун қилади: «Ҳикоят:

Беш юз олтинчи йилда¹ Балх шаҳридаги Қулжаллоблар кўчасида Амир Саъд Жарранинг кўрасига хўжа Имом Умар Хайём ва хўжа имом Музаффар Исфизорий меҳмон бўлиб қўнган эдилар. Мен уларнинг хизматини ўтаб туриб эдим. Зиёфат қизигида мен Хужжатул-ҳақ² Умарнинг шу гапларини эшитдим: «Менинг қабрим шундай бир жойда бўладики, ҳар баҳор чоғида шаббода устимга гуллар сепиб ташлайди!» Мен бу сўзларга таажжубландим, бироқ, бундай бир зотнинг ёлғон сўзламаслигини ҳам яхши билар эдим.

Қачонким, мен беш юз ўттизинчи йилда³ Нишопурга бориб қолганимда, ул буюк инсон юзига тупроқ ниқобини тортганига ва шу пасткаш дунёни етим қўйиб кетганига тўрт йил тўлган эди. Менинг зиммамда ҳам у зотнинг ус-тодлик ҳақи бор эди.

Жума куни мен унинг хокини зиёрат қилмоқчи бўлиб, гўристонга жўнадим ва унинг қабрини менга кўрсатсин деб ўзимга битга ҳамроҳ ҳам топиб олдим. У киши мени Ҳира

¹ Милодий тарих ҳисоби билан 1112—13-йилда.

² Ҳақиқатнинг далили. Чуқур илми ва ҳаққоният тарафдори бўлгани учун Умар Хайёмга берилган лақаб.

³ Милодий ҳисобида 1135—36-йил.

гўристонига олиб борди. Мен чап томонга қайрилиб, қўшни боғ билан гўристон ўртасига солинган деворнинг этагида унинг мақбарасини кўрдим. Ўша боғдан кўтарилган нашвоти ва ўрик дарахтлари ўз баргдор шохларини қабр устига ёйиб, бу қабрни гулларга ғарқ қилган эдилар. Мен шу дамда у кишидан Балхда эшитган сўзларни хотирлаб, йиглаб юбордим»¹.

Шуни ҳам қайд қилиб қўйиш керакки, «Чаҳор мақола»ни илмий асосларда текшириб, унинг танқидий матнини нашр этишда ва шу билан бирга, Низомий Арузий томонидан йўл қўйилган баъзи бир хатоларни (исмларни, саналарни, баҳоларни ва бошқаларни) тузатишда марҳум Мирзо Муҳаммадхон Қазвинийнинг хизматлари ғоят каттадир. Бу олим «Чаҳор мақола»нинг аслида «Мажмаун-наводир» (нодир нарсалар тўплами) деб аталганини исбот қилиб берди².

Форс-тожик тилларида бизгача келиб етган, чинакам тазкира деб аталишга лойиқ илк асар Нуриддин Муҳаммад Авфий (1171—1233) нинг машҳур «Лубобул-албоб» (юракларнинг мағзи) деган китоби саналади.³ Бу асарида Авфий исломиятдан кейин пайдо бўлган форс-тожик шоирлари ҳақида мароқли маълумот беради.

Китоб XIII асрнинг бошларида ҳижрий 618 йилда⁴ ёзилгандир. Китоб муаллифи Муҳаммад Авфий қаерда туғилгани аниқ бўлмаса-да, ёшлик даврининг катта бир.

¹ «Чаҳор мақола», 53—54-саҳифалар.

² Асар унинг ўз муаллифи қўйган номдан кўра кўпроқ китобхонлар доирасида қўйган қулайроқ ном билан шуҳрат топиб кетишига яна бир мисол қилиб Навоийнинг «Ҳазойинул-маоний» асари «Чор девон» унвони билан танилганини эслатиш kifоядир.

³ Авфийдан илгари ҳам форс-тожикча тазкиралар ёзилган бўлса-да, булар замонамизга келиб етмаган. Камолиддин Хотунийнинг «Манокитуш-шуаор»си (XI аср) бу навъ ёзилган асарлардандир. Қаралсин. Абулғани Мирзоев «Баъзе қайдҳо оид ба як мақола», «Садон Шарқ», 1966 йил, 2-сон, 111-саҳифа.

⁴ Милодий 1221 йил.

қисмини Бухорода ўтказгани учун, адабиёт тарихчиларидан баъзи бирлари уни Авфий Бухорий деб атайдилар. Авфий Бухородан кейин Самарқандга бориб Қорахоний шаҳзодаларидан Қилич Арслон хизматида мунши (котиб) бўлиб ишлаган.

Авфий бундан кейин Хуросон, Сейстон ва Хоразмнинг турли шаҳарларида турди ва охири мўғул босқинидан эсон-омон қолиш ниятида кўп диёрларни кезиб, 1219 йилда Синд ва Мўлтон ҳукмдори Носириддин Қобажанинг наздида бошпана топади. Ана шу ерда у 1221 йилда подшоҳнинг вазири Айналмулк Раҳмиддин Алҳусайний номига бағишлаб ўзининг шоирлар тазкирасини, яъни «Лубобул-албоб»ини яратди. Кейинчалик у Деҳлига кўчиб келиб, у ернинг ҳукмдори Шамсиддин Элутмиш даргоҳида илмий-адабий ишларини давом эттирган¹.

Деҳлида у машҳур «Жавомиул-ҳикоёт ва лавомиул-ривоёт» (ҳикоятлар йиғини ва ривоятлар ёруғи) номли асарини тамомлади².

Авфийнинг шу иккинчи асари XIII асрдан бошлаб Шарқ-Ислом оламида кенг шуҳрат топиб, узоқ вақт давомида тарихчиларга ва адабиётшуносларга мўътабар маъхаз (илк манба) ролини ўйнаган. Тўрт қисмдан (ҳар қисм эса йигирма беш бобдан) иборат бу асар турли касб эгалари, яхши ва ёмон хулқлар ва табиат ҳодисалари бобида қизиқ материалга эгадир.

«Лубобул-албоб» эса бир муқаддима ва ўн икки бобдан иборат бўлиб, у даврнинг шоирлари ҳақида навбатма-навбат маълумот берилади. (Шеърнинг хусусиятларидан, маъно ва мафҳумидан, шеъринг ижод билан шуғулланган ҳукмдорлар, давлат арбоблари ва олимлар ҳақида гап боради).

¹ Ислом энциклопедияси, II жилд, II жузв, 23-саҳифа. Фуод Кўпрули мақоласи.

² «Большая Советская энциклопедия», 28-жилд, «Муҳамед Ауфи» сарлавҳали мақола.

Лекин, масаланинг ажабланурлик томони шундаки, «Лубобул-албоб» гарчи «Жавомиул-ҳикоёт...» асаридан олдинроқ ёзилган бўлиб, адабиёт тарихида мустасно бир ўринда тургани ҳолда, уч аср мобайнида ҳеч кимга ва ҳеч қаерда маълум бўлмай қолган, тазкира тузган адиблар ва шулар қаторида биринчи галда Давлатшоҳ ўз «Тазкиратуш-шуаро» сида, Жомий ўз «Баҳористон»ида ва Навоий ўз «Мажолисун-нафоис»ида Муҳаммад Авфий ҳақида мутлақо ҳеч нарса айтмайдилар. Фақат Аҳмад Амин Розийнинг 1594 йилда ёзган «Ҳафт Иқлим»ида бу тўғрида маълумот берилгандан кейин «Лубобул-албоб» тез орада донг чиқаради, нусхалари кўчирилиб, Шарқ мамлакатларида танила бошлайди¹.

Ҳатто XIX аср бошларида Қўқон адабий муҳитида «Лубобул-албоб» маълум ва мўътабар бир китоб бўлиб танилганини биз шоир Фазлий билан шоира Маҳзуна ўртасидаги мушоирада Фазлийнинг бир имосидан пайқаб олишимиз мумкин:

Юз офарин сўзингга «Лубоби лубоб» кўрмай,
Арзи жамол этарму ойина об кўрмай?²

Тазкира жанрининг пайдо бўлиши ва умуман тазкирачиликнинг тараққиётини тўғри тасаввур қилиш учун Муҳаммад Авфийнинг мазкур асаридан албатта хабардор бўлмоқ лозим. Ўзи ўзбек адабиёти тарихида кўп қийматли тазкира («Мажмуатуш-шуаро») яратган Фазлий, юқорида эслатиб ўтганимиздек, «Лубоб»ни тилга олиши бежиз эмас. Ўзбек адабиётининг устозлари бу асарни (гарчи у Навоийдан бир аср кейин маълум бўлиб қолган бўлса-да) мутолаа қилишни ва ундан воқиф бўлиб туришни маҳорат ва маърифатнинг бир далилидек баҳолай бошлаганлар.

¹ «Қомусул-аълом»—6 жилд, 4218-саҳифа.

² «Ўзбек шеърятини антологияси», Тошкент, 1961 й., 178-саҳифа.

1902—1906 йилларда бу китобнинг яхши муқаддима ва ҳошиялар билан нашр этилиши¹ Урта Осиё ва Эрон маданий тарихига оид кўп қимматли бир маъхазнинг кенг илмий тадқиқот доирасига киришига сабаб бўлди².

Бироқ, биз юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, XV асрда Муҳаммад Авфийнинг тазкираси адабий доираларда ҳеч кимга маълум эмас эди. Шунинг учун бу даврда Давлатшоҳ тузган «Тазкиратуш-шуаро» бу соҳанинг (форсча) энг вазмин ва машҳур маҳсулларида саналган. Умуман олганда эса, бугун форс-тожик тазкирачилигида Авфийнинг «Лубобул-албоб»идан кейин иккинчи тазкира Давлатшоҳнинг «Тазкиратуш-шуаро»си ҳисобланади³. Асарда 350 шоир ҳақида маълумот берилади. Китоб Хуросон ва Урта Осиё тарихининг X—XV асрларига оид материалларга бой. У бир дебеча, етти боб ва хотимадан иборат бўлиб, Алишер Навоийга бағишланган. Гарчи «Тазкира»нинг қўлёзмалари кўп бўлса-да, лекин булар талай хатолар билан кўчирилган нусхалардир. Асарнинг энг яхши матни машҳур инглиз олими Эдуард Браун томонидан тайёрланган эди. Кейинча эронлик адабиётшунос Муҳаммад Аббосий бу матни қадимий ва мўътабар бир нусха билан солиштириб 1958 йилда Техронда чоп эттирган. Китобда шоирлар ҳаётига доир латифалар кўпдир. Бу китоб Эрон ва Урта Осиё адабий ҳаётига доир материалларининг бойлиги билан шухрат топиб, Фарб ва Шарқ илмий доираларида бир маъхаздай истифода қилинади. Масалан, фон Хаммер (Вена, 1818) Европада ва Сулаймон Фаҳмий

¹ Муҳаммад Авфий, «Лубобул-албоб», Эдуард Браун ва Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний нашрга тайёрлаган танқидий матн.

² «Ислом энциклопедияси», II жилд, II жузв, 22—23-саҳифалар.

³ «Краткая литературная энциклопедия», II жилд, «Даулатшах Самарқанди» модласига қаралсин.

афанди Туркияда¹ мазкур асардан муътабар манба каби фойдаланганлар.

Тазкиралар ҳақида гап борар экан, адабиёт тарихчиси яна бир нарсани эътиборга олиши керакки, шоирлар ҳақидаги тазкиралардан ташқари, тасаввуф арбоблари — сўфийлар, шайхлар, пирлар тўғрисида тузилган тазкираларда ва ҳатто ҳукмдор хонадонлари борасида ёзилган солномаalarda ҳам шоирлар ҳақида мароқли маълумотларга тасодиф қилинади. Шулар жумласидан Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул-авлиё», Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» ва Навоийнинг «Насоимул-муҳаббат»ида бундай мисолларни учратишимиз мумкин. Маълумки, Навоийнинг «Насоимул-муҳаббат»ида Аҳмад Яссавий ва Адиб Аҳмад каби туркий шоирлар ҳақида гап боради. Яна тўғриси, гарчи бу кишиларни у «машойихлар» (шайхлар) унвони остида берса-да, булардан ҳар бири ўз соҳасининг йирик шоири бўлганки, адабиёт тарихчилари учун масаланинг бу томони кўпроқ қизиқарлидир. Муаллиф, ўздан илгариги тасаввуф тазкираларига — чунончи, Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул-авлиё» ва Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» асарларига кирмаган «турк машойихи»ни имкон борича «тилаб топиб», ўз китобига киргизганини айтади². У «Ҳибатул-ҳақойиқ»ни ёзган Адиб Аҳмад ҳақида дейдики:

«...ул ҳам турк элидин эрмиш. Анинг ишида ғариб нималар манқулдир. Кўзлари бутар эрмиш ва асло зоҳир эрмас эрмиш».³

Бундан кейин Навоий Адиб Аҳмаддан икки байт келтирадики, улардан биттаси шу ҳикматли фарддир:

¹ Сулаймон Фаҳмий, «Сафинатуш-шуаро» (шоирлар кема-си), Истамбул, 1843 й.

² Жомий ва Навоий, Тошкент, 1966, 112—113-саҳифалар.

³ Фуод Кўпрули, «XII аср турк шоири Адиб Аҳмад» («Турк тили ва адабиёти ҳақида текширувлар» тўпламидан), Истамбул, 1939 йил, 70-саҳифа.

Сўнгатка иликдур, эранга¹ билик,²
Биликсиз эран, ул — сўнгаткисиз илик³.

Навойй Адиб Аҳмаднинг XV асрда кўпчилик турк халқлари ўртасида машҳур бўлганини ва унинг ҳикматлари билан нукталари эл-улулс ўртасида шойеъ (тарқалган, ёйилган) бўлганини очиқ кўрсатади. Шу билан унинг тили ваъз ва насиҳатларга мосланган турк лафзларидан иборат бўлганини қайд этади:

«...Ва анинг тили турк алфози⁴ била мувоиза⁵ ва насойиха⁶ гўё⁷ эрмиш, балки, аксар турк улусида ҳикмат ва нукталари шойеъдур ва назм тариқи била айтур эрмиш...»⁸

Шуниси диққатга лойиқдирки, «Насойимул-муҳаббат» да муаллиф Адиб Аҳмаддан келтирган байтлардан бири ва яна «Муншоот»⁹ даги мактублардан бирида баён этилган тўртлик Адиб Аҳмаднинг машҳур «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарида учрамайди. Демак, Навойй даврида Адиб Аҳмаднинг иккинчи бир асари ҳам халқ ўртасида кенг шуҳрат қозонгандир.

¹ Эран — эр киши.

² Билик — билим, дониш, илм, маълумот («Луғати чигатой-туркий-усмоний» I жилд, 94-саҳифа, Истамбул, 1298 ҳижрий, Шайх Сулаймон Бухорий асари).

³ Уша асар, 71-саҳифа.

⁴ Алфоз — лафзлар.

⁵ Мувоиза — ваъзлар.

⁶ Насойих — насиҳатлар.

⁷ Гўё — гапирувчи, сўзлаётган.

⁸ Фуод Кўпрули, «XII аср турк шоири Адиб Аҳмад», 71-саҳифа.

⁹ Адиб Аҳмаднинг рубойиси шудир:

Атодин хато келса, кўрма хато.
Савоб бил хато қилса доғи ато.
Атонинг хатосини биғид савоб.
Сени юв балодин кутаргай худо.

Фуод Кўпрули, «XII асрда турк шоири Адиб Аҳмад», 72-саҳифа.
(Мисол Париж миллий кутубхонасидаги Навойй асарларининг кулиётидан, II жилд, 397-варақдан олинган.)

«Насойимул-муҳаббат» билан шундай танишув очиқ-аён кўрсатадики, Навоийнинг авлиёлар ҳаётига доир ёзган (ёки Жомийдан эркин таржима қилиб, бунга бир қанча материаллар қўшган) шу асарида адабий тазкирага яқинлашаётган бир қанча унсурлар бор экан.

Зотан адабиёт тарихчилари тазкираларни уларда мавжуд мундарижаларга кўра бир неча турга ажратганлар. Уларни «Тазкиратуш-шуаро» (шоирлар тазкираси), «Тазкиратул-машойих» (шайхлар, авлиёлар ҳақидаги тазкира), «Тазкиратул-хаттотин» (хаттотлар ҳақида тазкира) каби номлар билан атаганлар¹.

Навоийнинг авлиёлар ҳақидаги тазкираси шоирлар ҳақида ёзиладиган тазкираси учун бир босқич, балки машқ ролини ўйнагандир.

Аmmo Навоий ўзининг машҳур «Мажолисун-нафоис» асарини бошлаганида асосан Давлатшоҳнинг «Тазкиратуш-шуаро»сини ва Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон»ини кўзи олди тутган эди.

Навоий Абдурахмон Жомийдек «олиймиқдор кишининг «Баҳористон» отлиғ китоби»да² бир равзанинг вазнлик куйловчи булбулларга бағишланганини қайд қилиб ўтганида Жомийни бир қанча тазкирачилардан ажратиб олгандек бўлиб, «Ул жумладин бири»³ деб кўрсатади. Сўнгра Алишер Навоий «Хуросон мулкининг асил мирзодалари орасида фазл ва дониш зевари билан баҳраманд бўлган амир Давлатшоҳ»нинг «Тазкиратуш-шуаро» отлиғ китобига юксак баҳо бериб, «воқиан баса заҳмат тортибдур ва бу тоифани яхши жамъ қилибдур»⁴, дейди.

Лекин тазкирачилик оламида мавжуд бўлган асарлардан Навоий фақат шу икки асарнигина билганми? Албатта, йўқ. Бу тўғрида у очиқдан-очиқ баён қиладикки, бу

¹ Огоҳ Сирри Левенд, «Девон адабиёти», 422-саҳифа.

² «Мажолис», 2-саҳифа.

³ Уша жойда.

⁴ Уша асар, 3-саҳифа.

бобда (яъни тазкирачиликда,— *М. Ш.*) «яна доғи расоил ва кутуб бор»¹. Аммо Навоий мазкур тазкира рисоалари ва китобларидаги асосий нуқсон деб, уларда фақат илгари ўтиб кетган шоирлар ҳақида сўз бориб, замонанинг (Навоий ўз замонасини — XV асрни ва хусусан асрнинг II ярмини кўзда тутди) шоирлари, айниқса ғазалнавис шоирлари ҳақида бир оғиз ҳам гапирилмаганини билади.

Навоий, тазкираларнинг вазифаси — шоир ва адибларнинг номи замон саҳифаларидан ўчмасин деб, уларнинг азиз номларини китобларга нақш қилиб қўйишдан иборатдир, деб кўп тўғри тушунади. У Абдурахмон Жомийнинг адабиёт ва маданият соҳасидаги мавқеига улуғ баҳо бериб, саккиз равза (боғча)дан иборат бўлган «Баҳористон» нинг еттинчи равзаси шоирларга бағишланганини катта ташаккур ила қайд қилади².

Лекин, юқорида айтганимиздек, Навоий ҳар иккала тазкирада кўпроқ илгари ўтиб кетган шоирлар ҳақидагина гап бориб турганидан қаноатланмайди. У ўз замондошлари қаторида бир қанча шоирларнинг илгари ўтган санъаткорлардан сира қолишмаслигини қайд қилиб дейди-ки: «... шикаста хотирга ва синуқ кўнгулга келдиким, бир неча варақ битилгай ва бу аср шуароси била бу давр зурафоси отин анда сабт этилгай, то бу ниёзмандлар ҳам бурунғи шуаро ақобири зайлида мазкур бўлғайлар...»³

Бу «аср шуароси» деб ўз асрдош ва замондошларини назарда тутган Навоий, айтиш мумкинки, «Мажолисуннафоис» (1491) китоби билан ўзининг энг кўпроқ замонавий мавзуда ёзилган асарини⁴ яратгандир, зероки «Мажо-

¹ Уша жойда.

² Уша жойда.

³ Алишер Навоий, «Мажолис», Тошкент, 1961 йил, Суйима Ганиева нашрга тайёрлаган танқидий матн. 2—3-саҳифалар.

⁴ Болдырев А. Н., «Персидские переводы» «Маджалис-Нафоис» Алишера Навои. Ученые записки ЛГУ, 1962, 128-сон, вып. 3, 151—161-саҳифалар.

лис» том маъноси билан тазкира, яъни адабий-тарихий турдаги асар бўлиш билан бир қаторда, ҳеч шубҳасиз юксак бадий моҳиятга ҳам эгадир. Бу асардаги хотиравий парчаларнинг пухталиги, тилнинг сунъий ва ясама сажлардан холи, содда ва равон бўлишлиги, одамларга берилган сифат ва тавсифномаларнинг жозибали сурат (образ) даражасига кўтариллиши, кўпчилик фикра (мақолача, модда)ларнинг чуқур ва самимий лиризм билан озуқланиши, баҳоларнинг асл завқ ва тамиз, дид билан ифодаланиши китобга олий бадий хислат бахш этади¹.

Хоҳ Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон»и ва хоҳ Алишер Навоийнинг «Мажолис»и ҳақида бир қанча монографиялар ёзилиб, улар ўзбек китобхонига яхши маълум бўлгани учун, биз бу асарлар устида алоҳида тўхтамаймиз. Биз тазкирачилик тарихида жуда кам текширилган ва бизнинг китобхонларга номаълум бўлган асарларни юқорида батафсилроқ тушунтиришимизнинг боиси ҳам шудир.

Маълумки, «Баҳористон» асари Жомийнинг ягона бадий насрий асаридир. Муаллиф ўзи бу китобни буюк эрон шоири ва адиби Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» идан илҳомланиб ёзганини «Баҳористон» нинг дебочасида эътироф этади².

«Баҳористон» саккиз равазага (боғчага) бўлинади. Булардан биринчиси — машҳур шайхлар ва авлиёларга, ик-

¹ Кўп эҳтимолки, «Мажолис»нинг шу хусусиятларини кўзда тутиб, бундан бир аср аввал машҳур рус олими М. Никитский шундай деган эди: Европа шарқшуносларининг райига кўра, «Мажолисун-нафоис» Алишернинг энг яхши асари саналади»—(М. Никитский, «Эмир Низам-Эд-дин Али. Шир в государственном и литературном его значении», Санкт-Петербург, 1856 йил, 85-саҳифа).

Биз, албатта, «Мажолис»га берилган бу баҳони Навоийнинг бутун ижоди бўйича умумлаштирмоқчи эмасмиз. Бироқ мазкур асарни шундай қадрлаш ўзи «Мажолис»нинг нақадар буюк фазилатларга эга бўлганида талолат қилади.

² Е. Э. Бертелъс, «Навои и Джами», Москва, 1965 й., 246—247-саҳифалар.

кинчиси — донишмандларнинг ҳикматли гапларига; учинчиси — ҳумдорларга; тўртинчиси — саҳоват ва ҳимматга; бешинчиси — муҳаббатга; олтинчиси — ҳазил ва мутойибаларга; еттинчиси — машҳур ва атоқли шоирларга; саккизинчиси — жониворлар баҳсида масалларга бағишлангандир.

Жомий, ўзи аниқ кўрсатганидек, «Баҳористон» ни 908 ҳижрийда, яъни милодий ҳисоб билан 1486—87 йилда ёзиб тугатгандир.

Буюк эпик шоир, ажойиб лирик таронасоз, файласуф, тилшунос, адабиётчи бўлган Абдураҳмон Жомийнинг даҳосидан ҳосил бўлган бу асар ҳам оригинал, мароқли ва юксак адабий-тарихий аҳамиятга эга бўлган бир асардир. Гарчи «Баҳористон» бутунлигича, бошдан-оёқ тазкира типигаги асар бўлмаса-да, бу китобнинг еттинчи бобида шоирлар ҳақида берилган маълумот ва шеърятга оид мулоҳазалар уни энг қийматли тазкиралар қаторига қўйишга ҳақ беради.

Тазкирачиликда Навоий ўзига хос бир из очиб, айниқса туркий тилларда биринчи¹ ўлароқ тазкира яратгани учун ва бу мақоламизда биз Навоий тазкирачилик мактабининг Озарбайжон заминида давом этганини кўрсатмоқчи бўлганимиз учун, «Мажолис» нинг баъзи бир хусусиятларини эслатиб ўтишни лозим топамиз.

Навоий ўз асарида прогрессив мавқелардан туриб адабиётнинг тарбиявий ва эстетик аҳамиятини чуқур тушунганини исботлаган. У ҳар бир шоирдан ёхуд шеър ҳаваскоридан чуқур мазмун ва пухта шакл талаб қилади. Фикрларда олинган ҳар бир шоирнинг ҳаёти, тақдири,

¹ «Мажолисун-нафоис» барча туркий халқларнинг адабиётларида биринчи тазкира ҳисобланганини бизгина таъкид қилаётганимиз йўқ. Ажнабий туркولوғлари ва шулар жумласидан узоқ вақт Туркия тил ва адабиёт академиясининг президенти ҳам эътироф этади. Қаралсин: Оғоҳ Сири Левенд, «Навоийнинг асарлари», Анқара, 1957 й., 189-саҳифа.

ижтимоий сиймоси, ҳунари, истеъдоди, фазилати ва нуқсонлари бир бутунликни ташкил қиладикки, бу факт Навоийнинг ўз асарига катта илмий масъулият билан ёндошганидан далолат қилади.

«Мажолис» муаллифи ўзи қаламга олган шоирнинг қайси тилда ижод этганлигига бефарқ қарамайди. У ҳар қайси шоирнинг (унинг қайси тилда ёзилишидан қатъи назар) ижодига яраша баҳо бериш билан бирга, ҳамшиша туркий (ўзбекча) тилда ёзган шоирлар ҳақида сўзлаётганида уларнинг шу тилда асарлар яратганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бу билан у ўзининг юксак ватанпарварлик ва халқпарварлик бурчини адо қилмоққа тайёр эканини намоён қилади, зеро она тилида бақувват бир адабиёт яратиш, унинг ўз халқи тушунадиган тилда ранго-ранг асарлар ижод этиш шоиримиз учун баланд виждоний вазифалардан бири эди. Улуғвор башарий ғояларни ва дардларни изҳор этиш учун ўз она тилиси — туркий тил тамомила лойиқ, қодир ва моҳир эканига шоирнинг имони комил эди.

Ўз қурилиши эътибори билан ҳам «Мажолис» ғоят оригинал бир хислатга эга. Муаллиф, дўсти Жомийга ҳурматан ўз асарини саккиз мажлисга бўлган. Бироқ композицион қурилиш жиҳатидан у бошқа тазкиралардан фарқ қилади ва биз юқорида берган таснифдан ҳеч қайси бирига кирмайди, балки, аксинча, тазкира хилларининг ҳаммасига хос бўлган белгиларни олиб, мураккаб бир тазкира типи яратади. Чунончи, биринчи, иккинчи ва учинчи мажлислар хронологик тарзда тузилганлар. Буларда муаллиф вақт тартибига риоя қилиб, илгари ўтган ва ёхуд ўзига замондош бўлган кишиларни яшаган саналарига қараб тартибга солиб берган.

Асардаги бешинчи ва олтинчи мажлислар жуғрофий принципда тузилган, зероки, бу ерда тасвирланган кишилар Хуросонда яшаганлар ва Хуросондан ташқарида яшаганлар деган белги остида тўпланганлар.

«Мажолис» даги еттинчи мажлис, том маъноси билан сулолавий (династик) белги остида қурилган. Чунки бу ерда тўпланган йигирма бир киши ҳаммаси Темурийлар сулоласининг (биринчи шахс амир Темура Кўрагоний ўзи бўлиши шарт билан) намояндаларидир.

Асардаги саккизинчи, яъни сўнгги мажлис эса монографик тарзда ёзилган кенг бир адабий таҳлилни эслатади. Чунки бу ерда ҳамма гап Султон Ҳусайн Бойқаронинг (шоир Ҳусайнийнинг) газалларини ва санъаткорлигини тасвир ва таъриф қилишга қаратилган.

Шундай қилиб, шоиримизнинг «Мажолис» асари мужассам бир ёдгорлик сифатида замонасининг 459 та шоир, ёзувчи, олим, шеър ҳаваскорлари ва мухлислари ҳақида ўз даври аҳлига эслатма бўлиш билан бирга, келгуси насларга,— бизнинг авлодларимиз ҳам шулар қаторига киргани ҳолда,— узоқ зурриётларга мароқли ва бўронли даврнинг аҳтиросли, бетинч, ғалати, доно, буюк ва оддий шахслари ҳақида ғоят холис¹, нафис ва унутилмас бир шаҳодатнома бўлиб етиб келгандир.

Кўп ўтмай «Мажолис» бир қанча Шарқ мамлакатларида шуҳрат ва эътибор қозонди. Эронда, Ўрта Осиёда, Озарбайжонда ва Туркияда «Мажолис» энг сеvimли китоблардан бўлиб қолди. Ўзининг замонавийлиги, ҳаётийлиги ва мароқли мундарижага бой бўлиши билан у турли табақаларнинг диққатини ўзига жалб этди. XVI асрнинг ўзида «Мажолис» нинг 3 марта форс тилига таржима қилинганлиги² бунинг яққол гувоҳидир.

Яқин ва Ўрта Шарқда XVI асрдан бошлаб пайдо бўлган кўп тазкирачилар ўз асарларини ёзаётганларида буюк

¹ Е. Э. Бертельс. «Навоий», М.—Л.,—1946 й. 228—230-саҳифалар.

² Бу тўғрида қаралсин: Суйима Ганиева, «Давр адабий ҳаёти кўзгуси», «Мажолисун-нафоис»га ёзилган муқаддима, 13-саҳифа.

Навойнинг албатта баракали нафасини ўз сийналарида ҳис этганлар. Шулар жумласидан Содиқбек Содиқийнинг «Тазкирани мажмаул-хавос», Сом Мирзонинг «Тухфаи Сомий», Лутфалибекнинг «Оташкадан Озар» ва бошқаларини кўрсатиш мумкин. Бизни булар қаторидан Содиқий Китобдорнинг тазкираси кўпроқ қизиқтиради. Бунинг албатта бонси бор. Биринчидан, «Мажмаул-хавос»нинг муаллифи озарбайжонлик бўлса-да, асарини ўзбекча (унинг ўз таъбири билан айтганда, «чиғатойча») ёзган; иккинчидан, Навоий тазкирачилик мактабининг анъаналари «Мажмаул-хавос»да айниқса яққол ифодаланган; учинчидан, бу тазкирадаги материаллар ва шоирларнинг ўзбек адабиёти тарихига анча таалуқи бор; тўртинчидан, бу тазкиранинг муаллифи ўзбек китобхонига ҳозирча кам танилган ёзувчидир¹.

Табриз (Эрон, Жанубий Озарбайжонда) донишгоҳининг, яъни университетининг мударриси доктор Абдуррасул Хайёмпур иккинчи жаҳон урушидан кейин ўзининг илмий ишларига оид материаллар излаб Истамбулга боради. У ерда турли кутубхоналарда шуғулланиб турган маҳалида Истамбул дорилфунунининг кутубхонасида туркийча ёзилган бир қўлёзмага кўзи тушиб қолади. Синчиклаб қараса, бу қўлёзма, Хайёмпурнинг таъбири билан айтганда «Чиғатойча», яъни қадимий ўзбекча ёзилгани ошкора бўлади. Хайёмпур бу қўлёзмага қизиқиб қолади. Чунки,— дейди у,— бу китобнинг муқаддимасида «...Нафосати нуха ва ширинийи мавзу маро чанд дақиқа бамутолаан он водошт ва дар натижа барман маълум шуд,

¹ «Мажмаул-хавос» ҳақида қаранг: «Мухтасар Озарбайжон адабиёти тарихи» I жилд, Боку, 1943; Ҳ. Орасли, «XVII—XVIII аср озарбайжон адабиёти тарихи», Боку, 1956; Ҳ. Орасли «Навоий мевосини ўрганиш тарихидан», «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1960, № 3; С. Ганиева, «Навоийнинг «Мажолисун-нафонс» асари гаъсирида ёзилган тазкира», «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1963, № 6.

ки, ин китоб дар аҳамият пойи ками аз «Мажолисун нафоис» Алишер Навоий надорад»¹.

Таржимаси:

Бу нуханинг нафосати ва ундаги мавзунинг ширинлиги мени бир неча дақиқа уни мутолаа қилмоққа мажбур этди. Ва натижада менга аён бўлдики, бу китобнинг аҳамияти Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асаридан кам эмас.

Бунинг сабаби шундаки, дейди доктор Хайёмпур, Навоий асари IX аср ҳижрийдаги форс шоирлари ҳақида маълумот берган бўлса, «Мажмаул-хавос» Навоийдан кейинги маданият арбобларини, XVI асрда ва XVII асрнинг бошларида яшаган шоирларни, муסיқийшуносларни, рассомларни, хонандаларни, наққошларни ўз ичига олади. Бинобарин, Хайёмпур уни «мутамими китоби Навоий бояд шумурд»² (Навоий китобини тамомловчи саналмоғи лозим), дейди.

Бу асарнинг аҳамиятини ва қийматини тўла фаҳмлаб англагани учун Хайёмпур ҳамма бошқа ишларини йиғиштириб қўйиб, бу асарнинг бўлак нухаларини ахтара бошлайди. Бу асарнинг номи «Мажмаул-хавос», муаллифининг исми эса — Содиқий Китобдор деб қўйилган эди. Олим яна Истамбулда машҳур «Нури Усмония» кутубхонасидан ҳалиги қўлёзманинг иккинчи нухасини ва Истамбул дорилфунуни кутубхонасидан бу асарнинг яна бошқа бир нухасини топиб олишга муваффақ бўлган. Бироқ, бу нухаларни қиёслаб кўрса, ҳар учала вариантдан энг сифатлиси, тўлароғи ва тўғрироғи дорилфунундан биринчи топилган 485-сонли нусха экан. Шунинг устига бу нусха

¹ «Тазкираи «Мажмаул-хавос», базабон турки-чиғатойи, Таълиф Содиқий китобдор ва таржиман он ба забони форсий ба хомаи доктор Абдуррасул Хайёмпур, Муаллими донишгоҳи Табриз; Табриз, 1327 ҳижрий шамси (1948 мелодий), «Муқаддимаи мутаржим» (таржимоннинг муқаддимаси), «Ж» саҳифаси.

² Уша асар, ўша муқаддима.

Содиқбек Китобдор ҳали тирик чоғида кўчирилган энг эски нусхадир. Унинг қачон ёзилганини биз қўлёзманинг охирида Ҳошимий номли бир котибнинг қуйидаги қитъасидан англаймиз:

Ёзилди нусхаи Содиқий муборакбод,
Раис афандия танҳода ўла гоҳи анис.
Гўрунжа Ҳошимий итмомини анинг, тарих —
Деди: Китоби наву бебадал баройи раис...¹

«Китоби наву бебадал баройи раис», абжод ҳисоби билан араб ҳарфларини ҳисобласак, ҳижрий 1016 йилга, мелодий эса — 1607-8 йилга тўғри келади. Шу йилларда эса Содиқийнинг ҳали ҳаёт бўлгани аниқ маълумдир.

Бу фазилатларни эътиборга олиб, доктор Хайёмпур бу нуханинг суратини кўчириб олади ва форсчага таржима қилиб асли билан биргаликда Табризда (1948 йилда) нашр этади.

Энди шундай савол туғилади: Бу китоб Хайёмпур нашридан олдин адабиёт доираларида маълуммиди? Содиқий Китобдорнинг ўзи ким ва унинг номи таъкирларда зикр этиладими?

Бу саволларга ижобий жавоб бера оламиз.

Муаллиф ўз асарларининг куллиётига ёзган муқадди-мада ўзини Содиқий Китобдор деб атайти. Бошқа бир қанча жойларда муаллиф ўзи эътироф этганидек, унинг исми Содиқбек, тахаллуси Содиқий ва мансаб бўйича лақаби «Китобдор» бўлган.

Содиқбек Содиқий ҳақида илк маълумот берган тарихчи Искандарбек Мунши (Туркмон) дир. У ўз тарихий асарининг 1616 йилда ёзган қисмида² бу киши ҳақида

¹ Уша асар, хотима қисмидан.

² Искандарбек Мунши, «Тарихи Оламоройи Аббосий», I жилд, 127—128-саҳифалар.

қимматли материаллар берган. Муаллиф Содиқийга замондош ва балки шахсий таниш бўлгани учун, унинг бу тўғрида берган маълумотлари ва қолдирган таассуротлари, айрим фактлардаги ғалатлардан қатъи назар, катта эътибор ва ишончга лойиқдир.

Бундан бошқа Қозиддин Аҳмад, Лутфалибек Озар («Оташкадан Озар»), Шамсиддин Сомий («Қомусул-аълам»)лар ҳам Содиқийнинг ҳаёти ва ижодиётига қизиққанлар.

Лекин Содиқий ҳақидаги бор материалларни системалаштириб, ўзи ҳам янги фикр билан майдонга чиққан киши ХХ аср Эрон олими Мирзо Муҳаммадали Тарбият Табризийдир¹. Илгариги баъзи бир таъкирчилар Содиқийни кўчманчи Афшор уруғидан десалар-да, марҳум Муҳаммадали Тарбият бу тахминий мулоҳазани рад этиб, Содиқбек Содиқийнинг «Худобандали қабиласидан бўлиб, буюк Шоҳ Аббос давридаги машҳур арбоблардан бири экан»ини исбот этади.

Зотан Содиқий ўзи ҳам 1601-02 йилда ёши етмишдан ошган бир чоғда Исфаҳонда асарларини тартибга солиб туриб, ўз куллиётига ёзган дебочасида ўзининг келиб чиқиши ҳақида шундай деган:

«Тангрининг кичик ва заиф бандаси Содиқий Китобдор шу билан арз қиладурким, тенг-тушларимга аён бўлганидек, мен Худобандали номи билан машҳур бўлган турк тоифасиданман. Шоҳ Исмоилнинг хуруж ва зуҳур қилиб майдонга чиққан йилларида Шом диёрида истиқомат қилувчи бизнинг тоифамиз ўз истак ва орзуси билан раҳматлик шоҳга ёрдам ва кўмак бермоқ мақсадида улуғ пиримизнинг даргоҳига сиғинган эди. Бизнинг тоифамиз кўчманчи бўлиб, молу давлат эгаси бўлганлигидан шаҳарнинг атрофида турғун бўлиб қолишлик тоифа аҳлининг

¹ Мирзо Муҳаммадали Тарбият, «Донишмандони Озарбайжон», Техрон, 1316 ҳижрий (1937).

ҳаётига мос тушмагани учун, Озарбайжон ва Ироқнинг ўтлов майсазорига жойлашиб олдилар. Тоифамизнинг пешволари саналган шахслар, чунончи, бу ҳақирнинг боболари, отаси ва тоифанинг бўлак оқсоқоллари пойтахтда ўрнашган эдилар ва ҳозирда ҳам пойтахтда турадилар»¹.

Демак, Содиқийнинг ўз иқроридан кўринганидек, у чинакам озарбайжонлик уруғлардан чиққан бир шахс бўлиб, авлодма-авлод бир қанча йиллардан бери унинг отабоболари Табриз шаҳрида яшаганлар.

Модомики, бизнинг бу мақолада қўйган вазифамиз Содиқийнинг ҳаётини ва ижодиётини умуман ва атрофлича текшириш бўлмай, бу муаллифнинг фақат Навойига тааллуқли асарини муҳокамага қўйишлик экан, биз энди юқоридаги маъҳазларда Содиқий ҳақида айтилган маълумотларни умумлаштириб, унинг умри ва тақдири ҳақида қисқагина сўзлаб, масаланинг бу томонини шу билан якунлаб қўя қолайлик.

Содиқий тақрибан 940 ҳ. (1553 м.) йилда Табриз шаҳрида Варжу маҳалласига яқин бир жойда сардор оиласида туғилди. Ёшлик йилларини табризда ўтказган Содиқий ўз асосий таҳсилини ҳам бу шаҳарда олгандир. Унинг шеър ва адабиётга ҳаваси ва истеъдоди илк ёшлик йилларидаёқ зоҳир бўла бошлаган эди.

Содиқий бир ижодкор каби шеър яратиш билан кифояланмасдан, илми бадеъ билан ҳам шуғуланганини ўз «Мажмаул-хавос» асарида эслатиб ўтади. Масалан, «шеърни бу ҳақир» (яъни муаллифнинг ўзи) машҳур олим Мир Сунъийдан касб этганини очиқдан-очиқ эътироф этади. Бу олимдан бошқа Содиқий Фазоий ва Ҳофиз Сабу каби замона фозилларига шеърларини ўқиб, уларнинг маслаҳатларини олганини ва «шарафи суҳбатларига мушарраф бўлганини» айтади.

¹ Гаффор Кандли, «Содиқбек Содиқийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида баъзи бир қайдлар», «Озарбайжон адабиёти масалалари» тўпламига кирган мақола, Боку, 1964 йил, 218—19-саҳифалар.

Содиқий йигирма ёшида эканида унинг отаси қонли урушлардан бирида ҳалок бўлади. Ёш шоирга тегишли ота мероси бўлак ворислар ўртасида таланиб кетиб, Содиқий тамомила қашшоқланиб қолади. Бу ҳолатга бардош беролмаган Содиқий саёҳат ва мусофирчилик йўлига тушиб кетади; у қаландар сифатида мамлакатда дарбадар бўлиб юради.

Истеъдодли адибни ва олимни сарсон ва овора кўриб, Ҳамадон ҳокими Амирхон Мусулавий уни ўз ёнига олади ва тирикчилигини таъминлаб, санъат ила шуғулланишига шароит туғдиради. Кейинча бўлак хонларнинг хизматида юрганда ҳам адабиёт билан баробар нафис санъат соҳасидаги машғулотларини ҳам давом эттириб мусиқий, хаттотлик, наққошлик, рассомлик бобларида катта салоҳият эгаси бўлганини исботлаган.

Ўз замонасининг фарзанди бўлган Содиқий фақат адабий ва ижодий ишлар билан шуғуллана олмас эди. У вақтнинг бетинч ҳавосида нафас олган адиб ўз доирасига мансуб бўлган кўпчилик зиёлилар янглиғ қурол кўтариб ўзаро урушларга, босқинларга, юришларга иштирок этмоққа мажбур эди. Замондошлари Содиқийнинг жанг майдонида ажойиб жасоратли ва мард бир қаҳрамон бўлганини таъкидлайдилар. Айниқса Астрабод сафарига туркман исёнчилари билан бўлган жангларда Содиқий зўр ботирлик намоён қилгани тарихларда зикр этилади.

Содиқийнинг илмини, диёнатини ва кенг нуфузини эътиборга олиб, уни даргоҳга чақириб оладилар. У II Исмоилшоҳ Сафавийнинг кутубхонасига хизматга олинди. Кейинча, Шоҳ Аббос даврида эса китобдорлик мансабига кўтарилади.

Китобдорлик мансаби сафавийлар даврида катта илмий-маданий аҳамиятга эга бир вазифа эди. Бу даврда китобдор мансабидаги киши санъат ходимларига раҳбар, устоз деб ҳисобланар эди. Машҳур рассом Беҳзоднинг китобдор қилиб тайинлагани ҳам, I Шоҳ Исмоил чиқарган

Фармоннинг мазмуни ҳам бизнинг юқоридаги фикримизни қувватлайди¹.

Содиқийнинг шахсий хислатлари ҳақида гапирганида, Искандарбек Мунши унинг мижози оғир, қайсар, камҳавсала бўлганини эслатади. Содиқий одамлар билан чиқиша олмайдиган даражада тажанг киши экан. Бироқ унинг илмий, адабий ва ҳарбий фазилатларини эътиборга олиб, даргоҳда ҳам, жамоат ўртасида ҳам ҳурматини сақлаб турганлар. У умрининг охиригача китобдорлик маошини, яъни энг юқори амалдор ойликлари ҳажмида ақча олиб турган ва тирикчилик томонидан ҳеч қандай қийинчилик кўрмаган.

Ҳозиргача Содиқийнинг айрим асарларидан парчалар ва алоҳида лирик шеърлари нашр этилган бўлса-да, бу ёзувчининг адабий мероси Озарбайжонда ва Эронда кенг китобхонлар оmmasига маълум эмас.

Содиқий «Қонунус сувар» (сураткашлик қоидалари) номли манзум асарининг дебочасида шундай деб ёзади: «Ёшлик чоғларимда менинг ҳунарим шоҳларга хизмат қилмоқ эди. Менга бу вазифа кўп маъқул кўринар эди. Бўлак касблар билан шуғулланишни мен шаънимга лойиқ билмас эдим. Чунки бўлак ҳар қандай касбни ўзимнинг насл-насабимга уйғун эмас деб санар эдим. Аллақанча вақтлардан кейин мен тушуниб олдимки, подшоҳларга хизмат қилмоқнинг ҳеч бир хайрли натижаси йўқдир. Кечикмасдан бошимга бир чора топмоғим лозим, деган қарорга келдим. Шундай бир ҳунарни эгаллашим керак эдики, ёмон кунда мени қўллаб тураолгай! Менинг мағрур хулқим ҳар қалай ҳунарга мос келолмас эди... Қалбим Беҳзоднинг² санъатини ўзлаштиришни кўп орзу қилар эди. Шу орзумда барқарор бўлишим мени ташвиш ва та-

¹ Гаффор Кандли, «Содиқбек Содиқийнинг ҳаёти ва ярадижилиги ҳақида баъзи бир қайдлар», 223-саҳифа.

² Камолддин Беҳзод — Навоий замонасининг машҳур рассоми. Темурийларнинг Хуросонда тору-мор келтирилишидан сўнг

раддудлар гирдобидан қутқазди. Моҳир бир устозга шогирд бўлмасдан бундай мушкул бир санъатда муваффақият қозониш амри маҳол эди. Шу сабабли Беҳзод мактабига мансуб бўлган устознинг пайидан қидира бошладим. Ниҳоят, ўз орзумга эришдим. Устод Музаффар Алининг шогирдлигини қабул этдим. Устодимнинг исми каби бу санъатда музаффар бўлдим¹.

Содиқийнинг вафот санаси ҳалигача аниқ эмас. Шоирнинг 1601-02 йилда Исфаҳонда ўз куллиётини тартиб қилганидан кўринадики, ўша маҳалда ёши етмишларга борган Содиқий ҳали адабий ишларини давом эттириб турган. Лекин бошқа баъзи бир мулоҳазалар² Содиқийни 1611—12 йилгача яшаган деб таъкид қилишга асос беради.

Содиқий уч тилда (форсча, озарбайжонча ва ўзбекча) ижод этиб қолдирган асарларининг рўyxатини ўзи, умрининг сўнгги йилларида тузиб қолдирган. Унинг асосий асарлари қуйидагилардан иборатдир:

1. «Зубдатул-калом» (сўзнинг сараси)— подишоҳи ислоннинг мадҳида ёзилган мақтовлар, наътлар, манқабаларга оид қасидалар мажмуасидир.

2. «Фатҳномаи Аббоси номдор»— Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си баҳрида ёзилган дoston.

3. «Шарҳи ҳол» — Низомийнинг «Махзанул асрор»и ва Саъдийнинг «Бўстон»и тарзида ёзилган мақола ва ҳикоялар тўплами.

4. «Давони ғазалиёт»— турли йилларда ёзилган лирик шеърлар тўплами.

у Сафавийлар наздида, Табризда ишлаган. Содиқий, ўзи айтишича, Беҳзоднинг жияни Ҳайдарали ўғли Музаффар Али Наққошдан расоманк таълим олган.

¹ Гаффор Кандли, «Содиқбек Содиқийнинг ҳаёти ва ёрди-жилиги ҳақида баъзи бир қайдлар», 225-саҳифа.

² Муҳаммадали Тарбият ва Амирхизининг 1931 йилда «Армуғон» журналыда нашр этилган мақолаларида Содиқийнинг чала қолган бир сурати муносабати билан баъз қилинган мулоҳазалар.

5. «Саъд ва Саид»— Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достони вазнида ёзилган маснавий.

6. «Мажмаул-хавос» тазкираси.

7. «Қонунус-сувар» (суратлар қонуни ёки сураткашликнинг қонун ва қоидалари).

8. «Мактублар»— озарбайжонча ва форсча ёзилган хатларнинг мажмуаси.

9. «Тазкиратуш-шуаро»— Содиқийнинг салафлари ва замондошлари бўлмиш шоирларнинг ҳаёти ва ижодларига доир ёзилган рисолаки, у манзум шаклида ёзилган бўлиб, «Рисолаи муаммо» деб ҳам аталади.

10. «Ҳаззиёт» рисоласи. Бу асар ҳар қандай ҳиссий ҳузур-ҳаловат ҳақидадир.

Ўз куллиётининг рўйхатига ёзган дебوحасида Содиқий, бу асарлардан бошқа назм ва насрда бир қанча таҳният (қутлов, олқиш), таъзият (қайғу, аза), сано (мадҳ), ҳижо (ҳажв, мутойиба) ва муаммолар ёзганини уқтириб ўтиб, китобхонни зериктирмаслик учун буларни санаб ўтиришдан воз кечганини сўзлайди.

Содиқий ғоят бўронли, нотинч ва таҳликали бир даврда яшаган; қонли, кескин, мудҳиш ҳодисаларнинг шоҳиди ва ҳатто баъзан қатнашчиси бўлган. У шоҳларнинг ҳирс ва интиқомини, ҳашамат ва дабдабасини кўрган. У хароб шаҳарларни, барбод этилган қишлоқларни, поймол қилинган экинзорларни, сўлиб ётган гулшанларни, бева хотинларни, етим болаларни, қўлидаги ҳассаси синган мўйсафидларни кўрган. Бинобарин, унинг бир қанча асарларида, айниқса, лирикасида инсон ҳақида ғамхўрлик, шафқат ва мурувват хислати, чинакам инсонпарварлик куйлари эшитилади.

Содиқий яшаган даврда Яқин ва Ўрта Шарқда дин ва мазҳаб низолари авж олиб, айниқса шиалар билан суннийлар ўртасидаги қонли мунозаралар кўп элларнинг тинқасини қуритган эди. Содиқий расман ва шахсан ши мазҳабига мансуб бўлса-да, мусулмонлар ўртасида ҳоким

синфлар томонидан атайлаб қизитилган шу диний тўқнашувларга шиалар ила суннийлар ўртасидаги беъмани ва бешафқат гавғоларга асло қўшилмаган. У доимо шеърининг байроғини юксак тутиб, соф тилакларга хизмат қилишга чақирган.

Содиқий ҳақида бир қадар маълумот берган Лутфалибек Озарнинг «Оташкадаи Озар»ида (XVII асрнинг охири) қисқа, лекин кўп маъноли баҳолар берилди. Ҳасан Содот Носирининг таҳрири ва тасҳиҳи (тузатишлари) билан 1957 йилда Теҳронда чиққан бу китобда шундай дейлади:

«Содиқий. Исми Содиқ бўлган. Афшор жамоасидандур. У девон эгасидир. Ўз замондошлари ҳақида туркча тазкира ёзган»¹. Бу китобни таҳрир қилиб, танқидий матнини нашр этган Ҳасан Содот Носирин бу тазкиранинг йўналишини конкретлаштириб мазкур саҳифага берган ҳошиясида шундай деб ёзади:

«Мажмаул-хавос» тазкираси туркий чиғатой тилда ёзилган. Бу асарда автор Шоҳ Исмонл даврининг аввалларидан тортиб то буюк Шоҳ Аббос замонигача ўтган уч юз ўттиз уч шоирнинг аҳволи ва ижоди ҳақида айтиб беради ва ўзининг очиқдан-очиқ иқрори бўйича Амир Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкирасига эргашиб боради².

Содиқий ҳақида айтилган ҳамма гапларни якунлаб, бу тўғридаги барча маъҳазлардан танқидий фойдалангани ҳолда, марҳум Муҳаммадали Тарбият ёзган мақоласида³ бу ажойиб муаллифнинг ҳақиқий тарихий сиймосини тиклашга муваффақ бўлади.

«Мажмаул-хавос» 1948 йилда доктор Хайёмпур томо-

¹ Лутфалибек Озар, «Оташкадаи Озар», Теҳрон, 1336 й. 71—72-саҳифалар (форсча).

² Уша асар, 71-саҳифа, ҳошия.

³ Муҳаммадали Тарбият, «Донишмандони Озарбайжон», Теҳрон, 1937 й.

нидан форсчага таржимаси нашр этилмасидан олдин кенг китобхонлар оммасига маълум бўлган эмас. Ваҳоланки, Хайёмпур Истамбулда топган уч нусхадан бошқа яна Истамбул кутубхоналаридан «Аё Сўфия»даги қўлёзмалар фондида «Мажмаул-хавос»нинг яна бир нусхаси мавжуд эди. Ношир танқидий матни тайёрлаганида бунга эътибор қилмаган. Ленинграддаги Шарқ қўлёзмалари фондида ҳам «Мажмаул-хавос»нинг чиройли кўчирилган бир нусхаси мавжуддир. Аммо бунинг котиби ва ёзилиш санаси кўрсатилмаган. Бу нусха Табризда нашр этилган китоб матнига тамомила мувофиқ келар экан.

Ҳар ҳолда, Хайёмпурнинг ҳиммати билан мўътабар бир нусха асосида¹ шундай муҳим бир асарнинг кенг оммага тақдим этилиши форс, тожик, озарий ва ўзбек адабиётларининг шеърят тарихи учун ғоят мусбат бир роль ўйнаган. Бу асарнинг, айниқса, Навоий тазкирачилик мактабининг давомидек пайдо бўлиши ўзбек ва озарбайжон халқларининг маданий, адабий алоқалари тарихи учун аҳамияти фавқулодда каттадир. Табриз нашрининг мукамал нусхаси Москвада В. И. Ленин номидаги давлат кутубхонасида сақланмоқда². Унинг фотонусхасини олдириб келиб Тошкентда чоп эттириш ғоят фойдали ва мақбул бўлур эди.

«Мажмаул-хавос киборлар йиғини, тўпланиши демакдир. «Хавос» сўзи «хос»³ нинг кўплик шаклидир. Ҳатто

¹ Истамбул Университети кутубхонаси, 485 сонли нусха.

² ЭВ $\frac{17-13}{49}$ шифри остида «Тазкираи «Мажмаул-хавос» база-

бони туркий — Чигатой. Таълифи Содиқий Китобдор ва таржиман он ба забон форсий ба хомаи доктор Абдурасул Хайёмпур, муаллими донишгоҳи Табриз. Табриз, 1327 шамсий (ўзбекча ва форсча).

³ Хос — бошқа нарсалардан ажралган буюм ёки зот. «Мукамал Усмонли луғоти», 338-саҳифа. Содиқий бу ерда истеъдод ва касблари билан оддий кишилардан ажралиб чиққан мумтоз кишиларни кўзда тутди. Авомга қарши хосни қўйиш эски анъанавий таъбир бўлиб, феодал мафкурасидаги аристократизмга далолат қилади.

китобнинг номида Алишер Навоийнинг ижодий таъсири кўринади. Зероки «китоблар йиғини» билан «нафислар мажлиси» деган икки мафҳум ўртасида маъно ва образ жиҳатидан яқинлик ва қариндошлик мавжуд экани биринчи муқоясадаёқ кўзга ташланади.

Содиқий Китобдор ўзининг биз кўраётган тазкирасини ўзбекча ёзган. Бироқ ўтмиш асарларда ўзбек адабий тилини чигатой тили деб юритганлари учун XVI, XVII XVIII асрларнинг тазкирачилари ва ҳатто асримизнинг бошида ўтган бир қанча ажнабий олимлари ўзбекларнинг адабий тилини чигатой тили деб такрорлаб келганлар. Эски тазкирачилар учун буни маълум сабабларга кўра узрли деб билиб, кечирриш мумкин. Лекин замонамиз олимлари бу терминни кўр-кўрона такрорлаб, ўлик бир тилдек талқин қилиб, унинг тарихий вориси қайси халқ эканини, унинг маданий давоми қайси тил эканини айтмасликлари кишини таажжубга туширади. Ахир «паҳлавий» тилини «қадимий форс тили» деб талқин қилган эроний олимлар чигатойча ҳам айнан шундай «қадимий ўзбек тили» эканини нега иқроор қилгулари йўқ. Бунинг асл сабаби, бизнингча, хорижий илмий доираларда совет даврида Ўзбекистонда ва бошқа миллий совет республикаларида рўй берган ўзгаришлардан, бу ўлкаларнинг маданий, илмий тараққиётидан етарли даражада хабардор бўлмаганлари билан изоҳланиши мумкин. Улар ўзбек халқининг адабий меросини «турк», «чигатой», «мўғул» таъбирларига ғарқ қилиб юборадилар.

Буларнинг ҳаммасидан кўз юмсақ-да, озарбайжонлик совет олимнинг айнан шу терминология қурбони бўлиб кетиши кишини чиндан таажжубга солади. Биз ўз мақоламизда бир неча бор фойдаланган Ғаффор Қандли гарчи Содиқийни ўрганиш соҳасида маълум даражада меҳнат қилиб, баъзи масалаларни яхши ёритган бўлса-да, бу муҳтарам муаллиф ҳам «Мажмаул-хавос»ни ўзбекча ёзилган асар деб айтгуси келмайди. У бу асарни «бири-бирига қа-

риндош ва илдизи бир бўлган чигатой — озарбайжон адабий тилида» ёзилган деб ҳисоблайди¹.

Содиқий асарини шундай бир рубой билан бошлайди:

Ераб, садафи таъбимни гавҳарзо қил,
Хуршиди каломимни жаҳон оро қил.
Кўнглумни дури шаккар ила дарё қил,
Яъни тилимни ҳамдинг ила гўё қил!²

Бу рубой туркий тиллар системасидаги тиллардан қайси бирига киради? Албатта, ўзбек тилига! Умрида ўзбек муҳитида яшамаган, Мовароунаҳрга саёҳат қилмаган (Хурросон пойтахти Ҳирот XVI аср охирларида сафавийлар давлатига ўтган ва бус-бутун форсийлашиб кетган эди!) бир озарбайжонлик муаллиф ўз таъкирасини ўзбекча ёзар экан, бу ҳодиса унинг ўзбек тилига ва бу тилнинг улуғ ҳомийси Алишер Навоийга бўлган чуқур ихлосидан ва қизғин муҳаббатидан далолат бермайдими? Ҳолбуки, бу китобда ўзбекча ёзган ва умуман туркигўй шоирлар жуда кам. Китобдаги кўпчилик шоирлар форс-тожик тилида ижод қилган санъаткорлардир. Албатта, булар ҳақида ёзиш, буларнинг асарларидан намуналар келтириш форсча қулайроқ ва муносиброқ бўлар эди. Лекин Содиқий Китобдор ўз асарини, ўша даврнинг таъбири билан айтганда, «чигатойча», бизнинг замонамиз ибораси билан айтсак, ўзбекча ёзган. Бунинг туб сабаби Содиқийнинг Навоийга бўлган чин муҳаббати ва ихлосмандлиги бўлган. Афтидан, ўша даврнинг туркигўй шоирлари ва ўз она тилисининг посбони бўлган маданият арбоблари Навоийни байроқ қилиб кўтариб, унга тақлид қилишни виждон бурчи деб билганлар ва она тили учун курашда ундан ўрнак олганлар.

¹ Гаффор Кандли, «Содиқбек Содиқийнинг ҳаёт ва...», 223-саҳифа. Мааттаассуф, бу муаллиф «Мажмаул-хавос»дан олган ўзбекча мисоллар жуда бузилиб, англашилмайдиган шаклда берилди.

² Содиқий Китобдор, «Мажмаул-хавос», 2-саҳифа.

Содиқий ўзидан илгари тазкира ёзган тўрт муаллифни зикр этади. Булар сираси билан «Баҳористон» соҳиби Абдураҳмон Жомий, «Мажолисун-нафоис» муаллифи амири кабир Алишер, «Тазкиратуш-шуаро» мусаннифи Давлатшоҳ Самарқандий, «Тухфаи Сомий» эгаси Сом Мирзодан¹ иборатдирлар.

Содиқий шоирлар ҳақидаги маълумот мунтазам тўплашиб ёзилиши кераклигини яхши англайди. У дейдики:

«...бу силсила сарҳалка интизоми бир-бирдан узилмасун дею ва бу тазкиралар сарриштаси бузулмасун дею,—

Машаққат мулкининг беҳонумони,
Маломат дафтарининг нуктадонн,
Балқ ҳангомасининг пеш дасти,
Фано хумхонасининг майпарасти²,—

деб ўзини тақдим этади. Бундан кейин, у ўз замонасида сочилган, пароканда ва паришон ҳолда тарқалиб ётган шоирлар ҳақида ва уларнинг асарлари тўғрисида маълумот тўплаб, китоб ёзмоқчи бўлганини баён этади.

У, Алишер Навоийнинг адабий хизматларини ва шу тўфайли она тилисига ривож берганини юксак баҳолайди:

Улким, мўғул истилоҳин³ айлаб машҳур,
Олди арабу ажам⁴ элидин маншур⁵.

¹ Иккинчи Шоҳ Исмоил амри билан ўлдирилган шаҳзода Сом мирзо ўзининг «Тухфаи Сомий» номи тазкирасини Жомий, Навоий ва Давлатшоҳ тазкираларига эргашиб ёзганлиги бизга маълумдир.

² «Мажмаул-хавос», 3-саҳифа.
³ «Мўғул истилоҳи» деган таъбир остида ҳам муаллиф туркий тилини кўзда тутди. Чунки, «Чигатой улуси», «Чигатой тили» деган иборалар мўғул подшоҳи Чингизхоннинг ўғли Чигатойхон исмидан олинган эди.

⁴ А ж а м — аслида бегона демакдир. Бу ерда Эрон кўзда тутилди.

⁵ М а н ш у р — васиқа, шаҳодатнома. Бу ерда Содиқий, Навоий ўз қалами билан турк тилини шу қадар машҳур қилиб қўйдик, араблар ва эронийларнинг тилларига берилган биринчилик васиқасини олиб қўйди, бекор қилди, демоқчи бўлди.

Бўлса не ажаб жаҳон тилига мазкур-
Ким ҳеч кишига бу янглиг эрмас мақдур¹.

Бундан сўнг Содиқий ўз маромини сажъли насрда да-
вом эттириб, ўзининг қилмоқчи бўлган ишини бировнинг
(учинчи бир шахснинг) ишидек тақдим этади: «...Бир неча
сўзиға гувориш беруб, бир неча сафҳаға нигориш беруб
ҳам ул ҳазратнинг (яъни: Алишер Навоийнинг,— *М. Ш.*)
нафис мажлисларига мувофиқ саккиз мажмаи хос муто-
биқ тузмак тилар ва «Мажмаул-хавос»га номзод қилмоқ
истар».²

Содиқий айтганидек, дарҳақиқат у, ўз китобини Наво-
ийга тақлидан саккиз мажмаъ (боб) дан иборат қилиб
тузган.

Биз энди бу мажмаълар билан танишиб чиқайлик:

Биринчи мажмаъ — замон подшоҳлари ҳақида.

Иккинчи мажмаъ — шаҳзодалар ҳақида.

Учинчи мажмаъ — турклардан чиққан салтанат арбоб-
лари ҳақида.

Тўртинчи мажмаъ — эронийлардан чиққан салтанат
арбоблари ҳақида.

Бешинчи мажмаъ — турклардан ва эронийлардан чиқ-
қан салтанат арбобларининг фарзандлари ҳақида.

Олтинчи мажмаъ — сайидлар ҳақида.

Еддумжи³ мажмаъ — атрок хуштабълари зикридаким,
қуввати истеъдод била туркий ва форсий ва арабий кало-

¹ «Мажмаул-хавос», 4-саҳифа.

² «Мажмаул-хавос», 4-саҳифа.

³ Бу сўз шу шаклда матндагидек айнан олинди. Ўзбекчани китоб
орқалигина ўрганган бир озарбайжонликнинг ёзувида ва сўзлашида
озарийчанинг айрим белгилари сақланиб қолиши табиий бир
ҳол бўлса керак.

мига қодир бўлиб, араб ва ажамда латофати таъб ва назокати зеҳн бирла шуҳрат қабулин топубдурлар»¹.

Саккизинчи мажмаъ — эронийлардан чиққан замон шоирлари.

Хайёмпур ўз нашрида ўзбекча («чигатойча») матн рўпарасига унинг форсича бадалини бериб, шу тарзда эълон қилганини юқорида айтган эдик. Эътироф этиш лозимки, шоирлар ҳақидаги маълумот ва умуман таржимаи ҳол материаллари яхши таржима этилган. Туркий шеърлар эса таржима қилинмай, ўзича, аслида боридек қолдирилган.

Аммо, таассуф билан қайд қилмоқ лозимки, муҳаррир ҳам таржимон доктор Хайёмпур сарлавҳаларда Навоийга хос бўлган сажъаларни ташлаб кетган ва шу билан сарлавҳалардаги анъанавий оҳангни йўқотган. Янада муҳимроқ нуқсон эса шундан иборатки, сарлавҳада воқеага берилган баҳо меъёрлари ҳам тушиб қолган.

Масалан, биз юқорида 7-мажмаънинг сарлавҳасини айнан кўчириб келтирган эдик. Хайёмпур ўша жумлани шундай таржима этган:

«Дар зикри шуаро аз турконки, дар забони туркий ва форсий ва арабий қудрати суҳанвари доштаанд»².

Кўриниб турибдики, Хайёмпурнинг бу таржимаси, жумланинг асосий тезисини бергани ҳолда, жуда зарур бир тафсилни қисқартиб ташлаган. Шу билан таржима хулосага айланиб кетган. Бу бобда ўзбекчадаги ушбу таъбир тушиб қолган: «Араб ва Ажамда латофати таъб ва назорати зеҳн бирла шуҳрат қабулин топубдурлар». Акс ҳолда таржима матнига шу таъбир қўшилиши керак эди: «...Ва дар мамолики Араб ва Ажам бо латофати таъб ва назокати зеҳн шуҳрати васеъ ёфтаанд».

¹ Қўштирноқ ичига олинган еттинчи боб муаллифнинг имло ва шеvasи сақланган ҳолда айнан кўчирилди. Қаралсин: «Мажмаул-хавос», 5-саҳифа.

² «Мажмаул-хавос», 102-саҳифа.

Бу муқоясадан очиқ кўринадики, муаллиф (Содиқий Китобдор) туркий шоирларнинг уч тилда бўлган қудратини уқтириб, бу важҳдан улар Арабистон ва Эрон мамлакатларида шуҳрат топганини айтади. Бу — замондошнинг гувоҳлигидир ва адабиёт тарихи учун ғоят муҳимдир. Хайёмпурнинг ҳеч қандай ғаразсиз, фақат услубни силлиқлаш ва ихчамлаштириш юзасидан қилган шу хилдаги баъзи бир «ихтисор»лари эса таржиманинг илмий қийматига халал етказилади.

Бизни бу китобда ўзбек шоирлари айниқса қизиқтиради. Муаллиф, Шайбонийлардан Маҳмудхон ўғли Убайдуллахондан маълумот бериб, унинг форсча бир рубойисини келтиради:

«Убайдхон ўзбек, зиёда рост салиқа ва шоир табиат ва хуштабъ подшоҳ эрди. Ўзбекияда ул подшоҳдек дилир¹ биров бўлмабдур. Шоҳ жаннатмакон била муқобила бўлди. Агар мағлуб бўлди ва илло кўп баҳодурлуғ қилиб мардона уруш қилди. Табъи ақсоми шеърда² яхши бордур, Аъдосининг³ кинояси изҳорида ва ўзининг шамотати⁴ исботида бу рубойиси зиёда хуштабъона бўлубдурким:

Эй қавмики, шумо атои нарасад,
Нафъи ба фақиру бенавои нарасад,
Саҳл аст агар сари шумо меоранд,
Бояд қадами шумо бажойи нарасад⁵.

Т а р ж и м а с и:

Эй, ҳеч бир баракаси бўлмаган қавм,
Фақирларга, ожизларга сиздан ҳеч бир наф йўқ.

¹ Дилир — юракли, жасур, мард.

² Ақсоми шеър — шеърнинг қисмлари, турлари, навълари.

³ Аъдо — душманлар.

⁴ Шамотат — душман устидан кулш.

⁵ «Мажмаул-хавос», 15—16-саҳифа.

Ундан кўра каллаларингизни олиб ташлаган маъқулроқ,
Токи, қадамларингиз ҳеч қаерга бориб етмагай!

Содиқий Убайдуллахонга (қисқартиб «Убайдхон» деб аталар эди) юксак қиймат бериб, уни «шоир табиат» киши, «рост салиқа» ва «хуштабъ» подшоҳ деб баҳолаб, ўзбек ҳукмдорлари (у Шайбонийлар сулоласидан чиққан султонларни кўзда тутуди;— М. Ш.) ичида бундай қаҳрамон иккинчи бир подшоҳ пайдо бўлмаган, дейди. Эрон шоҳи Сафавий Таҳмосиб билан жангда енгилган Убайдуллахоннинг шахсий фазилатларини ва шижоатини мақташ билан Содиқий замондошларига нақадар холисона ва инсоф билан қараб баҳо берганини яна бир бор исботлаган бўлади. Бўлмаса, ўзи шунини мазҳабида бўлган бир шоир ўша даврда ўзи хизмат қилган сулоланинг ашаддий душманини, суннийлар султони Убайдуллахонни мақташи, унинг шоирлик табиини ва жанговарлик шижоатини кўкларга кўтариши ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмас эди. Китоб муҳаррири ва ношири Хайёмпур «Дувал Исломия» (Ислом давлатлари) номли тарихий асарнинг 231—232-саҳифаларига илова қилиб Убайдуллахон — Шайбоний сулоласидан бўлиб, Маҳмудхон ўғлидур. У Мовароуннаҳрда 940—946 (милод билан 1534—1540) йилларда салтанат сурган деган маълумотни китобнинг ҳошиясида келтиради¹.

Яна шу биринчи мажмаъда Шайбонийлардан машҳур Абдуллахон ҳақида маълумот берилади: «Абдуллахон ўзбек (Аваз Ғози)— ўзбакия подшоҳларининг ашжаи² ва улуғ хонларининг акрамидур. Туркий ва форсий назмда яхши бордур. Аваз Ғози тахаллус қилур. Бу абёт ул подшоҳнингдурким:

¹ «Мажмаул-хавос», 15-саҳифа.

² А ш ж а — ҳаддан ташқари шижоатли.

То телбалигим шуҳрати оламни тутубдур,
Андин бери Мажнун сўзини эл унутубдур,
Новаклари мендин кечиб агёрға тегди,
Жоним билур ул дамки, нелар мендин ўтубдур.
Бечора Аваз Ғози кетуб васлиға етсун,
Ҳижрон ўти чун нахли умидин қуритубдур.
Фарҳод ила Мажнун не билур ишқ фунуни,
Бу водида шогирдим аларни ўқитубдур¹.

Бу келтирилган икки фикрадан кўриниб турибдики, Содиқий таъкирачиликда Навоий анъанасини давом эттириб борган. Аввало, шоирнинг (ёки адабиётга алоқаси бор бўлган маълум шахснинг) исми, тахаллуси, сўнгра унинг табиати ва фазилатлари, у кишининг ҳаётида рўй берган машҳур воқеа ҳақида сўзланади. Сўнгра унинг шеър-рийтадаги ва шеърый ижодидаги қобилиятига баҳо берилади. Ниҳоят, тилга олинган шахснинг ижодидан намуна бўлсин деб бирон парча ёки бутун асар (рубойй ва ғазал) келтиради. Абдуллахон (Аваз Ғози) нинг бу ғазали тилининг соддалиги, вазнининг раволиги, анъанавий суратлар доирасида самимий туйғуларнинг қайнаб туриши билан диққатга сазовордир.

Хайёмпур нашр қилган китобининг ҳошиясида Абдуллахон ўзбек Искандар султон ўғли бўлиб, Шайбонийлар сулоласига мансуб бўлганини уқтириб беради. Абдуллахон 1556 йилда Бухорони олиб, ўзига пойтахт қилади. 1578 йилда Самарқандни ҳам салтанатига қўшиб, катта Мовароуннаҳр давлатига эга бўлиб қолади. Ўз отасининг вафотидан сўнг (1583) у иккинчи Абдуллахон номи билан Мовароуннаҳрнинг ягона, қудратли подшоҳи бўлиб қолади (1598 йилгача).

Аваз Ғозининг бу тўрт байтлик ғазали бизнинг пөвзиямиз тарихида энг мухтасар (қисқароқ) ғазаллардан би-

¹ «Мажмуал-хавос», 17-саҳифа.

ри бўлса керак. Эеро, ғазалчилик назарияси ками 5, кўпи билан 15 байтли ғазаллар доирасини аллақачонлар чизиб белгилаб қўйган. Лекин Аваз Ғозийнинг бу ғазали шунча мухтасар бўлишига қарамай, унда ғазалнинг ҳамма белгилари ва шартлари мавжуддир. Шеърда яхшигина, таношиб асосида қурилган ошиқ сурати бор (телба — Мажнун). Шоирнинг муддаоси (муҳаббат бобида улуғ жонфишонлик) бутун ифодаланган. Муаллифнинг тахаллуси мақтаъга бўлмаса-да, ҳусни мақтаъга (сўнгги байтдан юқориги байтга) киритилган.

Содиқий Китобдорнинг биз учун яна бир фазилати, бу орқали қадимий ўзбек — турк шеърятининг Ҳиндистондаги тақдирига назар солишга бир дераза очиб беришидан иборатдир.

Бундай дераза бизга Бобир ўғли Ҳумоюн ҳақидаги кичик фикра билан очилади.

Одатда, биз Бобир ва Бобирийлар ҳақида гапирганимизда Ҳиндистонда ўзбек шеъри Бобир билан бошландию Бобир билан адо бўлди, деймиз. Бунга далил қилиб, «Бобирнома»нинг Бобирдан сўнг кўп ўтмай Ҳиндистонда тушунилмай қолганини ва, бинобарин, Акбаршоҳ амри билан Абдурахимхон томонидан ўзбекчадан форсчага таржима қилинганини ёхуд Бобирнинг қизи Гулбаданбегим ўз «Ҳумоюннома» сини форсча ёзганини пеш қиламиз.

Биз, фақат шу масалага билвосита боғланган фактлар билан кифояланамизу, аммо аслида тарихий воқеаларни билвосита текширишга киришмаймиз.

Ҳолбуки, «Ислом энциклопедияси»да Бобир замондошлари ва ундан кейинги бир неча насл ўртасида чигатойча, яъни ўзбекча шеърлар ёзилгани талай фактлар орқали тасвирланади¹. Уша даврда шеър билан шуғулланиб турган кишилар қаторида «Паноҳий» тахаллуси билан форсча

¹ «Ислом энциклопедияси», Истамбул, 1945 й. III жилд, 24 жузв.

ва ўзбекча шеърлар ёзган Амир Хожа Калонни, туркча ва форсча девон эгаси Қандаҳор ҳокими Миримбекни, Бобирнинг амирларидан Мирзо Иброҳимхонни зикр этадилар.

Ҳумоюн Мирзонинг жангдош дўсти ва ҳамроҳи, Акбаршоҳ даврида «Хон бобо» унвонига муяссар бўлган Байрамхон зўр шоир бўлиб, форсча ва чигатойча (ўзбекча) шеърлардан иборат девони 1910 йилда Дениссон Росс томонидан «Ҳиндистон кутубхонаси» куллиёти силсиласида босилганини биламиз.

Байрамхоннинг бу девонида 2000 байтдан зиёд шеър бор экан. Унинг чигатойча (ўзбекча) шеърларида Навоий ва Бобирнинг аниқ таъсирлари борлигини кўп шарқшунослар эътироф этади.

Байрамхоннинг ўғли Абдураҳимхон («Бобирнома»нинг таржимони) ҳам кўпинча форсча ва гоҳо чигатойча (ўзбекча) шеърлар ёзган. Ҳатто Абдулбоқий Наҳовандий ўзининг «Маассари Раҳимий» китобида унинг чигатойча (ўзбекча) ёзган бир мактубини келтиради.

Акбаршоҳнинг катта амирларидан ва Аргун қабила-сининг пешволаридан бўлган Мирюнус Муҳаммадхон ҳам туркийча ёзган шеърлари билан шуҳрат қозонганини «ҳафт Иқлим» муаллифи Аҳмад Розий хабар берса-да, унинг катта девони ҳанузгача топилган эмас.

«Ислом энциклопедияси» Бобирнинг иккинчи ўғли Комрон Мирзонинг туркийча шеърлар билан ўз вақтида кўп машҳур бўлганини қайд этади. 1509 йилда Кобилда туғилиб, отасининг вафотидан сўнг ўз оғаси Ҳумоюн била узоқ вақт низолар қилган ва охири 1557 йилда Маккада вафот этган Комрон Мирзо ғоят эҳтиросли, жанжалкаш, нотинч бир киши бўлиш билан бирга, жуда закий, зийрак, истеъдодли ва санъаткор киши бўлган. Унинг форсча ва туркийча (эски ўзбекча) газал, қитъа ва рубоийлардан иборат девони бу истеъдоднинг маҳсули бўлса керак! Бу девоннинг турли қўлёзмалари ҳақида 1924 йилда Ҳиндистонда нашр этилган В. Иванов каталогига маълумот берилади.

Бу китоблар ҳақида «Ислом энциклопедияси»нинг берган маълумотлари ўзбек адабиётининг Ҳиндистонда яратилган шу дурдоналарини келажакда ахтариб топмоққа қўлимизга бир илмоқ бериб қўяди. Лекин ҳозирча биз бу китоблардан маҳруммиз.

Бироқ яна Содиқий Китобдор бу соҳада бизга баъзи бир ёрдамлар бермоққа қодирдир. Масалан, «Ислом энциклопедияси»да Ҳумоюннинг форсча ҳам туркийча шеърлар ёзганлиги айтилади-ю, лекин асарларидан ҳеч бир мисол келтирилмайди.

Бу жиҳатдан Содиқий Китобдорнинг Ҳумоюн подшоҳ ҳақида бизга берган маълумоти бағоят қийматлидир. Бу ерда Содиқий, аслида, ўз замондоши тўғрисида гапиради.

Маълумки, Ҳумоюн Мирзо 1530—1556 йилларда ҳукмронлик қилган. Демак, Ҳумоюн вафот этганида Содиқий 23 ёшларга кирган бир йигит эди. Лекин, ҳар ҳолда, у Ҳумоюн ҳақида ўзининг катта ёшли замондошидек гапиршига ҳақли. Биз унинг Ҳумоюн тўғрисидаги кичик фикрасини, унинг биз учун катта аҳамиятини эътиборга олиб, бутунича бу ерга кўчираимиз.

«Ҳумоюн подшоҳ ниҳоятдин мутажовиз¹ каримул таъ ва саҳопеша ва хушсалиқа подшоҳ эрди. Абулғози Султон Ҳусайн Мирзодин сўнгра чигатой подшоҳларидан Ҳумоюн подшоҳдек хуштаъ подшоҳ оз воқеъ бўлубтур. Қариндоши Комрон Мирзодин ҳазимат қилуб шоҳи жаннатмакон зилоли жалолига² малжаъ³ бўлди. Қизилбош аскар нусрат фаржоми⁴ имдоди била хасми⁵ мағлуб қилуб, Ҳинд абвобин⁶ мафтўҳ қила олдилар.

¹ Мутажовиз — ҳаддан ошган.

² Зилоли жалол — буюк, шонли соя.

³ Малжаъ — сиғинадиган жой, бошпана.

⁴ Нусрат фаржоми — ғалабалик натижа.

⁵ Хасм — душман.

⁶ Абвоб — боблар, эшиклар.

Табъи шеърда ўқуш¹ мулойим воқеъ бўлубтур. Бу икки туркий байтнинг кўп шуҳрати бор ва машҳур бўлубдирким:

Ғариблиғ ғамидин меҳнату малолим бор,
Бу ғамдин ўлимга етдум, ғариб ҳолим бор.
Висоли давлатидин айрилубман маҳзун,
Тирикмену бу тирикликдин инфилолим² бор»³

Бу тўртлик Ҳумоюннинг нозик ва лирик шоирона бир қалб ва ҳассос бир дид эгаси бўлганидан далолат беради. Шакл эътибори билан бу тўртлик рубойга ўхшаса-да, классик рубойларга махсус бўлган вазнда («ҳазаж» баҳрининг йигирма тўрт навъдан бирида) ёзилмагани учун расман рубой жанрига кирмайди. Гарчи Навоий ўз «Мезонул-авзон»ида рубой ҳақида гапираётганида «ани дубайт ва тарона ҳам дерлар»⁴ деганидан ҳали XV аср назариячилари бу уч атамани бир маънода тушунганлари маълум бўлади. Ҳатто замонамиздаги айрим адабиётшунослар айнан шу фикрни қувватлайдилар. Масалан, Оймутлу нисбатан яқин ўрталарда ёзган китобида «Рубойларга «дубайт» ва ё «тарома» номи ҳам берилади. Рубойда ҳар мисрада ҳар вазни қўллашга ижозат бор»⁵, дейди. Бу ерда муаллиф рубойдаги шу хусусиятни (ҳар мисранинг бир баҳр доирасида бошқа-бошқа вазнда бўлишлик хусусиятини) тўғри мушоҳада этган. Зотан рубойдаги бу хусусиятнинг ўзи уни дубайтдан ва таронадан ажратади.

Бироқ сўнги даврдаги эрон адабиётшунослари рубойдан дубайтни ва таронани ажратиб, бошқа-бошқа жанрдек тавсиф қилмоқдалар. Улар асосий фарқни вазнлардаги та-

¹ У қ у ш — кўп, зиёда.

² И н ф и о л — ўпқаланмак, хафалик.

³ «Мажмаул-хавос» 13—14-саҳифа.

⁴ А л и ш е р Н а в о и й, «Мезонул-авзон», XXXV саҳифа.

⁵ А ҳ м а д О й м у т л у, «Аруз», Истамбул, 1950 йил, 53-саҳифа (туркча).

фовутда кўрадилар. Масалан, эрон адабиётшуносларидан Фазлуллоҳ Сафо рубойида «ҳажази мусамман», дубайтларда ва тароналарда эса «ҳажази мусаддас мақсур» ўлчовлари қўлланганини катта материал¹ асосида аниқлаб, юқоридагидек, терминларни ажратиб қўяди.

Ҳар ҳолда, Содиқий Китобдор ҳам Ҳумоюндан ҳалиги тўртликни келтирганида уни рубойи деб атамагани тасодифий бўлмаса керак. Аммо нега у бу тўртликни «икки туркий байт» деб тақдим этади? Ахир булар айрим, бири-бирига боғланмаган ёхуд бирон катта асардан кўтариб олиб ажратилган парча (қитъа) эмас-ку! Бу тўртликда фикрий, бадий, шаклий бутунлик мукамал сақланган-ку! Бизнингча, «икки байт» деб Содиқий ўзича форс-тожикларнинг «дубайт» деган жанрини туркийлаштириб (ўзбекчалаштириб) «икки байт» маъносида таржима қилганга ўхшайди.

Шу дубайтдаги кайфият ва имо-ишоралардан бир хулоса чиқариш мумкин: у ҳам бўлса, Ҳумоюн Мирзо бу дубайтини иниси Комрон Мирзо дастидан қочиб, Эронда бошпана топган маҳалида ёзганга ўхшайди. Дубайтдаги «ғариблиғ», «ғам», «висоли давлатидан айрилиқ», «тирикликдан инфоол» каби кайфиятлар шу қочқинлик ва мусофирчилик вазиятида туғилган бўлиши ҳам табиийдир. Зотан бу дубайтнинг Эронда яшаган Содиқийга маълум ва ёд бўлиб қолиши бизнинг бу эҳтимолимизни янада қувватлайди, холос!

Содиқий Китобдор чуқур эҳтиром билан Алишер Навоийнинг обрўини ва адабий таъсирини кузатиб юрган. У Навоийни фақат бир ўзигагина эмас, балки бир қанча шоирларга ҳам мураббий ва муаллим деб талқин этади. Масалан, «Сусанийбек» фикрасида муаллиф берган маълумотни ўқийлик:

¹ Фазлуллоҳ Сафо, «Сабқҳои адабий», «Техрон, 1337 ҳ. (1958), 50—51-саҳифалар (форсча).

«...туркмандур. Авоилда шоҳи жаннатмажоннинг муаз-
зам қўрчиси эди... Таъби Амир Алишер Навоий шеърига
кўп саростдур»¹.

Содиқий бу йигитнинг кейинча шароб, тарёк, қиморга
берилиб кетиб тушкунликка юз қўйганини айтгандан ке-
йин, унинг Ҳамадон шаҳрида «дунёга видо» қилганини
ачиниб хабар беради. Унинг нотамом қолган девонини ту-
гатишни Амирхон Гулобий Туркмон Содиқийга ҳавола
қилади. Содиқий бу вазифани бажаришга «муваффақ бўл-
дим», дейди. Бундан кейин Содиқий Сусанийбекнинг шоир
Шоҳийга жавобан ёзган ғазалининг матлаини келтиради.

Шоҳий ғазалининг матлаи бундай бўлган:

Тутти илким меҳр эдуб берди менга ул шоҳ элик,
Кимки, эл тутар кўрим тутсун анинг оллоҳ элин.

Сусанийбекнинг унга жавобан ёзган байти шундайдир:

Шоҳлар тутмас гадо илкин фано бозорида,
Келки, ул бозораким, тутғай гадолар шоҳ элин².

Бу икки шоирнинг икки матлаида худди бир масалага
(ҳукмдорларнинг фуқарога шафқати масаласига) икки тур-
ли, бири бирига тамомила зид икки муносабат кўрсатила-
ди.

Шоҳий ҳукмдорга миннатдорчилик ва дуою сано билан
муносабатда бўлса, Сусанийбек бу дунёда шоҳлар ҳеч қа-
чон фуқарони қўллаб-қувватламайди, дейди. У шундай бир
бозор (дунё) орзу қиладики, у ерда шоҳлар гадоларга
муҳтож бўлмайлар!

Сусанийбек ўзи туркман бўлгани ҳолда Навоийга мух-
лис бўлиб, ўзбек тилида шеърлар ёзиши адабиёт тарихи-

¹ «Мажмаул-хавос», 118—119-саҳифалар.

² «Мажмаул-хавос», 118—119-саҳифалар.

мизнинг тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам, халқларимиз ўртасидаги азалий ҳамкорлик нуқтаи назаридан ҳам диққатга сазовор қийматли воқеалардан биридир. Сусанийбекнинг шоҳ шахсига шундай эркин муомалада бўлишида Навоийнинг инсон шаъни ҳақидаги оловли байтлари таъсир қилганига шубҳаланиш мумкинми? Сусанийбек Навоийни севиб-севиб мутолаа қилиб, унга тақлид қилган ва эргашган бўлса, наҳотки устоднинг шу байтини ўқимаган бўлса:

Тут гадолиғни Навоий муғтанам,
Шоҳлар олида бош индурма кўп!

Албатта, бевақт сўниб кетган бечора Сусанийбек Навоийнинг энг яхши анъаналарини ўзида тўплашга қодир бир шахс бўлганки, Содиқийнинг бу тўғридаги маълумоти шу жиҳатдан алоҳида бир аҳамият касб этади.

Ниҳоят, яна бир масалада Содиқий Алишер Навоийни тилга олади. У ўз китобининг охирида Айюб номли бир киши ҳақида маълумот беради. Шу муносабат билан муаллиф мазкур Айюбнинг Абулбарака деган бир кишининг ўғли бўлганини ва ул кишини Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» да ёмон сифатлар билан тавсиф этганини эслатиб ўтади.

Икки даврнинг икки адиби ота ва ўғилга икки хил баҳо берадилар. Лекин уларнинг қаламлари гўё бир оила хонасида яна учрашгандай бўладилар. Албатта, шундай учрашув Содиқий учун улуғ бир файз бахш этиши табиийдир.

Биз, аввало, Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асаридан Абулбарака ҳақидаги фикрани олайлик:

«...Хуросон ва Самарқандда, ани андоқким бор, билмас киши йўқтур. Қабоҳат ҳолатини мазкур қилмоқда кўп беҳижоблиқ керак.

Абулбарака Шаҳрисабзда қози эрди. Подшоҳ ҳазрати-га анинг зулмидин додхоҳ¹ кўп келган жиҳатидан маъзул² бўлди ва Хуросонга келди. Мунда доғи ғариб шаҳкорлар³ ташладиким, ғаробатининг тули бор. Мунда ҳам туролмай яна Самарқандга борди, анда доғи аркони давлатдин баъзини мунга келтургандурким, яна ул мансабни анга бергайлар. Чун муддате экандурким, ул ерда қозий йўқ экандур, анинг ҳаводорлари: «Ул мансаб эгасиздур, муносиб киши топибмиз», деб бир либос била подшоҳ арзиға еткургандурлар. Яна баъзи нуввоб⁴: Ул бадмаош кишидур», деб ул сўзни рад қилгандурлар. Подшоҳ дегандурким: «Ҳар нечук бадмаош ва бадбахт бўлса, ул бурунқи қозидин яхшироқ бўлғусидур». Анинг назмидин хотирда йўқ эрди, аммо бу байтни зурафо⁵ анинг учун дебтурлар:

Девн шайтон сифат абулбарака,
Бод жояш ба ҳафтумин даргаҳ⁶.

(Т а р ж и м а с и: Абулбарака шайтонсифат девдир, унинг жойи еттинчи жаҳаннамнинг тагида бўлгай!)

Алҳосил, Абулбарака Навоийнинг қалами остида гоят ярамас, маккор, муттаҳам, муғамбир ва қаллоб бир киши сифатида гавдаланади.

Энди бу кишининг ўғли ҳақида Содиқий Китобдор тубандагиларни айтади:

«Айюб Хуросонлиғдир. Абулбарака ўғлидурким, амири кабир Алишер «Мажолисун-нафоис»да таъриф қилибдурким, улча бадзот ва бемулоҳаза эрдиким, Хуросон аҳли

¹ Додхоҳ — шикоят; адолат сўраб арз қилиш.

² Маъзул — азл этилиш, хизматдан ҳайдалиш.

³ Шаҳкорлар — усталик билан найрангбозлик.

⁴ Нуввоб — ноиблар, асизодаalar ва баланд мартабали тўралар.

⁵ Зурафо — зариф, шинаванда одамлар, зиёлилар.

⁶ «Мажолисун-нафоис», 182—183-саҳифалар.

илкидан фирор қилуб овора бўлдилар. Бу байтни анинг учун айтибдурларким:

Девн шайтонсифат Абулбарака,
Бод жоят¹ ба ҳафтумин даргаҳ.

Ва илло ўғли анинг хилофиға мажлисоро ва музҳик киши эрди. Устодимиз Мир Сунъий... била кўп мусоҳиб эрмишлар. Бу абёт ул азизнингдурким:

Ҳадиси мазҳаб аз риндон бо машраб чи мепурси?

Эи-риндон ҳарфи машраб пурси, аз мазҳаб чи мепурси?»

Т а р ж и м а с и: Майхўр дарвешлардан сен мазҳаб ҳақида сўраб нима қиласан? Дарвешлардан сен майхўрлик сўзини сўраб бил, сен уларга дину мазҳаб ҳақида савол бериб нима қиласан?

Шундай қилиб, Навоийнинг қаҳру ғазабини қўзгаган бир зотнинг ўғли яхшилик йўлида юрганини китобининг охирига қўйиш билан, Содиқий Китобдор, билиб ё билмасдан, катта бир символик ҳиммат кўрсатган. У ҳам бўлса, бу оламда яхшилик, меҳрибончилик ва дўстлик лобид ва муҳаққақ энгишига, шеър, санъат, нафосат ва эркинликнинг ҳаётга ҳукмрон бўлишига сўнмас имон билан ишонишдир.

Содиқий Китобдор Навоий адабий мактабининг, баъзи шарқшуносларнинг таъбири билан айтганда, Навоий бошлиқ «Ҳирот фанлар академияси»нинг юксак гуманистик ғояларини XVI асрда Озарбайжон заминиде баракали давом эттирган буюк адиб сифатида ўзбек адабиёт доиралари учун, ўзбек адабиётининг дўстлари учун ҳам азиз ва муқаррамдир.

*«Навоийга армуғон» (Низомий номидаги
Тошкент Давлат педагогика институти
тўплами).*

УзССР «Фан» нашриёти, 1968.

¹ Бу мисрада котиб ёки ношир хатоси билан «жояш» (жойи) сўзи «жоят» (жойинг) тарида кетган; «Мажмаул-хавос», 312Б-сахифа.

АСРЛАР ОША

Кўнгила шикоятидин юз рисола ёзмашман
(А. Навоий)

Кишилик насли ўзининг ўлмаслигини, абадий ҳаётини таъминлаб қўйиш вазифасини буюк санъаткорларнинг тароналарига, ўз доҳий фарзандларининг сўлмас асарларига ҳавола қилиб қўйган.

Дунё халқларининг энг юксак ва олижаноб армонларини тараннум этган чинакам даҳоларнинг тақдири биринчи қарашда кишига ғалатидай туюлади. Улар яшаган давр ва саналар биздан йироқлашган сайин мазкур даҳоларнинг нуруний сиймолари замонамизга шунча яқин ва ошна сезилади.

Чунончи, замонларнинг ўтмиш манзилларига, асрларнинг ўрта йўлида ғарибона турган бир шоирни тасаввур қилингки, кун ва йил сайин у билан бизнинг ўртамиздаги масофа ортса-да, унинг чеҳраси авлодлар кўзида янада яққолроқ намён бўлмоқда. Бу зоти-шариф — шеърят, нафосат, ақлу фаросат ва одампарварликнинг ҳамиша тирик пири, назм аҳлининг устоди, эрк ва бахтталаб оддий кишиларнинг ишончли шайхи Алишер Навоийдир. Чиндан ҳам бизнинг Навоий билан дўстлигимиз, ошнализимиз, уни чуқурроқ идрок этиб олишимиз илгариги йилларга нисбатан мислсиз даражада ривожланиб борди, бошқача қилиб айтганимизда, замонлар ўтган сайин улуғ нағмасоз бизга яқинроқ келиб қолди. Зотан Навоий ўзи ҳам замонга доимо жисмоний ҳамроҳлик қилиш мумкин эмаслигини бир байтида очиқ иқдор этган:

Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзингни шод тут,
Елга етмак мумкин эрмастур, чу суръат кўргузиб...

Лекин улуғ шоир келгуси наслларни ва асрларни ўз байтларининг қудрати билан фатҳ қилиб олишга имони комил эди. Инсонларга яхшилик ва нафосат хислатларини талқин этган шоир, хўблар (кенг маънода гўзал ва яхши кишилар) ўзининг асарларини, назмини, албатта ёдлаб олишларига ишонар эди.

Хўблар ўргансалар тонг йўқ Навоий назмини-
Ким, аларнинг ҳусни онинг ишқидин топмиш ривож.

Навоий назми эса, башар авлодининг буюк орзуларини ва оғир мусибатини, умидли интилишларини ва ҳаққоний шикоятларини, бахтини, севгисини, ҳуснини ёхуд аламини, ғазабини ва қабоҳатларини кенг тасвирлаб берган мужассам дostonлардан, муаззам девонлардан иборатдир. Шоиримизни асрлар оша бизга олиб келган омил, унинг асарларини кунимиз мундарижасига киргизиб қўйгани шу асарларнинг тор ижтимоий-замонавий қобиққа бекиниб қолмаганлиги билан изоҳланади. Навоий образлари ўз муҳитининг об-ҳавосини, ўз синфининг ғовларини ёриб чиқа олиб, ҳамма инсонларни ҳамма вақт ўйлатган ва куйлатган кайфиятларни касб этдиларки, шу билан Алишер Навоий жаҳоннинг санъат тарихида умумбашарий мавқеларда турган ва чуқур инсоний ғояларга тилмоч бўлган бир шоир эканини аллақачон исботлаб берди.

Шоиримизнинг назмида, айниқса лирикасида шикоят куйларининг жуда катта ўрин олганини пайқаган китобхонлар уни бадбин — пессимист шоир деб ўйлашлари мумкин. Бироқ ҳар қандай шикоят ва норозилик бадбинлик бўлавермайди, балки у мавжуд шароитдан қаноатланмаслик, одамнинг толеи учун бўлак шароитларни излаш кайфиятларидан ҳам келиб чиқиши мумкин.

«Қоронғудир олам оқим тунидин» деб нолиган шоир оламнинг бу ҳолатидан хафа!.. Навоий шеърда инсон дарди бўлишини бадийликка сабаб деб билади, яъни чуқур башарий қайғу акс эттирилмаган шеърларнинг бадий моҳияти юксак бўлмаслигини билади. Бу тўғрида унинг талай эътирофлари кўпчиликка маълум. Шу сабабли унинг фақат бир байтинигина эслайлик:

Навоий назми рангину равон эрса ажаб эрмас-
Ки, махлут ўлди кўз ёши била хуни жигар анда.

Бу байтдан кўришиб турибдики, шеър йиғи билан жигар қонидан яратилганлиги учун у рангин ва равон-бадий қимматга эгадир. Шоир бу таъбирлар билан инсонга хос чуқур изтиробларни ифодамоқчи бўлгани шубҳасиз. Шу билан бирга Навоий бу ерда катта бадий маҳорат кўрсатиб, классик шеъриятнинг машҳур санъатларидан бири бўлмиш «таносиб» ёки «мароотун назир» усулидан фойдаланиб, шеърдаги рангинликни жигар қони (у ҳам, бу ҳам қизил ранг) билан ва шеърнинг пухта ҳамда равонлигини эса кўз ёши билан (у ҳам, бу ҳам оқади) боғлаб изоҳлайди. Умуман Навоий образлари учун характерли хислат уларнинг узилиб қолмасдан, албатта, қатор ҳолатлар билан боғланишидирки, шоир булар учун классик шеъриятнинг санъатларидан фойдаланган.

Алишер Навоий ўз даврининг қўпол, ғайри инсоний, ёвуз одат ва қонунларидан шикоят қилиб кўпчилик адабий маҳфалларда (давраларда) шеърий муҳокамалар фақат бир қофия ёхуд радиф ва ёки ташбиҳ устида бораётган бир пайтда унинг шеърга чуқур ҳаётий мазмун бағишлаши, унга инсоннинг дард ва қайғуларини юклаб, шу билан одамларнинг диққатини катта ахлоқий-ижтимоий-фалсафий муаммолар атрофига жалб этиши нақадар катта журъат, тараққийпарварлик аҳамиятига эга бўлган жасорат эканлиги ўз-ўзидан аёндыр.

Лекин шоирдаги буюк истакларга ҳар томондан йўллар берк, имкониятлар тор, шароитлар йўқ.

Эй Навоий, кўргали они учар ҳар дам кўзум,
Лек не суд учмоқ ул қушким, анга йўқтур қанот.

Қанотсиз қуш — феодализм исканжасида яшаган эркпарвар шоирнинг мужассам рамзидай гавдаланади. Навоий ўзининг ва ўзига ўхшаган илғор фикрли арбобларнинг ҳаёт ва тақдирини қуйидаги реалистик мисраларда кескин баён қилади:

Кўз оч, ашки надомат соч: ўз аҳволинғаким, бордур —
Туининг тийра, йўзинг хира, йилинги бўртоқ, отинг оқсоқ.

Бу оғир ҳаётини мушкулотдан қутулиш йўли қаерда?

Жаҳон аҳли нифоқидин қаён борсам амин эрмон,
Тилармен ул жаҳонни, топқайман шояд амон анда.

Ярамас одамларнинг фисқу фасодидан безган шоир қаерга, қайси шаҳарга бормасин, ўзини аминликда сезмайди. У энди ўзига чинакам омонлик бера оладиган бир жаҳонни қумсайди, лекин унинг қаерда эканини билмайди ва ўша даврда билолмас эди ҳам. Лекин бу «бошқа замон» сўфийларнинг «фано филло» деб тушунган тангри васли эмас. Гарчи шоиримиз, баъзи бир шикоятлардан сўнгра, «вахдат майи» ни тасаллибахш бир чора деб тавсия қилса-да, сўфийларга хос бу «илоҳий шароб» термини Навоий учун фақат замонда асосий мавқени эгаллаган тасаввуф оқими-га маълум даражада таъзим қилиш учунгина қўлланилади. Чунки Навоий ўз шахсий ҳаётида сўфий пируларининг ва муридларининг низомига риоя қилиб, дунёвий гўзалликлардан ҳеч қачон воз кечган эмас.

Иккинчи ва яхшироқ бир жаҳон орзуси Навоийда, ҳатто баъзан даҳрийлик ва исёнкорлик руҳида жаранглайди:

Йўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб,
Еғдуруб ашқин, тутар ҳолингга ҳар тун мотами,
Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ магарким, ком учун боштин яратқай олами.

Адабиётшуносларимизнинг диққат назаридан четда қолган бу байтлар ғоят чуқур ва жасур мазмунга эга. Дунёнинг қоронғу тундан, кўз ёшидан, мотам ва ғамдан иборат бўлганини кўрган шоир, бу хил оламда одамзод бахтиёр бўлолмайди, дейди. Демак, шунинг ўзи билан у, «амри илоҳий» ила яратилган дунёнинг хато йўлдан борганини уқтириб ўтади ва бундан ҳам нари бориб, тангри янги бошдан янги бир олам яратгани маъқул бўлар эди, деган даҳриёна ва балки хайёмона даъвогача бориб етади. Биз бу билан Навоийни атеист деб эълон қилмоқчи эмасмиз, балки у ўзининг ҳақгўй ва ҳаққоний байтларида баъзан стихияли равишда илоҳий қоидаларни танқид қилиш даражасига кўтарилганини қайд қиляпмиз, холос.

Албатта, Навоий ўзининг хаёлий адолат ва маърифат олами қаерда ва қачон қарор топишини билмаган, аммо қачон бўлмасин башарият чинакам инсоний жамият қуриб, яхши ҳаёт кечирishiга чуқур ишонган ва ўзининг ўлмас байтларида бундай порлоқ келажакни тараннум этган.

Навоийни узоқ тарихий масофалардан олиб келиб, бизга замондош қилаётган омил, асрларнинг тепасидан унинг қўлини сиқишимизга боис бўлган шарт — ўлмас шоиримиздаги юксак башарий ниятлардирки, ҳар насл ҳар давр ва ҳар аср шоир асарларини мутолаа қилганида унда янги-янги хислатлар, маънолар ва уфқлар очгусидир.

Навой замон ва ҳаёт йўлининг қийинлигини, ўз саломатлигининг носоз эканини иқроор этгани ҳолда буюк мақсад йўлида ҳеч бир машаққатдан ёнмаслигини (қайғурмаслигини) қўйидаги классик байтда изҳор этган:

Улармен ё етармен мақсадимға, ёнмоқ имкони йўқ,
Бадан заъфи билан йўл шиддатидан гарчи толғаймен.

«Шарқ юлдузи» журнали,
1966 й.. № 2

НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДАГИ БИР ФАЗИЛАТ ҲАҚИДА

Навоий ғазалининг асосий ва биринчи хислати унинг мантиқий тарзда тузилиши, бир моментнинг иккинчи моментдан туғилиб келишидир. Бу жуда муҳим бир хислатдир. Чунки кўп ғазалнавис шоирларда шеър гўзал ва алоҳида байтлардан иборат бўлиб, механик равишда тузилгани учун ундаги байтларни олдин-кетин қилиб алиштирилса, ўқиган киши бу ўзгаришнинг фарқига етмаслиги ҳам мумкин. Бу маънода олганимизда бир қанча ғазалнависларнинг шеърларида сюжет кўринмайди. Чунки, бундоқ шеърларда, ғазалда ягона бир мавзу ва образ бўлмай, тематик жиҳатдан бир-бирига яқин истиоралар ва ташбиҳлар ёнма-ён тизилиб, умуман чиройли ва лекин воқеабанд бўлмаган асар пайдо бўлиб қолади.

Навоийда биз бошқача хусусиятни кўрамиз. Фикрий муддаонинг бутунлиги, тасвирда фақат субъектив ҳисларнинг жилвасини эмас, объектив ҳаёт силсиласини кўзда тутиш Навоийда энг кичик лирик шеърларни ҳам мантиқий иплар билан боғлашни талаб қилади. Бунинг натижасида ғазалдаги байтларнинг бир-бири билан тасодифий эмас, мантиқий муносабатлар билан боғланганини кўрамиз. Бу ҳолатни биргина мисолда кўриш мумкин: мана Навоийнинг бир бутун ғазали.

Ҳаво хуш эрдию оллимда бир қадаҳ майи ноб,
Ичар эдим вале ғамдин қадаҳ-қадаҳ хуноб.

Ки ҳозир эрди ўшул сарви наргиси махмур,
Валек рағмима қилмас эди қадаҳға шитоб.
Манга не заҳраи улким, десамки, бир қадаҳ ич,
Не онсиз ичкали май, не қарору тоқату тоб;
Бу гусса бирла ичим қон бўлиб нечукки қадаҳ,
Кўзумга ҳар нафас ашк эврулуур мисоли ҳубоб.
Чу англадики борур ихтиёр илгимдин,
Кулуб қадаҳ каби лутф айлади-ю қўйди итоб.
Қадаҳни ичди-ю юз лоба тутти манга,
Ки онинг ичкани — ўқ қилди мани масти хароб.
Чу соқий этти қадаҳ кўзгусида жилваи ҳусн,
Не айб ошиқи майхора кўнгли бўлса кабоб.
Навойи васл биҳиштида шукур қил бу нафас,
Ки ёна чекмагасен ҳажр дўзахинда азоб.

Бу ғазалда том маъноси билан кенг бир лавҳа кўзимиз олдида жонланади. Биз бу ерда нимани кўрамиз:

Баҳор чоғи шоир гўзал бир боғчада ўтирган. Унинг олдида шароб ибриқи турибди. У шаробдан қуйиб ичади, лекин у хуноб! Чунки унинг ёнида ўлтирган гўзал ёр, шоирни гижгижламоқ қасдида у таклиф қилган қадаҳларни олмайди. Ёрнинг илтифотсизлигидан боғчанинг гуллари ҳам шоирнинг кўзига пуч бир нарса. Шоирнинг на ёлғиз шароб ичмоққа майли бор ва на шароб ичмасдан туришга тоқати. Аламидан унинг ичи қизил шаробга (қонга) тўлган қадаҳга ўхшайди. Унинг кўзларидан ҳар дам булутдан қуйилган ёмғурга ўхшаб ёшлар тўкилмоқда. Шу ёр шоирнинг беҳол бўлиб қолишидан хавфсирайди ва койиш ҳам таъналарини қуйиб, илтифот қилади, кулиб қадаҳни қўлига олади. У (ёр) қадаҳдаги майни ичиб юз хил нозу ишва ва луқмалар билан шоирга ҳам қадаҳ тутади. Шоир унинг қўлидан ичган май билан дарҳол маст ва хароб бўлади. Қадаҳдаги майда ёрнинг чеҳраси акс этса буни кўрган ошиқнинг кўнгли кабобда куйса уят эмас-ку, ахир. Шу васлдан хушнуд бўлган шоир бу бахтлиқ фурсат учун ҳаётга муташаккурдир.

Бу муфассал манзарадан кўринадики, Навоий мазкур ғазалида мукаммал воқеабанд сюжетли лирик бир ҳолат яратади. Энди бу ғазалнинг бирон байти ўрнини иккинчи бир байт билан алмаштириб кўринг-чи! Гўзал воқеа ва манзаранинг бутунлиги дарҳол бузилиб кетган бўлар эди. Бу ғазалнинг қуввати шундаки, ўқувчининг кўзи олдида лирик кечинмалар орқали конкрет ва реал бир манзара жонланади. Белинский яхши лирик асарларнинг шу хусусиятини кўзда тутиб дейдики: «Бизнинг туйғумизни уйғотиб, уни узоқ вақт фаолиятида сақлаш учун — биз бирон объектив мазмунни кузатиб туришимиз керак».

Ғазалда маълум воқеа кенг маънода ярата билиш, байтларни маънан, фикран ва суратан боғлаш у ёки бу даражада Навоий лирикасига хос бўлган етакчи бадий усулдирки, бундай ғазалларни истаганча топиш мумкин.

Ҳа, Навоийнинг Шарқ лирик шеърлятидаги буюклиги ҳам шунда-да.

*«Тошкент оқшоми» газетаси,
1968 йил, 26 сентябрь.*

ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

Шуниси аниқки, Урта, Яқин ва Марказий Шарқдаги ўнлаб мамлакатларнинг шеърят тарихи тадқиқ этилса, текширувчи бу халқларнинг шеърый ижодида ғазал деган турнинг асосий роль ўйнаганига қойил қолади.

Дарҳақиқат, зилол чашмани биллур сувларсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидай, шеърый девонни ҳам ғазалсиз кўз олдига келтириш амри маҳолдир.

Тақрибан ўн асрдан берли шарқли ошиқнинг, шарқли ҳақиқатжўларнинг юрак майлларига ва фикрий изланишларига таржимон бўлиб келган ғазал халқларимизнинг энг севимли ва маҳрам сирдоши, улфати бўлиб қолди.

Халқларнинг лирик симфониясига ўзбеклар ҳам бегона бўлиб қолмади ва бу соҳада ўзларининг ўлмас тароналарини яратдиларки, бу санъаткорларнинг илғор нуқтасида Алишер Навоий турибди.

Ғазал — арабча сўз бўлиб, Шарқ поэтикасида ҳар калимага икки маъно берилганидек, бу ҳам икки маънони билдиради. Биринчиси луғавий, иккинчиси истилоҳий (терминологик) маънолардир. «Ғазал» ва ундан ясалган «муғозала» сўзининг бевосита луғавий маъноси аёллар билан ўйнаб-қулиш, улар суҳбатидан файз олиш демакдир. Ғазал сўзининг иккинчи, яъни терминологик (истилоҳий) маъноси эса, маълум шартлар ва қондалар билан муҳаббатга доир ёзилган лирик шеър демакдир. Қизиғи шуки, на ғазал ва на худди ғазалдай араб поэзиясида пайдо бўлган рубоий турлари араб муҳитида равнақ тополмади.

Ҳар иккала турнинг жаҳонаро шуҳрат қозонишига эса аввал форс-тожик шоирлари, кейинчалик эса туркий тиллар системасига кирган халқларнинг (ўзбеклар, озарийлар, салжуклар, анатўли турклар, туркманлар, татарлар) шоирлари хизмат қилдилар. Шундай қилиб, дунёда биринчи ғазал ёзган шоир, эрон ва тожик адабиётчиларининг таъкидлашича, устод Рўдакий ҳисобланади. Лекин бу даъво шартлидир. Чунки, Рўдакийнинг ғазал деб қабул қилинган шеърларида, ғазалга хос бўлган баъзи бир белгилар сақланмаган. Маълумки, ҳар бир ғазалнинг сўнгги байтида ёхуд сўнггидан олдинги байтда ғазал муаллифининг номи зикр этилиши шарт. Бундоғ байтни мақтаё ёхуд яна чиройлироқ қилиб «байтул-махлас» дейдилар. Рўдакийнинг ғазалларида эса биз тахаллус кўрмаймиз. Аммо унинг бу лирик шеърлари қасиданинг насиб (муқаддима) қисмидан олинган шеърларга ўхшайдилар. Рўдакий қисман бу йўл билан ва қисман X асрда шаҳарларнинг меҳнаткаш доираларида яратила бошлаган янги қўшиқларнинг таъсири билан ўз замонасида ғазалга энг кўп бориб яқинлашган шеърлар яратдики, бу — унинг ўлмас даҳосига яна бир яққол далилдир.

XII асрдан бошлаб Туркистон ва Хуросон ўлкаларида иқтисодий, маданий ва адабий ҳаётнинг анча жонланиши адабиётда янги турларнинг равнақига имкон очиб берди. Ҳақиқатан феодал зўравонлигига қарши қаратилган шаҳар лирик поэзиясида ва ғазалларда биз ҳунарманд косиб, фақир-фуқароларнинг кўп ички кайфиятларини сезамиз. XII аср жаҳон адабиётида форс-тожик тилида ижод қилиб турган ўнлаб буюк шоирларни бахш этди. Санойий, Авҳадий ва Аттор каби машҳур сўфий шоирлар билан бир қаторда Абулфараж Руний, Муъизий, Адиб Собир Тирмизий, Сузани Самарқандий, Амъақ Бухорий, Рашид Ватвот, Низомий, Хоқоний, Анварий сингари дунёвий шоирлар ҳам яшаб ижод этганлар. Ўзбек заминида биринчи ғазалларни тажриба қилиб кўрган «Муҳаббатнома» муалли-

фи (XIV асрнинг биринчи ярми) бу соҳада ғоят пухта ва забардаст бир шоир экани бу асарга кирган ғазалларда аён кўринади. Ўз она тилида тамомила янги бир шаклини шундай муваффақият билан бошлаб юбориш ўз-ўзидан шунинг исботлаб турибдики, бу шоиримиз «Муҳаббатнома» дан аввал ҳам анча вақтлар шеърини ижод билан ва айниқса ғазалнавислик билан шуғулланган. Чунки, «Муҳаббатнома»га киритилган ғазалларда бу лирик тур учун шарт бўлган барча талабларга риоя қилинган. Аммо уч гул билан баҳор келмаганидек уч-беш ғазал билан ҳам бир халқнинг буюк лирик сармоясини яратиб бўлмайди. Ўзбек ғазалининг соғлом негизини вужудга келтиришда Амирий, Лutfий, Атоий, Сақкокий катта заҳмат чекиб, бу турнинг шеърятимизда тўла ҳуқуқли бир навъ бўлиб яшашига шароит яратдилар. Урта асрнинг адабиётшунослари ўз вақтида ғазалнинг тўла таърифини аллақачон ишлаб берганлар. Классик поэтиканинг пири ҳисобланган Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розий ўз «Китобул-Муъжам»ида шундай ёзган (XIII аср): «Ғазалнинг луғавий маъноси — аёллар ҳақида гапириш, уларга нисбатан бизнинг вужудимизда пайдо бўлган хушторликни ва севгини сўйлаб бериш дегани бўлади. Ғазалнавислик катта ишқибозлик натижасида пайдо бўлади...

Кўп шоирлар маъшуқ жамолининг зикрини ва севги ҳамда жазманлик даражасининг тасвирини ғазал деб атайдилар. Аммо бўлак бир шахснинг мадҳида тўқилган муқаддималарни насиб деб атайдилар. Ғазал ёзишдан мақсад жонга роҳат ва дилга ҳаловат келтиришдир. Бинобарин, ғазал ёқимли, маъқул, ширин бир вазнда, очиқ, ойдин ва нафис сўзлар билан олижаноб фикрларни куйлаши лозим».

Шамс Қайснинг бу таърифи ҳамма адабиётшунослар ва шоирлар томонидан бир дастур (қўлланма) бўлиб қабул этилган эди. Фақат бир қанча вақт ўтгандан кейингина Қабул Муҳаммад ўз «Хафт Қулзум»ида ғазалнинг махсус поэтик белгиларини ишлаб берди. «Билиб қўйки,— дейди

у,— ғазал деб лўғатда аёлга бўлган муҳаббатнинг тасвири-
ни айтадилар. Бу сўзни истилоҳ (термин) сифатида олиб
кўрадиган бўлсак, бир вази ва бир қофия асосида тузилган
бир қанча байтларни ғазал деб юритадилар. Аммо, шу
шарт биланки, биринчи келган икки мисра қофияланиши
керак. Уни «матлаъ» ва «мабдаъ» дейдилар. Сўнгги байтни
мақтаъ ва хотима деб атаганлар. Шуниси ҳам шартки, ға-
залнинг ҳажми 12 байтдан ошиб кетмасин. Аммо 19 байт-
лик ғазал айтиб қўйган айрим шоирлар ҳам йўқ эмас...
Сўнгги даврнинг шоирлари ўртасида йигирма бир байт
ғазал ёзган шоирлар учрайди. Лекин ғазалнинг
ҳадди 19 байтдан ошмаслиги жуда маъқул ва мақбул. Ға-
залда, кўпинча севгилининг жамолини зикр этмоқ, севган
кишининг кайфиятларини тасвирламоқ кўзда тутилади.
Панду насиҳатлар ҳам ваъзхонлик эса шеърятнинг бўлак
турларида кор қилади. Ғазалда гап нимадан бошланган
бўлса ўша ҳолат билан тугалланиши керак. Шеър бошида
висол ҳақида гап кетса, хотимада ҳам гаплар висол тўғри-
сида бўлмоғи, айрилиқ ҳақида кетса пировардида ҳам шу
ҳақда сўз бормоғи шарт. Ғазалнинг байти суст ва бўш бўл-
маслиги керак. То ғазалнинг охиригача ҳар байт ўзидан
илгариги байтлардан қаттиқ ажралиши ва албатта юксак
туриши керак».

Лекин эрон-тожик ва бора-бора турк, ўзбек адабиётла-
рининг тараққиёти ғазалнинг доирасини, имконини ва қа-
нотларини кенг очиб юборди. Саъдий Шерозий, Ҳофиз,
Камол Хўжандий, Лутфий, Атоий, Навоий, Бобир, Фузу-
лий каби паҳлавонлар Шарқ ғазалига яшил хиёбонлар
очиб бердилар. Ғазал шеърӣй девонларнинг ҳусни бўлиб
қолди. Ҳар қандай девон юз фоиз ғазаллардан, ёхуд бир-
икки дебоча, бир неча қасидадан қатъи назар, 80—90 фоиз
ғазаллардан ташкил топар эди. Шу ўн аср давомида (X—
XX асрлар мобайнида) Қашғар қўрғонининг кўҳна қопқа-
ларидан Мароқаш салтанатининг Фос қалъасидаги муқад-
дас кутубхонасигача, Шимолдаги Самарқанд расадхонаси-

нинг нодир қўлёзмаларидан Африкадаги Дорус-Саломнинг очиқ қироатхонасигача карвонлар орқали китоблар, рисоалар, дастнавислар ва булар билан бир қаторда алоҳида ипак тўнга ўралган ғазалиёт девонлари жаҳонгашталиқ қилиб турганлар.

Навойи ҳали ўз буюк эпик асарларини ёзишга (1480— йиллар) киришмасдан олдин моҳир ғазалнавис сифатида Ҳиротда ном чиқарганини, ҳатто унинг баъзи ғазал-мустазодлари Румда, Эронда, Туркистонда куйга тушиб, эл ўртасида барала айтилганини Навойининг дўсти, «Тазкиратуш шуаро» муаллифи Давлатшоҳ очиқ қайд қилиб қўяди.

Шубҳасизки, лирик ижод доирасида энг мураккаб ва масъулиятли тур ғазал ҳисобланиб келган. Албатта, биз бу ажойиб тур ҳақида гап юритар эканмиз, фақат ва фақат яхши, соз, пухта, бутун, лўнда чиққан ўрнакларни кўзда тутамиз. Зероки, ўртача, «бир навъ», «ёвгон» ғазаллар ҳеч қачон на бир тўғри хулосага олиб келиши мумкин ва на маърифий-тарбиявий роль ўйнаши мумкин!

Алишер Навойи дунё адабиётида энг кўп ғазал яратган лириклардан бири ҳисобланади. Лекин тўрт девонни ташкил этаётган лирик асарлар (90 фоизи ғазал)да сиз биронта шароитга мосланиш, хушомад руҳида байтлар тўқиш, дунёдорларга таъзим қилиш ҳолатларини кўрмайсиз. Хонаси келганда шуни очиқ эътироф этмоқ керакки, Навойи ўз мактабдоши, дўсти, маслакдоши Бойқарога ғоят чуқур ҳурмат ва садоқат сақлаган, улар ўртасидаги дўстлик ва ихтилоф ҳозиргача бўлганидан кўра, нозикроқ, мураккаброқ ва холисроқ таҳлилни талаб қилади.

Навойи ғазални виждоний бир бурч маъносида тушунганидан, жамоатчи бўлганидан, ундаги энг нозик ва энг интим сезгиларнинг ҳам тагида ҳаққоний ва мантиқий бир ҳодиса ётади. Бу жиҳатдан олганимизда унинг ўн минглаб ғазаллари худди содиқ сипоҳлардек ғазалхон дилининг бирон нуқтасини эгаллаб олиб ҳамиша шоир билан инсон

ўртасида магнит қудратидай бир ижодий рағбат сақлаб турмоқда. Шоирдаги шу нодир қудратни эътиборга олиб, мен уни ғазал мулкининг султони деб таърифладим.

Ҳа, ғазал классик лирикамиздаги турлар ўртасида энг қийини, энг нафиси, энг мураккаби ва тўғриси айтганда — энг инжиқ туридир. Тасаввур қилинганки, шу асрлар давомида, айниқса, XII асрдан кейин Хуросонда ва XIV—XV асрлардан кейин Мовароуннаҳрда миллион сатрлаб ғазал ёзилган. Шу тўфонли рақобатда енгиб, бирон ғазални шинавандаларга маъқул қилдира билиш шоир учун ғоят мушкул бир вазифа эди.

Ғазалшунос олимларнинг узоқ йиллар давомида олиб борган тарихий тадқиқот ишлари (масалан, доктор Эҳсонёр Шотирнинг «Шеърҳои форсий дар аҳди Шоҳруҳ» тўққизинчи асрнинг биринчи ярмиси, 1334 ҳижрий, 1955 м., Техрон) XV асрдаги форс шеърҳои ҳақида гапирса-да, унинг умумий характеристикалари эндигина Ҳиротда ва Самарқандда кўтарилмаётган ўзбек шеърига ва шоирларига ҳам тааллуқли бўлиши мумкин.

Доктор Эҳсонёр классик даврда (Шоҳруҳ даври, биз учун Улуғбек даври ва ундан кейин ҳам) ғазалларни уч қисмга бўлади (бир қанча бўлак олимлар ҳам шу тақсимога қўшиладилар). Эҳсонёр тақсимои шулардан иборатдир: 1. Ошиқона ғазаллар; 2. Орифона ғазаллар; 3. Қаландарона ғазаллар.

Бу тоифа ғазалларнинг ҳар бирида ўзига хос жонли мисоллар ва қондалар мавжуд эди.

Тадқиқотчи ҳар қайси йўналишни таъқиб қилиб бориб, буларда ўзларига хос қизиқ ҳолатлар кўради. Масалан, орифона ғазалларнинг мазмуни вужуд бутунлиги (тангри) бўлиб, тасаввуфнинг маънавий таянчини ташкил этади. Ваҳдати вужуд (ёхуд вужуд ваҳдати) бутун ғазалга тафсилот, суратлар, деталлар бахш этиб беради. Бу хил ғазалларнинг образлари ҳам, йўналиши ҳам бошқа оқимлардан тамомила айрилади. Обид ва маъбуд, ошиқ ва маъшуқ,

қосид ва мақсуд, нозир ва манзур, холиқ ва махлуқ, толиб ва матлуб, маст ва махмур, шоҳ ва дастур, фоний ва боқий, одам ва олам, Мусо ва Фиръавн, зоҳир ва ботин, зарра ва офтоб ва ҳоказолар орифона лирикани чуқур озиқландириб туради.

Орифона ғазаллар шу билан кифояланмайди. Чунки, «Тавҳиди ҳақ» (тангри билан бирлашув) орзуси сўфийга тинчлик бермайди. Бунда ҳам анча шартларни бажариш керакки, буларнинг баёни мақоламизни тегишли ҳажмдан чиқариб қўйиши мумкин. Биз, одатда классик лирикада тасаввуф масаласини ҳалигача ибтидоий бир неча даъво билан қоплаб ўтиб кетамиз. Ҳолбуки, ғазалда тасаввуф унсурларини тўғри кўра билиш ва уларни шоирнинг муҳити, истеъдоди, дунёқараши билан боғлаб бир манзара яратишимиз лозим. Сўфиёна ва орифона ғазалларда «Аналҳақ Мансур Халлож!», «Маъшуқнинг жилваси», «Таъзими ишқ», «Ақл заифлиги», «Мастлик ва шайдойилик» каби анъанавий сўзларнинг луғавий ва мажозий маънолари ғазалхон олдида аниқлангандан кейин, у ошиқона либосларга ўралган урфон, билим, маърифат, муҳаббат каби тушунчаларни булар билан омукта қилиб, ўзига сингдириб олади. Навоийнинг устозларидан Қосим ал-Анвор Табрзийнинг ва Неъматулла Валининг кўпчилик ғазаллари шу гуруҳга киради. Алишер Навоий ўз даврининг кўп муҳим оқимларидан бири бўлган тасаввуфнинг нақшбандия мактабига хайрихоҳлик билдирган, кўп сўфий терминларини ўз ғазалларида ишлатган, бироқ у Абдурахмон Жомийга ўхшаб тасаввуф низомномаси билан боғланмаган.

Шоирнинг шу маъноли ғазалини эслайлик:

Мени ўлтургай эди муғбачаларнинг алами,
Дайр пирининг агар бўлмаса эрди карами.

Маълумки, харобат — кайф-майхона-пир ва муғбачча орқали даҳрийлик кайфиятларини куйлаган Навоий замона

тўғрисида бу ерда катта умумийлаштирма ясаб, ўз замондошларини инсонпарварлик ва меҳрибончилик томон чорлайди.

Ҳар дам, эй аҳли замон, майли ситам
қилмангким.

Ҳар нечаким деса бас бизга замоннинг
ситами.

(IV девон)

Диққат қилинса, шоир ўз замонасида ҳаёт ноҳақлик, ноинсофлик билан давом этаётганлигини одамларга уқдиргандан кейин, замондошларини зулму-ситам усулини йиғиштириб қўйишга чақиради.

XV асрдаги қаландарона ғазалларнинг асосий қуйлари, дарвишлик (риндлик) ва мастликни мақташ, зоҳид ва сўфилар устидан кулиш, майхона, бода ва соқийни улуғлаш, дунёни бир жом шаробга сотиш. Тавбани бузмоқ, тўнни (жомани) майхонада гаровга қолдирмоқ, масжидни тарк этмоқ, пири муғонга камарбасталик, соқийга маҳлиё ва мафтун бўлиб, ўзини йўқотмоқ — қаландарона поэзиянинг асосий мазмунини ташкил этади. Жаҳл, қайсарлик ва ўзига ортиқча бино қўйишнинг надомати ҳам қаландарлар поэзиясининг севиб ёқтирган мавзуларидан бўлган. XV асрда яшаган темурийлар қаторида энг романтик фигура саналган ва ўзи машҳур Шодимулк хонимнинг севган ёри бўлиб, у туфайли тахту тождан воз кечган Халил Султоннинг ўз ўлими олдида айтган шу байгини ҳам доктор Эҳсонёр қаландарона ғазалдаги матлаъ деб келтиради:

Гуфтам бажоҳили, накашад кас камони мо,

Марг омаду кашид-каж омад гумони мо.

(Жоҳилликда деган эдим, ҳеч ким тортмас камонимни,

Улим келди, ёним тортиб адаштирди гумонимни).

Қаландарона ғазалларнинг унутилмас намуналарини яратган Навоий ўз она тилисидаги адабиёт учун шу қадар катта хизмат қилганки, классик поэзия бўйича шуғулланувчи ҳар бир олим ўз истаган тезисини исботлаш учун шоирдан истаганича мисоллар топиб ола олади.

Ошиқона ғазалларнинг асосий мазмуни бир таъбир билан айтганда ошиқнинг ялиниши ва маъшуқнинг жабру жафосидан шикоятдан иборат бўлган ва, албатта, бунинг устига маҳбубнинг жамоли асосий ўринни эгаллаб олган...

Ошиқона ғазалларни текширган олимлар сўнги вақтларда анча иш қилиб (Эрон, Покистон, Ҳиндистон), классик маъшуқ образини реалистик тарзда ечишга уриндилар.

Ошиқона ғазалда ошиқ образи доимо барча имкониятлардан маҳрум, бенаво, ожиз, содда, гўл, ақли паст, даъвоси йўқ қувғин, хоксор бўлиб тасвирланади.

Нега ахир шундай?

Маъшуқ ошиққа минг зулм қилса ҳам майли, лекин, ошиқнинг энг кескин эътирози бир бурчакда ўтириб кўз ёшларини оқизишдан иборат, холос. Ошиқ (шоир) образи классик поэтикада гоҳ муболағанинг камдан-кам қўлланилиб турган даражасига (ғулув даражасига) бориб етади ва одамлар бу хил ёзилган шеърларни масхаралаб «сағия» (итона) шеърят деган гап ҳам тўқиганлар.

Агар классик лирикадаги маъшуқ (севилувчи) образининг барча характерли сифатларини бир жойга тўпла сангиз, сизни даҳшат қоплайди.

Кўзингиз олдида бир дилбар пайдо бўладики, унинг қилиб турган иши зулм, ситамгарлик, бешафқатлик.

Кўзингиз олдида шундай бир жонон жилваланадики, у ўз хоҳишига қараб бир мамлакатни барбод бериши мумкин. У — бевафо, ёлғончи, қасам бузар, гиначи.

Ниҳоят, ошиқона ғазаллар сизга очиб берган дилбар худком, қўпол, бадмуомала, доимо сизни — хор, рақибларни — азиз қилиб келган маккор инсондир.

Хўш, бўлмаса, нега ошиқ — мухлис — шоирлар асрлардан бери шу деспотик (истибдодчи) жононни мақтаб-мақтаб минг дакки ва туртки еганда ҳам ёр остонасида бандалик қилиб ўтирибдилар.

Бунинг устига маъшуқ (ғазалдаги гоҳ бош, гоҳо иккинчи образ) ўз жазманларига нисбатан қўллаган жазо қуроллари ҳам ҳеч бир хоним ёхуд дилбарнинг «туалети» га хос эмас. Дилбарнинг зулфи — каманд ёки занжир, қошлари — ёй, киприклари — ўқ, қарашлари — пайкон ва ҳоказо...

Эрон, Покистон ва Ҳиндистон олимларидан баъзи бирлари бу саволга ўзларича жавоб берганлар. Аммо ахлоқий, мантиқий ва тарбиявий баъзи бир мулоҳазаларни эътиборга олиб ва бу изоҳларнинг етарли илмий савияда бўлмаганини хотирда тутиб, биз бу масалани ҳозирча шундай қолдирамиз ва яқин ўртада ғазал ҳақида нашр этилгуси монографиямизда бу хусусда батафсил тўхташга ҳаракат қилиб кўрармиз. Лирикадаги бу феодал — тажовузкор образларни ҳозирча анъана деб қўя қоламиз. Лекин шу жавобнинг чала эканини ҳам сезиб турибмиз.

Буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг бир фазилатини яна шу муносабат билан қайд қилиб ўтишимиз керакки, унинг минглаб байтларидаги маъшуқага берган баҳоларида «хунрезлик», «жаллодлик», «шаддодлик» белгилари эмас, балки кўпроқ юмшоқроқ чизиқлар ва бевосита инсоний муносабатлар асосий ролни ўйнайди.

Ғазал бобида кўпинча мубоҳасага сабаб бўладиган масалалардан бири шу: ғазал ўзи воқеабанд (яъни сюжетли) асарми? Ғазал учун бу шартми? Ғазалда сюжет (воқеа) бўлмаслиги унинг нуқсоними?

Маълумки, ғазални классик поэтикада муттаҳидул қофия» (яъни бир қофия негизда тузилган «як қофиячи») асарлар қаторига киргизганлар. Бироқ барча ғазалларда бир воқеа, бир сюжетга риоя қилиб бутун бир асар яратиш ҳеч қайси шоирга муяссар бўлган эмас. Лекин

кимки бир бутун воқеага банд қилиб ғазал яратган бўлса, бундай ғазалларга **ЯҚПОРА** ғазал деб ном қўйганлар. Алишер Навоийда шу хил якпора ғазаллардан юзлаб топиб ажратиш мумкиндир.

Биз бу мақола доирасидаги тор имкониятдан фойдаланиб, шоирнинг битта якпора ғазалини табаррук юзасидан шу ерга қўчириб ўқувчиларимизга ҳавола қиламиз.

Иситқон, нозанин, жисминги, тердин тушти тоб ичра.

Эрур бир оташин гул баргиким, ётқай гулоб ичра.

Иситма ранжидин, эй гул, бўлубсен ғунча андоқким.

Ҳариру ҳуллалиқ, жисминг тушубтур печу тоб ичра.

Исиғлиғдин танинг ўт бўлди, тонг йўқ, неча толпинса,

Ҳароратдин қолибтур шуъла доим изтироб ичра.

Қизил чодаршабу мовий тўшаклар ичра титрарсен,

Анингдекким қуёш кўклар била гулгун саҳоб ичра.

Лабинг ёқути ичра қатра-қатра термидур, ёхуд

Тушубтур дона-дона инжу икки лаъли ноб ичра.

Дедиларким, хароб ўлмиш иситмоқ бирла жононинг,

Не ўтларким бу сўздин тушмади жоми хароб ичра.

Не кун бўлғай янги ойдек танинг бўлғай, тўлун, эйким,

Тўла соғар чекарга базм тушсанг моҳитоб ичра.

Узумни соқиё, соғ истаман, тутқил тўла соғар-

Ки, чархи мунқалиб давронни истар инқилоб ичра.

Навоий, ёрни топсанг саломат хайрбод этким,

Яна заъф этса ногаҳ, қолмағай жонинг азоб ичра.

Бу том маъноси билан воқеабанд шеърда, яъни якпора ғазалда бутун бир лавҳа мавжуддир. Шоир ўз қаламининг шафқатли ранглари билан ётоқда хаста бўлиб ётган бир ёрнинг қийналишларини енгил бўёқларда тасвирлайди. Ғазални эски анъаналарга хилоф қилиб, уни бошлагандаги кайфият (хасталиқ кайфияти) билан тамомламайди, балки аксинча тескари ҳолат билан (тузалиш башорати билан) тугаллайди.

Бу мисолнинг ўзидагина Навоий ғазалларининг аксар

қисмига хос бўлган бир хислатни буюк ҳурмат билан қайд этишимиз керак. У ҳам бўлса унинг ғазалларидаги кескин, чуқур, тинимсиз ва гуманистик драматизмдир. Бутун ҳаётнинг, даврнинг, тарихнинг тўхтовсиз тўқнашув ва ўзгаришлардан иборат бўлганини чуқур англаган Навоий юқорида мисол келтирилган ғазалнинг 8-байтида «Чархи мунқалиб давронни истар инқилоб ичра» (яъни: ўзгариб турган коинот (фалак) давроннинг ҳам доимо инқилоб ичида қайнаб туришини талаб қилади) дейиши билан доҳиёна фикр баён қилган.

Дадил айтиш мумкинки, Навоий ўз лирик шарҳлари билан инсонга инсониятни қайтаришга, аёлларга назокатни, ошиқларга шон ва шавкатни қайтариб беришга кўп ҳаракат қилди. Бунинг яққол мисоли юқоридаги ғазалда ёр образига берилган характеристика ва бадий тафсилотларнинг юксак назокат, завқ ва эстетик дид билан ишланганида кўринади.

Бироқ Навоий ва бошқа буюк шоирлар ҳам ҳамма ғазалларини якпора қилиб ишлашга уринмаганлар. Шунда ғалати бир вазият туғилиб қолган: ғазалларнинг мутлақо якпора бўлиши шарт эмаслиги қаландарона ғазалларда ишқий ва фалсафий бирон фикрни, ёхуд орифона бир ғазалнинг истаган байтида шоир ўз истаган ижтимоий, сиёсий репликасини бермоқ имкониятига эга бўлади. Чунки ғазалнинг якпора бўлмаслиги унинг ички имкониятларини анча кенгайтирган. Навоий ўзининг публицистик курашида ғазалларнинг худди шу хусусиятидан кенг фойдаланган.

Ниҳоят, ғазал устозларини қизиқтирган азалий масалалардан бири ғазалнинг ҳажми, унинг камида неча ва кўпи билан қанча байтдан иборат бўлиш масаласи бўлган. Поэтикага доир илгари ёхуд сўнги даврларда ёзилган асарларни кўздан кечирсак, аксарият ғазалнинг 5—15 байт доирасида туришини маъқул деб билганлар. Бунинг жони бор.

Чунки, турли замонларда, турли муҳитда яшаган санъатшунослар ҳар бир бадий асарнинг таъсир кучи, имкон томонларини ўйлаганлар.

Навоийнинг шарафига айтиш керакки, у шеърда эзмачиликнинг, узун манзумаларнинг, айниқса лирикада кўп байтбозликнинг ғазалхонни зериктиришини яхши сезган. Ўзининг бир қитъасида шу тўғридаги талабини жуда конкрет ва чиройли қилиб баён қилган:

Навоий шеъри тўққиз байту, ўн бир байт, ўн уч байт-
Ки, лавҳ узра қалам зийнат берур ул дурру макнундин.
Бу ким албатта етти байтдин ўксук эмас, яъни
Таназул айлай олмас рутба ичра етти гардундин.

Кўриниб турибдики, шоир учун ғазалнинг ҳажми кўпи 13 байт, ками — 7 байт бўлмоғи лозим. Навоий бу айтган қондасига доимо риоя қилган ва шоирнинг ижодий интизомини англаш учун бу жуда муҳимдир.

Алишер Навоий сингари буюк сиймонинг юбилей саналари ўзи ҳам юртнинг моддий-маънавий ҳаётида чуқур из қолдирадиган катта ҳодиса каби жаранглайди. 1948 йилда, уруш туфайли анча кечиктирилган бўлса-да, мамлакат бўйлаб ўтган Навоий тўйи меросга бўлган муносабатимизнинг доимий барқарор бўлмоғини таъминлади.

Ҳозир Навоийнинг юксак юбилеи кунларида бизни бўлак нарсалар кўпроқ қизиқтирмоғи лозим. 1. Бизнинг замонавий шеър маҳсулимиз кўп, ҳаддан ошиқ кўп ва сўлғун мисралар китоб бозорини қоплаб ётибди. Ҳолбуки уларга қўйилатурган талабларимиз бўш, ғайри жиддий, адабий малака даражасидан анча пастдир. Навоий даврида битта ғазални баҳолаш учун устозлар унинг 10—15 белгисини текшириб кўрар эди. Бизнинг шеършуносларимизга, ноширларимизга, тақризчиларимизга ва лирик шоирларимизнинг ўзларига бу талабчанлик етмайди. 2. Халқимизнинг бадий эстетик завқини кўтаришда ада-

биётимиз ҳали қиладиган ишлари кўп. Чунки, бизнинг шу соҳадаги имкониятимиз илгари сира ва сира тасаввур ҳам қилинмаган. Ҳозир 5 нусхали (агар котиб арзон кўчирган бўлса) девон эмас, 50.000 тиражли тўплам ўртасида қандай муқояса бўлиши мумкин? Аммо қўлимиздаги қудратли воситалардан фойдаланиб яхши шеърни заҳматкаш хонадонларнинг ярашуви қила олдикми? 3. Навоийнинг бутун ҳаёти ва ижоди учун бош масала халқнинг саодати, бахти, эркин истиқболи бўлган. Булар қаторида у она тилининг, туғма туркий (ўзбек) тилининг тақдири, қудрати, ҳурмати, обрўи ҳисобланган. Навоий юбилейи кунларида биз маданий қурилишимизнинг шу томонига, тил маданиятининг ҳал бўлмай ётган проблемаларини ҳал қилмоққа каттароқ аҳамият берсак, буюк шоирнинг руҳи хурсанд бўладиган вазифаларни бажарган бўлуригимиз!

(«Совет Ўзбекистони», 18 декабрь, 1965)

МУНДАРИЖА

Классик адабиётимизнинг улуғ сиймоси	5
Илму маърифатнинг жўшқин куйчиси	12
Бобир ва Навоий	20
Навоий ижодида фольклор мотивлари	23
Навоийда адлу инсоф масаласи	29
Геннал шоир (<i>рисола</i>)	47
Сўз боши ўрнида	47
I	
Навоийнинг сиёсий қарашлари	48
II	
Навоийда гуманизм	53
III	
Навоий ижодида аёл образи	58
IV	
«Хамса»да муҳаббат проблемаси	69
V	
Навоий — ўз даврининг энг маданий киши	78
VI	
Навоий илмпарвар	82
VII	
Навоийда ватанпарварлик ва интернационализм	96

VIII

Навой ва ёшлик	97
--------------------------	----

IX

Навой ва замонамиз	99
Юксак ғоялар ва чуқур туйғулар куйчиси	106
Навойнинг Самарқандда кечирган кунлари	119
«Ҳайратул аброр» ҳақида	125
Улмас ошнолар	139
Навойнинг лирик қаҳрамони ҳақида	156
Алишер Навой лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида	195
Устоднинг санъатхонасида	216
Биринчи мақола	216
Иккинчи мақола	234
Учинчи мақола	262
Тазкирачилик тарихидан (<i>Алишер Навойнинг оварбайжонлик тазкирачи шогирди ҳақида</i>)	295
Асрлар оша	347
Навой ғазалларидаги бир фазилат ҳақида	353
Ғазал мулкининг султони	356

На узбекском языке

М. Шайхзаде

СОЧИНЕНИЯ В VI ТОМАХ, ТОМ II

Редактор Ҳ. Пулатов

Рассом Э. Исҳоқов

Расмлар редактори И. Циганов

Техн. редактор М. Мирқосимов

Корректор Ш. Собирова

Босмахонага берилди 16/III-1972 й. Босишга рухсат
втади 23/IV-1972 й. Формати 70×108¹/₃₂. Босма л.
11,625. Шартли босма л. 16,27. Нашр. л. 15,26.
Тиражи 10 000. Р. 09489. Фафур Гулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси
30. Шартнома № 20—72.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат
комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида № 1
қоровига босилди. Тошкент, Навоий кўчаси 30.
1972 йил. Заказ № 1734. Баҳоси 1 с. 3 т.

Ш 18

Шайхзода Мақсуд.

Асарлар. 6 томлик. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

Т. 4. Ғазал мулкининг султони. (Алишер Навоий ҳақидаги
тадқиқот ва мақолалар мажмуаси). Нашрга тайёрловчи Н. Маллаев.
1972. 372 б.

1. Навоий Алишер, унинг ҳақида.

Шайхзада М. Сочинения. В 6-ти т. Т. 4.

Индекс 7—2—2

Ўз2